



ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ
НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ЖАМОАТФОНДИ

ТОМОРҚА - ДАРОМАД МАНБАИ

Ўқув услубий қўлланма

**65.321..4
Ф49**

**ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ
ФОНДИ МОЛИЯВИЙҚЎМАГИДА
ЧОП ЭТИЛДИ.**

Масъул муҳаррир: Қ.Куранбаев

Тузувчилар:

О.Таджиев, С.Қулмирзаев, М.Иноятов,
3.Абдисатторов, И.Сафаров (mehnat.uz, agro.uz сайтлари
маълумотларидан фойдаланилди)

Томорқа – даромад манбай / масъул муҳаррир Қ. Қуранбаев;
тузувчилар О.Таджиев, С.Қулмирзаев, М.Иноятов, 3.Абдисатторов;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон ёш фермерлари Кенгаши. – Т.:
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи нашриёти, 2017. -187 бет.

ББК 65.321.4

ISBN 978-9943-06-092-0

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Нашриёти, 2017 йил.**

МУНДАРИЖА

КИРИШ СҮЗИ..... 7

Қ.Қ. Қуранбаев - Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши раиси

I БОБ. САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

1.1	Пиёз етиштириш.....	9
1.2	Картошка етиштириш.....	10
1.3	Шолғом етиштириш.....	12
1.4	Турп етиштириш.....	13
1.5	Оқбош карам етиштириш.....	14
1.6	Редиска етиштириш.....	15
1.7	Петрушка етиштириш.....	16
1.8	Салат барг етиштириш.....	17
1.9	Укроп етиштириш.....	18
1.10	Кашнич етиштириш.....	19
1.11	Сабзи етиштириш.....	20
1.12	Ош лавлаги етиштириш.....	21
1.13	Бодринг етиштириш.....	23
1.14	Помидор етиштириш.....	24
1.15	Булғор қалампир етиштириш.....	26
1.16	Аччиқ қалампир етиштириш.....	28
1.17	Бақлажон етиштириш.....	29
1.18	Саримсоқ етиштириш.....	30

II БОБ. ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

2.1	Қовун етиштириш.....	32
2.2	Тарвуз етиштириш.....	34
2.3	Қовоқ етиштириш.....	35

ШБОБ. МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

3.1	Олма парваришилаш.....	37
3.2	Нок парваришилаш.....	39
3.3	Бехи парваришилаш.....	41
3.4	Ўрик парваришилаш.....	43
3.5	Шафтоли парваришилаш.....	44
3.6	Олхўри парваришилаш.....	46
3.7	Гилос парваришилаш.....	48
3.8	Ток парваришилаш.....	49
3.9	Хурмо парваришилаш.....	52
3.10	Анор парваришилаш.....	53
3.11	Анжир парваришилаш.....	55

IV БОБ. ЧОРВА ҲАЙВОНЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

4.1	Буқаларни парваришилаш.....	56
4.2	Сигирларни парваришилаш.....	57
4.3	Отларни парваришилаш.....	59
4.4	Тұяларни парваришилаш.....	61
4.5	Құйларни парваришилаш.....	63
4.6	Әчкіларни парваришилаш.....	64
4.7	Қүёнларни парваришилаш.....	65
4.8	Товуқларни парваришилаш.....	67
4.9	Куркаларни парваришилаш.....	68
4.10	Фозларни парваришилаш.....	70
4.11	Үрдакларни парваришилаш.....	71
4.12	Беданаларни парваришилаш.....	72

V БОБ. УЙ ШАРОИТИДА АСАЛАРИ ОИЛАСИНІ БОҚИШ

5.1.	Уй шароитида асалари оиласини боқиши.....	74
------	---	----

VI БОБ. ЦИТРУС МЕВАЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

6.1	Лимоннинг хусусиятлари.....	78
6.2	Апельсиннинг хусусиятлари.....	79
6.3	Мандариннинг хусусиятлари.....	80
6.4	Грейпфрутнинг хусусиятлари.....	80

VII БОБ. ГУЛЛАРНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

7.1	Атиргул ўстириш.....	82
7.5	Чиннигул ўстириш.....	84
7.3	Гладиолус ўстириш.....	86
7.4	Хризантема ўстириш.....	87
7.5	Лола ўстириш.....	89
7.6	Доривор ширинмия ўстириш.....	89

VIII БОБ. ДОН, ДУККАКЛИ ҲАМДА МОЙЛИ ЭКИНЛАРНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

8.1	Кузги буғдой етиштириш.....	92
8.2	Шоли етиштириш.....	93
8.3	Ерәнғоқ етиштириш.....	95
8.4	Кунгабоқар етиштириш.....	96
8.5	Мош етиштириш.....	98
8.6	Нұхот етиштириш.....	99
8.7	Ловия (Хитой ловияси) етиштириш.....	100
8.8	Кунжуд етиштириш.....	101

IX БОБ. ЕМ-ХАШАК ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

9.1	Беда етиштириш.....	102
9.2	Маккажүхорини асосий экин сифатида етиштириш.....	105
9.3	Жүхорини асосий экин сифатида етиштириш.....	107

Х БОБ. ИССИҚХОНАЛАР ҚУРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР

10.1	Ёпик далада помидор етиштириш	108
10.2	Ёпик далада ширин қалампир етиштириш.....	122

ХІБОБ. ТОМОРҚАЛАРГА ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАРНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

11.1	Маккажүхорини такрорий экин сифатида етиштириш.....	125
11.2	Жўхорини такрорий экин сифатида етиштириш.....	126
11.3	Озуқабоп экинларни такрорий экин сифатида етиштириш.....	127
11.4	Сабзавотларни такрорий экин сифатида етиштириш.....	129
11.5	Вигна (Ловия) ни такрорий экин сифатида етиштириш.....	132
11.6	Кунгабоқарни такрорий экин сифатида етиштириш.....	133
11.7	Ловия (Фасол) ни такрорий экин сифатида етиштириш.....	134
11.8	Маржумакни такрорий экин сифатида етиштириш.....	135
11.9	Мошни такрорий экин сифатида етиштириш.....	136
11.10	Сояни такрорий экин сифатида етиштириш.....	137
11.11	Тариқни такрорий экин сифатида етиштириш.....	138
11.12	Ясмиқни такрорий экин сифатида етиштириш.....	139

ХІІ БОБ. ТОМОРҚАЛАРГА ОРАЛИҚ ЭКИНЛАРНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

12.1	Бурчоқни оралиқ экин сифатида етиштириш.....	140
12.2	Викани оралиқ экин сифатида етиштириш.....	141
12.3	Кўк нўхотни оралиқ экин сифатида етиштириш.....	142
12.4	Хомаки кўк нўхотни оралиқ экин сифатида етиштириш.....	143
12.5	Кузги рапсни оралиқ экин сифатида етиштириш.....	144
12.6	Кўноқни оралиқ экин сифатида етиштириш.....	145
12.7	Махсарни оралиқ экин сифатида етиштириш.....	146
12.8	Сулини оралиқ экин сифатида етиштириш.....	147
12.9	Хантални оралиқ экин сифатида етиштириш.....	148
12.10	Ясмиқни оралиқ экин сифатида етиштириш.....	149
12.11	Кузги вика+сулини оралиқ экин сифатида етиштириш.....	150
12.12	Хашаки лавлагини оралиқ экин сифатида етиштириш.....	150

ХІІІБОБ. ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАР

13.1	Жийданинг хусусиятлари.....	151
13.2	Ёнғоқнинг хусусиятлари.....	154
13.3	Анжирнинг хусусиятлари.....	157
13.4	Тут мевасининг хусусиятлари.....	159
13.5	Зайтуннинг хусусиятлари.....	165
13.6	Маймунжон (Малина) нинг хусусиятлари.....	170
13.7	Кўзиқориннинг хусусиятлари.....	170

XIVБОБ. ТОМОРҚАЧИЛИК СИРЛАРИ

14.1	Томорқачиликнинг тўққиз қоидаси.....	174
14.2	Мевали дараҳтларни ёшартириш.....	176
14.3	Дараҳтларни буташ тартиблари.....	177
14.4	Дараҳтларни каллаклаш тартиблари.....	178
14.5	Мевали дараҳтларга шакл бериш тартиблари.....	178
14.6	Мевали дараҳтларни совуқдан химоялаш.....	181

*Ер эгаларининг билим ва тажрибаларини ошириши, уларни зарур
маялумот ва ахборотлар билан таъминлаши тизимини
ривожлантириши, соҳага замонавий технологияларни
кенг жорий этиши зарур.*
Ш.Мирзиёев

КИРИШ СЎЗИ

Ўзбек хонадони учун бир парча ер азалдан қадрли бўлган. Чунки у нафакат оила даромадига даромад қўшади, балки эл-юрт фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Айни шу жиҳатдан ҳам истиқтолнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолига томорқа учун ер ажратиб берилгани жуда катта аҳамиятга эга тарихий қарор бўлган эди.

Ўтган йиллар давомида давлатимиз томонидан Қонунлар, муҳим фармон ва қарорлар, давлат дастурлари қабул қилиниши ҳамда уларнинг ижроси изчил бажарилиши фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъектлар сифатида шаклланиши ва ривожланишини таъминлаб берди.

Бунинг натижасида, мамлакатимиз нафакат ўзининг 32,5 миллионлик аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлади, балки озиқ-овқат экспорт қиласидан саноқли давлатлардан бирига айланди.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсиш суръати йилига ўртacha 9-10 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, маҳсулотнинг экспорт ҳажми ҳам йилдан-йилга ортмоқда.

Сўнгги 5 йилда мамлакатда озиқ-овқат соҳасини жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш унинг хом ашё базасини кенгайтириш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини берди. Жумладан, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,6 бараварга, гўшт маҳсулотлари – 1,4 бараварга, сут маҳсулотлари – 1,4 бараварга ошди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан ривожланишимизнинг янги босқичида қабул қилаётган муҳим Фармон ва қарорлар соҳани янада ислоҳ қилишга қаратилмоқда.

Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш, жумладан, Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг энг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг фаолиятини тубдан

такомиллаштиришга қаратилган Фармони ҳамда ушбу Фармон ижросини тұлық ва сифатли ташкил этиш мақсадида қабул қылған Қарорлари ҳаракатлар стратегиямизда белгиланған вазифаларни тұла ижросини таъминлашга қаратилған ҳамда тизимли ва таркибий ислоҳотларнинг янги босқичи ҳисобланади.

Айни пайтда, ер ва сув ресурслари чегараланғанлиги, иқlim үзгариши, урбанизация, табиий талофатлар, ахоли сонининг ошиб бориши бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини биринчи даражадаги муаммога айлантириди.

Юртимиз ахолисини сифатли ва етарли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга ҳисса қўшиш, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун ер эгаси сифатида ҳар бир томорқа ер эгаси, фермер ва дехқон хўжаликлари қишлоқ хўжалигининг барча соҳа ва йўналишларини замон талаблари асосида ривожлантиришга фидоийлик билан ёндошиши ҳамда бугунги фаолиятини тубдан ўзгартириши зарур.

Эндиликда “Томорқа – қўшимча даромад манбаи!” шиорини қишлоқ ахолиси орасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ер эгаларининг кундалик фаолиятига сингдириш масаласи бугун юрт келажагини ўйлаган ҳар бир фаолнинг, айниқса, маҳаллий Кенгаш депутатлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари, мамлакатимизда фаолият қўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиш керак.

Айни пайтда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон ёш фермерлар Кенгаши фермер, дехқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, илфор дехқон ва фермерларнинг тажрибаларини оммалаштириш, улар фаолиятига хориж тажрибаларини жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Соҳанинг етук мутахассилари, олимлар билан ҳамкорликда ишланған ушбу ўқув-услубий қўлланма ҳам айнан шу мақсадида тайёрланди.

Қўлланмада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан сабзавотлар, мевалар, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг энг илфор тажрибаларига оид кенг қамровли маълумотлар берилған бўлиб, томорқа ер эгалари, фермер ва дехқон хўжаликлари учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қиласи деб ҳисоблаймиз.

Қ.Қ. Қуранбаев
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгашираиси

I. БОБ. САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

ПИЁЗ ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Пиёз иштаҳани очувчи, овқат ҳазм қилувчи суюқлик ажралиб чиқиши ва қон айланишини яхшиловчи, маза берувчи сабзавот ҳисобланади. У шакар, оқсил, биритиравчи тўқима, минерал моддалар, эфир ёғлари ҳамда кўп микдордаги (С, В₁, В₂, РР) дармондориларга эга.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар. Пиёзни маҳаллий шароитда яратилган эртапишар Сумбула, Оқ дур, ўртапишар Истиқбол, Зафар навлари тавсия этилади.

Уруғ танлаши. Экиладиган уруғ тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун ва тўла бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғларидан ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаши. Пиёз экиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан яхшилаб тозаланади. Тупроқ 20–25 см чуқурлиқда юмшатилади, йирик кесаклар майдалангач, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади.

Экиши муддати. Пиёз уч муддатда – эрта баҳорги, ёзги-кузги ва тўқсонности қилиб экилади. Баҳорги муддатда пиёз уруғи жанубий вилоятларда 5–25 январ, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 20 феврал–10 март, шимолий минтақаларда 5–25 март, тўқсонности муддатда марказий минтақада жойлашган вилоятларда 15 ноябр–15 декабр ва шимолий минтақаларда 1 ноябр–1 декабрда, ёзги-кузги муддатда шимолий минтақаларда 15 август–1 сентябр, бошқа вилоятларда 15 август–10 сентябрда экилади. Пиёз уруғи 10 сотих майдонга баҳорги муддатда 1,2–1,5 кг, ёзги-кузги ва тўқсонности муддатда 2 кг гача сарфланади. Ернинг нишабига қараб қатор оралари 70–90 см ли пушталарга уч-тўрт қатор лентасимон усулда экилади. Уруғлар тупроққа 1,5–2 см чуқурлиқда кўмилади. Уруғлар сепилгандан кейин хаскаш билан тупроқ усти аралаштирилади.

Парваришилаши. Пиёзни баҳорда экиш учун жўяклар кузда олиб қўйилади. Ёзги-кузги ва тўқсонности муддатларда пиёз ўртаги, ёзги сабзавот, картошка ҳамда ғалладан кейин экилади. Пиёз икки-уч марта - дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6–8 см га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор оралари 15–16 см чуқурлиқда юмшатилиб бегона ўтлар йўқотилади.

Ўғитлаши. Пиёз попук илдизли сабзавот бўлиб, илдиз тизими асосан тупроқнинг устки қисмига яқин жойлашган. Шунинг учун у ернинг устки қисмида асосий озиқа элементларни кўп бўлишини талаб қиласди. Бўз тупроқларда ҳар 10 сотихга ўртacha 30 кг азот, 22 кг фосфор ва 9 кг калий бериш керак. Ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда эса 25 кг азот, 20 кг фосфор ва 8 кг калий беришни тақозо этади. Кам шўрланган, тупроқ бонитети паст бўлган ўтлоқи тақир, тақир тупроқларда пиёз етиштирилганда 32 кг азот, 22 кг фосфор ва 10 кг калий бериш керак.


Сугории. Нихоллар униб чиқаётган ва пиёз боши шаклланаётган даврда экиннинг сувга талаби айниқса ошади. Фақат ўсув даврининг охирида ва пиёз бошлари етилган пайтдагина ўсимликнинг сувга бўлган талаби бир оз камаяди. Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда баҳорнинг охири ёзнинг бошларида пиёз ҳар 7–10 кунда суғорилади. Пиёзбоши тўлиқ шакиллангандан кейин экин 12–14 кун оралатиб икки марта суғорилади ва йиғиб-териб олишга бир ой қолганда суғориш тўхтатилади. Сизот суви яқин бўлган жойларда пиёзни ўсув даврида 7–9 марта суғориш лозим.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши курашии. Пиёз пашласи, тамаки трипси, кузги тунлам ва бошқа зааркунандаларга қарши курашда 10 сотихга препаратлардан Каратэ 5% эм.к. (30–40 мл), Моспилан 25% н.кук. (25–30 мл), касалликлардан сохта ун шудринг, илдиз чириш, мозаика, сарғайиш, бўғин чириш касалликларига қарши 1 фоизли Бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 6–8 кг/га) билан ишлов берилади, 10–15 кунда қайта ишлов берилади. Топаз 10% эм.к. (12,5–15 мл) ёки Курзат Р н.кук. (200–250 г) препаратларини 60 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Хосилни йигиштириши. Пиёз поялари ётиб қолганда пиёз бошлари етилган деб ҳисобланади. Пиёз бошлари ковлаб ёки пояси билан бирга йиғиб олинади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 1,4 кг пиёз уруғига 180 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 1684600 сўмни ташкил этади. Хосил нархи бир килограми энг паст нархда 800 сўмдан сотилганда 4 млн. 400 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 2 млн. 715 минг сўм соғ фойда олиш мумкин.

КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Картошка – озиқ овқат, ем-хашак ва техник аҳамиятга эга универсал экинdir. Уни иккинчи нон деб юритилади.

Картошкадан 500 дан зиёд турли мазали таомлар тайёрланади. Картошка туганаги-қайта ишлайдиган спирт, крахмал, декстрин, глюкоза, каучук ва бошқа саноат тармоқлари учун хом ашё ҳисобланади. Картошкадан олинадиган спирт тиббиётда, крахмал эса қофоз, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатларида алмашинмайдиган, тенги йўқ маҳсулотdir.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар. Картошканинг Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига 63 та нави киритилган. Эртапишар навлардан Латона, Фреско, Ред Скарлет, ўртаги-эртаги Кондор, Марфона, Романо, Курода, Санте, Диёра, ўртапишар Тўйимли, Умид, Кўк сарой, Серҳосил, Аладин, Аринда, Арнова, ўртаги-кечки Ақроб, Мондиал, Диамант, Пикассо ва бошқаларни экиш тавсия этилади.

Уруг манлаш. Картошкадан юқори ҳосил олиш, ҳосил сифатини яхшилаш ва эрта етилишини таъминлаш учун уни ундирилган туганакларидан экиш керак. Ундирилган туганакларни баҳорги муддатларда экиш ундирилмаган туганакларни экишга қараганда ҳосилдорликни 12–15% ошириб, 10–15 кун эрта пишишига имкон беради. Маҳаллий шароитда тайёрланган уруғлар ундириш хоналарига экишдан 30–35 кун олдин, четдан келтирилган уруғликлар 20–25 кун илгари қўйилади. Ундириш хонасида ёруғлик ва 18–22°C даража иссиқ ҳарорат яратилиши лозим. Уруғликлар майда йириклигига қараб (40–60, 60–80, 80–100 г) саралаб ундириш хонасининг полларига, сўкчакларга (стеллаж) 2–3 қатламдан оширмай ёки 12–20–25 кг ли яшикларга қўйиш лозим. Оғирлиги 100 г дан катта бўлган туганакларни экиш учун икки-уч бўлакка бўлинниб экилади. Картошка ҳосилдорлигини оширишда экиладиган уруғлик туганакларнинг йириклиги, шакли ва бошқа белгилари эътибор бериш муҳим тадбир ҳисобланади.

Ер тайёрлаши. 1 сотихга 250–300 кг (10 сотихга 2,5–3 т) тоза, чириган гўнг солинади. Тупроқ белкуракда 18–20 см чуқурлиқда юмшатилади ёки кетмон билан чопилади. Катта кесаклар майдаланади ва ер текисланади. Туганакларни экиш учун қатор оралари 70–90 см ли эгатлар олинади.

Экиши муддати ва схемаси. Картошка баҳорги муддатда жанубий вилоятларда 15 феврал–1 март, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 25 феврал–10 март, шимолий минтақаларда 10–20 мартда экилади. Ёзги муддатда жанубий вилоятларда тезпишар навлар – 10–20 июл; ўртапишар навлар – 5–20 июл; кечпишар навлар 20–30 июн; марказий минтақада жойлашган вилоятларда тезпишар навлар – 10–20 июл, ўртапишар навлар – 10–30 июн, кечпишар навлар 10–20 июнда экилади. Шимолий ҳудудларда тезпишар навлар – 20–30 июн, ўртапишар навлар – 15–25 июн, кечпишар навлар – 5–10 июнда экилади. Картошка туганаклари (уруғлиги) 5–8 см чуқурликка экилади ва ҳар 1 сотих 30–35 кг уруғлиги сарфланади.

Картошка олдиндан тайёрлаб қўйилган майдонга қўлда кетмон билан 70x30 ёки 90x25 см схемада экилади.

Парваришилаши. Туганаклар тўлиқ униб чиққунча об-ҳаво ва ер шароитига кўра 1–2 марта суғорилади. Суғориш натижасида бегона ўтлар ҳам жадал ўсиб чиқа бошлайди. Уларни йўқотиш мақсадида суғоришдан 3–5

кун ўтгач, қатор оралари ва эгатларнинг устки қисмига қўлда кетмон билан енгил чопик қилинади. Улар ердан тўлиқ униб чиққандан кейин 20–25 кун ўтгач, ўсимликларга биринчи комплекс ишлов берилади. Қатор оралари 15–16 см чукурликда, ўсимлиқдан 10–12 см ҳимоя масофаси қолдирилиб юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади. Шундан сўнг ўсимликларни биринчи марта азотли ўғит (50%) билан озиқлантириб, кейин қондириб суғориш тавсия этилади. Иккинчи комплекс ишлов биринчи ишловдан 25–28 кун ўтгач ёки ўсимликлар ёппасига ғунчалайдиган даврда амалга оширилади. Картошка баҳорда экилганида ўсув даври ҳавонинг салқин ва тупроқнинг сернам пайтига, ҳосил тўплаш даври эса ёзнинг айни қизий бошлаган вақтига тўғри келади. Шунинг учун ҳам эртаги картошкани ҳосил тўплаш (туганаклаш) пайтида ҳар 5–6 кунда 1 сотих 4–4,5 м³ меъёрда суғоришни талаб қиласиди. Кечки картошка ўсув даврида 8–10 кун оралатиб бир меъёрда суғорилади. Ҳосилни йифиб-териб олишга 2–3 ҳафта қолганда сув бериш тўхтатилади.

Ўғитлаши. Картошканинг миинерал ўғитларга бўлган талаби юқори. Шу боис бу экинни ўстиришда 1 сотих майдонга соф ҳолда 2,2 кг азот, 1,7 кг фосфор, 1,1 кг калий бериш керак.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши қурашии. Картошка ўсимлигини колорадо қўнғизи ва картошка қуяси кўп заарлайди. Колорадо қўнғизи пайдо бўла бошлаганда уни қўлда териб чиқиши тавсия этилади. Қўнғизлар кўпайиб тухум қўя бошлагандан кейин кимёвий препаратлар қўлланилади. Бунда 10 сотих майдонга Каратэ 5% к.э. (10 мл), Моспилан 20% н.к. (20–25 мл), Суми-альфа 5% к.э. (50 мл) препаратлари 60–70 литр сувда яхшилаб аралаштирилиб пуркалади. Картошка қуясига эса Кораген 200 к.э (хлорат-ранилипрол) -0,15-0,20 л/га (10л сувга 1,5-2мл) ва Эмафос 42% к.э. (эмамектин бензоат+хлорпирифос) - 0,6-0,8 л/га (10л сувга 6-8мл) қўллаш тавсия этилади.

Ҳосилни йигишиши. Картошка туганаклари 25–30 см чукурликда шаклланади, шунинг учун кетмон ёрдамида чукурроқ ковлаб олинади. Ковлаш даврда тупроқ нам бўлиши лозим. Шунда картошкаларни бешикаст иғишишига эришилади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 300 кг уруғлик картошка 2500 сўмдан 750 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 1399050 сўмни ташкил этиади. Ҳосил нархи бир килограми 2000 сўмдан сотилганда 4 млн. 460 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 3 млн. 61 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

ШОЛГОМ ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Шолғом илдизмеваси хомлигича, қовурилган, димланган ва қиймаланган ҳолда истеъмол этилади, шунингдек чорвага берилади. У углеводлар, оқсиллар, витаминалар ва минерал тузларга ниҳоятда бой.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар. Наманган маҳаллийси, Самарқанд маҳаллийси, Муяссар навлари экилади.

Уруг манлаш. Экиладиган шолғом уруғи тоза, юқори унувчан, касалликдан холи, ўртача катталиқда, бутун ва тўла бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаш. Шолғом экиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан яхшилаб тозаланади. 1 сотих ерга 200 кг (10 сотихга 2 тонна) чириган гўнг солинади. Тупроқ 20–25 см чуқурлиқда чириган гўнг ва минерал ўғитлар билан аралаштирилиб юмшатилади. Йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади.

Экиши муддати ва схемаси. Шолғом асосан ёзда экилади. Шолғом уруғи марказий минтақа ва водий худудларида 1–15 августда, шимолий худудларда 25 июл–10 август, жанубий минтақаларда 20 август–20 сентябрда сепилади. Шу билан бирга эрта ҳосил олиш учун шолғом уруғини феврал ойининг охирларида сочма ҳамда уч-қатор (лентасимон) қилиб экиш мумкин. Ҳар икки усуlda ҳам эгат ораси 70 см олинади. Уруғ қўлда сепилади. Ҳар 1 сотих ерга 25–30 г шолғом уруғи сарфланиб, 1,5 см чуқурликка экилади. Тупроқ хаскаш билан тирмаланиб уруғлар кўмилади.

ДИҚҚАТ! Шолғом, редиска, турп, сабзи, кўкатлар, бодринг, помидор, бақлажон, қалампир, ош лавлаги, пиёз экинларининг майда уруғларини сувда намлаб, кул, қум ёки қуруқ гўнг билан аралаштиринг, яъни ғўлакланг. Ғўлакланган уруғлар яхши сочилади, тупроқ юзасига бир текис тушади, сарфи эса камаяди.

Парваришилаш. Ниҳоллар униб чиққандан сўнг тезда ўтоқ ва ягана қилинади. Биринчи ягана уруғ ердан униб чиқиши билан, иккинчиси 2–3 барг чиқаргандан кейин ўтказилади. Бунда туп ораси 10–12 см кенглиқда қолдирилади. Қатор ораларини ва ўсимлик атрофини қўлда ёки кичик кетмон билан 15–16 см чуқурлиқда юмшатиб туриш лозим. сув бериб бориш керак. Ўсув даври мобайнида 10–12 марта суғорилади. Ҳар икки-уч суғоришдан сўнг қатор оралари юмшатилиб бегона ўтдан тозаланади.

Ўғитлаш. Шолғом экилган майдон бегона ўтлардан тозаланиб, ягана қилингандан сўнг ўғитланади. Бунда 1 сотихга соф ҳолда сульфат аммоний – 2 кг, аммофос – 1,5 кг, калий хлор – 0,5 кг меъёрда солинади.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши курашии. Зааркунандалардан узунбурун, шира, барг бургалари, касалликлардан ун-шудринг ва ок чириш кўп кузатилади. Зааркунандаларга қарши 10 сотих майдонга – ДВА-трин 10% эм.к. 40 мл, Моспилан 20% н.кук. 25–30 г меъёрда қўлланилади. Касалликларга қарши –Превикур 72,2% с.э.к. 150 мл, Курзат Р н.кук. 200–250 г, Ридомил голд 68% с.д.г. 200–250 г ёки 1 фоизли Бордо суюқлигини 60–70 литр сувга тайёрланган аралашмасини пуркаш яхши самара беради.

Хосилни йигиштириши. Экин совукقا чидамли бўлсада, илдизмевани тупроқ музлаб қолмасдан олдин йифиб олиш керак. Ўртача катталиктаги шолғомнинг сифати юқори бўлади. Бироқ, хосил илдизмевалар диаметри 7–10 см бўлганда ҳам йифиб олиниши мумкин.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 200 г шолғом уруғига 40 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 500600 сўмни ташкил этади. Хосил нархи бир килограми энг паст нархда 500 сўмдан сотилганда 1 млн. 250 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 750 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

ТУРП ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Турп илдизмеваси углеводлар, витаминалар, ферментлар, хушбўй моддалар ва минерал тузларга бой бўлиб, у инсон организми жигар, буйракни тозалайдиган пархез маҳсулот хисобланади.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар. Турпни Андижон–9, Марғилон маҳаллийси, дайкон ёки япон турпининг Содик ва Куз ҳадяси навлари экиласди.

Ург танлаши. Экиладиган турп уруғи унувчанлиги юқори, касаллик юқмаган, ўртача катталиқда, бутун (синмаган), заарланмаган бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаши. Дала ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади. 1 сотихга 200 кг (10 сотихга 2 тонна) чириган гўнг солинади. Тупроқ 20–25 см чуқурлиқда чириган гўнг ва минерал ўғитлар билан аралаштирилиб юмшатилади. Йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва сугориш эгатлари олинади.

Экиши муддати ва схемаси. Турп асосан ёзда экиласди. Турп уруғини марказий минтақада жойлашган ва водий вилоятларида 1–15 августда, шимолий худудларда 25 июл–10 август, жанубий минтақаларда 20 август–20 сентябрда сочма ҳамда қаторлаб (лентасимон) усуlda экиш мумкин. Ҳар

икки усулда ҳам эгат ораси 70 см олинади. Уруғ қўлда сепилади. Ҳар 1 сотихга 50–60 г турп уруғи сарфланиб 1,5 см чуқурликка экилади. Тупроқ хаскаш билан тирмаланиб аралаштирилади.

Парваришилаш. Ниҳоллар униб чиққандан сўнг тезда ўтоқ ва ягана қилинади. Биринчи ягана уруғ ердан униб чиқиши билан, иккинчиси 2–3 барг чиқарганда ўтказилади. Бунда туп ораси 10–12 см кенгликда қолдирилади. Қатор ораларини ва ўсимлик атрофини қўлда ёки кичик кетмон билан 15–16 см чуқурликда юмшатиб туриш лозим. сув бериб бориш керак. Ўсув даври мобайнода 10-12 марта суғорилади. Ҳар икки-уч суғоришдан сўнг қатор оралари юмшатилиб бегона ўтдан тозаланади.

Ўғитлаш. Турп экилган майдон бегона ўтлардан тозаланиб, ягана қилингандан сўнг ўғитланади. Бунда 1 сотих ерга соф ҳолда сульфат аммоний – 2 кг, аммофос – 1,5 кг, калий хлор – 0,5 кг меъёрда солинади.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши курашии. Турп зааркунандалардан – узунбурун, шира, барг бургалари, касалликлардан – ун-шудринг ва оқ чириш катта заар етказади. Зааркунандаларига қарши 10 сотих ерга Моспилан 20% н.кук. 25–30 г меъёрда қўлланилади.

Касалликларга қарши – 72,2% с.э.к. Пенко 10% к.э. (100 г/л), Курзат Р н.кук. 200–250 г ёки 1 фоизли Бордо суюқлигининг 60–70 литр сувда тайёрланган аралашмасини пуркаш яхши самара беради. Бу кимёвий препаратларни мутахассислар назоратида қўллаш тавсия этилади.

Хосилни йигиштириши. Хосил октябр-ноябр ойларида қаттиқ совуқлар бошлангунча йиғиб олинади, сараланади, сақлашга ёки сотишга тайёрланади. Хосилни йиғиши, саралаш ва ташиш вақтида илдизмваларини уринтирмасликка, шкастламасликка харакат қилиш керак, чунки заарланган илдизмевалар яхши сақланмайди.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 500 г турп уруғига 80 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 625400 сўмни ташкил этади. Хосил нархи бир килограми энг паст нархда 500 сўмдан сотилганда 1 млн. 500 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 1 млн. 430 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

ОҚ БОШ КАРАМ ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Оқбош карам йил давомида янгилигича ва қайта ишлаб истеъмол қилинади. У парҳез ҳамда даволаш хусусиятига эга. Уни юраги

касаллар, семиз одамлар, касалга дучор бўлганлар истеъмол қиладилар. Шарбати ошқозон ялиғланишини даволашда қўлланади.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар. Оқ бош карамни эртапишар Фарао F₁, Назоми F₁, Парел F₁, Июнская, ўртапишар Саратони, Тошкент–10, Термез–2500, кечпишар Шарқия–2, Ўзбекистон судяси нав намуналари экиласди.

Кўчам танлаши. Эрта баҳор ва ёзги муддатларда экиласдиган оқ бош карам кўчатлари 30–40 кунлик, барглари тўқ яшил, илдизлари бақувват ривожланган ва соғлом бўлиши лозим. Далага экиш пайтида кўчатларда 6–7 та чинбарг бўлиши керак.

Ер тайёрлаши. Ер майдони ўтмишдош экинлар қолдиқлари ва бегона ўтлардан яхшилаб тозаланади. 1 сотих ерга 200–250 кг (10 сотихга 2–2,5 тонна) чириган гўнг солинади. Тупроқ 25–30 см чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланади, яхшилаб текисланади, суғориш эгатлари олинади. Эртаки карам учун ер кузда экишга тайёрлаб қўйилади.

Экиши муддати ва схемаси. Карамни 3 хил муддатда экиб, парваришлиш мумкин. Эртаки карам кўчатини Республикализнинг жанубий вилоятларида 10–12 феврал, ўрта муддатларда 10–12 май, кечки муддатларда 1–15 август; марказий минтақада жойлашган ҳамда водий вилоятларида эртапишар навларнинг кўчатини 25 феврал – 10 март, ўртапишар навларни 15 апрел – 1 май, кечпишар навларни 15 июн – 10 يول; шимолий ҳудудларда эртапишар навларнинг кўчатини 15–30 март, ўртапишар навларни 1–15 апрел, кечпишар навларни – 25 май – 5 июн ойларида экиш мақбул ҳисобланади.

Қатор оралари 70 см, ўсимликлар ораси 30 см қилиб экиласди. Бунда 1 сотих майдонга 476 (10 сотихга 4760) туп ўсимлик жойлашади.

Парваришилаши. Кўчат экиб бўлгандан кейин майдон кетма-кет суғорилади. Кўчат тутгандан сўнг эгатларнинг оралари, кўчатларнинг атрофи юмшатилади ва биринчи ўғит берилади. Иккинчи чопик экин суғорилгандан сўнг ўtkазилади. Оқ бош карам икки марта чопик қилинади. Карамни озиқлантириш учун 1 сотих майдонга 2 кг азот, 1,5 кг фосфор ва 0,7 кг калий солинади. Бўз тупроқли ерларда эртаги карамни 8–10 марта, сизот сувлари юза жойлашган ерларда 6–8 марта суғориш тавсия этиласди.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашии. Карам бити, карам куяси, карам оқ капалаги қуртларига қарши биологик усулда олтинкўз, хонқизи қўнгизлари қўлланилади. Барг кемирувчи қуртларга қарши трихограммма тухумхўри ва бракон энтомофаглари ишлатилади. Кимёвий усулда 10 литр сувга Циперметрин 25% эм.к. (16 мл/га), Долприд 200 г/л с.э.к. (10 мл/га) препаратларининг биронтасидан фойдаланилади. 10 сотихга 60–70 литр сувда тайёрланган аралашма ишлатилади.

Хосилни йигиштириши. Ахоли томорқаларида экилган оқбош карам оддий узун пичоқ ёрдамида 2–3 дона барги билан қирқиб олинади. Хосил аввал саралаб, кейин ёппасига териб олинади. Эртаги карам сақлашга мойил

эмас, шунинг учун уни дархол истеъмолга чиқариш зарур. Вақтида ийғилмаган карамларнинг бошлари ёрилиб кетади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 4760 дона кўчат учун 476 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 871350 сўмни ташкил этади. Хосил нархи энг паст нархда бир килограми 500 сўмдан сотилганда 3 млн. 225 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 2 млн. 354 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

РЕДИСКА ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Редиска таркибида фитонцидлар, антибактериал хусусиятига эга бўлган моддалар бўлиб, улар ошқозон ичак йўлларини заарсизлантиришда, организмни юқумли (инфекцион) касалликларга чидамлилигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Уни асосан янгилигича истеъмол қилинади.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар. Редискани Краный великан, Дунганский 12-8, Лола, Майский местный, Эртапишар каби навлари экиласди.

Уруғ танлаш. Экиладиган уруғ тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун (синмаган) ва тўла бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаш. Дала ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади. 1 сотихга 200 кг (10 сотихга 2 тонна) чириган гўнг солинади. Тупроқ 20–25 см чуқурликда чириган гўнг ва минерал ўғитлар билан аралаштирилиб юмшатилади. Йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади.

Экиши муддати. Редиска қисқа кунли, сояга чидамли ўсимлик, ёруғлик этишмаса ҳам ўsavеради. У ўғитланган унумдор ерларга эрта баҳорда феврал охири–март бошларида, кўпинча бир неча муддатда ёки кузда – сентябр ойида экиласди. Уруғ сепилгандан кейин хаскаш билан тупроқقا аралаштирилади. Редиска ёзда экилмайди, чунки у ёз ойларида ўзаклаб кетади ва илдизмеваси ўз сифатини йўқотади. Уруғи экилиб, ниҳоллар пайдо бўлгандан жуда тезпишар навлари 25–30, ўртапишарлари 35–40 ва ўртачи кечки навлари 40–45 кун ўтгач етилади.

Парваришилаш. Ўсимлик 1–2 тадан чинбарг чиқарганда ягана ва бир йўла ўтоқ қилинади. Қатордаги ўсимликлар ораси тезпишар навлар учун 3–4 см, кечпишарларига эса 5–6 см. да бир тупдан қолдирилади. Баҳордаги

ёғингарчиликка қараб редиска 2–4 марта сугорилади, қатор оралари юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади.

Касаллик ва зарапкунандаларга қарши курашии. Редиска касалликларга анча чидамли салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

Ҳосилни йигиштириши. Редиска ҳосили илдизмевалари етилишига қараб 3–4 марта саралаб териб олинади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 500 г редиска уруғига 100 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 540200 сўмни ташкил этади. Ҳосил нархи бир килограми энг паст нархда 1500 сўмдан сотилганда 2 млн. 250 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 2 млн. 195 минг сўм соғ фойда олиш мумкин.

ПЕТРУШКА ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Петрушка Кўкатсабзавот экинларининг қадрланишига уларда дармондориларнинг, айниқса, аскорбин кислотаси, минерал тузлар (калий, натрий, калтсий ва бошқалар), хушбўй моддаларнинг мавжудлигидир, улар овқат таъмини яхшилаб, иштаҳани очиб, овқат ҳазм бўлишига ёрдам берадилар. Уларда оқсил, углеводлар ва органик кислоталар мавжуд. Улардан кўплари дориворлик хусусиятига эга.

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Петрушкани Нилуфар, Сахарная, Новас каби навлари экиласди.

Ургуз танлаши. Петрушка уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаши. Кўкат экинлар учун юқори унумдор, механик таркибига кўра енгил, ва ўртacha тупроқларни танлаш мақсадга мувофиқ. Ер ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади. 1 сотихга 150–200 кг (10 сотихга 1,5–2 тонна) чириган гўнг солинади.

Петрушка қисқа муддатда етилишини инобатга олиб гўнг солиш билан бирга 1 сотих майдонга 1 кг азотли, 1 кг фосфорли, 0,5 кг калийли ўғит солиш зарур. Ер 20–25 см чуқурлиқда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва сугориш эгатлари (пол) олинади.

Экиши муддати ва схемаси. Эртаги ҳосил олиш учун петрушка уруғлари кузда ёки эрта баҳорда экилади. Уруғлар эрта баҳорда 15 февралдан 10 марта гача сепилади. Кузда сентябрнинг иккинчи ярми—октябр ойида очиқ далага лентасимон усулда 2–3 қатор қилиб ёки сочма усулда экилади. Уруғ сарфи 1 сотихга 50–60 г. Уруғлар сепилгандан кейин хаскаш билан тупроққа аралаштирилади.

Парваришилаш. Майсалар униб чиққандан 10–12 кун ўтгач биринчи марта ва 2–3 ҳафта ўтгач иккинчи марта ягана қилинади. Бунда ўсимликлар ораси 3–5 см бўлиши лозим. Ўсимликни парваришилашга – ўтоққилиш, қатор ораларини юмшатиш, суғориш ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари киради.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши қурашии. Петрушка касалликларга анча чидамли салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

Ҳосилни йигиштириши. Бўйи 15–20 см га етган петрушка ўсимлиги эрта тонгда – кун нисбатан салқинлигига ўткир ўроқ билан ўриб олинади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 500 г петрушка уруғига 150 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 615200 сўмни ташкил этади. Ҳосил нархи бир килограми энг паст нархда 3500 сўмдан сотилганда 2 млн. 450 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 1 млн. 835 минг сўм соғ фойда олиш мумкин.

САЛАТ БАРГ ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Салат кўп микдорда органик кислоталарни айниқса олма, лимон ҳамда араматик моддаларни мавжудлиги иштаҳани яхшилашга ва овқатни сингдирилишига имкон беради. Унинг таркибида фитонциidlар, антибактериал хусусиятига эга бўлган моддалар бўлиб, улар ошқозон ичак йўлларини зарарсизлантиришда, организмни юқумли (инфекцион) касалликларга чидамлилигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар. Салат баргини Крупнокачанный, Кўк-шоҳ ва Айзберг каби нав намуналари экилади.

Ург танлаш. Экиладиган салат уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади. Уруғлик экиш олдидан илиқ сувда 3–4 соат ивитиб қўйилади.

Ер тайёрлаши. Уруғ сепиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан яхшилаб тозаланади. 1 сотих ерга 150–200 кг (10 сотихга 1,5–2 тонна) чириган гүнг солинади. Тупроқ 20–25 см чукурлиқда юмшатилади. Йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва сугориш эгатлари олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Баргли ва бош ўрайдиган салатлар уруғи очик далага эрта баҳорда – феврал охири–март ойининг бошида ва кузда – сентябрнинг иккинчи ярми–октябр ойида полларга ёки қаторлаб лентасимон усулида 2–3 қатор қилиб экилади. Айрим холларда бу ўсимликлар кўчатидан хам экилади. Ленталар ораси 45–60 см, лентадаги қаторлар ораси 15 см бўлади. Бир сотихга баргли салат уруғи 40–50 г, бошли салатники 30–40 г миқдорда экилади. Сепилган уруғлар хаскаш билан тупроққа аралаштирилади.

Парваришилаши. Ниҳоллар униб чиққандан 10–12 кун ўтгач биринчи марта, 2–3 хафта ўтгач иккинчи марта ягана қилинади. Бунда барг салат тупларининг орасида 8–10 см, бошли салатда эса 12–15 см масофа қолдирилади.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши курашии. Салат баргини кузги тунлам заарлайди. Бунга қарши биолгик усулда энтомофаглар яъни фойдали хашоратларни қўллаш самарали. Салат касалликларига нисбатан чидамли салқинсевар ўсимлик ҳисбланади.

Ҳосилни йигиштириши. Бошли салатнинг ҳосили 45–50 кундан кейин уларнинг етилишига қараб эрта тонгда, баргидан шудринг кўтарилигандан кейин бирин-кетин узиб олинади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 4760 дона кўчат учун 840 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 1871350 сўмни ташкил этади. Ҳосил нархи энг паст нархда бир килограми 5000 сўмдан сотилганда 11 млн. 225 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 9 млн. 378 минг сўм соғ фойда олиш мумкин.

УКРОП ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Укроп таркибида олма, лимон кислоталари ҳамда араматик моддалари иштаҳа очувчи ва овқат ҳазм қилишда аҳамиятлидир. Унинг таркибида витаминалар айниқса С витамини кўп. Укропда фитонцидлар,

антибактериал хусусиятига эга бўлган моддалар бўлиб, улар ошқозон ичак йўлларини зарарсизлантиришда, организмни юқумли (инфекцион) касалликларга чидамлилигини оширади.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар. Укропни Ўзбекистон - 243 ва Ором навлари экилади.

Уруг танлаш. Укроп уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаш. Уруғ сепиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. 1 сотих ерга 150–200 кг (10 сотихга 1,5–2 т) чириган гўнг солинади.

Ўсимлик қисқа муддатда етилишини инобатга олиб, гўнг солиш билан бирга 1 сотих майдонга 1 кг азотли, 1 кг фосфорли, 0,5 кг калий солиш талаб этилади. Ер 20–25 см чуқурлиқда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари (пол) олинади.

Экиши муддати ва схемаси. Укроп уруғи кеч кузда (ноябрда), эрта баҳорда (мартда) ва август бошларида полларга ва пушталарга қалин қилиб сепилади. Бир сотихга 200–250 г (10 сотихга 2–2,5 кг) уруғ сарфланади. Тузлашга ишлатиш учун улар сийракроқ сепилади ва 1 сотихга 100–120 г (10 сотихга 1–1,2 кг) уруғ сарфланади. Уруғлар лентасимон усулида 2–3 қатор қилиб ёки сочма усулда сепилади. Уруғлар сепилгандан кейин хаскаш билан тупроққа аралаштирилади.

Парваришилаш. Укроп уруғи секин униб чиқади (экилгандан кейин 15–20 кунда кўкара бошлайди). Укроп ўтоқ қилиш, қаторлар орасини юмшатиш ва бостириб суғориш йўли билан парвариш қилинади. Баҳорда экилган укроп 2 марта, ёзда экилганлари эса 3–4 марта суғорилади. Кўп суғориб юборилса ўсимликнинг пастки барглари сарғая бошлайди.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши курашии. Укроп ўсимлигида ун шудринг касаллиги қисман заарлайди. Унга қарши олtingугурт кукуни ва ИСО препаратини қўллаш мақсаддага мувофиқ.

Хосилни йигиштириши. Укропни барра ўтлигига фойдаланиш учун бўйи 10–15 см га етганда ўтқир ўроқ билан ўриб олинади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 500 г укроп уруғига 150 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 615200 сўмни ташкил этади. Хосил нархи бир килограми энг паст нархда 3500 сўмдан сотилганда 2 млн. 450 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 1 млн. 835 минг сўм соғ фойда олиш мумкин.

КАШНИЧ ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Кашнични барглари таркибида 200-400 мг% витамин С мавжуд. Кашничда ҳам органик кислоталарни айниқса олма, лимон ҳамда араматик моддаларни мавжудлиги иштаҳани яхшилашга ва овқатни сингдирилишига имкон беради. Унинг таркибида фитонцидлар, антибактериал хусусиятига эга бўлган моддалар бўлиб, улар ошқозон ичак йўлларини зарарсизлантиришда, организмни юқумли (инфекцион) касалликларга чидамлилигини оширади.

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Кашнични Орзу ва Янтар навлари кўпроқ экилади..

Ург манлаш. Кашнич уруғлари тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаш. Кўкат экинлар учун юқори унумдор, механик таркибига кўра енгил, ва ўртacha тупроқларни танлаш мақсадга мувофиқ. Дала ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан яхшилаб тозаланади. 1 сотихга 150–200 кг (10 сотихга 1,5–2 т) чириган гўнг солинади. Ўсимлик қисқа муддатда етилишини инобатга олиб гўнг солиш билан бирга 1 сотих майдонга 1 кг азотли, 1 кг фосфорли, 0,5 кг калийли ўғит солиш талаб этилади. Ер 20–25 см чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланади, яхшилаб текисланади, суғориш эгатлари (пол) олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Эртаги кашнич уруғи 10–15 февралда, ўртагиси 15 апрелда, ёзгиси 15 июнда, кейингилари 15 августда, 15 октябрда ва тўқсонности қилиб 25 ноябрдан 10 декабргача полларга қалин қилиб сепилади. Бир сотихга 100–120 г (10 сотихга 1–1,2 кг) уруғ сарфланади. Уруғлар лентасимон усулда 2–3 қатор қилиб ёки сочма усулда сепилади. Уруғ сепилгандан кейин хаскаш билан тупроққа аралаштирилиб устидан майда чириган гўнг сепилади.

Парваришилаш. Нам етарли бўлса уруғи 5–10 кунда униб чиқади. Асосий парвариши 1–2 марта ўтоқ қилиш, ўсимлик қалин жойларини бироз яганалаш ва 3–4 кунда суғоришдан иборат.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашии. Кашнич касалликларга анча чидамли, салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

Хосилни йигиштириши. Кашнич ердан униб чиққан кундан бошлаб 40–50 кунда истеъмолбоп бўлади. Аҳоли кашнични янги узулган барра ҳолида ва қуритилган холда қишида ҳам ишлатади. Бу кўкат йил бўйи истеъмол қилинади. Унинг барра баргларини 2–3 марта ўриб олиш мумкин. Бунда 1–1,5 см танаси қолдирилади, тегишли шароит яратилганда барги яна ўсиб чиқаверади. Вақтида ўриб олинмаса, уруғпоя ҳосил қилиб, истеъмолга ярамай қолади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 500 г уруғ учун 150 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 615200 сўмни ташкил этади. Хосил нархи бир килограми энг паст нархда 3500 сўмдан сотилганда 2 млн. 450 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 1 млн. 835 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

САБЗИ ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Сабзи янгилигига ва пишириб истеъмол қилинади, консерваланади ва қуритилади. Сабзи шарбати болаларга озиқ сифатида берилади. Камқонликда, қонбосими касалликларида доривор сифатида фойдаланилади. Сабзи уруғидан эфир мойи, ликёр тайёрлашда ва атир-упа – косметика саноатида ишлатилади.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар. Сабзини эртапишар Мушак–195, Нурли–70, ўртапишар Мирзои сариқ–304, Мирзои қизил–228, Нант–4, Шантанэ–2461, Зийнатли каби навлари экилади.

Уруғ танлаши. Сабзи уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун ва тўла бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёrlashi. Сабзи органик моддаларга бой, ўтлоқи, кумоқ ёки соз тупроқларда яхши ўсади. Дала ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан яхшилаб тозаланади. Тупроқ 20–25 см чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва сугориш эгатлари олинади.

Экиши муддати ва схемаси. Мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида баҳорги сабзи уруғи 15–28 февралда, ёзгиси 1–15 август, тўқсонности муддатда 15–30 декабрда сепилади. Марказий минтақада жойлашган ва водий вилоятларида баҳорги сабзи 1–15 март, ёзгиси 10 июндан-10 يولгача, тўқсонности муддатда 10 ноябр–10 декабр, шимолий минтақаларда баҳоргиси 15–30 март, ёзгиси 10–20 июн, тўқсонности муддатда 1–30 ноябрда 1,5–2 см чуқурликка экилади. Сабзини қаторлар оаси 70-90 см ли пушталарга уч қатор лентасимон усулда ёки сояма усулда экилади. Уруғ сарфи 10 сотихга 500–600 г. Сепилгандан уруғлар хаскаш билан тупроқка аралаштирилади.

ДИҚҚАТ! Сабзи, ош лавлаги, укроп, кашнич каби униб чиқиши қийин бўлган эртаки сабзавот уруғлари экилган жўяклар усти чириган қуруқ гунг билан 1,5-2 см қалинликда мульчаланса, тупроқни қатқолоқдан сақлади, ниҳолларнинг униб чиқиши анча тезлашади.

Парваришилаш. Сабзини парваришилаш жараёнидаги энг муҳим тадбирлардан бири – бу уруғни ердан текис ундириб олишдир. Сабзи уруғи 10-15 кунда униб чиқади. Сабзи униб чиқиши билан дархол бегона ўтлардан тозалаш ва ягана қилиш керак. Сабзи 2-3 марта ўтоқ қилинади яъни дастлабкиси ўсимлик битта чинбарг чиқарганда, кейингилари эса 3-4 чинбарг чиқарганда ўтказилади.

Сугории. Сабзининг илдизи яхши ривожланади, тупроққа чуқур таралади, барг юзаси унчалик катта эмаслигидан сувни кўп буғлантирмайди, аммо тупроқнинг бироз чуқур қатламидан нам тортиб олиш қобилиятига эга. Сабзи уруғини униб чиқиши учун уруғ суви берилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда эртаги сабзи ўсув даврида 8, сизот суви юза далаларда эса 5-6 марта суғорилади.

Ўғитлаш. 10 сотих майдонга соф ҳолда 15 кг азот, 8 кг фосфор, 4,5 кг калий солиш керак. Ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ ерларда етиштирилганда соф ҳолда 12 кг азот, 7 кг фосфор, 4 кг калий бериш керак. Ўғитларни бериш муддатлари: фосфор ўғитини йиллик миқдорининг 75 фоизи билан калийнинг ҳаммаси шудгорлашда, фосфорнинг қолган қисмини бороналаб, эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ўсув даври мобайнида иккига бўлиб берилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашии. Кўп йиллик бегона ўтларга қарши кузда 10 сотихга Галомекс 104 г/л эм.к. препарати солинади. Бир йиллик ўтларга қарши экишдан олдин 50 фоизли Гезагард препаратини 200-300 граммдан, бегона ўтлар уруғи ердан ўнгунга қадар қўлланилади. Сабзи ўсимлиги ун шудринг касаллини билан қисман касалланади. Унга олtingугурт кукуни ва ИСО препаратини қўллаш самарали.

Хосилни йигиштириши. Сабзи илдизмевасининг диаметри 1,5-2 см бўлганда ковлаб олинади. Такрорий муддатда экилган сабзи хосили қаттиқ совуқ тушмасдан йигиштириб олинади, акс ҳолда мевалар мазасини йўқотади ва узоқ сақланмайди. Сабзини хосили сараланади ва сақлаш учун хамда бозорда сотиш учун ажратилади. Илдизмевалар иложи борича шикастланмаслиги зарур акс ҳолда сақлашга яроқсиз бўлиб қолади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 600 г сабзи уруғига 100 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 716800 сўмни ташкил этади. Хосил нархи бир килограми энг паст нархда 500 сўмдан сотилганда 2 млн. 950 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 2 млн. 233 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

ОШ ЛАВЛАГИ ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Лавлаги озиқ-овқат сифатида йил давомида ишлатилади. Баҳорда овқатга ёш барглари ва илдизлари, ёзда ва кузда меваси фойдаланилади. Тўйимлилиги жиҳатдан лавлаги бир қатор сабзавотлардан устун туради. Органик кислотага бой сабзавотлар орасида лавлаги фосфор ва калий сақлаш бўйича биринчи ўринни эгаллайди.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар. Ош лавлагини маҳаллий Диёр, нави ва чет элнинг Бордо –237, Бикорес, Боро F₁, Пабло F₁ дурагайлари экилади.

Уруғ танлаши. Экиладиган уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун (синмаган), вазндор бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади

Ер тайёрлаши. Уруғ сепиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. 1 сотих ерга 150–200 кг (10 сотихга 1,5–2 тонна) чириган гўнг солинади. Тупроқ 20–25 см чуқурлиқда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланади ва яхшилаб текисланиб, суғориш эгатлари олинади.

Экиши муддати ва схемаси. Ош лавлаги уруғи уч муддатда экилади: баҳорги, ёзги ва кеч кузги (тўқсонности). Ёзги муддатда жанубий ҳудудларда 1–10 август, марказий ҳудудларда 5–30 июн, шимолий ҳудудларда 1–10 июнда экилади. Баҳорги муддатда жанубий ҳудудларда 15 феврал–1 март, марказий ҳудудларда 1–15 март ва шимолий ҳудудларда мартнинг учинчи ўн кунлиги – апрелнинг биринчи ўн кунлигига экилади. Тўқсонности муддатда марказий минтақада жойлашган вилоятларда 10 ноябр–10 декабрва шимолий минтақаларда 1 ноябр–10 декабря экилади. Уруғ сарфи баҳорги ва ёзги муддатларда 1,4–1,6 кг, тўқсонности муддатда 1,6–1,8 кг сарфланади. Экиш схемаси қаторлар ораси 70 см га 2-3 қатор лентасимон усулда ўсимликлар ораси 8–10 см қилиб экилади. Айрим холларда сочма усул қўлланилади. Уруғлар сепилгандан кейин хаскаш билан тупроққа аралаштирилади.

Парваришилаши. Ош лавлаги 2–3 марта чопик ва ўтоқ қилинади. 10 сотих майдонга 15–20 кг азот, 10–15 кг фосфор, 8–10 кг калий солинади. Суғориш экиш муддати, тупроқнинг механик таркиби, сизот сувининг жойлашиш чуқурлигига қараб 8–12 марта ўтказилади. Лавлаги уруғлари 4–5 °C да униб чиқа бошлайди, ўсиб-ривожланиши учун энг қулай ҳарорат 20–25 °C. Лавлаги совуқ (-2–3 °C) ва юқори ҳарорат таъсирига чидамли. Тупроқда нам етарли даражада бўлганда юқори ҳосил беради.

Касаллик ва заараркунандаларга қарши курашиши. Ширалар ҳамда лавлаги узунбурун заараркунандаларига қарши курашишда ерларни кеч кузда чуқур қилиб ҳайдаш, 10 сотихга Каратэ 5% эм.к. (0,2 л/га), Маспилан %

н.кук. (15–25 мл/га), Перфекто 17,5% сус.к. (0,2-0,3 л/га) препаратларининг биронтасини 60 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Ҳосилни йигиштириши. Ош лавлаги илдизмевасининг диаметри 3-3,5 см бўлганда ковлаб олинади. Такорий экилган ош лавлаги ҳосили қаттиқ совуқ тушмасдан йифиштириб олинади, тўқсонности муддатда экилган ош лавлаги ҳосили май июн ойида йигиб олинади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 200 г уруғига 50 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 576500 сўмни ташкил этади. Ҳосил нархи бир килограми энг паст нархда 1000 сўмдан сотилганда 4 млн. 150 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 3 млн. 573 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

БОДРИНГ ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Бодринг меваси асосан 7-10 кунлигига янги узилган ҳолида истеъмол қилинади. Уни маринадлаб ва консервалаб хам ишлатилади. Бодринг меваси иштаҳани очади ҳамда бошқа овқатларни ҳазм қилишга ёрдам беради. Ундан косметологияда хам фойдаланилади.

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Бодрингни Раний–645, Ўзбекистон–740, Наврўз, Омад, Талаба ва чет эл дурагайларидан Алиби, Астерикс, Регал, Аякс, Суперина каби нав намуналари экилади.

Уруғ танлаши. Экиладиган бодринг уруғи тоза, унувчанлиги юқори, касалликлардан холи, бутун ва тўла бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади. Уруғлар экиш олдидан илиқ сув ёки ўсишни бошқарувчи моддалардан бирида 10–12 соат давомида ивитиб қўйилади.

Ер тайёрлаши. Бодринг учун унумдор, гумус миқдори юқори бўз ва ўтлоқи бўз тупроқларга экиш мақсадга мувофиқ. Уруғ экиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан яхшилаб тозаланади. 1 сотихга 200 кг (10 сотихга 2 тонна) чириган гўнг солинади. Чириган гўнг билан биргаликда минерал ўғитлар солинади. Тупроқ 30–35 см чуқурликда чириган гўнг ва минерал ўғитлар билан аралаштирилиб юмшатилади. Йирик кесаклар майдалангач, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Эртаги бодринг жанубий минтақаларда очик майдонларда 1–10 апрелда, марказий минтақада жойлашган ва водий

вилоятларида 10–20 апрелда, шимолий минтақаларда 20–30 апрелда; ўртаги муддатда жанубий вилоятларда 20 апрел–5 май, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 1–10 май, шимолда 1–15 май, кечки бодринг жанубда 10–20 июлда, марказий минтақаларда 15–30 июн, шимолий минтақаларда 15–25 майда экилади. Эртаги маҳсулот етиштириш учун 70+140/2x40 см схемада уруғ экилади. Бунда қаторлар ораси 70 см, пушларал ораси 140 см ва ўсимликлар оралиғи 40 см ни ташкил этади. Уруғлар қўлда 4–5 см чуқурликка экилади. Уруғ сарфи 1 сотихга 20–30 г (10 сотихга 200–300 г).

Парваришилаш. Униб чиқиб ниҳоллар пайдо бўлганда биринчи ва 2-3 чинбарг пайдо бўлгандан кейин эса иккинчи марта ягана қилинади. Қатор ораларини қўл кучи ёрдамида кетмон билан 15–16 см чуқурликда ўсимлик атрофи билан юмшатиб туриш, минерал озиқ ва сув бериб бориш керак. Сувга талабчанлиги жиҳатдан бодринг сабзавот экинлари орасида биринчи ўринда туради. Найчалаш ва меваси етила бошлаган даврда бодринг сувни айниқса кўп талаб қиласи. Ўсув даври мобайнида сизот сувлари яқин жойларда 8-9 марта сизот сувлари чуқур жойлашган майдонларда эса 12-14 марта сугорилади. Хар икки-уч сугоришдан кейин қатор оралари 15–16 см чуқурликда юмшатиб борилади.

Ўғитлаш. 1 сотих ердаги бодринг соф ҳолда 5,8 кг сульфат аммоний, 2,2 кг аммофос, 1,5 кг калий хлор ўғитлари билан озиқлантирилади. Бодрингни озиқ моддаларга талаби юқори. Ўсув даври давомида 1-2 марта қўшимча Гуммат принт, Рослин ва Нитролин каби моддалар билан озиқлантирилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Бодринг уруғларини 1 кг га 2 фоизли 34% Витавакс, 1,5% ли 60,7% Превикур билан ишлов беришайрим касалликларни олдини олади.

Бодрингни пашшалар, ширалар, триплар, оққанот кўпроқ заарлайди. Ўсимликнинг ўсув даврида 10 сотих ерга хашоратларга қарши ҳосилни йифишидан 20 кун олдин икки марта Атилла супер 10% м.к. ёки Моспилан 20% н.кук. (25–30 г) сепилади. Антракноз, пероноспороз, аскохитоз, доғланишлар, бактериоз ва ун шудринглар касалликларга қарши Колосаль Про м.к. (200–300 г/л), Пинко 10% эм.к. (0,25 л/га), Курзат Р н.кук. (200–250 г) ёки 1 фоизли Бордо суюқлигини қўллаш мумкин. 60–70 литр сувга таёrlанган аралашма ишлатилади.

Ҳосилни йигишишиш. Бодринг мевалари 5 см дан катта бўлгандан бошлаб ҳосили йиғиб олинади. Ҳосил хар 2-3 кунда бир терилади. Йифимтерим жараёнида ўсимлик палакларига зарар етказмаслик лозим. Вақтида териб олинмаган ҳосил сарғайиб кетади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 200 г уруғ учун 30 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 645000 сўмни ташкил этади. Ҳосил нархи бир килограми энг паст нархда 2000 сўмдан сотилганда 6 млн. 200 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 5 млн. 555 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

ПОМИДОР ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Помидор меваси янги узилган ҳолида хамда тузланган, маринадланган, турли салатлар ҳолида истеъмол қилинади. Помидор ҳосилининг ярми шарбат, пюре, паста, соус сифатида қайта ишланади. Помидорнинг меваси тўйимли мазали ва шифобахш хусусиятларга эга.

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Помидорни эртапишар Дўстлик, Сахий, Шафак, Севара, ўрта-эртапишар Тошкент тонги, ўртапишар ТМК-22, Ўзбекистон-178, Сурхон-142, Баҳодир, Шарқ юлдузи, Ситора, кечпишар Намуна-70, Дони 2000 навлари экилади.

Кўчат танлаши. Уруғ экишдан олдин вирус касалликларига қарши 48 соат давомида 50–52 °С ва 24 соат 80°С қиздирилса, кейин 3 минут 5 фоизли шўр сувда ивитилса яхши натижা беради. Помидор кўчатлари 40–45 кунлик, пояси ва илдизлари бақувват ривожланган, 6-7 чинбаргларга эга бўлган, тўқ яшил, соғлом бўлиши лозим.

Ер тайёрлаши. Помидор экиш режалаштирилган ерларни тайёрлаш ишлари куз ойларидан бошланади. Хосилдан бўшаган майдондаги ўсимлик қолдиқлари тозаланиб, маҳаллий ўғит сочиб чиқилади. Ер майдони 28–30 см чуқурлиқда юмшатилади. Эрта баҳорда ер 14–16 см чуқурлиқда юмшатилади. Йирик кесаклар хаскаш ёрдамида майдаланиб бир йўла ер текислаб олинади, кейин 70 см ёки 90 см қатор оралиғида экиш учун эгатлари тортиб чиқилади.

Экиш муддати ва схемаси. Помидор кўпинча кўчатида экиб ўстирилади. Кўчатлар жанубий вилоятларда эртаги навлар мартнинг III ўн кунлигига, ўрта ва кечпишар навлар апрелнинг I–II ўн кунлигига; марказий минтақада жойлашган вилоятларда эртапишар навлар апрелнинг I ўн кунлигига, ўрта ва кечпишар навлар апрелнинг II–III ўн кунлигига ҳамда майнинг I–II ўн кунлигига экилади. Помидорнинг эртапишар ва ўртапишар навлари очиқ далаларда 70x40 см ва 90x30 см схемада экилади. Экилгандан сўнг кўчатлар албатта суғорилади. 1 сотих майдонга экиш схемасига қараб 280–570 та кўчат сарфланади.

Парваришлари. Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар тутиб олгач, яъни экилганидан 10–12 кундан кейин бошланади. Бунда эгатлар ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар ораси енгил чопик қилиниб юмшатилади. Енгил чопикдан сўнг 12–15 кун ўтгач, суғорилади ва озиқлантирилади. Помидорни ўсув даврида 3-4 марта қўлда чопик қилинади. Помидор сувга талабчан ўсимлик бўлиб, сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсув даври мобайнида

18–20, сизот суви юза жойлашган ерларда 12–15 марта сугорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 8–12 кунда, ҳосил ёппасига пишганда эса 5–7 кунда сугорилади. Куз бошланғандан кейин экин камроқ сугорилади. Помидор қийғос пишганда ёрилиб кетмаслиги учун навбатдаги ҳосил териб олинғандан кейин сув берилади.

Үгитлаш. Помидор етиштиришда соф ҳолда 1 сотих майдонга 7,6 кг сульфат аммоний, 2,6 кг аммофос, 1,6 кг калий хлор үғитлари берилади. Помидор құшимча озиқлантирилади, бунда оксигумат, гуммат натрий рослин каби моддалар билан барғидан озиқлантирилса, үсимликни ривожланиши ва ҳосилдорлиги ортади.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши қурашии. Агротехник тадбирлардан бири алмашлаб әкишга амал қилиш, уруғни әкишга тайёрлашда ишлов бериш уларни вирусли ва бактериал касалликлардан холи қилишдір.

Помидорда асосий зааркунандаларидан помидор күяси, шира, оққанот, трипс, занг канага қарши 10 сотихга Перфекто 17,5 сус.к. (20-30 мл), Каратэ 5% әм.к., Моспилан 20% н.кук. (25–30 г), Кораген 200 к.ә (хлорат-ранилипрол) - 10л сувга 1,5-2 мл ва ғұза тунламга Аваунт 15% әм.к. (40 мл), Тайшин с.д.г. (10–12 г) препаратлари қўлланилади.

Биологик усулда күя, кузги тунлам ва ғұза тунлами тухумига қарши трихограмма (ҳар бир авлодға 1 г. дан 3 марта); қуртларига қарши (бракон 100 дона), сүрүвчи зааркунандаларга қарши олтинқўз, оққанотга қарши энкарзия, макролофис энттомофаглари қўлланилади. Занг канага қарши олтинқўз энттомофаги яхши самара беради.

Касалликлардан фитофтороза, ун шудринг, фузариоз ва вертициллиоз сўлиш, мозаика, столбур учрайди. Ун шудрингга қарши Лотос 10 % әм.к (30 мл, 10 сотих майдонга), фитофтороз, альтернариозга Курзат Р н.кук. (200–250 г), Прокуре 77,2% с.ә.к. (1 л/га) ёки 1 фоизли Бордо суюқлигини қўллаш мумкин. 60–70 литр сувда тайёрланған аралашма ишлатилади. Бу кимёвий препаратларни соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиб қўллаш зарур.

Хосилни йигиштириши. Помидор мевалари поясида тўлиқ пишган, лекин ҳали қаттиқ бўлғанда етилган ҳисобланади. Унинг пишганини рангидан биламиз, оч ёки тўқ қизил рангга кирган меваларни йифиб олинади. Терилган помидорларни салқин жойга қўйиш лозим. Баъзida кўк помидорларни биринчи қаттиқ совуқ тушишидан олдин териб олиб, салқин нам жойда саклашга қўйилади. Пишган помидор вақтида териб олинмаса поясида чириши мумкин. Хосил ўсув даври давомида қўлда 12-16 марта териб олинади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 4760 дона кўчат учун 714 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 1775500 сўмни ташкил этади. Хосил нархи энг паст нархда бир килограми 2000 сўмдан сотилғанда 7 млн. сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 5 млн. 224 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

ШИРИН ҚАЛАМПИР ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Ширин қалампирнинг меваси янги узилган ҳолида салат тайёрлашда, ошпазлика, консервалашда ишлатилади. Қалампирнинг меваси овқат ва консерва тайёрлашда зиравор сифатида ишлатилади. Таркибига қалампир қўшилган дорилардан ревматизм, радикулит, безгак ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар. Ширин қалампирни эртапишар Наргиза, Тонг, Жайхун F₁, ўртапишар Заря Востока, Дар Ташкента, Сабо, кечпишар Зумрад нав намунали экилади

Кўчам танлаши. Ширин қалампир кўчатлари 40–45 кунлик, 6–7 баргли, пояси ва илдизлари бақувват ривожланган, барглари тўқ яшил тусда, соғлом бўлиши лозим.

Ер тайёрлаш. Ерларни тайёрлаш ишлари куз ойларидан бошланиб, ҳосилдан бўшаган майдон ўсимликлар қолдиқларидан тозаланади, 1 сотих ерга 200 кг чириган гўнг сочиб чиқилади. Берилиши лозим бўлган минерал ўғитлар миқдорини бир қисми қўлда сочилиб, кейин майдон 28–30 см чуқурлиқда юмшатилади, хаскаш ёрдамида йирик кесаклар майдаланиб бир йўла ер текислаб олинади, кейин 70 см ёки 90 см қатор оралиғида экиш эгатлари тортиб чиқилади.

Экиши муддати ва схемаси. Ширин қалампир кўчатлари жанубий вилоятларда мартнинг III ўн кунлиги, марказий минтақада жойлашган вилоятларда апрельнинг II–III ўн кунлигига ва шимолий минтақаларда апрельнинг III ва майнинг I ўн кунлигига 70x30 см ёки 70x40 см схемада экилади. 1 сотих майдонга экиш схемасига қараб 445–475 та кўчат сарфланади.

Парваришилаш. Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар тутиб олгач, яъни экилганидан 10–12 кундан кейин бошланади. Бунда эгатлар ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар ораси енгил чопик қилиниб юмшатилади. Енгил чопикдан сўнг 12–15 кун ўтгач, сугорилади ва озиқлантирилади. Ширин қалампирни ўсув даврида 3-4 марта қўлда чопик қилинади.

Ширин қалампир сувга талабчан ўсимлик бўлиб сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсув даври мобайнида суғоришда ҳар гал 1 сотихга 5–6 м³ ҳисобидан 18–20, сизот суви юза ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларда 12–15 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил этилгунча ҳар 8–12 кунда, ҳосил ёппасига пишганда эса 5–7 кунда

сугорилади. Куз бошлангандан кейин экин камроқ сугорилади. Ширин қалампир ҳаддан зиёд захлатиб юборилса, сўлиш касаллигига чалинади.

Ўғитлаши. Ширин қалампир етиштиришда соф ҳолда 1 сотих майдонга 7,6 кг сульфат аммоний, 2,6 кг аммофос, 1,6 кг калий хлор ўғитлари берилади. 1 кг аммофос ва 0,75 кг калий хлор ўғити ерни шудгорлашдан аввал 200 кг чириган гўнг билан бирга солинади. Ширин қалампирни хам қўшимча ўстирувчи моддалар яъни Оксигумат, Нитролин ва Рослин препаратлари билан баргидан озиқлантириш яхши самара беради.


Касаллик ва зараркунандаларга қарши қурашии. Асосий зараркунандалардан – шира, каналар, оққанот, трипсга қарши 10 сотих экин майдонига Конфидор 20% эм.к. (25–30 мл), (0,25–0,3 л), Моспилан 20% н.кук. (25–30 г) препаратларидан бирортаси ишлатилади.

Касалликлардан меваларни учидан чириши, бактериал қора доғ, сўлиш, мозаика, столбур кузатилади. Ун шудрингга қарши Прокуре 77,2% с.э.к (100–200 г), Курзат Р н.кук. (200–250 г) ёки 1 фоизли Бордо суюклигини қўллаш мумкин. 60–70 литр сувга тайёрланган аралашма ишлатилади.

Ҳосилни йигиштириши. Ширин қалампир жуда ўзига хос ўсимлик бўлиб, мевасини кўклигига ҳам, қизарганида ҳам истеъмол қилиш мумкин. Ширин қалампир кўклигига йиғиб олинса, ҳосил миқдори нисбатан кўпроқ бўлади. Кўклигига йиғиб олинмаса 20–30 кун ичидагизил тусга киради ва мевасида А ва С витаминалари анча ошади. Ҳосил йиғишида мевалари бандини эҳтиётлик билан кесиб олишга ҳаракат қилиш лозим, акс ҳолда экин новдалари синиб кетиши мумкин. Ҳосил ўсуви даври давомида қўлда 10–12 марта териб олинади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 4760 дона кўчат учун 714 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 1775500 сўмни ташкил этади. Ҳосил нархи энг паст нархда бир килограми 1500 сўмдан сотилганда 4 млн. 500 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 2 млн. 724 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Аччик қалампирнинг меваси янги узилган ҳолида салат тайёрлашда, ошпазлика, консервалашда ишлатилади. Аччик қалампирнинг меваси овқат ва консерва тайёрлашда зиравор сифатида ишлатилади.

Таркибига қалампир қўшилган дорилардан ревматизм, радикулит, безгак ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар. Аччиқ қалампирни Марғилон–330, Пикантный, Учқун, Тилларанг, Мумтоз, Саид каби навлари экилади.

Кўчат танлаши. Кўчатлари 40–45 кунлик, 8–10 баргли, пояси ва илдизлари яхши ривожланган, барглари тўқ яшил тусда, соғлом бўлиши лозим. Уруғларини экишдан олдин вирус касалликларига қарши 48 соат давомида 50–52 °C ва 24 соат 80°C қиздирилса, кейин 3 минут 5 фоизли шўр сувда ивитилса яхши натижга беради.

Ер тайёрлаши. Ерларни тайёрлаш ишлари куз ойларидан бошланиб, ҳосилдан бўшаган майдон ўсимликлар қолдиқларидан тозаланади, 1 сотих ерга 200 кг чириган гўнг сочиб чиқилади. Берилиши лозим бўлган минерал ўғитлар миқдорини бир қисми қўлда сочилиб, кейин майдон 28–30 см чуқурлиқда юмшатилади, хаскаш ёрдамида йирик кесаклар майдаланиб бир йўла ер текислаб олинади, кейин 70 см ёки 90 см қатор оралиғида экиш эгатлари тортиб чиқилади.

Экиши муддати ва схемаси. Аччиқ қалампир кўчатлари жанубий вилоятларда мартнинг III ўн кунлиги, марказий минтақада жойлашган вилоятларда апрельнинг II–III ўн кунлигига ва шимолий минтақаларда апрельнинг III ва майнинг I ўн кунлигига 70x20, 30 см тизимида, ер ости сувлар яқин бўлган ерларда 90x20 см тизимида экилади. 1 сотих майдонга экиш схемасига қараб 555–714 та кўчат сарфланади.

Парваришилаш. Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар тутиб олгач, яъни экилганидан 10–12 кундан кейин бошланади. Бунда пушта ва қатордаги кўчатлар орасининг енгил чопик қилинади. Сўнгра 12–15 кун ўтгач, яна бир бора чопик қилиниб суғорилади ва озиқлантирилади. Аччиқ қалампирни ўсув даврида 2-3 марта қўлда чопик қилинади. Ширин қалампирни сизот суви чукур жойлашган ерларда ўсув даври мобайнида 10–12 марта суғорилади сизот суви яқин жойларда 8-9 марта суғорилади. Хар гал 1 сотихга 5–6 м³ ҳисобидан сув сарфланади.

Ўғитлаши. Аччиқ қалампир етиширишда соф ҳолда 1 сотих майдонга 7,6 кг сульфат аммоний, 2,6 кг аммофос, 1,6 кг калий хлор ўғити берилади.

Касаллик ва заараркунандаларга қарши курашии. Аччиқ қалампирни мевасига касаллик ва хашоратлар камроқ зарар келтиради чунки аччиқ (капциацин) моддаси химоя қиласи. пояси, барги ва илдизини хашоратлар зааралайди. Касалликлардан фитофтороза, фузариоз ва вертициллиоз сўлиш, учрайди. Фитофтороз, альтернариозга Курзат Р н.кук. (200–250 г), Прокуре 77,2% с.э.к. (1 л/га) ёки 1 фоизли Бордо суюқлигини қўллаш яхши самара беради.

Хосилни йигиштириши. Аччиқ қалампирни кўклигига ҳам, қизарганида ҳам истеъмол қилинади. Хосили техник ва биологик пишиш даврида териб олинади. Техник пишгани яшил рангда барра мева хисобланади, биологик пишганда меваси қизил рангга кириб ичидаги уруғлари ҳам пишиб етилади. Аччиқ қалампир биологик пишиб етилиш

даврида мевасининг таркибидаги аччиқлик миқдори кўпроқ бўлади. Хосил ўсув даври давомида 10-12 марта териб олинади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 7140 дона кўчат учун 856 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 1406500 сўмни ташкил этади. Хосил нархи энг паст нархда бир килограми 2000 сўмдан сотилганда 3 млн. сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 1 млн. 593 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

БАҚЛАЖОН ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Бақлажон меваси консерва саноати ва ошпазлиқда қўлланади. Овқат учун уруғи ҳали тўла шаклланиб улгурмаган ҳамда қотмаган 25-40 кунлик меваси ишлатилади. Унинг таркибида фосфор, калций, магний, марганец, темир, аллюминий, олтингугурт, кремний, хлор, С (1-10 мг%), РР ҳамда В гуруҳига кирувчи дармондорилар мавжуд.

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Бақлажонни Аврора, Ереванский, Фабина F₁, Замин F₁, Феруз каби нав намуналари экилади.

Кўчат танлаши. Бақлажон кўпроқ кўчатидан экилади Кўчатлари 40–45 кунлик, 6–7 чинбаргли, пояси ва илдизлари яхши ривожланган, соғлом бўлиши лозим. Уруғи секин униб чиқади, шунинг учун уруғларини экишдан олдин ўстирувчи моддалардан бирига ивитиб экилса тез униб чиқади. Уруғларни вирус касалликларига қарши 48 соат давомида 50–52 °C ва 24 соат 80°C қиздирилса, кейин 3 минут 5 фоизли шўр сувда ивитилса яхши натижга беради.

Ер тайёрлаши. Бақлажон экиладиган майдон ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади. 1 сотихга 150–200 кг (10 сотихга 1,5–2 т) чириган гўнг солиниб тавсия этилган минерал ўғитлар солиниб ер 25–30 см чукурлиқда юмшатилади. Даладаги йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва қатор оралари 70 ва 90 см ли суғориш эгатлари олинади.

Экиш муддати. Бақлажон кўчатларини жанубий вилоятларда мартнинг III ўн кунлиги, марказий минтақада жойлашган вилоятларда апрельнинг II–III ўн кунлигига ва шимолий минтақаларда апрельнинг III ва майнинг I ўн кунлигига экиш тавсия этилади. Экиш схемаси қаторлаб яъни

қаторлар ораси 70 ва 90 см ли кўчатлар ораси 30 ва 40 см ли схемада экилади. 1 сотих майдонга экиш схемасига қараб 357-476 та кўчат сарфланади.

Парваришилаш. Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар тутиб олгач, яъни экилганидан 10–12 кундан кейин бошланади. Бунда пушта ва қатордаги кўчатлар орасининг енгил чопик қилинади. Сўнгра 12–15 кун ўтгач, яна бир бора чопик қилиниб суғорилади ва озиқлантирилади. Бақлажонни ўсув даврида 2-3 марта қўлда чопик қилинади. Ўсимлик сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсув даври мобайнида 10-12 марта суғорилади сизот суви яқин жойларда 8-9 марта суғорилади. Хар гал 1 сотихга 5–6 м³ ҳисобидан сув сарфланади.

Ўгитлаш. Бақлажонни озиқ моддаларга талаби юқори. 1 сотих майдонга соф ҳолда 7,6 кг сульфат аммоний, 2,6 кг аммофос, 1,6 кг калий хлор ўғитлари берилади. 1 кг аммофос ва 0,75 кг калий хлор ўғити шудгорлашдан олдин 200 кг чириган гўнг билан бирга солинади.

Касаллик ва заарқунандаларга қарши қурашии. Бақлажонни колорадо қўнғизи, ўргимчакканана ва оққанот жиддий заарлайди. Колорадо қўнғизига қарши қурашда 10 сотих майдонга препаратлардан Атилла супер 10 эм.к. (40 мл) ёки Каратэ 5% к.э. (10 мл) препаратларини қўллаш мумкин. Ўргимчакканага қарши к.э. (150 мл), Омайт 57% эм.к. (150 мл) ёки Ниссорон 5% эм.к. (30 мл), оққанотга Моспилан 20% н.кук. (25 мл) препаратларини 60 литр сувда яхшилаб аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Ҳосилни йигиштириши. Бақлажон техник жиҳатдан етилганда меваси иириклишади, пўсти тўқ бинафша ранга кириб, усти ялтираб туради. Айни шу вактда меванинг эти нозик, тахирсиз ва уруғи қотмаган бўлади. Бақлажон ҳосили 6-7 кун оралатиб банди билан узиб олинади. Совук тушиши олдидан ҳосилнинг ҳаммаси, жумладан, тузлашга кетадиган майда, пишиб етилмаганлари ҳам йифиб олинади. Пишиб кетган бақлажоннинг ранги ўзгара бошлайди, бу меваларни истемол қилишни тавсия этилмайди. Ҳосил ўсув даври давомида 8-10 марта териб олинади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 4760 дона кўчат учун 714 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 1775500 сўмни ташкил этади. Ҳосил нархи энг паст нархда бир килограми 1500 сўмдан сотилганда 4 млн. 50 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 2 млн. 274 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

САРИМСОҚ ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Саримсоқ иштаха очувчи, овқат ҳазм қилувчи хамда зировор сифатида аҳамиятлидир. Саримсоқ пиёз қадимдан атеросклерозда, томоқ шамоллаши, бўғма, сил, овқат ҳазм қилиш фаолиятининг бузилиши хамда гижжа касалликларини олдини олиши воситаси сифатида қўлланиб келинади.

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Саримсоқни Майский Вир ва Южно фиолетовий навлари экилади.

Уруғлик танлаши. Саримсоқ пиёзчасидан кўпаяди, унинг пиёзбошида жойлашган кичик пиёзчалари алохиди экилади. Уруғлик пиёзбошчалари касалликлардан ҳоли, бутун синмаган ва кўкарувчанлиги яхши бўлиши зарур. Саримсоқ совуққа чидамли ўсимлик. У 3–5 °С ҳароратда униб чиқади ва 7–8 °С гача бўлган совуққа чидайди.

Ер тайёрлаши. Дастреб майдон ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади. 1 сотихга 150–200 кг (10 сотихга 1,5–2 т) чириган гўнг ва минерал ўғитларни тавсия этилган меъёрда солинади. Ер 20–25 см чуқурлиқда юмшатилиб, йирик кесаклар майдалангач, яхшилаб текисланади ва суфориш эгатлари олинади.

Уруг экиш муддати ва усули. Саримсоқ бир муддатда яъни кузда – сентябрь–октябрнинг бошларида экилади. Бундан кечиктириб экилса, кузда яхши илдиз олишга улгурмайди, оқибатда қишки паст ҳароратдан ва турли касалликлардан заарланади. Экиш усули икки-уч қатор лентасимон усулда экилади. Бунда қаторлар ораси 70 см ли пуштага 2-3 қатор ленталар ораси 15–20 см қилиб, кўчатлар ораси 6–8 см қилиб қўлда 3–4 см чуқурликка экиб чиқилади. Унинг уруғлик пиёзчалари 1 сотих майдонга 10–15 кг сарфланади.

Парваришилаши. Саримсоқ экилгандан сўнг чириган гўнг билан тупроқ усти 1–2 см қалинликда мульчаланади. Кузда совуқ тушгунча 1–2 марта суфорилади ва бир марта озиқлантирилади. Ўсимлик ўсув даври давомида 5–6 марта суфорилади, қатор оралари 2–3 марта юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади. Саримсоқни гулпояларини синдириб ташлаш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш ва чиринди билан мульчалаш ҳосилдорликни анча оширади.

Ўғитлаши. Тупроқ турига қараб саримсоқ экилган ерга 10 сотихга соф ҳолда 10–15 кг азот, 10–12 кг фосфор ва 5 кг калий ўғити солинади. Саримсоқ экиладиган ерга янги гўнг солиш ярамайди, чунки бу ҳосилнинг этилишини кечиктиради ва у яхши сақланмайди.

Касаллик ва зааркундаларга қарши курашии. Саримсоқни пиёз пашласи, тамаки трипси, кузги тунлам каби зааркундалар заарлайди.

Уларга қарши курашда 10 сотих майдонга Каратэ 5% эм.к. (40 мл), Моспилан 20% н.кук. (25–30 мл) препаратлари күлланилади.

Касалликлардан сохта ун шудринг, илдиз чириш, мозаика, сарғайиш, бўғин чириш касалликларига қарши уруғларни қиздириш, касалланган ўсимликларни йўқотиш, касалликларига қарши 1 фоизли Бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 6–8 кг/га), Топаз 10% эм.к. (12,5–15 мл) ёки Курзат Р н.кук. (200–250 г) препаратларидан бирортасини 60 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Ҳосилни йигиштириши. Саримсоқ ҳосилини июн-июл ойларида йигиштириб олиш керак, акс ҳолда унинг пиёзчалари бир биридан ажралиб кетади, ҳосил нобуд бўлади, товарбоплиги ҳамда сақлашга яроқлилиги пасаяди. Ҳосил белкурак билан ердан кўтарилиб, қўл билан териб олинади, кейин қуритилади. Барги ва гулпояси бўғинидан 3–5 см қолдирилиб кесиб ташланади, пиёзлари майда-йириклигига қараб сараланади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 120 кг уруғлик учун 840 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 2512500 сўмни ташкил этади. Ҳосил нархи бир килограмми 8500 сўмдан сотилганда 10 млн. 200 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 7 млн. 687 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

II. БОБ. ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

ҚОВУН ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Қовун меваси, одатда, полиз экинлари ичида энг кўп миқдорда қанд моддасини сақлайди, асосан сахароза ҳолида учрайди. Қовун мевасидан асал (шинни), қовун қоқи тайёрланади. Қовун уруғнинг таркибида кўп миқдорда 25-30% гача мой сақланади. Қовун мевасидан сил ва бронхит, камқонлик ва бодни, юрак, нерв, атеросклероз ва жигар касалликларини даволашда фойдали.

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Қовунни эртапишар – Роҳат, ўртапишар – Суюнчи-2, Олтин водий, Лаззатли, Олтингепа, Оби новвот, Гурвак, Бўрикалла, кечпишар – Тўёна, Гурлан, Амударё, Гулоби Хоразмий, Зар гулоби, Саховат, Умрбоқий, Бешак каби навлари экилади.

Уруғ танлаши. Қовун уруғи навига хос рангли, юқори унувчан, касалликлардан холи, ўртача катталиқда, бутун ва тўла бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади. Уруғлар экиш учун 12-18 соат давомида оддий сув ёки ўстирувчи моддалар билан ивитиб қўйилса унувчанлиги юқори бўлади.

Ер тайёрлаши. Ерни шудгорлашдан олдидан минерал ва органик ўғитлар солинади. Ер кузда 35 см чуқурликкача шудгор қилинади. Баҳорда тупроқда намни сақлаб қолиш учун ерга узун тишли хаскаш ёрдамида ишлов берилади. Қовун эрта муддатларда экилганда ерни баҳорда қайта шудгорлашнинг ҳожати йўқ. Экинлар кечки муддатларда экилганда ерни қайта шудгорлаш зарур. Бунда тупроқни ағдармасдан туриб, 22 см чуқурликда юмшатиб чиқиш тавсия этилади.

Экиш муддати ва схемаси. Марказий минтақада жойлашган вилоятларда қовуннинг эртаги навлари 15 апрелгача, ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, кечкиси 15 майдан 10 июнгача; жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрелгача, ўртагиси 10–20 апрелда, кечкилари эса 10–20 июнда экилади. Шимолий минтақаларда эртаги қовунни 20 апрелгача, ўртагисини 25 апрелдан 10 майгача, кечкисини 20–30 майда тупроқ ҳарорати 14–15 °C га етганда экиш тавсия этилади.

Қовун қўш қатор лентасимон экиш усулида экилади. Бунда қаторлар ораси 70 ёки 90 см ленталар яъни пушталар ораси 210–280 см хамда ўсимликлар ораси 50-60 см қилиб экилади. Уруғлар қўлда 3–6 см чуқурликка экилади. Майда уруғли қовун экиш учун 1 сотихга 40 г, йирик уруғлиларини экиш учун 50 г уруғ сарфланади.

Парваришилаши. Қовун уруғи суғорилган нам тупроққа экилса ниҳоллар униб чиқиши тезлашади ва суғориш талаб этилмайди. Қовунни асосий парваришилаш ишлари ўсимликни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиқлантириш, чопик қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва заараркундаларга қарши курашишни ўз ичига олади.

Яганалаш икки босқичда яъни биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда, иккинчиси гуллашдан олдин ўтказилади. Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан экин қатор ораларини енгил чопик қилинади. Сўнг орадан 20–25 кун ўтгач, иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин чопик қилиниб, дастлабки

озиқлантириш ва сув берилади. Ўсув даврида қатор оралари 3–4 марта чопик қилиниб 1-2 марта палаклар түғриланади ва 4-5 марта суғорилади.

Ўғитлаши. Қовун учун 10 сотих майдонга 15 кг аммиакли селитра, 17 кг аммофос ва 7,5 кг калий хлор ўғити хамда 3–3,5 тонна органик ўғитлардан солинади.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши қурашии. Уруғларни экишдан олдин Фундазол препарати (1 кг урукқа 4–8 г) билан ёки Понактин (1 кг урукқа 4 г) билан намлаб экиш тавсия этилади. Касалликлардан заарсизлантириш мақсадида уруғлар экишдан олдин бирорта микроэлементларга солиб бўқтириб қўйилади. Зааркунандалардан полиз бити (шираси), ўргимчаккана, оққанот, кузги тунлам, полиз қўнғизи, қовун пашшаси заарлайди. Уларга қарши қурашишда алмашлаб экишга риоя қилиш, биологик усулда полиз битига ва ўргимчакканага қарши олтинкўз кушандасини, оққанотга қарши энкарзия паразитини қўллаш тавсия этилади.

Кимёвий усулда 10 сотихга оққанот, шидаларга қарши Моспилан 20% (25–30 мл), Циперметрин 25% (30 мл) ва бошқа препаратлар қўлланилади. Қовун майса пашшаси ва қовун пашшасига қарши Атилла 5% эм.к. (200 мл), Суми-Алфа 5% эм.к. (300 г) препаратлари қўлланилади.

Илдиз чириш, фузариоз сўлиш, уншудрингга қарши ўсимлик қолдиқларини йўқотиш, фунгицидлардан Топаз 10% (200–250 мл), Курзат Р н.кук. (200–250 г), Фолиар БТ 22,5% (50 мл) препаратларини 60–70 литр сувга аралаштириб пуркаш тавсия этилади.

Ҳосилни йигиштириши. Қовун ҳосили пишиб етилганларини танлаб-танлаб олиш йўли билан уч-беш марта йифиб олинади. Кечки муддатда экилган навлар ҳосили эса бир марта йигиштириб олинади. Пишган қовунлар полизда узоқ муддат турса нобуд бўлади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 400 г уруғ учун 100 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 1145000 сўмни ташкил этади. Ҳосил нархи бир килограми энг паст нархда 2000 сўмдан сотилганда 6 млн. 350 минг сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 5 млн. 205 минг сўм соғ фойда олиш мумкин.

ТАРВУЗ ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Тарвузнинг ширин бўлишига сабаб меванинг таркибида фруктозанинг кўп бўлишидир. Тарвуз мевасидан асал, мураббо, конфет ва ҳар хил ширинликлар тайёрланади. Тарвузнинг эти ва сувидан камқонлик даволаш, яллигланиш ва ўт суюқлигини ҳайдаш, жигар ва юрак томир

тизими касалликларини даволашда фойдаланилади. Тарвуз ем-хашак сифатида, ширили озиқ сифатида чорва молларига берилади.

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Тарвузни эртапишар – Ўринбой, Манзур, Чиллаки F₁, Крисби F₁, Кримстар F₁ ва ўрта-эртапишар – Сурхон тонги, Дилноз, Шарқ неъмати, кечпишар – Ҳайит қора, Қўзибай каби навлари экилади.

Уруг танлаши. Экиладиган тарвуз уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан холи, ўртача катталиқда, бутун ва тўла бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади. Уруғларни сув ёки ўстирувчи моддалардан бирида 10-12 соат давомида ивитиб экилса унивчанлиги юқори бўлади.

Ер тайёрлаши. Тарвуз экиладиган майдон кузда ўсимлик қолдиқларидан тозаланади ва минерал хамда махаллий ўғитлар ерга солиниб, ер 35–40 см чуқурликка шудгор қилинади. Баҳорда тупроқда намни сақлаб қолиш учун ерга узун тишли хаскаш ёрдамида ишлов берилади. Тарвуз эрта муддатларда экилганда ерни баҳорда қайта шудгорлашнинг ҳожати йўқ. Экинни экиш учун эгатлар олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Марказий минтақада жойлашган вилоятларда тарвузнинг эртаги навлари 15 апрелгача, ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, кечкиси 15 майдан 10 июнгача; жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрелгача, ўртагиси 10–20 апрелда, кечкилари эса 10–20 июнда экилади. Шимолий ҳудудларда эртаги тарвузни 20 апрелгача, ўртаги навларни 25 апрелдан 10 майгача, кечки навларни 20–30 майда экиш лозим.

Қатор оралари 70 ва 90 см ли, пушталар ораси 210–280 см бўлган кенг эгат олинади. Уруғларни кўлда уя очиб экилади, уялар ораси 50-60 см бўлади. Уруғлар 3–6 см чуқурликка экилади. Майда уруғли тарвузларни экиш учун 1 сотихга 45–50 г, йирик уруғли тарвузларни экиш учун 55–60 г уруғ сарфланади.

Парваришилаши. Тарвузни хам нихоллари пайдо бўлгандан сўнг икки марта ягана қилинади. Бунда биринчи бор нихоллар пайдо бўлганда иккинчиси эса ўсимлик гуллаш олдидан ўтказилади. Экинини асосий парваришилаш ишлари тупроқни юмшатиш, экинни озиқлантириш, чопик қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зааркунандаларга қарши курашишни ўз ичига олади. Нихоллар ёппасига униб чиққандан кейин 20–25 кун ўтгач ўсимлик озиқлантирилади ва суғорилади. Ўсув даври мобайнида қатор оралари 4–5 марта чопик қилинади, 2-3 марта палаклари пуштага тўғриланиб чиқилади ва 6-7 марта суғорилади.

Ўғитлаши. Тарвузни етиширишда 10 сотих майдонга 15 кг аммиакли селитра, 17 кг аммофос ва 7,5 кг калий хлор ўғити хамда 3–3,5 тонна органик ўғитлардан солинади. Бундан ташқари баргидан хам гуммат принт ва Рослин препаратлари билан озиқлантириш мумкин.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши курашиши. Уруғларни экишга тайёрлаш олдидан ўстирувчи моддалар билна ивitiш айrim касалликларни олдини олади. Экинга касалликлардан илдиз чириш, фузариоз сўлиш,

уншудринг, зааркунандалардан полиз бити (шираси), ўргимчаккана, оқканот, қовун пашаси катта зарар етказади.

Зааркунандаларга қарши 10 сотих майдонга Моспилан 20% н.кук. (25–30 г) ва касалликларга қарши Фолиар БТ 22,5% эм.к. (150 мл), Курзат Р н.кук. (200–250 г) ёки 1 фоизли Бордо суюқлигини қўллаш мумкин. 60–70 литр сувга тайёрланиб аралашма пуркалади.

Ҳосилни йигиштириши. Тарвузни эртаки муддатда экилганлари 3-5 марта хосили саралаб йифиб олинади. Кечки муддатда экилган навлар хосили эса бир марта йигиштириб олинади. Пишган меваларнинг ранги, шакли ва оғирлигига қараб хосил йифиб олинади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 450 г уруғ учун 120 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 1160000 сўмни ташкил этади. Хосил нархи бир килограми энг паст нархда 2000 сўмдан сотилганда 6 млн. сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 4 млн. 840 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

ҚОВОҚ ЕТИШТИРИШ



Аҳамияти. Қовоқ меваси эти таркибида осон ҳазм бўладиган қанд мавжуд бўлиб, у буйрак, жигар ва юрак-томир касалликларини даволашда ишлатилади. Қовоқнинг эти яллиғланишга қарши, уруғ қайнатмаси гижжани ҳайдаб чиқарувчи восита сифатида ишлатилади. Қовоқ уруғининг таркибида кўп микдорда яъни— 50% гача мой сакланади, поя ва меваси ем-хашак сифатида чорва молларига берилади.

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Қовоқни Испанская-73, Кашгарская-1644, Палов каду-268, Кичкинтой навлари экилади.

Уруғ танлаш. Қовоқ уруғларини экиш учун сараланган, юқори унувчан, касаллик юқмаган, бутун ва тўла бўлганлари ажратиб олинади. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаш. Қовоқ экиладиган майдон кузда ўсимлик қолдиқларидан тозаланади ва минерал хамда махаллий ўғитлар ерга солиниб, ер 35–40 см чуқурликкача шудгор қилинади. Баҳорда тупроқда намни сақлаб қолиш учун ерга узун тишли хаскаш ёрдамида ишлов берилади. Экинни экиш учун эгатлар олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Қовоқ уруғининг униб чиқиши экиш муддатини тўғри белгилашга боғлиқдир. Жанубий вилоятларда 15 апрелгача, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 20 апрелгача, шимолий

минтақаларда 30 апрелгача әкилади. Уруғни әкиш учун тупроқ ҳарорати 14–15 °C бўлиши зарур.

Қовоқ қўш қатор лентасимон әкиш усулида яъни қаторлар ораси 70-90 см, пушталар ораси 360 см ва ўсимликлар ораси 60-70 см қилиб әкилади. Уруғлар кўлда 3–6 см чуқурликка әкилади ва ҳар 1 сотих ерга 60–70 г уруғ сарфланади.

Парваришилаш. Ўсимликларни парваришилаш яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиқлантириш, чопик қилиш, суғориш, палакларни тўғирлаш, бегона ўтлар ва зааркунандаларга қарши курашишни ўз ичига олади. Яганалаш икки босқичда – биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда, иккинчиси гуллашдан аввал ўтказилади. Ниҳоллар тўлиқ униб чиққач 20–25 кун ўтгач, 2–3 чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин дастлабки сув берилиб, озиқлантирилади. Иккинчи чопик биринчисидан 25–30 кундан кейин ўтказилади. Ўсув даврида қатор оралари 4–5 марта чопик қилинади. Қовоқнинг ўсув даври мобайнида 5-6 марта суғорилади, 1 сотих майдонга 4–5 м³/га меъёрда сув сарфланади.

Ўғитлаш. Қовоқни етиштиришда 10 сотих майдонга 11 кг аммиакли селитра, 13 кг аммофос ва 5,5 кг калий хлор ўғити хамда 2,5–3 тонна органик ўғитлардан солинади.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши кураш. Қовоқни касалликлари илдиз чириш, фузариоз сўлиш, ун шудринг. Зааркунандалари полиз бити (шираси), ўргимчаккана, окқанот. Зааркунандаларга 10 сотихга – Моспилан 20% н.кук. (25–30 г) сепиш, касалликларга эса – Проксанил 45 % сус.к.(150 мл), Курзат Р н.кук. (200–250 г) ёки 1 фоизли Бордо суюқлигини қўллаш мумкин. Кимёвий препаратлар 60–70 литр сувга тайёрланиб аралашма пуркалади.

Хосилни йигиштириши. Қовоқ мевалари кеч кузда бир марта ийғишириб олинади. Навларга хос рангга кириши ва шаклидан ажратиб олинади.

Иқтисодий самараси. 10 сотих майдонга 600 г уруғ учун 80 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 985000 сўмни ташкил этади. Хосил нархи бир килограми энг паст нархда 1000 сўмдан сотилганда 3 млн. сўм бўлади. Шунда 10 сотих майдондан 2 млн. 15 минг сўм соф фойда олиш мумкин.


Х.БОБ. Иссикхоналар қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар

Иссикхоналар – йил мобайнида ёки баҳор, ёз, куз ва қиши фаслида ишлатиладиган ён тўсиқлари ва нур ўтказадиган қопламаси бўлган катта ҳажмли экин ўстириладиган бинолардир. Уларда замонавий муҳандислик воситалари ёрдамида ўсимликларни ўстириш учун мақбул шароитларни яратиб бериш мумкин. Иссикхоналарнинг вазифаси мавсумдан ташқари вақтларда маҳсулот етиштириш ва шунингдек, ҳимояланган ҳамда очик ер учун кўчат етиштириб беришдан иборат. Иссикхоналарнинг фундаменти, синчлари, ён томонлари деворлари ва ёпқичи уларнинг асосий конструктив элементлари ҳисобланади. Иситиш, шамоллатиш, сув ва электр билан таъминлаш, карбонат ангидрид гази билан бойитиш тизимлари иссиқхонанинг ички жиҳозларига киради.

Иссикхоналарда қурилиш, инвентар ва фойдали майдонларга ажратилади.

Қурилиши – бу иссиқхонанинг асосини ташқи параметри бўйича эгаллаган майдон, *инвентар* – иссиқхонани ички узунлиги ва эни ҳосиласи, ерли иссиқхоналарда ўстирилаётган экинлар эгаллаган ер, қатор оралари ва қатор орасидаги йўлаклар, сўкчакли иссиқхоналарда барча сўкчаклар ва уларга осиб қўйилган супачалар (полок) *фойдали* майдондир.

Иссикхона қопламаларининг шакли ва конфигурацияси бўйича – тўғри (яssi), қия (бир нишабли, ички устунли икки нишабли, ички устунсиз икки нишабли ёки ангарсимон), полигонал (гумбазсиз), аркасимон, яrim ёйсимон бўлади.




Бир звенолиларга: 1 – ясс (гидроиссиқхоналар), 2 – бир нишабли, 3 – икки нишабли, 4 – полигональ (кўп бурчакли), 5 – аркасимон (яrim ёйсимон); **блокли:** 6 – икки нишабли, 7 – полигональ (кўп бурчакли), 8 – аркасимон.

Хозирги кунда кенг тарқалган плёнкали кичик иссиқхоналар, айрим шахслар ва тадбиркорлар томонидан қурилмоқда. Улар қурган иссиқхоналар турлича конструкцияга эга. Ёпқичлари бир қаватли бўлиб, улар сув билан иситиладиган, қозони индивидуал, сувни турли хилдаги ёнилғиларни ёқиб иситади, асосан солярка, мазут, кўмир ва ўтиндан фойдаланилади. Уларни қуришда синч учун арматура ва пўлат угольниклар асосий материал ҳисобланади. Ўсимликларни боғлаш учун ёпқичи тагидан йўғон сим тортилади. Нисбатан ингичка симлар плёнкани шамол учирishiдан сақлаш учун фойдаланилади.

Шахсий плёнкали иссиқхоналарнинг катта-кичиклиги бўш ер майдонига боғлиқ. У иссиқхона узунлиги ва секциялари сони ва эни кенглигини аниқлади. Шу билан бирга, айrim меъёрларга амал қилинади. Қатор ораси 70-80 см бўлган 8 эгатни жойлаштириш учун секция кенглигини 6-6,5 м қилинади. Иссиқхона тарновигача баландлиги – 2-2,2 м, сарровигача – 3-3,5 м бўлади.

Бундай иссиқхоналарнинг олди ва орқа деворларини тахминий кўриниши қўйидагича:




Ён деворли шахсий иссиқхонанинг кўриниши

Олди томони деворининг ўртасига баландлиги 2 м эни 1 м бўлган эшик ўрнатилади, уни устидаги фермага шу ўлчамдаги дарча перпендикуляр ҳолатда жойлаштирилади. Эшик ва дарча кўндаланг кесими 25 мм ли metall учбурчакдан (угольникдан), кесакиси эса кесими 50×30 мм бўлган ёғоч тахталардан тайёрланадиган ромдан иборат. У штапик (тахтача) ёрдамида плёнка билан қопланиб тикилади.

Олди ва орқа деворларни ҳар бир звеноларини эни бўйлаб, қалинлиги 20 мм ва узунлиги 5,4 м ли арматуралардан тайёрланган устунлар ўрнатилади. Ҳар бир арматура икки бўлак қилиб букланади, шунда уларни узунлиги 2,7 м ни ташкил қиласи.

Арматурани бир-бирига туташмай бўш қолган томони, оралиғига қараб пишиқ ғишт жойлаштирилади. Бундай устунлар яна ҳам пишиқроқ бўлиши учун уларни ораси кўндалангига арматура бўлакчалари билан маҳкамланади. Туташмай бўш қолган ва орасига ғишт жойлаштирилган томони ерга 0,5 м чуқурликда кўмилади. Устунларни юқоридаги айланма шаклида букилган учларига кўндаланг ва ён деворлар устидан қалинлиги 20 мм ли арматура бўлаклари ўрнатилиб пайвандланади. Индивидуал плёнкали иссиқхоналарда ён деворларни кўриниши қўйидагича:



Шахсий плёнкали иссиқхонанинг бўйлама девори бир қисмининг кўриниши

Олди томони девори учун устунлар қандай тайёрланган бўлса, бўйлама девори учун ҳам шундай тайёрланади, аммо бунда кесими 16 мм бўлган арматуралардан фойдаланилади. Устунлар ҳар 2 м оралиқда ўрнатилади. Бўйлама девор устунлари устига кесими 20 мм ли арматура пайвандлади (сварка қилинади). Звенолар оралиғига худди шундай устунлар, шундай усулда ўрнатилади.

Ён деворнинг узунлиги бўйлаб ҳар 2 ёки 4 м оралатиб ўлчами 4×2 м ли дарчалар (форточка) ўрнатилади. Бўйлама девор бурчакларини мустаҳкамлигини янада ошириш учун кесими 45 мм узунлиги 4,7 м бўлган бурчакли тиргович ўрнатилади. Уни 4 м наридаги кейинги устининг пастки қисмига, тирагиб маҳкамланади.

Звенолар устидан ҳар 2 м (кейинги қўшни устунлар орасидаги масофа бўйича) масофада ён деворларга тиркаб ярим ёй кўринишли ферма ўрнатилади, уларни учлари девор асосларига маҳкамланади. Ҳар бир ферма (фарамуга) қалинлиги 16 мм ли икки бўлак бири иккинчисига маҳкамланган арматуралардан иборат. Фермаларни (фарамугаларни) баландлиги 1-1,3 м. Фермаларни асосида ўсимликларни боғлаш учун бир неча қатор симлар тортилади.

Иссиқхонанинг контури бўйича олди-орқа ва узунаси бўйлаб деворлари ўрта қисмига кесими 50 мм бўлган иситиш трубалари, звенолари оралиғига эса шундай трубалардан 3 тадан ўрнатилади.

Шамол таъсирида плёнкани йиртилиши олдини олиш учун синчлари оралиғига ҳар 0,5-0,6 м масофада ингичка сим тортилади. Шу тартибда ясалган синялар устидан яхлит плёнка тортилиб ёпилади. Эшик ва дарчаларга тўғри келган жойи кесилади.

Иссиқхонани иситиш қозонга уланган ва иссиқхонанинг узунаси бўйлаб ўтказилган кесими 100 мм ли икки магистрал труба орқали олиб борилади. Улардан кесими 35 мм ли – тармоқ трубачалари чиқарилиб, улар орқали сув иситиш трубаларига келади.

Майдони 500 m^2 ($27 \times 19 \text{ m}$) бўлган бунадай плёнкали иссиқхоналарни қуриш учун тахминан: кесими 100 мм ли пўлат трубалардан – 62 м; 50 мм – 530 м; 35 мм – 70 м керак бўлади; кесими 20 мм арматурадан – 740 м; 16 мм – 300 м; 45 мм угольниклардан – 38 м, 25 мм – 72 м; йўғон симдан – 680 м, ингичкасидан – 1006 м; тарнов учун – 22 m^2 тунука, 1 дона қозон, кесими 5×3 см тахтачадан – 72 м, штапикдан – 150 м; фиштдан – 60 дона; плёнкадан – 1200 m^2 керак бўлади.

Хар хил турдаги қурилишга эга бўлган иссиқхоналар кўриниши:





6-расм. Шамоллатишнинг тузилиши



*7-расм.
Ёғоч каркасли иссиқхона*



*8-расм.
Пўлат трубалардан иссиқхона*


Сўнги йилларда Ўзбекистонда плёнкали хитой иссиқхоналари деб номланган иссиқхоналар курилмоқда. Улар бир нишабли иситилмайдиган октябр ойдан бошлаб фойдаланиладиган иссиқхоналардир. Қоплагич плёнкалар сентябрни охирги беш кунлигига тортилиб (ёпилиб), май бошларида олиб ташланади. Бундай исилмайдиган иссиқхонада иссиқсевар сабзавот экинлари етиштирилади. Бу иссиқхонанинг қиялиги жануб томонга қаратилган. Шимолий томони баландлиги 5 м бўлган лой билан уриб чиқилган девор бўлиб, уни қалинлиги девор орқасига уйилган турпоқ билан – 4 м ни ташкил этади.

Иссиқхонанинг эни 10 м, узунлиги ихтиёрча 100 м ва ундан кўп ёки кам бўлиши мумкин. Иссиқхонани устини ёпиш учун хитойда ишлаб

чиқарилган қалинлиги 0,08-0,10 мм ли, стабиллаштирилган плёнка қўлланилади. Ундан икки мавсум мобайнида фойдаланилади.

Иссиқхонани куришда 0,5 м чуқурликда ўра қазилади, синчлари 26-58 мм диаметрдаги металл трубалардан иборат бўлиб, бир қаторга учта ўрнатилган. Қаторлар ҳар 3 м да жойлаштирилган. Устунларни баландлиги 2, 3 ва 4 м. Деворларга металл швеллерли старпиллар пайвандланаган.

Узунасига жойлаштирилган қаторлардаги металл трубали устунларни юқори қисми бир-бирига пайвандланиб маҳкамланган. Устунларнинг қатор оралари иссиқхонанинг шимолий деворидан то жанубий девор четигача ҳар 0,5 м масофада бутун ёки бир-бирига уланган, диаметри 3-4 см ва узунлиги 11,4 м бўлган бамбук бағазлари жойлаштириллади. Бу бамбук бағазлар иссиқхона бўйлаб ҳар 25-30 см масофада тортилган ингичка симга боғлаб маҳкамланади.



Иситилмайдиган хитой плёнкали иссиқхонаси кўриниши.

Иссиқхонани узунлиги бўйича шимолий деворга параллел қилиб девордан 1,2-1,5 м масофада йўғон сим тортилади. Унга эни 1,1 м ли энсиз чодир плёнка маҳкамланади. Плёнкали чодирни қарама-қарши томони, иссиқхонанинг жанубий томонига тахланади ва тупроқ билан бостирилади. Плёнкани шамолдан йиритилиб кетмаслиги учун уни устидан ҳар 3-4 м масофада ингичка арқон тортиб қўйилади.

Иссиқхонанинг шимолий девори бутун узунлиги бўйича эни 1,5-2 м бўлган плёнкага ўралган бобина (ғалтак) ўрнатилади. Бу плёнка дарча ҳисобланади. Ғалтак билан девор ўртасидаги оралиқ плёнка билан ёпилади. Ғалтакга ўралганда иссиқхонанинг юқори қисми очилади ва у шамоллантилади.

Совуқ кунларда кечаси, булутли об-ҳавода кундуз кунлари ҳам плёнка устига шоли поясидан тайёрланган бордон ёпиб қўйилади. Бордон жанубий пастки қисми устига ўрнатилган ғалтакга ўралиб шимолий девор устига йиғиб қўйилади. Ғалтакни айлантириб, бордон юқоридан пастга туширилади ва иссиқхона қопламаси бутун эни бўйича тўлиқ ёпилади. Қор ёки ёмғир ёғганида ҳамда совуқ кунларда шоли бордони устидан иккинчи қават плёнка

кўлда ёпилади. Ўсимликлар бундай иссиқхоналарда чиринди билан бойитилган тупроқ аралашмасида етиштирилади. Ўсимликлар томчилатиб сугорилган вақтда концентрацияси 0,17-0,20% ли эритма ҳам берилади. Иссиқхонада ҳажми 9 м² бўлган ховуз ясалади. Бу ҳажмдаги ховузда тайёрланган эритма 0,1 га майдондаги ўсимликларни бир марта сугоришга етади. Ўсимликлар қатори иссиқхонада кўндалангига жойлаштирилган. Улар қўшқаторли лентасимон усулда экилган. Лентадаги эгатлар орасидаги масофа 50-60 см, ленталар оралиғи эса 70-80 см, қаторчалар устига плёнка ёпилиб – мульчаланган. Ўсимлик тик бағазларда ўстирилади. Ўсимлик боғланадиган канопни юқори томони ҳар қаторлар устидан тортилган сим бағазга боғланган.

Химояланган ерларда помидор етиштириши бўйича агротехник тавсиялар

Кўчат етиштириши.

Кўчатлар икки хил пикировкали ва пикировкасиз услубда етиштирилади. Пикировка маъноси сийраклатиш дегани. Биринчиси пикировкали услубда уруғлар бир жойга қалин қилиб сепилади, помидор нихолларининг бўйи 5-6 см бўлганда бошқа жойга 5x5 ёки 6x6 см схемада пикировка қилинади ёки шу схемалардаги тувакчаларга, кассеталарга экилади. Иккинчи услубда эса помидор уруғлари 5x5 ёки 6x6 см схемада бевосита ерга ёки тувакча, кассеталарга экилади.

Биринчи услуб бўйича 1м² жойга 2000-2500 та яъни 10-12 г уруғ экилади. Иккинчи услуб бўйича 250-400 дона уруғ экилади. Бир гектар майдонга етарли кўчат олиш учун 150 м² иссиқхона керак бўлади. Помидорни бир гектар майдонга 37-45 минг кўчати ёки 300-350 грамм уруғи керак бўлади.

Кўчат етиштириш учун тупроқ аралашмаси яъни унумдор дала тупроғи (40%), чиринди (40%) хамда шоли қипиғи, торф, ғўза пўчоғи ёки қумдан (20%) ташкил топган тупроқларда етиштирилади. 1 м³ тупроқ аралашмасига 40 г аммиакли селитра, 100 г суперфосфат ва 65 г калий сульфат қўшилади. Ушбу аралашма буғлаш ёрдамида дезинфекция қилинса яхши бўлади. Уруғлар тез униб чиқиши учун тупроқ аралашмаси намланади. Уруг экиб бўлингач, устидан чириган гўнг, қипик аралашмаси билан мульчаланади ва илиқ сув билан енгил сугорилади.

Помидор уруғларининг ердан униб чиқиши учун тупроқ харорати 10-12 даражада бўлганда 6-8 кунда тўлиқ униб чиқади. Ниҳолларда 1-2 та чинбарг пайдо бўлган даврда уларни тувакчаларга ёки бошқа жойга кўчириб пикировка қилинади. Ниҳолларни кўчириб ўтказишдан бир сутка олдин улар қондириб сугорилади, бу эса уларни илдизларини қўп шикастланмай кўчишини таъминлайди. Кўчатларни сугориш, озиқлантришида жуда эҳтиёт бўлиш лозим, уларни ўта намланиб кетиши ёки тупроғи қуриб қолишига йўл кўймаслик керак, ҳаво очиқ кунлари эрталабда сугорган маъқул.



Ниҳолларда 1-2 чинбарг пайдо бўлиши ва уларни дастлабки ўсув даврида ҳаво ҳарорати кундузи 13-16 °C гача, кечаси 11-13°C гача пасайтирилиши, қўчатларни чиниқиши ва бақувват бўлиб ҳосилдорлик юқори бўлишини таъмин этади. Кейинчалик ҳаво ҳароратини очик кунларда 20-24°C, булутли кунларда 18-19°C, кечаси эса 16-17°C атрофида сақлаш лозим бўлади.

Кўчат етиштириш муддати уч мавсумда яъни Кузги – қишки мавсум учун август – сентябрда, қишки–баҳорги мавсум учун ноябр – декабрда ва Ўтувchan (оралиқ) мавсум учун сентябрда тайёрланади. Помидор кўчати 40-45 кунда тайёр бўлади бу даврда икки марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Бунда 10 литр сувга 5-10 г аммиакли селитра солиб аралаштирилади ва сепгич билан ниҳоллар баргидан озиқлантирилади.

Кўчатларни кўпинча илдиз қурти заарлайди, уларга қарши Децис ва Талстар каби препаратларидан тайёрланган ишчи эритмани кўчатлар остига қуиши яхши натижа беради. Кўчатларни ўсув даври давомида 2 марта бегона ўтлардан тозаланади ва ниҳоллар холатига қараб сугорилади. Кўчатларни парваришлаш даврида улар орасидаги заарланганлари, ўсишдан жуда орқада қолган, нозик кўчатларни чиқитга чиқариб, олиб ташланади.

Кўчатларни саралаб олишдан олдин 0,5-1% бордо суюқлиги билан пуркалади, бу унинг барг ва меваларнинг далада ўсиш вақтида касалликларга чидамлигини оширади.

Помидорни экишга тайёр кўчати соғлом, яхши чиниқтирилган, катталиги бир хил, пояси тўғри, сўлиш белгиларисиз бўлиши керак. Кўчатнинг катталиги илидиз бўғимидан то барглар охиригача 20-25 см барглар сони 6-8 та бўлиши, поянинг йўғонлиги 5-6 мм бўлиши керак.

Иссиқхоналарда помидор етиштиришда учта экиш муддати бор. Булар

1. Кузги – қишки мавсум.
2. Қишки – баҳорги мавсум.
3. Ўтувchan (оралиқ) мавсум.

Кузги – қишки мавсум. Кузги-қишки мавсумда помидорни Элпида, Виласко, Астона, Лестли, Ламия, Видетта каби дурагайларини экишни тавсия қиласиз. Кўчатлар иссиқхоналарга яъни ерга қўлда экилади. Бунда экиш схемаси бўйича очилган уяларга экиб чиқилади. Экиш схемаси қаторлар ораси 70 см пушталар ораси 80-90 см ва ўсимликлар ораси 40-50 см бўлади. Кўчатлар экиш билан бирга эгатлар орқали сугорилади. 4-5 кундан сўнг яна сугорилади. 15-20 кундан кейин эса кўчатлар ипга яъни сим бағазга бойлаб чиқилади. Ўсимлик атрофи чопиқ қилинади ва минерал ўғитлар билан озиқлантириб сугориш ишлари олиб борилади. Иссиқхонада органик моддалар миқдори 20 фоиз атрофида сақланиши талаб этилади. Бунинг учун

кузги-қишки экиш даври тупроқда асосий ишлов беришдан олдин хар бир гектар иссиқхона майдонига камида 200 тонна чиринди солиш лозим бўлади. Тупроқ таркибидаги сувда эрувчи фосфор миқдори хар 100 гр тупроқда 100 мг, нитратли ва аммиакли азот миқдори 25-30 мг, сувда эрувчи калий 50-60 мг атрофида сақланиши керак. Бундан ташқари тупроқ таркибидаги хлор миқдори хар 100 гр тупроқда 0,02 фоиздан ошмаслиги, магний 25-30 мг, кальций эса камида 100-120 мг бўлиши керак.

Бир гектар майдон учун ўртача 250-300 кг азотли, 250-300 кг фосфорли ва 150-200 кг калийли ўғитларни бериш тавсия қилинади. Бундан ташқари микроўғитлардан мис, рух, молибден, бор, марганец, калций ўғитлари хам керак бўлади. Бу элементларни ўсимлик кам миқдорда талаб килади, лекин шу ўғитлар етишмай колса ўсимлик ўсишдан қисман тўхтайди, ҳосилдорлиги пасаяди. Микроўғитлар ўсимликка бир маромда етказилиши учун уларни минерал ўғитлар билан аралаштириб ишлатиш ёки баргидан пуркаш тавсия этилади.

Помидор ўсимлигига ўсув даврида шакл берилади яъни асосий поя қолдирилиб, бачкилари ён шохлари олиб турилади. Помидор ўсимлиги ёруғликка жуда талабчан бўлиб, кўчатлар иссиқхонага экилгандан кейин декабр-январ ойларида ёруғлик етишмаслиги натижасида ҳосил камаяди. Шу туфайли ўсимликнинг биринчи гулшодасида қишки-баҳорги ўсув даврида мева тузиши жуда суст бўлади. Иссиқхоналарда помидор гули сунъий чанглатилади. Бунинг учун ТУ (трихлорфеноксиуксус кислотаси) ренгумит, томатон каби препаратларнинг биридан фойдаланиш лозим. Бундан ташқари ўсимликларни силкитиб чиқиши (ёғоч билан сўри симларига уриб чиқиши) кенг қўлланилади ёки хар бир гулшодани тебратгич ёрдамида тебратиб чиқиши яхши тадбир ҳисобланади. Ўсимликларда фотосинтез жараёнларини тўлиқ амалга оширишда ҳарорат ва ёруғикдан ташқари ҳаво таркибидаги CO₂ (карбонат ангидрид) гази миқдори катта аҳамиятга эгадир. Карбонат ангидрид газини ҳаводаги таркиби меъёрида бўлиши учун уни ҳавода 0,15-0,2 фоиз атрофида бўлишини таъминлаш лозим, бунинг учун чиримаган гўнгдан фойдаланиш мумкин. Помидор етиштиришда тупроқ намлиги 60-75 фоиз бўлишини талаб этади.



Ҳавонинг нисбий намлиги эса 60-70 фоиз атрофида бўлиши лозим. Ҳаво намлиги кўрсатилган меъёрдан ошиб кетиши ўсимликларда мева

тугиши ёмонлашиши ва уларнинг кулранг чириш, кладоспориоз ҳамда фитофтора касалликлари билан заарланишига сабаб бўлади. Ҳавонинг нисбий намлигини пасайтириш учун иссиқхонани шамоллатиш зарур, намликни кўратиш учун эса куннинг биринчи ярмида қуёшли об-ҳаво шароитида сугориш керак.

Кеч куз ойларида ёруғликнинг секин-аста пасайиб бориши туфайли, иссиқхоналардаги ҳаво ҳароратини ҳам шунга қараб созлаб турилиши лозим. Ноябрь-декабрь ойларида кундузи ҳаво очик бўлганида $20-23^{\circ}\text{C}$, булатли кунларда $18-20^{\circ}\text{C}$ ва кечқурун $15-17^{\circ}\text{C}$, тупроқ ҳарорати эса $17-18^{\circ}\text{C}$ бўлиши лозим. Ҳаво нисбий намлиги 60-70%, хосил терими тугашига бир ой қолганида ўсимликнинг ўсуви нуктаси чилпиб ташланади. Шундай қилинганида мевалар тез пишиб, ҳосилдорлик ҳам ошади.

Гуллар ноқулай шароитларда яхши мева боғлаши учун, ўсимлик гулшодаси маҳсус стимулятор препаратлар билан чанглатилади. Ушбу препаратлар билан помидор гуллари ишлов берилганида мевалар 7-10 кун эрта пишади, меванинг ўртacha вазни 15% гача ошади, товар маҳсулот чиқиши эса 20% ошади.

Қишки – баҳорги мавсуми. Қишки-баҳорги мавсумда помидорни Белле, Пинк Парадайс, Шарлотта, Буран, Жалила каби дурагайларини экишни тавсия қиласиз. Қишки-баҳорги даврда ўсимликлар табиий ёруғлик ортиб, ҳарорат кўтарилаётган шароитда ўсади. Бундай шароитда ўсимликларни парвариш қилиш осон. Аммо, бу давр ўзини вазифасини оқлаши учун биринчи мевалар иложи борича барвақт етилишини таъминлаши зарур. Бу даврда куз – қишидагига қараганда ҳосилдорлик 2 марта юкори бўлади. Шу боис иложи борича катта ёшдаги кўчатларни ўз вақтида экиш мақсадга мувофиқ бўлиб, у ҳосил бериш муддатини узайтиради. Ўзбекистонда кўчатлар иссиқхонага декабрнинг охири ва январнинг биринчи ярмида экиласди. Кўчатларни экиш аввалдан тайёрланган эгатлар ва очилган уяларга озиқли кубикларда бўлса тувакчаси билан ёки тувакчаларда ажратиб қўлда экиласди. Кўчатлар экишдан аввал фунгицид (Перкур)га ботириб экиласа касаллик ва заараркунандалардан холи бўлади. Кўчатларни қўш қатор усулда $70+80\times40$, 50 см оралиқда экиласди.

Ўсимликни озиқлантириш асосий агротехник омиллардан биридир. Иссиқхонага кузги-қишки экиш даври тупроқда асосий ишлов беришдан олдин хар бир гектар иссиқхона майдонига камидা 200 тонна чиринди лозим бўлади. Тупроқ таркибидаги сувда эрувчи фосфор миқдори хар 100 гр тупроқда 100 мг, нитратли ва аммиакли азот миқдори 25-30 мг, сувда эрувчи калий 50-60 мг атрофига сақланиши керак. Бундан ташқари тупроқ таркибидаги хлор миқдори хар 100 гр тупроқда 0,02 фоиздан ошмаслиги, магний 25-30 мг, кальций эса камидা 100-120 мг бўлиши керак. Бир гектар майдон учун ўртacha 250-300 кг азотли, 250-300 кг фосфорли ва 150-200 кг калийли ўғитларни бериш тавсия қилинади. Бундан ташқари микроўғитлардан мис, рух, молибден, бор, марганец, калций ўғитлари ҳам керак бўлади. Бу элементларни ўсимлик кам миқдорда талаб килади, лекин

шу ўғитлар етишмай колса ўсимлик ўсишдан қисман тұхтайди, ҳосилдорлиги пасаяди.

Экилган қүчатларнинг каноп ипли сўриларга боғлаб чиқлади, боғлашда илдиз бўғизини қаттиқ сиқиб қўймаслик, канопни қаттик тортиб боғлаб қўймаслик лозим бўлади. Ўсимликлар битта поя қолдирилиб шакл берилади. Бачки новдалар 6-7 см дан ўсиб кетмасдан уларни ўз вақтида юлиб ташлаш керак. Ўсимлик учини хар хафтада канопли ипга ўраб турилади, сўрини симли қисмигача ўсгач эса кўндалангига ўраб турилади. Ўсимлик гуллагандан бошлаб арилар (шмел) ёки сунъий гормонлар ту, томатом, ренгулет ёрдамида ҳар 3-5 кун оралатиб чанглатиб турилади. Мевалари пиша бошлиши даврида гулшодадан барча пастки баргларини олиб ташланади. Бу ишни хар хафтада бир маротаба бажарилиб, 1-2 тадан барги олиб ташланади. Ўсув мавсумининг тугалланишигача 6-7 хафта давомида ўсимлик учки қисмини юқоридаги гулшода тепасида 2 тадан барг қолдириб чимдига турилади. Мевалар тўлиқ етилиб пишмасдан ёки қизил бўлиб пишган даврларда хар хафтада 2-3 маротаба терилади.

Ўтувчан (оралиқ) мавсум. Ушбу мавсум учун иссиқхонани фойдаланиш учун тайёрлаш, уруғ сепиш ва кўчат экиш ишлари кузги-қишки мавсум сингари олиб борилади. Ўтувчан мавсумда 30-40 кунлик кўчат сентябрнинг иккинчи ярмида экилади ва у кейинги йилнинг июн ойигача ўстирилади. Мевалари декабр ойидан бошлаб терилади. Бу давр учун помидорнинг индетерминант Видетта, Астона, Лестли, Аве-Мария, Гамаюн каби нав ва дурагайлари экилади.

Айрим иссиқхона хўжаликлари помидорни октябрнинг иккинчи ярмида экадилар, аммо бунда 50-55 кунлик кўчатлардан фойдаланилади. Катта ёшдаги кўчатдан фойдаланиш, экилганидан биринчи ҳосил пишгунча бўлган даврни бироз қисқартиради, бу муддатда экилганда биринчи ҳосили янги йил олдидан терила бошланади.

Оралиқ мавсумда иссиқхона ҳарорати 18°C дан паст бўлмаслигига эътибор бериш керак. Ҳароратнинг 12°гача тушиб кетиши ўсимликнинг тупроқдан озиқ моддалари, асосан фосфорнинг сўрилишини 50% гача пасайтиради. Шунинг учун бу муддатда ўсимликнинг нормал ўсиб ривожланишида мухим ўрин тутади. Иссиқхона том қисми ўз вақтида ювилиши керак. Чунки ўтувчан мавсумида помидор экини максимал даражада ёруғликдан тўйиниши ва бу эса унинг нормал ўсиб ривожланиши, юқори ҳосил тўплаши ва ҳосилнинг декабр-январ ойларида пишиб етилишига олиб келади.

Оралиқ муддатда помидор ўсимликлари тепага ўсишга мойил. Помидор экинининг бу тариқа тепага ўсиши пояга шакл беришни (ён бачкиларни чилпиб ташлашни) қийинлаштиради, юқорига қараб ўсишга мойиллиги меваларнинг кичик бўлиб қолишига хам сабаб бўлиши мумкин.

Помидор ўтувчан айланишдаги экин сифатида етиштирилганда уни ҳосили мавсумдан ташқари вақтда, қайсики уларни шимолий минтақаларда олиб бўлмайдиган даврларда таъминлайди. Помидор ўсимлиги куздан бошлаб ҳосил бера бошлайди, қишида узилиш бўлмайди ва у ёзгача давом

этади. Бу айланишда помидор яхши ўсиб ҳосил беради. Помидор ўтувчан мавсумда 15-16 кг/м², шу жумладан декабр – апрел ойларида 10 кг/м² гача ҳосил беради.

Иссиқхонада ҳарорат. Кўчат экилгандан сўнг иссиқхонанинг кундузги ҳарорати кузги-қишки мавсум учун 20-22°C, ўтувчан ва қишки-баҳорги мавсумда 20-25°C, кечки ҳарорат эса 3 та мавсумда ҳам 16-18°C бўлиши тавсия этилади.

Иссиқхона учун қулай хаво нисбий намлик 65-75%, ўсимлик гуллагунча 70-75 %, сўнгра 65% гача пасайтирилгани маъқул. Иссиқхона ичида ҳарорат 40 даражадан ошиб кетса ўсимлик ўсишдан ва гули чангланишдан тухтайди. Ҳароратнинг меъёрдан юқори бўлиши ўсимликни ўсиб ривожланишини тезлаштиради, натижада меваларни етилиши тезлашади, мевалари майдалашиб қолади. Ҳарорат кечалари 14°C дан паст бўлганда чангдон ўсмайди ва чангланиш бўлмайди, ҳарорат 33-35°C дан юқори бўлганда ҳам чангдонлари стерил бўлиб, мева туғиш жараёни бўлмайди. Ҳаво ҳароратини меъёрда бўлиши помидордан иссиқхонада юқори ҳосил олишни таъмин этади. Тупроқнинг қулай ҳарорати 16-20°C атрофида. Тупроқ ҳарорати 16°C дан паст бўлиши ўсимлик томонидан фосфорни қабул қилинишини сусайтиради, кейинчалик эса сув сўрилиши қийинлашади, ўсимлик ўсишини чеклаб қўяди. Тупроқ ҳароратини 28°C гача кўтарилиши, шу билан бирга тупроқ таркибидаги ишқорни кўпайиши, нафақат ўсимликни ўсишдан тўхтатиши, балки унинг фузариоз касаллигига чидамлилик хусусиятини ҳам йўқолишига сабаб бўлади. Иссиқхонада намликни ва иссиқликни ўлчайдиган асбоб қуишиш шарт.

Суғориш ва ўғитлаш. Кўчат экилгандан сўнг маҳаллий шароитдан келиб чиқсан ҳолда нисбий намлика қараб суғориш тавсия этилади. Иссиқхонада помидорни икки хил усулда суғорилади. Биринчиси эгатлаб ариқдан суғориш. Иккинчиси томчилатиб суғоришdir. Сувнинг ҳарорати таҳминан 15-16°C кам бўлмаслиги тавсия этилади. Кўчатларни иссиқхонага экишдан олдин экиладиган майдон яхшилаб чопилиб, 80-90°C да буғлаш ва пестицид билан дорилаш яхши натижада беради.



Помидор бутун ўсув даврида шароитдан келиб чиқсан ҳолда 6-12 мартағача суғорилади. Хар суғоришдан кейин ўсимликни атрофи ва пушталарини юмшатиб туриш керак. Суғориш ишлари олиб борилганда хаво нисбий намлиги 70 % дан ошмаслиги тавсия этилади. Суғориш билан бир

қаторда ўсимликка шакл бериш ишларини түгри ташкиллаштириш керак. Ўсимликка шакл берганда барг кесилган жойларга фунгицид дорилар билан ишлов бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Иссикхонада ҳаво айланишини түгри йўлга қўйиш керак. Озуқа берганда тупроқдаги РН (тупроқ ишқорийлиги) хажми 5,5-6 нормада бўлиши керак. ЕС (тупроқдаги тузнинг концентрацияси ва электр ўтказкачанлиги) 1,5-2 ни ташкил қилиши керак. Хар ҳил хашоратлардан (шира, трипс) сақланиш учун феромон тутқичлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Иссикхонага помидор экиш схемаси $70 + 90 \times 50$ ёки $80 + 80 \times 50$



Химояланган ерларда бодринг етиштириши бўйича агротехник тавсиялар

Кўчат етиштириши.

Бодринг кўчати тоннелсимон усти вақтинча плёнка билан қопланган ерларга ва баъзи ҳоллардагина очиқ ерга экиш учун етиштирилади. Кўчат химояланган жойга март бошида, очиқ ерга эса – икки ҳафта кейин экиласди. Кўчат 20-30 кунда тайёр бўлади. Қоплама тагига уруғлар феврал охири – март бошида экиласди. Кўчатлар карам кўчатидан бўшаган парникларда, плёнкали ёки ойнаванд иссиқхоналарда етиштирилади.

Бодринг кўчати илдиз тизимининг заарланишига бардошсизdir. Шунинг учун унинг уруғи бевосита озиқ кубикларига ёки тувакчаларга экиб ўстирилади.



Кубикларни тайёрлашда озиқ аралашмаси органик қисмининг таркиби бошқа сабзавот экинлари кўчатларини етиширишга ўхшайди. Минерал ўғитлар аралашмага қуйидаги миқдорда қўшилади (1 m^3 аралашмага, кг): аммиакли селитра – 0,5-1,3, суперфосфат – 1-6 ва калий сулфат – 0,5-1,5. Озиқ кубикларининг катталиги $6\times6\times6$ ёки $8\times8\times8$ см. Ундирилган уруғлар тегишли тайёргарликдан сўнг 1-2 тадан кубикларга экилади.

Заиф ривожланган кўчат тўлиқ минерал билан 2-3 марта озиқлантирилади. Кўшимча озиқлантиришда фойдаланиладиган озиқ эритмасининг аралашмаси 0,5% дан ошмаслиги керак. 1 m^2 жойга минерал ўғитлар қуйидаги ҳисобда: 10 г аммиакли селитра, 30 г суперфосфат ва 10-15 г калий хлорид 10 л сувда эритиб берилади. Сўнгги марта озиқлантириш экишга 5-6 кун қолганда ўтказилади. Ҳар бир озиқлантиришдан сўнг ўсимлик тоза сув билан суғорилади.

Агарда бодринг кўчати очиқ ерга экишга тайёрланса, уни экишдан 5-7 кун олдин чиниқтириш бошланади. Плёнка остига кўчат 3-4 барг чиқарган босқичда, очиқ ерга эса 2-3 барг чиқарганда экилади.

Химояланган ерларда бодринг етишириши технологияси.

Бодринг – химояланган ерларда етакчи (асосий) экин бўлиб, у энг ҳосилдор, эртапишар, самарали экинdir. Ўзбекистонда қишки иссиқхоналарда бодринг куз-қишида, қиши-баҳорда ва ўтувчан айланиш мавсумларида етиширилади. У иссиқсевар ўсимлик, совуқни кўтара олмайди. Уруғнинг униб чиқиши учун энг пастки ҳарорат чегараси $+12-13^\circ\text{C}$. Ҳарорат $+25-30^\circ\text{C}$ да уруғ энг тез (4-6 кундан кейин) униб чиқади.

Нав ва дурагайлар. Химояланган ерларда етишириш учун гетерозисли дурагайлар яъни ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган навлар экилади. Улардан маҳаллий Серсув-14, Навбаҳор, ТошДАУ-70, Совға, Чемпион, Сардор каби чет элнинг Аламир, Кураж, Криспина, Мультистар, Наил, Орзу, Пассандра, Пиколино, Серай, Суперделта каби нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

Кузги-қишки айланиш даврининг фарқли хусусиятларига ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун шароитларнинг секин-аста ёмонлашиб бориши киради, бунда: ёруғланиш ва ҳарорат секин-аста пасайиб, куннинг узунлиги қисқара боради. Бу зааркунанда ва касалликларнинг тез ривожланишига шароит яратади. Бунинг устига, бир томондан қуёш радиациясидан яхшироқ фойдаланиш учун яна ҳам эртароқ экиш зарурлиги, иккинчи томондан, ҳосилнинг етилиши кечроқ бошлангаанлиги, очиқ ердан маҳсулот бошқа чиқмаётган вақтга тўғри келиши ҳам жуда муҳим.

Кузги-қишки айланиш даврида янги мева ҳосилини октябрни иккинчи ярмида олиш учун, бодрингни тўғридан тўғри уруғ билан иссиқхона тупроғига августда экиб етишириш яхшироқ деб топилган. Уруғни қишки иссиқхоналарга экишнинг энг мақбул муддати: Қорақалпоғистонда – август бошида, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида – 10-15 августда, Фарғона водийсида – 15-20 августда, Қашқадарё вилоятида – август охирида. Бунда гетерозис дурагайдан бир даврда $10-12\text{ kg/m}^2$ ҳосил олинади.


Юқори ҳосилли нав ва дурагайларнинг қимматбаҳо танқис уруғини иқтисод қилиш учун бодринг кўчат қилиб экилади. Бунда албатта $8 \times 8 \times 8$ см ва $10 \times 10 \times 10$ см ҳажмли озиқали кубикдан фойдаланилади. Уруғни кубикка экиш муддати худди тупроққа экиш билан бир хил. Кўчат доимий жойига 20-25 кунлигига, 2-3 барг чиқарганда ўтказилади. Кўчатларни ўтқазиш муддати 10-20 сентябр.

Кузги-қишки айланишда бодрингни экиш схемаси қўшқаторли лентасимон. Ари билан чангланадиган калта мевали навлар $\frac{100+60}{2} \times 35-40$ см шаклда ёки 1 m^2 майдонга 3-3,5 та ўсимлик жойлаштирилади. Ари билан чангланадиган дурагайлар қаторда бироз сийракроқ – 40-50 см масофада экилади, 1 m^2 даги ўсимликларнинг қалинлиги 2,5-3 тага тўғри келади ва улар $\frac{100+60}{2} \times 40-50$ см шаклда жойлаштирилади. Ари билан чангланадиган дурагайларни етиштиришда ҳар 5-6 қатордан сўнг бир қатор чангловчи нав ёки дурагайлар экилади ёки иссиқхонага 10-15% чангловчи ўсимликлар экилади.

Узун мевали партенокарпик дурагайлар катта озиқланиш майдонида етиштирилади. Ангар иссиқхоналарда улар кенг қаторли усулда жойлаштирилади, бунда қатор оралар эни 1-1,2 м, қатордаги ўсимликлар ораси 45-50 см масофада, яъни 1 m^2 га 2 тадан ўсимлик жойлаштирилади. Гуруҳси эни 6,4 м бўлган блокли иссиқхоналарга 6 та қатор жойлаштирилади.

Қўшқаторли лентасимон усулда жойлаштиришда эни 160 см ва баландлиги 30 см бўлган эгатлар ҳосил қилинади. Бу эгатларга уруғни экиш ва кўчатларни ўтқазиш икки қаторда олиб борилади, уларнинг ораси 60 см. Ленталар орасидаги жўяклардан суғориш учун фойдаланилади. Уруғ экиш ёки кўчатларни ўтқазишдан олдин намлаш учун тупроқ суғорилади. Суғоришдан олдин кўчатни ўтқазиш учун чуқурлар (уялар) очиб чиқилади ва уларга сув қўйилади. Суғорилган жўяклар селгигандан сўнг уруғ экилади ёки кўчатлар ўтказилади. Уруғлар 2-3 см чуқурликка экилади. Кўчатларни ўтқазишда тувақчаларининг $3/4$ қисми тупроққа қўмилади. Кўчатлар экилгандан сўнг эгатлар орқали суғорилади.

Кузги-қишки айланишдаги бодринг ўсимлиги тик канопга (шпалерга) боғлаб ўстирилади. Кўчат ўтказилгандан сўнг 3-4 кун ўтгач ёки уруғидан униб чиқсан ўсимлиқда 3-4 та чин барги чиққач, каноп билан эгатлар бўйлаб горизонтал тортилган симга 2,2-2,5 м баландликда боғлаб қўйилади. Канопнинг пастки қисми ўсимлиқка, тупроқ юзасидан 10-12 см баландликда эркин ҳалқа қилиб боғлаб қўйилади. Кейинчалик ҳафтасига бир мартадан ўсимлик канопга чирмаштириб қўйилади, бунда поя уни бўш қўйилади.



Иссиқхоналарда бодринг етиштиришда олиб бориладиган мұхим табиерлардан бири – ўсимликларга шакл беришдір. У юқорида изоҳланған усулда үтказилади.

Ўсимликни парваришлишда уни қари барглардан тозалаб туриш зарур табиерлардан ҳисобланади. Қари барглар – касаллық манбайидир. Шунинг учун уларни үткір пичоқ ёки ток қайчи билан банди қолдирилмай кесиб ташланади. Куриган барг, бужмайған тугунчалар ва мўйловларни мунтазам равишда олиб туриш зарур.

Иссиқхонада ўсаётган бодрингни чанглатиш учун асаларидан (500 м^2 майдондаги иссиқхонага бир қути) фойдаланилади. Асалари қутиси ташқаридан ариларнинг учиб келиши тұхтаганда, ноябр ойида ўрнатиласы. Асалари бўлмаганда сунъий чангланади, бунда чанглатувчи навлар билан ари билан чангланадиган навларнинг она гуллари чангланади. Бироқ бу табиер кўп меҳнат талаб қиласи. Партенокарпик навлар учун чанглатгич нафақат керак эмас, балки заарлидир.

Бодрингдан кузги-қишки даврда юқори ҳосил олиш учун ҳарорат, намлиқ, минерал ва ҳаводан озиқланиш тартиботларини ўз вақтида таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Ноябр-декабрда ҳаво ва тупроқ ҳарорати бирмунча пасаяди ($+20\text{-}22^\circ\text{C}$ гача). Ҳавонинг нисбий намлиги ҳосилга киргунча 70-75%, ҳосилга кирганда – 75-80% бўлиши керак.

Ўзбекистон иссиқхоналарида нисбатан зич тупроқдан фойдаланилади, шунинг учун суғориш, одатда, эгатлар орқали амалга оширилади. Агар ёмғирлатиб суғориш қўлланилса, нам томчилари баргларда узок сақланмаслиги учун у эрталаб үтказилади.

Эгатлар орқали суғориш август, сентябр ва октябр ойининг биринчи ярмида ҳар 3-4 кунда үтказилади, бунда суғориш меъёри $10\text{-}12 \text{ л/м}^2$, сўнг ҳар

5-6 кунда 5-6 л/м² ни ташкил этади. Ёмғирлатиб сугориш тез-тез, бироқ кам меъёрда ўтказилади. Айрим ҳолларда бир-икки марта тупроқ аралашмаси 1-2 см қалинликда сочилади. Ўсимликни озиқлантириш икки ҳафтада бир марта ўтказилади. Мавсум охирида сугориш ва озиқлантириш чекланади. Ҳаво намлиги 70-75 фоизга пасайтирилади.

Қиши мавсумида +22-24°C иситилган сув билан сугорилади. Озиқлантириш сугориш билан бир вақтда тупроқ тахлилига асосан ўтказилади. Агрокимё хизмати бўлмаса, озиқлантириш ҳар 1,5-2 ҳафтада амалга оширилади. Уларни солиш меъёри (10 л сувга) қуидагича: мева тутгунича – 10 г амиакли селитра, 15 г хлорли калий ва 40 г суперфосфат, мева тугаётган даврда – шунга мувофиқ равишда 30, 15, 60 г солинади. Ёруғликнинг таъминланиши ёмонлашиши билан азотли ўғитлар миқдори камайтирилади, калий миқдори кўпайтирилади. Тупроқ доим юмшатилган ҳолда сақланади. Бунинг учун тупроқ вақт-вақти билан юмшатиб турилади. Юмшатиш билан бирга қатордаги бегона ўтлар йўқотилади.

Уруғ экилганидан икки ва кўчат ўтказилгандан сўнг бир ой ўтгач, октябр охири – ноябр бошларида барраларни биринчи терими ўтказилади. Ёруғ кунларни мавжудлигига кўра гуллашдан то теримгача 12-15 кун, декабрда эса 20-22 кун ўтайди.

Кузги-қишки айланишда меваларнинг катталиги қишки-баҳоргига қараганда майдароқ бўлади. Узун мевали навларнинг мевалари ҳафтада икки, кичик мевалиларни эса – уч марта терилади.

Қишки-баҳорги айланиш даврининг фарқли хусусиятлари ёруғлик ва ҳаво ҳароратининг кўтарилишидир. Бунда кузги-қишки айланишга қараганда ўсимликларнинг маҳсулдорлиги салкам икки баробар ошади. Илғор хўжаликларнинг тажрибаларидан маълум бўлишича 30 кунлик бодринг кўчатларини ўтқазишнинг энг мақбул муддати январнинг биринчи ярми ҳисобланади. Экишни 5 кунга кечикириш, эрта ва умумий ҳосилни 1 м² дан 0,2-0,4 кг га камайтиради.

Юқори сифатли кўчатлар билан экишни таъминлаш учун уруғ декабр бошларида экилади. Уруғ 8×8×8 см ва 12×12×12 см катталиқдаги озиқ кубикларга ёки тувакчаларга экилади. Кўчатларни етиштиришда катта озиқ кубиклар (тувакчалар)дан ва катта ёшдаги кўчатлардан фойдаланиш меваларни пишиб етилишини сезиларли даражада тезлатади ва умумий ҳосилнинг кўпайишига имкон беради. Экиш учун фақат соғлом, бир текис 4-5 та чинбарги бўлган ўсимликлар танлаб олинади.

Кўчатлар жўякларга икки қатор қилиб олдиндан тайёрланган чуқурчаларга (уяларга) ўтказилади. Уялар дастлаб илиқ (+22-25°C) сув билан сугорилади. Кўчатлар тик ҳолатда, кубик ёки тувакчаларининг 3/4 қисми уяларга киритилган ҳолда ўтказилади. Ўсиб кетган кўчатлар қиялатиб ўтказилади, аммо пояси кўмилмайди. Кўчат ўтказилгандан сўнг жўяклар орқали сув берилади.

Ари билан чангланадиган кичик мевали нав ва дурагайлар 1 м² га 3 та ўсимлик жойлаштириб экиладиган бўлса, гурух эни 6,4 м бўлган иссиқхоналарга саккиз қатор қилиб, қаторда ўсимликлар ораси 40 см

масофада жойлаштирилади. Күчатлар эгатларга лента қилиб икки қатор ўтказилади, эгат оралатиб суфорилади. Ўсимликларни жойлаштириш шакли күйидагича: $\frac{80+80}{2} \times 40$ см ёки $\frac{100+60}{2} \times 40$ см.

Узун мевали партенокарпик дурагайлар яна ҳам каттароқ озиқланиш майдонига муҳтож. Улардан 1 м² га 1,5-2 ўсимлик жойлаштирилади. Звенолар (сектсиялар)нинг эни 6,4 м бўлган блокли иссиқхоналарга узун мевали навлар 6 қатор экилиб, қатордаги ўсимликлар ораси 50-60 см масофада жойлаштирилади.

Қишки-баҳорги айланиш даврида ҳам бодринг ўсимликлари тик каноп бағазда, бир пояли шакл бериб ўстирилади.

Ўсимликлар мева бергунича (ҳаво очиқ кунда +22-24°C, булутли кунда +20-22°C ва кечаси +16-18°C), мева бераётган давридагига (ҳаво очиқ кунда +24-26°C, булутли кунда +21-23°C ва кечаси +18-20°C) қараганда ҳаво ҳароратини бир неча даражада паст сақлаш керак.

Күёшли кунлар бошлангаунча ҳар 4-5 кунда 7-8 л/м² меъёрда эгатлар орқали суфорилади. Серқуёш кунларда эса тез-тез, яъни кун оралатиб суфорилади. Суфориш меъёри 10-12 л/м² гача оширилади. Агар иссиқхонада ёмғирлатиб суфориш мосламалари бўлса, дастлаб ҳар 2-3 кунда бир марта, кейин ҳар куни ёмғирлатиб суфорилади. Суфориш миқдори 3-5 л/м².

Минерал ўғитлар билан қўшимча озиқлантириш тупроқ таҳлили натижаларига кўра суфориш билан бир вақтда ўтказилади. Агрокимё хизмати бўлмаган жойларда ўсимликлар ҳар 10-12 кунда минерал ва органик ўғитлар билан навбатлаб қўшимча озиқлантирилади. Бунда 1 м² майдонга таркибида 10 г аммиакли селитра, 15 г калий хлорид, 40 г суперфосфат бўлган 10 л эритма берилади. Ҳосил шаклланаётган даврида минерал ўғитлар меъёри 10 л сувга: 30 г аммиакли селитра, 15 г калий хлорид ва 60 г суперфосфатгача оширилади. Органик ўғитлар билан озиқлантириш учун 1:8 ёки 1:10 ҳисобида шарбат тайёрланади.

Тупроқ вақт-вақти билан юмшатилиб турилиши ва бегона ўтлардан тозаланиши керак. Ари билан чангланадиган ва дурагайларни етиширишда имкони бўлса, иссиқхоналарга ари қутиларини (500 м² ли иссиқхонага битта оила) ўрнатиш лозим. Иссиқ кунларда уларни иссиқхонадан чиқиб учишига имкон яратиш зарур.

Барраларни териш, уларни шаклланишини жадаллигига қараб: март-апрелда – ҳар 2-3 кунда, май-июнда ҳар 1-2 кунда терилади. Ҳосилни ўз вақтида термаслик, барраларнинг товарлик сифати ёмонлашишига (ари билан чангланадиган дурагайларнинг сарғайишига ва мазаси ёмонлашувига) ҳамда ҳосилнинг бир қисми йўқолишига олиб келади.

Ўтувчан айланиш давр. Ўсимликлар ўтувчан айланиш даврда – куз, қишиш ва ёзда ўсади. Бу даври учун узун мевали партенокарпик ва нисбатан кичик мевали ари билан чангланадиган нав ва дурагайлар мос келади.

Бодрингни бу даврида етишириш учун уруғни экиш ва кўчатларни асосий жойга ўтқазиш муддатлари жуда муҳим. Илғор хўжаликларнинг тажрибаларидан маълум бўлишича, озиқ кубикларга уруғни энг мақбул экиш

муддати сентабр охири – октябр боши, кўчатларни ўтқазиш эса – октябр охири-ноябр боши ҳисобланади. Ўтқазиш учун 20-25 кунлик кўчатлардан фойдаланилади.

Ҳосилнинг етилиб чиқиши ноябр охири-декабр бошига тўғри келади ва июн ойигача давом этади.

Кўчатларни ўтқазиш қишки-баҳорги айланишдаги каби олиб борилади. Ўсимликларнинг бошқа айланишларга қараганда узоқ давр ўсиши ҳисобга олинниб улар ўтувчан айланишда катта озиқланиш майдонига зичлигини камайтириб ўтказилади.

Секциясининг эни 6,4 м ли блокли иссиқхоналарга ари билан чангланадиган, нисбатан кичик мевали дурагайларни олти қатор ўтказилиб, эгатлар ораси 106 см масофада олинади, узун мевали партенокарпик дурагайлар эса, 4 қатор ўтказилиб, қаторлар ораси 160 см қилинади. Қатордаги ўсимликлар ораси 50-60 см қолдирилади. Бошқа давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатаяптики, ўсимликларга 0,6-0,8 м² озиқланиш майдони (1 м² 1,2-1,5 ўсимлик) берилганда ҳосилдорлик камаймаганлиги маълум бўлган.

Ўтувчан айланишда ўсимликларга шакл бериш тахминан қишки-баҳорги айланишга ўхшаш. Асосий појда мевалар ён поялар билан навбатлаб (ҳар бир бўғиндан кейин), 8-10 тагача мева қолдирилади. Ёритилганлик паст даврда (декабр-феврал ярмигача) партенокарпик ўсимликларда бир вақтда шаклланаётган мевалар сони 8-12 донадан ошиб кетмаслиги керак. Ёруғлик ортиб борган сари ўсимликка бериладиган ҳосил микдори оширилиб 17-18 та мевага етказилади.

Ҳосилга кирган даврда энг юқори ёруғликда ҳарорат ҳаво очик кунлари +22-26°C, булутли кунда +20-22°C, кечаси ҳаво очик кунлардан сўнг +18-20°C, булутли кунлардан сўнг эса +16-18°C бўлиши керак. Тупроқнинг ҳарорати 20°C дан пастга тушмаслиги керак. Баҳор ва ёзда иссиқхоналарнинг исиб кетишига йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш лозим.

Ҳаво ва тупроқ намлиги ёритилганлик даражасига қараб тегишли меъёрларда ушлаб турилади. Бунда феврал ўрталаригача тупроқ намлиги 75-80% НВ даражада сақланади. Суғориш эрталаб ўтказилади. Ҳавонинг нисбий намлиги 75-80% атрофида сақланади.

Ўсимликларни озиқлантириш агрокимё таҳлиллари натижаларига кўра олиб борилади. Агар таҳлил қилинмаса, унда қўшимча озиқлантириш ёруғлик етишмагандага ҳар 18-20 кунда, юқори бўлганда ҳар 10-12 кунда ўтказилади. Озиқлантириш экиннинг ўсув даври тугашига бир ой қолганда озиқлантириш тўхтатилади.

XI.БОБ. Томорқаларга тақрорий экинларни экиш ва парваришиш

Сабзавотларни тақрорий экин сифатида етишиши



Эртаки сабзавот, картошка ва ғалла ҳосили йиғиб олинган майдонларга тақрорий экин экиш учун тайёрлашда, аввало, ишни ўтмишдош ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтларни тозалашдан бошлиш зарур. Бунда ўсимлик қолдиқлари томорқа чеккасига чиқарилиб, ер қондириб суғорилади.

Ер етилиши билан гүнг ёки компост сепилади, 25–28 см чуқурлиқда юмшатилади ва эгатлар олинади.

Томорқаларга июнь ойи иккинчи ярми ва июлнинг биринчи ўн кунлигига **боордингнинг** Марғилон-822, Наврӯз, Ўзбекистон-740, Ранний-645, F1 Алиби Аякс Микс навларини; **сабзининг** Мирзои сариқ-304, Мирзои қизил-228, Шантанэ-2461, Нантская-4, Нурли, Зийнатли навларини; **оишлавлагининг** Бордо-237 каби навларини экиш тавсия этилади.

Томорқаларга июнь ойининг учинчи ўн кунлиги ёки июль ойининг 1–2- ўн кунлигига **картошканинг** Санте, Ред скарлет, Зарафшон каби эртапишар, Аринда, Белуга, Виктория, Умид, Кондор, Драга, Корлена, Латона, Палма, Марфона, Пикассо, Романо каби эртапишар, Тўйимли, Акроб, Диамант, Симфония каби ўртапишар навларини экиш юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Чет элдан келтирилаётган уруғлик картошка экиладиган дала эгати олиниб, суғорилган бўлиши керак. Картошка экилгач суғорилади. Агар ер тайёрлаб қўйилмаган бўлса, у қопи билан ёки ерга юпқа қилиб, офтоб тушмайдиган салқин жойга тўкиб қўйилади. Экиш муддати 20 июндан то 20 июлгача, 70x30 см схемада экилади.

Июль ойининг учинчи ўн кунлиги ўсув даври қисқа бўлган сабзавотлардан **шолғомнинг** Муяссар, Самарқанд маҳаллийси, Наманганд маҳаллийси каби навларини, **турпнинг** Андижон-9, Марғилон маҳаллийси, **дайкон ёки япон турпнинг** Куз ҳадяси ва Содик каби навлари, кўкатлардан **укропнинг** Ўзбекский-243, Ором навларини экиш тавсия қилинади.

Бу даврда бегона ўтлар кўп ўсиб чиқади уларни ўташ лозим. Ўтларни йўқотиш билан бирга ортиқча нихолларни ягана қилиш керак. Орадан 20–25

кун ўтгач эса майдондаги бегона ўтларни иккинчи марта чопиқ ва ягана қилинади ҳамд ўсимликларни озиқлантириб, суғориш тавсия этилади.

Кечки карам кўчатлари тўлиқ тутиб олгач, **сабзи, ош лавлаги, картошка** туганаклари ҳамда **бодринг** ниҳоллари ердан тўлиқ униб чиққаچ, ўсув даври давомида экин турига мувофиқ 8–12 кун оралатиб 2–3 марта суғориш, ўсимлик қатор ораларини 8–12 см чуқурликда юмшатиб бегона ўтларни йўқотиш зарур. Бу тадбирлар тупроқда нам ва ҳаво сақланишини яхшилайди, ўсимликларнинг ўсиб-ривожланишига қулай шароит яратади.

Шолғом ва турп экинлари уруғи мамлакатимизнинг марказий минтақасида жойлашган ва водий вилоятларида 1–15 августда, шимолий ҳудудларда 25 июль–10 август ва жанубда 20 август–20 сентябрда сочма қилиб экилади. Эгат ораси 70 см ёки 60 см бўлиши лозим.

Бунда турп уруғи 10 сотихга 400–500 г, шолғол уруғи эса 200–300 г меъёрда сарфланади. Турп уруғи 2 см, шолғом уруғи эса 1,5 см чуқурликда экилади. Хаскаш ёрдамида тупроққа аралаштирилади.

Экин парвариша бегона ўтларни йўқотиш, ягана қилиш, эгатни юмшатиш ва заарли ҳашаротларга қарши курашга жиддий эътибор бериш зарур.

Пиёз уруғи августнинг иккинчи ярми, сентябрнинг биринчи ўн кунлигига сепилади. Бунда пиёзнинг маҳаллий эртапишар Сумбула навини экиш тавсия этилади.

Пиёз уруғи ернинг нишаблигини инобатга олган ҳолда 70–90 см оралиқда сочма ҳолда сепилади. Уруғларнинг 1,5–2 см чуқурликка кўмилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ. 10 сотихга 1,4–1,6 кг уруғ сарфланиб, кўчат ораси 5–6 см ни ташкил этади.

Ўсимлик икки-уч марта ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор оралари 15–16 см чуқурликда юмшатилади. Кўзланган ҳосилни олиш учун томорқага минерал ўғитлар бериш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, пиёзни кўчат қилиб экиш ҳам мумкин. Бунинг учун юқоридаги экиш муддатида 0,1 га майдонга 4–5 кг уруғ сепилади ва пиёз кўчати 2–4 барг чиқаргандан сўнг томорқага кўчириб ўтқазилади.

Бунда уруғ 3–4 баробар кам сарфланади ҳамда ўтоқ ва ягана қилиш учун меҳнат сарфи камаяди ва маҳсулотнинг товарбоплиги юқори бўлади.

Сабзавот экинларидан бир мавсумда 3–4 марта ҳосил етишиши

Бодринг кўчатлари плёнка остига 10 марта гача экилади. Ҳосил 40–45 кундан кейин 20–25 апрелда пишиб етилади. Бодринг ҳосили июнь ойининг биринчи ўн кунлигига тўлиқ йиғишириб олинади. 1–5 апрель кунлари ёпилган плёнкалар очилади, бодринг палаклари териб олинган пушталар юмшатилади. Уларнинг устига тезпишар маккажўхори уруғи 2 қатор қилиб экилади. Иккинчи экин – маккажўхори ҳосили томорқадан июнь ойининг охиригача йиғиб олинади.

Маккажўхоридан бўшаган ерга 10–15 август оралиғида учинчи ҳосил учун турп ва шолғом уруғи экилади. Ноябрь ойининг 2-ярмида турп ҳосили

йиғиштириб олинади. Турп ва шолғом экилган пушталарнинг ҳар икки ёнига тўртинчи ҳосил учун 2-қатор қилиб кўкат сабзавотлар укроп, петрушка экиш мумкин.

ІІІ.БОБ.МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

Олма дараҳтларини парваришилаш



Олманинг аҳамияти. Олма мевалар ичидаги етакчи ўрин эгаллайди. Олмани аҳоли йил давомида севиб истеъмол қиласиди. Озик.-овқат саноатида олмадан ширинликлар, ҳар хил печенъелар тайёрлашда ишлатилади. Пишиб етилган мевасидан қоки, сироп тайёрланади, кўчат етиштириш учун уруғ тайёрланади. Олма дараҳтлари Республикализнинг барча вилоятларида ҳам яхши ўсади ва мўл ҳосил бериш хусусиятига эга. Маданий олманинг эртаги, ўртаги ва кеч пишадиган навлари кенг тарқалган. Улар ҳар хил об-ҳаво ва тупроқ шароитига ҳам мослашиб ўсади ва узоқ йиллар ҳосил беради ва яшайди.

Экиши учун тавсия этиладиган олма навлари: Старкrimсон, Ренет Симиренко, Голден Делишес, Розмарин, Джонатан, Тошкент Боровинкаси, Фуджи, Гала, Гренни Смит, Салтанат, Пинк Леди ва ҳ.к.

Кўчатларни танлаб олиш. Экиладиган кўчатлар саралаб танлаб олинади. Сифатли кўчатлар бўйи 1 метрдан кам бўлмаган 2-3 асосий шохга эга танасининг диаметри 1,5-2 см бўлган яхши илдизланган кўчатлар экишга тавсия этилади

Кўчат экиши учун ерни тайёрлаш. Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади. Майдоннинг ҳар квадрат метрига 6–10 кг гўнг (чиринди), 200–250 г фосфор, 100–120 г калий ва 150–200 г аммонийли азот ўғити солиниб, чукур (25–30 см) ҳайдалади.

Кўчатларни экиши муддати ва экиши схемаси. Олма кўчатлари пайвандтагларига қараб экиш схемалари турлича бўлади: кучли ўсуви пайвандтагда – 6×5 м (суғориладиган бўз тупроқларда) ва 5×5 м (шағалли-

кумли тупроқларда), ўрта бўйли пайвандтагда 5×4 м, паст бўйли пайвандтагда – $3\times2,5$ м (3 м – қаторлари орасидаги масофа, 2,5 м – кўчатлар орасидаги масофа). Олма кўчатларини экиш муддати кузда ноябрь ойида, эрта баҳорда эса февралнинг охири–март ойининг бошларига тўғри келади.

Кўчат экиш учун чукурлиги ва кенглиги 60×60 см бўлган чукурчалар ковланади. Чукур қазишида тупроқ устки қисмининг 20–25 см қатлами ўранинг бир томонига, қолган қисми иккинчи томонига олиб қўйилади. Ўрага 350–400 г фосфор, 30–40 г калий ўғити ҳамда 8–10 кг чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин кўчат экилади. Кўчатни экишдан олдиндан тайёрлаб қўйилган шалтоққа (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилади) илдиз қисмини ботириб олиш лозим.

Кўчат ўрага тик ҳолда қўйилиб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатни пайванд қилинган жойи тупроқдан 4–5 см юқорида қолиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чукурга тўлатиб сув қуйилади. Шунда тупроқ зичланиб, нихол яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб, тўлдирилади. Кўчатлар тупроқнинг намлигига қараб вақти-вақти билан суғориб турилади.

Томорқа майдони 3 сотих бўлса, ушбу майдоннинг қуёш тушадиган шарқдан жанубга қараган томонга олманинг ўрта бўйли эртаки, ўртаки ва кечки навларидан 2–3 тупдан экиш тавсия қилинади. Томорқа майдони 6 сотих бўлса, ярмига сабзавот, қолган қисмига эса мевали дарахтлар, 10 сотих бўлгандан сабзавот учун майдон қолдириб, қолган каттароқ қисмига мевали кўчатларни жойлаштириш мумкин.

Парваришилаш. Дарахтларга баҳорда ярусли (қаватли) қилиб шакл берилади. Бунда дарахтнинг биринчи қаватида 3–4 дона асосий шох қолдирилади, қолганлари қирқиб ташланади. Иккинчи қават шохлари асосий шохлардан 30–40 см, биринчи қават шохларидан 25–30 см масофада қолдирилади. Учинчи қават шохлари ҳам шу зайлда шакллантирилади. Шакл беришда шох-шаббаларнинг бир-бирига соя беришини олди олинеб, бир маромда сийраклаштирилади.

Дарахт ҳосил қилмайдиган йилида буташ тизими қўйидагича амалга оширилади: шу йили ўсиб чиққан новдалар кучлироқ қалталаштирилади, ҳалқасимон мева шохлари сийраклаштирилади, мураккаб ҳалқасимон шохлар қалталаштирилади. Дарахтлар ҳосил берган йили новдалар 35–40 см ўсган эски шохларига тақаб қирқилади. Бир йиллик новдаларни қисқартириш ҳосил куртакларини кўпайишига олиб келади.

Томорқадаги олма дарахтларига 300–350 г азотли, 250–300 г фосфорли ва 200–250 г калийли ўғитлар соф ҳолда солиниши тавсия қилинади. Ҳар 2–3 йилда ўртача 50–60 кг чириган гўнг солиш ҳосилдорликни оширади. Бўз тупроқларда олма дарахтлари ўсув даври мобайнида 4–6 марта, шагалли ерларда 10–12 маротаба суғорилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашии. Олма дарахтига зараркунандалардан олма қурти (меваҳўр), мева канаси, бинафша ранг қалқондор, касалликлардан ун шудринг, қалмараз (парша), монилиоз зарар келтиради.

Бинафша ранг қалқондорга қарши эрта баҳорда куртаклар ёзилгунга қадар Каратэ 5% эм.к. пуркалади. Бундан ташқари, Перфекто 17,5% сус.к., Багира 20% эм.к. (10 сотих майдонга 15–20 мл) препаратлари билан ишлов берилади. Олма куртига қарши Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотихга 15–20 мл) Каратэ 5 % эм.к. (100 л сувга 30–40 г) кўлланилганда яхши самара беради.

Мева канасига қарши Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотихга 20–30 мл) пуркалади. Олманинг калмараз (парша), монилиоз касалликларига қарши Бордо суюқлигининг 3 фоизли (100 л сувга 3 кг мис купороси ва 3 кг сўндирилмаган оҳак) эритмаси сепилади. Касалликларга қарши тадбирлар дори воситалари куртаклар ёзилгунига қадар ўтказилади.

Ҳосилни йиғишишириши. Олмани пишиш муддати май ойининг охиридан бошланиб, октябрь ойининг бошларигача давом этади. Одатда, эртаки олмалар қисқа муддат сақланади, улар бир терим билан йиғишишириб олинади. Ўртаки ва кечки навларда бир неча марта терим ўтказилади. Ҳар бир олма нави ўзини пишиш даврида нав хусусиятларига хос рангга ва тусга киради. Буни ҳосилни теришда инобатга олиш керак. Ҳосилни йиғишиширишда мевани бир қўл билан оҳиста ушлаб, бош ва кўрсаткич бармоқ билан мева бандига заар етказмасдан узиб олинади. Терилган мевалар яшикларга жойлаштирилади. Яшиклар омборда сақлашга қўйилиши мумкин.

Иқтисодий самарадорлиги: Олма дарахти 10 сотих томорқага 5x5 м схемада экиладиган бўлса 40 дона кўчкат кетади. 40 дона кўчкатимиз 3-4 йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона дарахтимиздан ўртacha навига қараб 25 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 1000 кг ҳосил олишимиз мумкин. 1000 кг олмамизни ўртacha 8000 сўмдан сотадиган бўлсак 8000000 сўм даромад келтиради.

Нок дарахтини парваришилаш



Нокнинг аҳамияти. Олмадан кейин энг кўп тарқалган мева экини бўлиб, мевасининг мазалиги билан қадрланади. Нок мевалари янгилигича истеъмол қилинади, қоқи, консерва, сукат, повидло, мураббо, шарбат, вино, бекмес (нок асали) тайёрланади. Ўзбекистонда етиштириладиган нок таркибида 10,8-12,7 % гача шакар, 0,13-0,30 % кислоталар, 0,35 % га яқин

пектин ва 0,31 % кул бор. Ўзбекистоннинг иқлим шароити нок учун унчалик қулай эмас, лекин шунга қарамасдан бизда қурғоқчиликка, иссиққа, касаллик ва зааркундаларга чидамли маҳаллий навлари мавжуд.

Нокнинг асосий афзаллиги унинг биологик жиҳатдан мослашувчанлиги, яъни иссиққа, қурғоқчиликка, зааркундаларга чидамлилиги, узоқ (70йил ва ундан ортиқ), яшаши ва серҳосиллигидир. Унумдор ерларда кучли пайвандтагларга улаб ўстирилган нок дараҳтларидан 400-500 килограммгача ҳосил олинади.

Экиши учун тавсия этиладиган нок навлари: Вильямс, Лесная Красавица, Любимица Клаппа, Оливье де Серр, Подарок, Старкримсон ва Зимняя нашваты-2 ваҳ.к.

Кўчатларни танлаб олиши. Экиладиган кўчатлар саралаб танлаб олинади. Сифатли кўчатлар бўйи 1 метрдан кам бўлмаган 2-3 асосий шохга эга танасининг диаметри 1,5-2 см бўлган яхши илдизланган кўчатлар экишга тавсия этилади

Кўчат экиши учун ерни тайёрлаши. Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади. Майдоннинг ҳар квадрат метрига 6–10 кг гўнг (чиринди), 200–250 г фосфор, 100–120 г калий ва 150–200 г аммонийли азот ўғити солиниб, чуқур (25–30 см) юмшатилади.

Кўчатларни экиши схемаси. Нок учун оддий ўрмон ноки бақувват пайвандтаг ҳисобланса, пакана пайвандтаг учун беҳи пайвандтаглари ишлатилади.

Нок кўчатлари пайвандтагларига қараб экиш схемалари турлича бўлади: кучли ўсуви пайвандтагда – 8×5 м (суғориладиган бўз тупроқларда) ва 5×4 м (шагалли-қумли тупроқларда), ўрта бўйли пайвандтагда 4x4-3 м схемада экилади.

Кўчатларни экиши муддатлари. Кўчатлар экиш кузда хазонрезгиликдан кейин бошланади ва доимий совуқлар бошланмасдан тугалланади. Бу иш Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ҳам октябрнинг охиридан бошланиб қаттиқ совуқ тушгунча давом эттирилади. Уруғли мева дараҳтларининг кўчати кузда ноябрь ойидава баҳорда февраль ва март ойларида танасида шира харакати бошланмасдан экилгани маъқул.

Кўчат экиш учун чуқурлиги ва кенглиги 60×60 см бўлган чуқурчалар ковланади. Чуқур қазишда тупроқ устки қисмининг 20–25 см қатлами ўранинг бир томонига, қолган қисми иккинчи томонига олиб қўйилади. Ўрага 350–400 г фосфор, 30–40 г калий ўғити ҳамда 8–10 кг чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин кўчат экилади. Кўчатни экишдан олдиндан тайёрлаб қўйилган шалтоққа (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилади) илдиз қисмини ботириб олиш лозим.

Кўчат ўрага тик ҳолда қўйилиб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатни пайванд қилинган жойи тупроқдан 4–5 см юқорида қолиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўлатиб сув қуйилади. Шунда тупроқ зичланиб, нихол яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига

тупроқ солиб, түлдирилади. Кўчатлар тупроқнинг намлигига қараб вақти-вақти билан суғориб турилади.

Дараҳтлар четдан яхши чангланиши учён томорқада камида 2-3 та бир вақтда гуллайдиган навлар бўлиши керак. Бере Лигеля, Лесная Красавица, Вильямс летний, Любимица клаппа, Оливье де Серр навлари ана шундай навлар ҳисобланади.

Томорқа майдони 3 сотих бўлса, ушбу майдоннинг қуёш тушадиган шарқдан жанубга қараган томонга олманинг ўрта бўйли эртаки, ўртаки ва кечки навларидан 2-3 тупдан экиш тавсия қилинади. Томорқа майдони 6 сотих бўлса, ярмига сабзавот, қолган қисмига эса мевали дараҳтлар, 10 сотих бўлгандаги сабзавот учун майдон қолдириб, қолган каттароқ қисмига мевали кўчатларни жойлаштириш мумкин.

Парваришилаши. Нок дараҳтлари тупроқ ва иқлим шароитига талабчан. Текислик зонасида нок гармсeldан ихота қилинган, сув билан яхши таъминланган, озиқ моддалар етарли бўлгаи бўз тупроқли ерларда яхши ўсади, ривожланади ва мўл ҳосил беради:

Нок – ёш вақтида, ҳали узун ён илдизлар пайдо бўлмагунча сувга талабчан бўлади. Ер ости сувларининг юза жойлашиши салбий таъсир кўрсатади. Ҳавонинг қуруқлигига чидамсиз. Беҳига пайванд қилинган, илдиз тизими ҳали яхши ривожланмаган нок намга анча талабчан бўлади.

Нок - унумдор, юмшоқ, намни яхши сақлайдиган, ҳайдалма қавати остки қатламиининг сув ўтказиш хоссаси яхши бўлган тупроқда яхши ўсади.

Бир йиллик нок кўчатлари экилганда 3-4 та ён новдаси билан марказий новдаси бўлса, ён новдаларнинг ўсишига қа-раб 40-50 фоиз буталади. Ҳамма ён новдалар бир хил баландликда бўлиши керак. Марказий новда ён новдаларга қараганда 25-30 см узуроқ қолдирилади. Кейинчалик марказий новдага яқинлаштириб бир неча ён шох ўсиб чиқади. Бунда ўткир бурчак ҳосил қилиб ўсган зарур новдаларни тирговуч қўймасдан ўстиришга харакат қилиш керак.

Дараҳт ҳосил бермайдиган йилида буташ тизими қўйидагича амалга оширилади: шу йили ўсиб чиққан новдалар кучлироқ калталаштирилади, ҳалқасимон мева шохлари сийраклаштирилади, мураккаб ҳалқасимон шохлар калталаштирилади. Дараҳтлар ҳосил берган йили новдалар 35-40 см ўсган эски шохларига тақаб қирқилади. Бир йиллик новдаларни қисқартириш ҳосил куртакларини кўпайишига олиб келади.

Томорқадаги олма дараҳтларига 300–350 г азотли, 250–300 г фосфорли ва 200–250 г калийли ўғитлар соф ҳолда солиниши тавсия қилинади. Ҳар 2–3 йилда ўртача 50–60 кг чириган гўнг солиш ҳосилдорликни оширади. Бўз тупроқларда олма дараҳтлари ўсув даври мобайнида 4–6 марта, шағалли ерларда 10–12 маротаба суғорилади.

Касаллик ва заараркундаларга қарши курашии. Нок дараҳтига заараркундалардан олма қурти (меваҳўр), мева канаси, бинафша ранг қалқондор, касалликлардан ун шудринг, калмараз (парша), монилиоз заарар келтиради.

Бинафша ранг қалқондорга қарши эрта баҳорда куртаклар ёзилгунга қадар Каратэ 5% эм.к. пуркалади. Бундан ташқари, Перфекто 17,5% сус.к., Багира 20% эм.к. (10 сотих майдонга 15–20 мл) препаратлари билан ишлов берилади. Олма куртига қарши Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотихга 15–20 мл) Каратэ 5 % эм.к. (100 л сувга 30–40 г) кўлланилганда яхши самара беради.

Мева канасига қарши Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотихга 20–30 мл) пуркалади. Олманинг калмараз (парша), монилиоз касалликларига қарши Бордо суюқлигининг 3 фоизли (100 л сувга 3 кг мис купороси ва 3 кг сўндирилмаган оҳак) эритмаси сепилади. Касалликларга қарши тадбирлар дори воситалари куртаклар ёзилгунига қадар ўтказилади.

Ҳосилни йигиштириши. Нок мевалари бандига заар етказмасдан терилади. Баъзи маҳаллий навлар терилганидан сўнг маҳсус иссиқ шароитда сақланганида ўзига хос юмшоқликка эга бўлади. Кечки навлар терилганидан кейин сақлашга қўйилса, улар бир неча ҳафта ўтгач пишиб, истеъмолга яроқли бўлади.

Иқтисодий самарадорлиги: Нок дарахти 10 сотих томорқага 5x4 м схемада экиладиган бўлса 50 дона кўчат кетади. 50 дона кўчатимиз 4-5 йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона дарахтимиздан ўртacha навига қараб 20 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 1000 кг ҳосил олишимиз мумкин. 1000 кг нокни ўртacha 10 000 сўмдан сотадиган бўлсак 10 000000 сўм даромад келтиради.

Беҳи дарахтини парваришилаши



Беҳининг аҳамияти. Янги узилган меваси ва қайта ишланиб истеъмолқилинади. Беҳи таркибида жуда кўп пектин, ошловчи моддалар ва тошхужайралар бўлади. Меваси таркибида сув кам, дағал бўлади. Узоқсақлангандан кейин тош хужайралар юмшаб қолади. Беҳидан хушбўймураббо, цукат, қиём, мармелад, жем тайёрланади. Ўзбекистонда этиширилган беҳи таркибида (янги узилганда) 8,5-15,2% шакар, 0,4-1,0%турли кислоталар, 0,4-0,7% ошловчи моддалар бор.

Беҳи мевалари лимон рангидага ёки тўқ сариқ, тук билан қопланган бўлади, етилганда туки тўкилиб кетади. Беҳи кеч пишади, узоқ жойларга юборишга ва сақлашга чидамли. Ҳар тупидан 200 кг гача ҳосил олинади. Илдиз бачкисидан ва қаламчасидан кўпайтирилади.

Беҳининг кўпгина турлари нок учун паст бўйли яхши пайвандтаг бўлади. Беҳи иссиққа ва намликка талабчан. Эрта ҳосилга киради ва 35–45 йилгача мўл ҳосил беради.

Экиши учун тавсия этиладиган беҳи навлари: Изобильная, Йирик мевали самарқанд, Совхозная ва ҳ.к.

Кўчат экиши учун ерни тайёрлаши. Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади. Майдоннинг ҳар квадрат метрига 6–10 кг гўнг (чиринди), 200–250 г фосфор, 100–120 г калий ва 150–200 г аммонийли азот ўғити солиниб, чукур (25–30 см) ҳайдалади.

Кўчатларни экишига тайёрлаши ва экиши. Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади. Майдоннинг ҳар квадрат метрига 6–10 кг гўнг (чиринди), 200–250 г фосфор, 100–120 г калий ва 150–200 г аммонийли азот ўғити солиниб, чукур (25–30 см) ҳайдалади.

Экиши схемаси ва муддати: Беҳи 5x4м схемада кузда – ноябрь ойида, эрта баҳорда – февралнинг охири–март ойи бошларида экилади.

Кўчат экиш учун чукурлиги ва кенглиги 60×60 см бўлган чукурчалар ковланади. Чуқур қазиашда тупроқ устки қисмининг 20–25 см қатлами ўранинг бир томонига, қолган қисми иккинчи томонига олиб қўйилади.

Ўрага 350–400 г фосфор, 30–40 г калий ўғити ҳамда 8–10 кг чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин қўчат экилади. Кўчатни экишдан олдиндан тайёрлаб қўйилган шалтоқقا (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қаймоқсимон масса тайёрланади) ботириб олиш лозим.

Кўчат ўрага тик ҳолда қўйилиб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатни пайванд қилинган жойи тупроқдан 4–5 см юқорида қолиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўлатиб сув қуйилади. Шунда тупроқ зичланиб, ниҳол яхши қўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг қўчат атрофига тупроқ солиб, тўлдирилади. Кўчатлар тупроқнинг намлигига қараб вақти-вақти билан суғориб турилади.

Парваришлари. Беҳига сийраклаштирилган ярус усулида шакл берилади. Асосий шохларига шакл беришда ҳам уларнинг ўзаро боғлиқлигига қатъий амал қилиш, асосий шохлар ўткир бурчак ҳосил қилиб ўсишига йўл қўймаслик керак. Бунда бир-бирига ҳалақит берадиган асосий шохларини шакллантириш учун зарур бўлмаган шоҳ-шабба, ичига қараб ва ўткир бурчак ҳосил қилиб ўсаётган новдалар кесиб ташланади. Асосий шохлардаги қолган ҳамма новдалар майда ҳосил шохчаларига айлантирилади. Бунинг учун улар дастлабки 3 йилнинг ўзидаёқ 3–4 та куртакка қисқартирилади, яъни дараҳтлар ҳосилга киришга тайёрланади. Аммо 4-йилдан бошлаб яъни дараҳтлар ҳосилга кирганда ўсаётган шохлардаги новдалар уларнинг биологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда турли даражада кесилади.

Томорқадаги беҳи дараҳтларига 300–350 г азотли, 250–300 г фосфорли ва 200–250 г калийли ўғитлар соғ ҳолда солиниши тавсия қилинади. Ҳар 2–3

йилда ўртача 50–60 кг чириган гүнг солиш ҳосилдорликни оширади. Бўз тупроқларда беҳи дараҳтлари ўсув даври мобайнида 4–6 марта, шағалли ерларда 10–12 маротаба суғорилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашии.Беҳи дараҳтига зараркунандалардан беҳи қурти, касалликлардан монилиоз зарар келтиради.

Беҳи қуртига қарши Каратэ (100 л сувга 30–40 г), Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотих майдонга 15–20 мл) қўлланилади.

Монилиоз касаллигига қарши Бордо суюқлигининг 3 фоизли (100 л сувга 3 кг мис купороси ва 3 кг сўндирилмаган оҳак) эритмаси сепилади. Касалликларга қарши дори воситаларини куртаклар ёзилгунига қадар ишлатиш талаб этилади.

Ҳосилни йигиштириши.Беҳи асосан кузда сентябрь-октябрь ойларида пишади. Беҳи мевалари тўқ яшил рангдан оч сарик рангга ўта бошлагандан узилади.Мевалар терилганидан сўнг етилиш даврини ўташи керак. Шундагина беҳи мевалари навга хос рангга киради, таъми етарлича ширин бўлади. Айни пайтда беҳи меваларидаги пектин моддасининг қўплиги ундан қайта ишланган маҳсулот (мураббо, жем, шарбат ва компот) ишлаб чиқариш учун қимматли хомашё бўлиб хизмат қила олади.

Иқтисодий самарадорлиги:Беҳи дараҳти 10 сотих томорқага 5x4 м схемада экиладиган бўлса 50 дона кўчат кетади. 50 дона кўчатимиз 4-5 йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона дараҳтимиздан ўртача навига қараб 26 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 1300 кг ҳосил олишимиз мумкин. 1300 кг беҳини ўртача 8 000 сўмдан сотадиган бўлсак 10 400000 сўм даромад келтиради.

Ўрик дараҳтини парваришилаш



Ўрикнинг аҳамияти: Ўрик янгилигича ва қайта ишланган ҳолда истеъмол қилинади. Янги пишган ўрик меваси таркибида 8,4-19,0 % шакар; 0,3-1,7 % турли кислоталар; 0,1-1,6 % пектин ва А ва С витаминлар бор. Туршагида 80 % ва ундан ҳам кўп шакар бўлади.

Ўрикнинг аччиқ мағзидан амигдалин моддаси, техник ва озиқ-овқатда ишлатиладиган мой олинади. Данагининг пўчоғидан тушъ ваактивлаштирилган кўмир тайёрланади. Ўрик мевасидан хар хил

компот, мураббо, жем, повидло, пастила, мармелад, жели, цукат, конфет орасигасолинадиган қиём, шарбат тайёрланади.

Үрик дарахти иссиққа талабчан, эрта гуллайди. Шунинг учун унибаҳордадеярли қора совуқ бўлмайдиган ва қишида ҳарорат кўпи билан -28 –29⁰ Сбўладиган худудларда ўстириш тавсия этилади.

Экиш учун тавсия этиладиган ўрик навлари: Қандак, Субҳоний, Исфарақ, Кўрсадик, Руҳи Жуванон, Хурмои, Шалаҳ, Юбилейний Навоий ва х.к.

Кўчатларни экишга тайёрлаш ва экиш. Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади. Майдоннинг ҳар квадрат метрига 6–10 кг гўнг (чиринди), 200–250 г фосфор, 100–120 г калий ва 150–200 г аммонийли азот ўғити солиниб, чуқур (25–30 см) ҳайдалади.

Экиш схемаси ва муддати: Ўрик 6×5 м (суғориладиган бўз тупроқларда) ва 4×4 м (шағалли-қумли тупроқларда) схемасида эрта баҳорда – февраль охири–март ойи бошларида экилади. Кўчат экиш учун чуқурлиги ва кенглиги 60×60 см бўлган чуқурчалар ковланади. Чуқур қазишида тупроқ устки қисмининг 20–25 см қатлами ўранинг бир томонига, қолган қисми иккинчи томонига олиб қўйилади.

Ўрага 350–400 г фосфор, 30–40 г калий ўғити ҳамда 8–10 кг чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин қўчат экилади. Кўчатни экишдан олдиндан тайёрлаб қўйилган шалтоққа (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қаймоқсимон масса тайёрланади) ботириб олиш лозим.

Кўчат ўрага тик ҳолда қўйилиб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатни пайванд қилинган жойи тупроқдан 4–5 см юқорида қолиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўлатиб сув қуйилади. Шунда тупроқ зичланиб, ниҳол яхши қўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг қўчат атрофига тупроқ солиб, тўлдирилади. Кўчатлар тупроқнинг намлигига қараб вақти-вақти билан суғориб турилади. Кўчатлар баҳорда шира ҳаракати бошланишидан олдин экилади.

Парваришилаш. Ўрик ёшлигига кучли ўсиши билан ажралиб туради. Дарахтлар 6-7 ёшга киргунча бақувват новда чиқаради, чунки улар бу даврда жуда кам шохлайди. Ён новдалар нормал ҳосил бўлиши учун бақувват новдалар узунлигининг учдан бир қисмига ёки teng ярмига қисқартирилиши лозим.

Шағал қатлами юза жойлашган ерларида ўрик 12 ёшидаёқ, унинг 2-4 йиллик шохлари, 17-20 ёшида эса 5-7 ёшли шохлари кесилиб, қисман ёшартирилади.

Томорқадаги ўрик дарахтларига соф ҳолда 300–350 г азотли, 250–300 г фосфорли ва 200–250 г калийли ўғитлар солиниши тавсия қилинади. Ҳар 2–3 йилда ўртача 50–60 кг чириган гўнг солиш ҳосилдорликни оширади. Бўз тупроқларда ўрик дарахтлари ўсув даври мобайнида 4–6 марта, шағалли ерларда 10–12 маротаба суғорилади.

Касаллик ва заараркунандаларга қарши курашии. Ўрик дарахтига заараркунандалардан мева канаси, бинафша ранг қалқондор, касалликлардан клястероспориоз (тешик доғ) зарар келтиради.

Бинафша ранг қалқондорга қарши эрта баҳорда куртаклар ёзилгунга қадар Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотихга 15–20 мл) ва Багира 20% с.э.к. (10 сотихга 20 мл) пуркалади. Мева канасига қарши Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотихга 15–20 мл) препарати пуркалади. Клястероспориоз касаллигига қарши Бордо суюқлигининг 3 фоизли (100 л сувга 3 кг мис купороси ва 3 кг сўндирилмаган оҳак) эритмаси сепилади. Касалликка қарши препаратлар куртаклар ёзилгунинг қадар, кузда ва эрта баҳорда пуркалади.

Ҳосилни йигиштириши. Ўрик навлари асосан баҳор-ёз ойларида пишиб етилади. Мевалар тўлиқ пишганда териб олинади. Бунда қўл билан бир мева узиб олинниб, оҳиста саватларга жойланади. Кўпинча мевалар бир вақтда пишмаганлиги сабабли, улар танлаб-танлаб бир неча бор терилади. Ҳар бир нав пишган пайтида ўзига хос рангга ва тусга киради. Меванинг пишганлиги шунга қараб аниқланади.

Иқтисодий самарадорлиги: Ўрик дарахти 10 сотих томорқага 5x4 м схемада экиладиган бўлса 50 дона кўчат кетади. 50 дона кўчатимиз 3-4 йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона дарахтимиздан ўртacha навига қараб 23 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 1150 кг ҳосил олишимиз мумкин. 1150 кг ўрикни ўртacha 6 000 сўмдан сотадиган бўлсак 6900000 сўм даромад келтиради.

Шафтоли дарахтини парваришилаши



Шафтолининг аҳамияти: Шафтоли дарахтининг ўзига хос хусусияти, тез ҳосилга кириши ҳамда қисқа умр кўриши. Шафтоли навлари 2 гурухга бўлинади; улар меваси тукли ва луччак шафтоли. Жанубий худудларда ҳар бир туп дарахтдан 100-150 кг гача ҳосил олиш мумкин.

Мевасининг таъми яхши, парҳезлик хусусиятига эга ва унинг таркибида 7,3-14,0 % гача шакар, 0,33-0,95 % турли кислоталар, 0,002-1,17 % пектин, 0,1 % га яқин ошловчи моддалар, А ва С витаминалар бўлади. Меваси янгилигича ва қайта ишлаб истеъмол қилинади. Ундан жем, цукат, мураббо, мармелад ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади, қуритиб қоқи ҳам қилинади.

Экиш учун тавсия этиладиган шафтоли навлари:Лола, Эльберта, Малиновий, Мореттини желтий ранний, Старт, Фарход, Учқун, Чимган ва ҳ.к.

Кўчатларни экишга тайёрлаши ва экиш.Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади. Майдоннинг ҳар квадрат метрига 6–10 кг гўнг (чиринди), 200–250 г фосфор, 100–120 г калий ва 150–200 г аммонийли азот ўғити солиниб, чуқур (25–30 см) ҳайдалади.

Экиш схемаси ва муддати:Шафтолини экиш схемаси $5-4 \times 3-4$ м (сугориладиган бўз тупроқларда) ва 4×3 м (шағалли-қумлик тупроқларда), экиш муддатиэрта баҳорда – февраль охири–март ойи бошларида.

Кўчат экиш учун чуқурлиги ва кенглиги 60×60 см бўлган чуқурчалар ковланади. Чуқур қазиашда тупроқ устки қисмининг 20–25 см қатлами ўранинг бир томонига, қолган қисми иккинчи томонига олиб қўйилади. Ўрага 350–400 г фосфор, 30–40 г калий ўғити ҳамда 8–10 кг чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин кўчат экилади.

Кўчатни экишдан олдиндан тайёрлаб қўйилган шалтоққа (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қаймоқсимон масса тайёрланади) ботириб олиш лозим.

Кўчат ўрага тик ҳолда қўйилиб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатни пайванд қилинган жойи тупроқдан 4–5 см юқорида қолиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўлатиб сув қуйилади. Шунда тупроқ зичланиб, ниҳол яхши кўкаради. Тупроқ чўқкандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб, тўлдирилади. Кўчатлар тупроқнинг намлигига қараб вақти-вақти билан сугориб турилади.

Парваришилаши.Шафтоли шоҳ-шаббасига вазасимон шакл берилади. Бунда кўчат экилган йили 3-5 та шоҳ қолдирилиб, марказий новда қирқиб ташланади. Кучли ўсадиган шафтоли навларининг шоҳ-шаббасига 4-6 та шоҳ қолдириб лидер усулида шакл берилади.

Томорқадаги шафтоли дарахтларига 300–350 г азотли, 250–300 г фосфорли ва 200–250 г калийли ўғитлар соғ ҳолда солиниши тавсия қилинади. Ҳар 2–3 йилда ўртача 50–60 кг чириган гўнг солиш хосилдорликни оширади.

Бўз тупроқларда шафтоли дарахтлари ўсуви даври мобайнида 4–6 марта, шағалли ерларда 10–12 маротаба сугорилади.

Касаллик ва заараркундаларга қарши курашии.Шафтоли дарахтига заараркундалардан мева канаси, касалликлардан клястероспориоз (тешик доғ) зарар келтиради.

Мева канасига қарши Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотих майдонга 15–20 мл), Каратэ 5% эм.к. (10 сотих майдонга 50 мл) препаратлари пуркалади.

Шафтолининг клястероспориоз касаллигига қарши Бордо суюклигининг 3 фоизли (100 л сувга 3 кг мис купороси ва 3 кг сўндирилмаган оҳак) эритмаси сепилади. Касалликка қарши препаратлар куртаклар ёзилгунига қадар, кузда ва эрта баҳорда пуркалади.

Ҳосилни йигишиширии. Шафтоли мевалари июнь-август ойларида пишади. Ҳар бир мева эҳтиёткорлик билан узиб олиниб, саватга жойланади. Мевалар асосан навга хос рангга кирганда териш бошланади.

Шафтоли мевалари сифати тез бузилишини инобатга олиб, уларни теришда устма-уст жойлаштириш мумкин эмас. Мевалар бир қатор қилиб яшикларга терилса, уларнинг сақланувчанлиги ошади.

Иқтисодий самараадорлиги: Шафтоли дарахти 10 сотих томорқага 4x4 м схемада экиладиган бўлса 62 дона кўчат кетади. 62 дона кўчатимиз 3-4 йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона дарахтимиздан ўртacha навига қараб 18 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 1116 кг ҳосил олишимиз мумкин. 1116 кг шафтолини ўртacha 8 000 сўмдан сотадиган бўлсак 8 928 000 сўм даромад келтиради.

Олхўри дарахтини парваришилаш



Олхўрининг аҳамияти: Олхўри навларининг турли-туман бўлганлиги учун, энг кўп тарқалган мева тури ҳисобланади. Ўзбекистонда этиштириладиган олхўри меваси таркибида 14-21 % гача шакар, 0,15-1,35 % гача турли кислоталар, 0,15-1,5 % гача ошловчи моддалар ва С витамини бор. Олхўри меваси янгилигига ва қайта ишланган ҳолда истеъмол қилинади. Ундан қоқи, компот, мураббо, повидло, пастила, мармелад, шарбат ва бошқалар тайёрланади. Янги узилган олхўри мевасидан ва қоқисидан табобатда цинга касаллигига қарши восита сифатида фойдаланилади. Олхўри дарахти унчалик баланд эмас, 3 - 4 метргача етади, бир тупидан 100 кг ва ундан ҳам ортиқ ҳосил олинади. Хонаки олхўри шафтоли, ўрик ва гилосга қараганда совукқа анча чидамли.

Томорқаларда экиши учун тавсия этиладиган олхўри навлари: Исполинская, Бертон, Изобильная, Венгерка фиолетовая, Чернослив Самаркандинский ва х.к.

Кўчатларни экишга тайёрлаш ва экиши. Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади.

Майдоннинг ҳар квадрат метрига 6–10 кг гўнг (чиринди), 200–250 г фосфор, 100–120 г калий ва 150–200 г аммонийли азот ўғити солиниб, чуқур (25–30 см) ҳайдалади.

Экиши схемаси ва усули: Олхўрини экиш схемаси – 6×5 м (сугориладиган бўз тупроқларда) ва 4×4 м (шағалли-қумлик тупроқларда), экиш муддати: эрта баҳорда – февраль охири–март ойи бошларида.

Кўчат экиш учун чуқурлиги ва кенглиги 60×60 см бўлган чуқурчалар ковланади. Чуқур қазишда тупроқ устки қисмининг 20–25 см қатлами

ўранинг бир томонига, қолган қисми иккинчи томонига олиб қўйилади. Ўрага 350–400 г фосфор, 30–40 г калий ўғити ҳамда 8–10 кг чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин кўчат экилади.

Кўчатни экишдан олдиндан тайёрлаб қўйилган шалтоқقا (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қаймоқсимон масса тайёрланади) ботириб олиш лозим.

Кўчат ўрага тик ҳолда қўйилиб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатнинг пайванд қилинган жойи тупроқдан 4–5 см юқорида қолиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўлатиб сув қуйилади. Шунда тупроқ зичланиб, ниҳол яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб, тўлдирилади. Кўчатлар тупроқнинг намлигига қараб вақти-вақти билан суғориб турилади.

Парваришилаш. Олхўрига шакл бериш унинг тезпишарлигига қараб ўтказилади. Тез ўсуви учбурчаксимон шохловчи навларнинг ёнидан чиқсан биринчи қатордаги асосий новдалари қирқилади. Бу шохларнинг кенгайиши ва пасайишига имкон беради.

Томорқадаги олхўри дарахтларига соф ҳолда 300–350 г азотли, 250–300 г фосфорли ва 200–250 г калийли ўғитлар солиниши тавсия қилинади. Ҳар 2–3 йилда ўртача 50–60 кг чириган гўнг солиш ҳосилдорликни оширади.

Бўз тупроқларда олхўри дарахтлари ўсуви даври мобайнида 4–6 марта, шағалли ерларда 10–12 маротаба суғорилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашии. Олхўри дарахтига зараркунандалардан мева канаси, касалликлардан клястероспориоз (тешик доғ) зарар келтиради.

Мева канасига қарши Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотих майдонга 15–20 мл), Каратэ 5% эм.к. (10 сотих майдонга 50 мл) препаратлари пуркалади.

Олхўрининг клястероспориоз касаллигига қарши Бордо суюқлигининг 3 фоизли (100 л сувга 3 кг мис купороси ва 3 кг сўндирилмаган оҳак) эритмаси сепилади. Касалликка қарши препаратлар куртаклар ёзилгунига қадар, кузда ва эрта баҳорда пуркалади.

Ҳосилни йигиштириши. Олхўри июнь–сентябрь ойлари давомида пишади. Турли навлар турлича пишиш муддатига эга. Узоқ муддат пишиб турадиган олхўри навлари уч мартадан беш марта гача териб олинади. Шунинг учун мевалар юлиб олинмасдан, банди билан узиб олинади.

Иқтисодий самараадорлиги: Олхўри дарахти 10 сотих томорқага 4x4 м схемада экиладиган бўлса 62 дона кўчат кетади. 62 дона кўчватимиз 3–4 йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона олхўри дарахтидан ўртача навига қараб 22 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 1364 кг ҳосил олишимиз мумкин. 1364 кг олхўрини ўртача 4 000 сўмдан сотадиган бўлсак 5456 000 сўм даромад келтиради.

Голос дарахтини парваришилаш



Гилоснинг аҳамияти: Мўътадил иссиқ ва иссиқ иқлим ўсимлиги. Ўзбекистонда гилос дарахтининг танаси иссиқдан қовжираб, пўстлоғи ёрилиб кетади. Тиним ҳолатидаги куртаклари кам бўлади, шунинг учун ҳам асосий қисмлари қуриб қолганда шох-шаббаси яхши тикланмайди. Гилоснинг айрим дарахтлари 80-100 йил яшайди. Бизнинг шароитимизда бир туп гилосдан 150-300 килограммгача ҳосил олинади. Ўзбекистонда етиштириладиган гилос мевасининг таркибида 12,2 % шакар; 0,23 % турли кислоталар ва С ҳамда А витаминлари бор. Гилоснинг навлари жуда кўп бўлиб, асосан икки гурухга бўлинади: эти ширали, ҳамда эти тифис, консерва қилинадиган ва хўраки бигарро гилоси бор.

Экиш учун тавсия этиладиган гилос навлари: Валовье сердце, Қора гилос, Валерий Чкалов, Дрогана желтая, Ревершон, Клон Эльтона ва х.к.

Кўчатларни экишга тайёрлаш ва экиш. Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади. Майдоннинг ҳар квадрат метрига 6–10 кг гўнг (чиринди), 200–250 г фосфор, 100–120 г калий ва 150–200 г аммонийли азот ўғити солиниб, чуқур (25–30 см) ҳайдалади.

Экиш схемаси усули: Гилосни экиш схемаси: 6×5 м (суғориладиган бўз тупроқларда) ва 5×5 м (шағалли-қумлик тупроқларда), экиш муддати: эрта баҳорда – февраль охири–март ойи бошларида.

Кўчат экиш учун чуқурлиги ва кенглиги 60×60 см бўлган чуқурчалар ковланади. Чуқур қазишда тупроқ устки қисмининг 20–25 см қатлами ўранинг бир томонига, қолган қисми иккинчи томонига олиб қўйилади. Ўрага 350–400 г фосфор, 30–40 г калий ўғити ҳамда 8–10 кг чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин кўчат экилади.

Кўчатни экишдан олдиндан тайёрлаб қўйилган шалтоқقا (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қаймоқсимон масса тайёрланади) ботириб олиш лозим.

Кўчат ўрага тик ҳолда қўйилиб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатнинг пайванд қилинган жойи тупроқдан 4–5 см юқорида қолиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўлатиб сув қуйилади. Шунда тупроқ зичланиб, ниҳол яхши кўкаради.

Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб, тўлдирилади. Кўчатлар тупроқнинг намлигига қараб вақти-вақти билан суғориб турилади.

Парваришилаш. Дарахтга сийраклаштириш қаватлаш усулида шакл берилади, ён шохлари 2–3 қават қилиб қолдирилади. Куртак унишини

ошириш ва новдаларнинг яланғочланишини камайтириш мақсадида асосий шохлардаги ўқ новдалар қисқартирилади. Дараҳтларнинг қариш даврида 4–5 ёшли шохлари кесилиб кўпроқ ёшартирилади.

Томорқадаги гилос дараҳтларига 300–350 г азотли, 250–300 г фосфорли ва 200–250 г калийли ўғитлар соф ҳолда солиниши тавсия қилинади. Ҳар 2–3 йилда ўртача 50–60 кг чириган гўнг солиш ҳосилдорликни оширади.

Бўз тупроқларда гилос дараҳтлари ўсув даври мобайнида 4–6 марта, шағалли ерларда 10–12 маротаба суғорилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши қурашиш. Гилос дараҳтига зараркунандалардан мева канаси зарап келтиради.

Мева канасига қарши Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотих майдонга 15–20 мл), Каратэ 5% эм.к. (10 сотих майдонга 50 мл) препаратлари пуркалади.

Ҳосилни йигиштириши. Гилос асосан кеч баҳорда пиша бошлайди. Меваларни банди билан териш шарт, акс ҳолда улар ўз сифатини тезда йўқотади. Мева бандини унга зарап етказмасдан новдага тегиб турган еридан узуб олинади.

Иқтисодий самарадорлиги: Гилос дараҳти 10 сотих томорқага 5x5 м схемада экиладиган бўлса 40 дона кўчат кетади. 40 дона кўчатимиз 3-4 йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона гилосдараҳтидан ўртача навига қараб 20 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 800 кг ҳосил олишимиз мумкин. 800 кг гилосни ўртача 8 000 сўмдан сотадиган бўлсак 6400 000 сўм даромад келтиради.

Ток ўсимлигини парваришилаш



Токнинг аҳамияти: Узум ўзининг пархезлик ва озиқалиги жиҳатидан инсон организми учун энг зарур маҳсулот ҳисобланади. Пишиб етилган узум таркибида, айниқса кишмиш навларида 28-30 % гача организм томонидан тез ўзлаштириладиган қандлар-глюкоза, фруктоза ва сахароза бор. Фруктоза - ошқозон ости безининг иштирокисиз тез сингади. Шу туфайли қанд касаллиги (қандли диабет)нинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, янги узилган узум таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган олма, вино, лимон, қаҳрабо, шавел, чумоли ва бошқа бир қанча органик кислоталар, калий, кальций, фосфор, натрий каби минерал тузлар, мева пўсти таркибида ранг берувчи моддалар (пигментлар), дубил моддалар бор.

Узумдан турли мақсадлар (истеъмол қилиш, қайта ишлаш ва ҳ.к) да фойдаланилади. Асосан, июл ойидан ноябр ойигача янгилигича истеъмол қилинади. Махсус совиткичларда сақланганларини март-апрел ойларида ҳам тансиқ ва шифобахш мева сифатида истеъмол қилиш мумкин.

Экиши учун тавсия этиладиган узум навлари: Андижон қора узуми (Андижанский черный), Қора кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ ҳусайни, Ҳусайни мускатный, Ризамат, Қизил Хурмони, Паркент, Нимранг, Пушти Тоифи ва ҳ.к.

Токни экиши схемаси ва муддати : – 3×3, 3x2 м (тик сўри) ва 3×2,5 м (қайирма сўри).

Кўчатлар ўтқазишдан олдин teng нисбатда чириган гўнг ва тупроқ аралашмасидан таёрганган «атала»га ботириб олинади. Бу уларнинг яхши тутиб кетишини таъминлайди. Кўчат, асосан баҳор ойлари - март-апрел ўрталарида экиласди. Жанубий районларда кунлар илиқ бўлиб, ер яхламаганда кузда (ноябр), ҳатто қишида ҳам кўчат экиш мумкин. Кўчатларни экиш март ойи давомида амалга оширилади.

Ерни экишга тайёрлаши: Ерни экишга тайёрлашда бир қатор ташкилий ва агротехника ишлари (ерни бегона ўтлардан ва бошқа ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, ерни текислаш, органик ва минерал ўғитлар солиш, суфориш шахобчаларини белгилаш кабилар) амалга оширилади. Бегона ўтлардан тозалаш учун ер 20-25 см. чуқурликда ҳайдалиб, илдиз қолдиқларидан тозаланади. Ер ости сувлари яқин (1-1,5 м.) бўлган ҳамда шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилангач ток экиш мумкин.

Кўчатларни экишга тайёрлаши ва экиши. Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади. Токзор барпо қилишда илдиз тизими яхши ривожланган, бир ёки икки йиллик кўчатлар ўтқазилади. Улар экишдан олдин бир неча соат, намлиги камроқ бўлса 2-3 кун сувга солиб қўйилади. Ўтқазиш учун ер устки қисми 20 см. дан кам бўлмаган, камида 2-3 та панжа илдизига эга бўлган кўчатлардан фойдаланилади. Ер ости танадаги шудринг шимувчи илдизчалар олиб ташланади. Ривожланган новдаларидан 2-3 таси қолдирилиб, ҳар бири 2-3 куртакка кесилади

Ток тупларини парваришилаш. Ўстириш тизимида кўра узум тупларини шакллантириш учун кўчат ўтқазилгандан сўнг иккинчи йили устун ўрнатилиши зарур. Темир-бетон устунлар узоқ вақт хизмат қиласди ва иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Ўсиш кучи турлича бўлган техник навларни, ўртача ўсадиган кишмиш ва хўраки навлар, шунингдек, лалмикор

ерларда ўстириладиган узумларни тик симбағазда, кучли ўсувчи, хўраки ва кишмиш навларни қайирма симбағазда ўстириш керак.

Ток ўстиришнинг ҳар қандай усули токзорда олиб бориладиган парвариш ишларини, тупроққа ишлов бериш, касаллик ва зааркунандаларга қарши курашиш, ҳосил териш, уни ташиш каби ишларда унумли фойдаланиш имконини таъминлаши зарур.

Токни кўмиш ишлари ноябрь ойида ўтказилади. Баҳорда яъни, март ойининг биринчи ярмида кўмилган узум туплари очилади.

Томорқадаги узум тупларига ҳар йили баҳорда туплар очилгандан кейин ҳар бир туп ҳисобига 120–160 г аммофос, 120–150 г аммиакли селитра ва 150–200 г калий тузлари ҳисобидан минерал ўғитлар солинади. Гуллашдан икки ҳафта олдин қўл пуркагичлари ёрдамида ТУР воситаси сепилади, бу восита таъсирида ҳосилдорлик 20 фоизга ошади.

Ўсиш давомида ҳосилдор узумзорларни оғир тупроқларда 2–4 маротаба, сувни тутиб қолиши қобилияти паст тупроқларда 7–9 маротаба суғориш керак. Биринчи ўсиш даврида суғориш муддати тупроқ, об-ҳаво, шунингдек, қишки сув беришга боғлиқ бўлиб, май-июнь ойида ўтказилиши мумкин.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши курашии. Юртимиз шароитида ток ўсимлигига асосан зааркунандалардан узумхўр қурти, ун ғуборли ток курти тоғолди миңтақаларда кравчик қўнғизи; касалликлардан оидиум, антракноз, бактериал рак ва қисман хлороз касаллиги жиддий зарар келтиради.

Узумхўр қурти (узум куяси, шингил қурти). Кураш чоралари. Узумхўр қуртининг зарарини камайтириш учун шўра хомток, ғўра хомтоклар ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши новдалар чеканка қилиниб, барглар сийраклаштирилиши керак. Бунга қўшимча 2–3 маротаба пуркаш ўтказилиши, биринчи пуркаш, Қора кишмиш, Пушти Тоифи навлари 4–5 та чинбарг чиқарганда, иккинчиси ток гуллагандан 17–20 кун кейин, зарурат бўлса учинчиси иккинчисидан 7–10 кун ўтгач бажарилиши лозим. Токларни зааркунандаларига қарши Суми-Алфа 5% эм.к. (10 сотих майдонга 50 мл) ва Тайшен с.и.г. 30–80 мл меъёрда ишлатилади. Бир йўла кул касаллигини даволаш мақсадида иш суюқлигига коллоидли ёки ҳўлланувчи олтингугурт қўшиб пуркалади (10 л сувга 80–100 г). Вектра, Топаз препаратларини қўшса ҳам бўлади. Томорқа шароитида тамаки қайнатмасидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Токнинг оидиум (ун шудринг, кул, шўра) касаллиги юртимиз шароитида кенг тарқалган.

Мавсумда шўра хомток, ғўра хомток ва узумзорларга сув юргурган даврда, чилла чиққандан сўнг новдаларни қисқартириш, ортиқча баргларни олиб ташлаш зарур. Хомтокдан кейин новдаларни яхши шамоллайдиган ва ёруғлик bemalol тушадиган қилиб тараш керак.

Агротехник тадбирлар ўтказиш билан бир қаторда токларга туйилган олтингугурт билан ишлов бериш яхши самара беради. Токларда биринчи маротаба эрта баҳорда новдалар боғланиб, 3–4 тадан чинбарг ҳосил бўлганда,

8–10 кундан кейин – иккинчи маротаба, ток гуллаб бўлгандан кейин 2 ҳафта ўтгач, учинчи маротаба олтингугурт чанглатилади. Узумзорларни ёшига ва қалинлигига қараб 10 сотихга 2 килограммдан 3,5–4 килограммгача олтингугурт сарфланади. Олтингугурт кукуни бўлмаса 1 фоизли хўлланувчи олтингугурт пуркалади (10 л сувга 100 г). Топаз (10 л сувга 5 г) ёки Вектра (10 л сувга 3 г) препаратларини ҳам қўлласа бўлади.

Доғли антракноз (қорасон, чечак) касаллигига қарши қурашда агротехник чоралар профилактик характерга эга. Калий ўғитини кўпроқ бериш керак, шунда ўсимликнинг касалликка чидамлилиги ошади. Кузда ток кесишда заарланган новдалар ёқиб юборилади. Қатор оралари тупроқ қатламини ағдариб чукур юмшатиш, бегона ўтлар босишига мутлақо йўл қўймаслик керак.

Антракноз билан заарланган токзорлар, кузда кўмишдан олдин 3 фоизли Бордо суюқлиги (10 л сувга 300 г мис купороси ва 300 г оҳак) билан барча занг ва новдалари ювиш даражасида пуркалади. Баҳорда, ўтган мавсумда заарланган токзорлар куртак чиқариши биланоқ 1 фоизли Бордо суюқлиги (10 л сувга 100 г мис купороси ва 100 г оҳак) пуркалади. Бу даврда оҳак-олтингугурт қайнатмасини (ИСО) қўлласа ҳам бўлади. Топаз 10% эм.к. (10 сотих майдонга 20 мл) ёки Вектра (10 л сувга 3 г) препаратлари ҳам самаралидир.

Токнинг мильдю (сохта ун шудринг) касаллигига қурашда профилактик ва агротехник тадбирларда барча тўкилган барглар тупроқни ағдариб чопиши йўли билан йўқотилади, «Ерток» усулидаги токзорларни тик симбағазга кўтариш, шўра ва ғўра ҳомтокларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш новдаларни ёйиб тараш ва боғлаш, касаллик ва совукларга чидамлигини ошириш мақсадида калийли ва фосфорли минерал ўғитлари билан мунтазам равишда озиқлантириш.

Кимёвий воситалар ёрдамида кузда ёки баҳорда куртаклар ёзилишдан олдин 3 фоизли Бордо суюқлиги (10 л сувда 300 г мис купороси + 300 г оҳак) билан барча занг ва новдаларни ювиш даражасида пуркалади, шунингдек, 2–3 фоизли темир купоросини ёки 1 фоизли мис купоросини қўлласа ҳам бўлади.

Кўкламда барглар ёзила бошлагандан 5–6 чинбарг давригача Бордо суюқлигининг 1 фоизлиги ёки Курзат препаратларини 0,3 фоизли препаратларини 10 литр сувга 2 г қилиб пуркаш мақсадга мувофиқдир. Май ойи серёғин келса ва июнда ҳам ёғингарчилик бўлса пуркашлар 7–10 кун оралатиб 2–3 марта такрорланади.

Ҳосилни йигиштириши. Узум меваларининг ранги ва тусидан пишиш муддати аниқлаб олинади. Пишган мевалар ялтироқ бўлади. Ҳўраки навларнинг фақат пишиб етилган бошлари узиб олинади. Узум бошларининг банди боғ қайчи билан кесилиб, яшик ёки саватларга жойланади. Кишмиш ва майизбоп навлар мевалари қуруқ моддани етарли даражада тўплангандан кейингина йигиштириб олинади.

Иқтисодий самарадорлиги: Ток ўсимлиги 10 сотих томорқага 3x2,5 м схемада экиладиган бўлса 133 дона кўчат кетади. 133 дона кўчатимиз 3-4

йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона токўсимлигидан ўртача навига қараб 15 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 1995 кг ҳосил олишимиз мумкин. 1995 кг узумни ўртача 6 000 сўмдан сотадиган бўлсак 11970 000 сўм даромад келтиради.

Хурмо дарахтини парваришилаш



Хурмонинг аҳамияти: Қимматли субтропик экин. Меваси тўйимли, парҳез мева сифатида истеъмол қилинади. Таркибида 15-20 % шакар, 0,1 % турли кислоталар ва кўп микдорда С витамини бор.

Хурмо дарахтининг ёғочи жуда қадирланади. У бошқа субтропик экинларга қарагандо совуқقا анча чидамли, қисқа муддатли 18-20 °C совуқقا чидайди.

Субтропик ҳудудларда хурмонинг Кавказ, Виргин ва Шарқ турлари учрайди. Хурмо дарахти узоқ - 100 йил ва ундан ортиқ яшайди.

Экиши учун тавсия этиладиган хурмо навлари: Тамопан, Зенжи-мару, Хиакуме, Ўзбекистон пионерива ҳ.к.

Кўчатларни экишга тайёрлаш ва экиши. Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонини яхши текисланади, сўнг ерга етарли микдорда – гўнг, чиринди, фосфорли, калийли ва азотли ўғитларни солиб, чуқур ҳайдалади.

Экиши схемаси ва муддати: Хурмони экиш схемаси – 6×5 м, кўчатларни экишмарт ойи давомида амалга оширилади.

Кўчат экиш учун чуқурлиги ва кенглиги 50×50 см бўлган чуқурчалар ковланади. Чуқур қазишда тупроқ устки қисмининг 20–25 см қатлами ўранинг бир томонига олиб, қолган қисми иккинчи томонига олиб қўйилади. Кўчатни экишдан олдин тайёрлаб қўйилган шалтоқقا (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қаймоқсимон масса тайёрланади) ботириб олинади сўнгра экилади.

Кўчат ўрага тик қўйилиб, олдин олинган тупроқ чуқур тагига солиниб кўмилади. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга сув қўйилади. Бунда тупроқ зичланиб, кўчат яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб тўлдирилади. Кўчатлар тупроқ намлигига қараб суғориб турилади.

Парваришилаш. Хурмо дарахтларига сийрак-ярусли ва ўзгарган-лидерли тизимда шакл берилади, бунда марказий танаси 50-60 см гача ўсадиган 4-5 та асосий буток сақлаб қолинади. Кўчатлар ўтқазилгандан кейин унинг 70-90 см

дан юқори қисми кесиб ташланади. Келаси йили иккинчи тартиб шохларини танага яқин жойдан шакллантириш мақсадида биринчи тартиб шохлар 30-40 см қолдириб буталади. Ундан кейинги йилларда шох-шабба сийраклатиб борилади, куриб қолган, синган, чалкаш ўсган, ғовланган новдалар, шунингдек ҳосил бериб бўлган кучсиз, калта новдалар кесиб ташланади. Лекин, хурмо дарахти ҳаддан ташқари кўп буталанмайди, чунки ҳосил камайиб кетиши мумкин. Шох-шабба қалинлаштирилмай бир меъёрда сийраклатилса, новдаларнинг ўсиши ва ҳосил тўплаши учун энг қулай шароит вужудга келади. Хурмо дарахтнинг ёғочлиги мўрт бўлади. Шунинг учун, июн ойидан ҳосилдор дарахтлар остига тирговучлар қўйилиши керак.

Томорқадаги хурмо дарахтларига соф ҳолда 250–300 г азотли, 200–220 г фосфорли ва 180–200 г калийли ўғитлар солиниши тавсия қилинади. Азот ўғити иккига бўлиб, 30–40 фоизи кузда, қолгани апрель ва июль ойларида тенг микдорда солинади. Ҳар 2–3 йилда ўртacha 50–60 кг чириган гўнг солиш ҳосилдорликнинг ошишига ижобий таъсир этади.

Бўз тупроқларда гилос дарахтлари ўсув даври мобайнида 5–8 марта, шағалли ерларда 12–14 маротаба сугорилади.

Касаллик ва зааркундаларга қарши курашии.Хурмо дарахтига зааркундалардан ўргимчакканда, узум қурти зарар келтиради. Касалликлардан бактериоз, чириш хавф солади.

Ўргимчакканага қарши Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотихга 15–20 мл), Каратэ 5% эм.к. (10 сотихга 50 мл) препаратари пуркалади.

Узум қуртига қарши эрта баҳорда Каратэ 5% эм.к. (10 сотихга 50 мл) препарати пуркалади.

Ушбу препаратлар бўлмагандан тамаки қайнатмасидан фойдаланиш мумкин.

Бактериоз ва чириш касалликларига қарши Бордо суюқлигининг 3 фоизли (10 л сувга 300 г мис купороси ва 300 гр сўндирилмаган оҳак) эритмаси сепилади.

Ҳосилни йигиштириши.Хурмо ҳосили кузда йигиштириб олинади. Хурмо мевалари асосан сариқ ёки тўқ сариқ рангга кирганда пишган ҳисобланади. Мевалар оҳиста узиб олинади ва саватларга жойланади. Сақлаш даврида мевалар юмшаб қолишини инобатга олиб, улар бир қатор қилиб тахланади. Теримдан сўнг бир оз муддат ўтганидан кейин мевалар истеъмол учун яроқли ҳолга келади. Пишиб ўтиб кетган хурмо ҳосилини кушлар еб кетади.

Иқтисодий самараадорлиги:Хурмо дарахти 10 сотих томорқага 6x5 м схемада экиладиган бўлса 30 дона кўчат кетади. 30 дона кўчватимиз 4-5 йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона хурмо дарахти ўртacha навига қараб 25 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 750 кг ҳосил олишимиз мумкин. 750 кг хурмони ўртacha 4 000 сўмдан сотадиган бўлсак 3 000 000 сўм даромад келтиради.

Анорни парваришилаш



Анорning аҳамияти: Анор меваси таркибида 8-21 % гача шакар, 0,5-5 % гача турли кислоталар, 6 мг % гача С витамини бор. Анор меваси таркибидаги кислота миқдори бўйича уч гуруҳга: 1. 0,9 % гача бўлса - ширин; 2. 0,9-1,8 % гача яримширин; 3. 1,8 % дан ортиқ бўлса аччиқ анорга бўлинади. Анордан кондитер саноатида ва тиббиётда фойдаланилади. Анор пўчоғида, шоҳ-шаббасида ва илдизида ошловчи (32%) ва бўёқ моддалари кўп бўлганлигидан ошловчи модда сифатида калава ип, газламаларни бўяшда ҳамда сиёҳ тайёрлашда ишлатилади. Ёввойи анор меваларидан лимон кислотаси олинади (таркибида 4-9 % гача бўлади). Уруғи таркибида 12-17 % озиқ-овқатда ишлатиладиган мой олинади. Ингичка новдаларидан пишиқ саватлар тўқилади.

Анор суви таркибида таниidlар ва темир моддаси кўплиги туфайли ундан атеросклероз ва бошқа касалликларни, пўчоғи ва илдизи қайнатмасидан эса ошқозон-ичак, юрак-томир, ангина, астма, тутқаноқ каби касалликларни даволашда фойдаланилади. Анор суви иштахани очади, ундан хушхўр ичимлик тайёрланади. Гули жуда чиройли бўлгани учун манзарали ўсимлик сифатида ҳам экилади.

Экиши учун тавсия этиладиган анор навлари: Кизил анор, Аччиқ дона, Қозоқи анор, Туятиш, Улфи, Десертный ва х.к.

Кўчатларни экишга тайёрлаши ва экиши. Анор кўчатлари асосан баҳорда - март ойи охири апрел ойи бошларида экилади. Кўчатлар экиладиган ўраларнинг чуқурлиги 60 см, кенглиги 75 см гача бўлади. Кўчатлар экишдан олдин ерлар чуқур 40-50 см чуқурликда плантажли плутглар билан ағдариб ҳайдалиши лозим.

Экиши схемаси ва усули: Шўрланган ва ботқоқлашган ерларда яхши ўスマйди. Анор кўчатлари бир-биридан 4 x 2 м оралиқда, лалмикор ерларда ўстирилганда эса 5 x 4 м оралатиб ўтқазилади. Анор четдан чангланадиган ўсимлик, лекин ўз-ўзидан ҳам чанглана олади. Шунинг учун, анорнинг ҳар хил навларини аралаштириб экиш ҳосилдорликни оширади.

Кўчат экиш учун чуқурлиги ва кенглиги 50x50 см бўлган чуқурчалар ковланади. Чуқур қазишда тупроқ устки қисмининг 20–25 см қатлами ўранинг бир томонига олиб, қолган қисми иккинчи томонига олиб қўйилади. Кўчатни экишдан олдин тайёрлаб қўйилган шалтоқقا (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қаймоқсимон масса тайёрланади) ботириб олинади сўнгра экилади.

Кўчат ўрага тик қўйилиб, олдин олинган тупроқ чукур тагига солиниб кўмилади. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чукурга сув қўйилади. Бунда тупроқ зичланиб, кўчат яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб тўлдирилади. Кўчатлар тупроқ намлигига қараб суғориб турилади.

Парваришилаш. Кўчатлар экилгандан сўнг жўяклаб суғорилади. Суғорилгандан 2-3 кун ўтгач, кўчатлар тўғрилаб чиқилади ва зарур бўлса, улар тагига тупроқ тортилади. Анор кўчатлари ўтқазилган дастлабки йили вегетация даври давомида 10-12 марта (гектарига 600-700 м³ ҳисобида) суғорилади. Анорлар тупроғининг намлиги дала нам сифимиға нисбатан 75-80 % да сақланади. Охирги сув октябрнинг биринчи ўн кунлигига берилади. Ҳар галги суғоришдан сўнг тупроқ етилиши билан суғориш эгатлари ва ўсимлик таглари ҳамда қатор оралари юмшатилади. Ўсимлик қатор оралари ёз давомида 4-5 марта юмшатилади. Кузда анор туплари ёстиқча олиниб тупроқ билан кўмилади.

Қишида қаттиқ совук бўлмайдиган ва ҳарорат 15-16° С дан пастга тушмайдиган, жанубий ҳудудларда анор туплари кўмилмай ўстирилади. Дастлабки икки йил давомида қатор оралари қора шудгорлигича қолдирилади, ундан кейинги йиллар қатор ораларига сидерат экинларни экиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Анор қишига кўмиладиган субтропик экин тури бўлганлиги учун уни бутасимон шакллантириш энг мақбул ҳисобланади. Бунда асосий З та йирик шох қолдирилади. Йирик шохлар ерга нисбатан 45 градус қиялика шакллантирилади. Вақт ўтиши билан ҳосил тупнинг марказидан четга чиқа бошлайди, шунинг учун новдаларни қисқартириш талаб этилади.

Томорқадаги анор тупларига 250–300 г азотли, 200–220 г фосфорли ва 180–200 г калийли ўғитлар соф ҳолда солиниши тавсия қилинади. Азот ўғити иккига бўлиб, 30–40 фоизи кузда, қолгани апрель ва июль ойларида тенг микдорда солинади. Ҳар 2–3 йилда ўртacha 50–60 кг чириган гўнг солиши ҳосилдорликнинг ошишига ижобий таъсир этади.

Бўз тупроқларда анор ўсув даври мобайнида 6–10 марта, шағалли ерларда 10–12 маротаба суғорилади.

Касаллик ва заараркунандаларга қарши курашии. Анор дарахтига ўргимчаккана заараркунандаси тушади.

Ўргимчакканага қарши Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотихга 15–20 мл) пуркалади.

Узум қуртига қарши эрта баҳорда Каратэ 5% эм.к. (10 сотихга 50 мл) препарати пуркалади. Ушбу препаратлар бўлмаганда тамаки қайнатмасидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Ҳосилни иижиштириши. Анор навлари куз ойларида пишиб этилади. Улар қўл билан узилиб, яшикларга тахланади. Анор мевалари турли шикастланишларга чидамли бўлгани учун уларни узок муддат сақлаш ва қатор-қатор қилиб тахлаш мумкин.

Иқтисодий самараదорлиги: Анор дарахти 10 сотих томорқага 4x2 м схемада экиладиган бўлса 125 дона кўчат кетади. 125 дона кўчатимиз 3-4

йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона анор дарахтиўртача навига қараб 10 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 1250 кг ҳосил олишимиз мумкин. 1250 кг анорни ўртача 8 000 сўмдан сотадиган бўлсак 10 000 000 сўм даромад келтиради.

Анжирни парваришлаш



Анжирнинг аҳамияти: Анжирнинг ширали меваси янгилигича ва қуритилиб истеъмол қилинади. Анжирдан компот, жем, мураббо, пивидло, вино, спирт, кофе тайёрланади. Янги терилган меваси ташишга чидамсиз бўлиб, тез бузилади.

Анжир мевасининг таркибида 9-28 % гача, қуритилганида эса 75-86 % гача шакар; 0,12-0,59 % гача турли кислоталар; А, С, В₁, В₂ витаминлар, темир, кальций, мис, фосфор ҳамда магний кўп бўлади.

Дарахтининг бўйи 4-15 м гача етади, шох-шаббаси қалин, тарвақайлаб ўсган, барглари йирик, бўлмали, узун бандли бўлиб, ҳамма қисмларида сутсимон шира бор.

Анжирнинг ўсув даври 180-230 кун давом этади. Бир дона меванинг вазни 10-12 г. Кўчатлари ўтқазилгандан кейин 2-3 или ҳосилга киради ва 50-60 йилгacha мўл ҳосил беради, 100 йилгacha яшashi мумкин. Унинг ҳар бир тупидан навига қараб 5-40 кг гача, гектаридан эса ўртача 200 ц гача ҳосил олиш мумкин. Анжир яхши пишган бир йиллик новдасидан қаламча тайёрланиб кўпатирилади ва камдан-кам ҳолатларда илдиз бачкисидан кўпайтирилади.

Томорқаларда экши учун тавсия этиладиган анжир навлари: Кадота, Қора-анжир, Крымский, Узбекский желтый ва х.к.

Кўчатларни экшига тайёрлаш ва экши. Кўчатларни экшига тайёрлашда аввало, томорқа майдонини яхши текисланади, сўнг ерга етарли миқдорда – гўнг, чиринди, фосфорли, калийли ва азотли ўғитларни солиб, чуқур ҳайдалади.

Экиш схемаси, муддати ва усули: Анжирни экши схемаси – 5×4 м, кўчатларини экши муддати – март ойи давомида амалга оширилади.

Кўчат экши учун чуқурлиги ва кенглиги 50×50 см бўлган чуқурчалар ковланади. Чуқур қазишда тупроқ устки қисмининг 20–25 см қатлами ўранинг бир томонига олиб, қолган қисми иккинчи томонига олиб қўйилади. Кўчатни экишдан олдин тайёрлаб қўйилган шалтокқа (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қаймоқсимон масса тайёрланади) ботириб олинади сўнгра экилади.

Күчат ўрага қўйилиб, олдин олинган тупроқ чукур тагига солиниб кўмилади. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чукурга сув қўйилади. Бунда тупроқ зичланиб, кўчат яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб тўлдирилади. Кўчатлар тупроқ намлигига қараб суғориб турилади.

Парваришилаш. Анжир қишига кўмиладиган субтропик экин тури. Уни бутасимон шакллантириш қишига кўмишни қулайлаштиради. Бунда асосий 3–4 та йирик шох қолдирилади. Қишдан чиқсан анжир туплари новдаларини 1/3 қисмига қисқартирилади. Қалинлашиб кетган шохлар сийраклаштирилади, бу ҳосилни камайтирмасдан, балки анжир тупини ичига шамол, қуёш нури киришини таъминлайди. Анжирзорлар барпо қилинган дастлабки йили 10-12 марта; ўтқазилгандан кейин дастлабки уч йил мобайнода 10-11 марта суғорилади.

Томорқадаги анжир тупларига соф ҳолда 250–300 г азотли, 200–220 г фосфорли ва 180–200 г калийли ўғитлар солиниши тавсия қилинади. Азот ўғити иккига бўлиб, 30–40 фоизи кузда, қолгани апрель ва июль ойларида тенг микдорда солинади. Ҳар 2–3 йилда ўртача 50–60 кг чириган гўнг солиш ҳосилдорликнинг ошишига ижобий таъсири этади.

Бўз тупроқларда анжир ўсимлигига ўсув даври мобайнода 6–10 марта, шағалли ерларда 10–12 маротаба суғорилади. Анжир туплари октябрнинг иккинчи ярми – ноябрнинг бошларида баргнинг тўкилишини кутиб ўтирамай (улар узоқ вақтгача тўқилмай тураверади) кўмилади. Кўмиш олдидан анжир қатор оралари суғорилади, ҳайдалади. Анжир туплари ҳар доим бир томонга қаратиб қатор бўйлаб эгилади ва ерга ётқизиб, тепасига похол ёки қамиш ёпилади, сўнгра

юмшоқ нам тупроқ тортилади. Тана ва новдаларнинг ҳаддан ташқари эгиб юбормаслик учун анжир тупи остига тупроқдан «ёстиқча» қилинади.

Баҳорги совуклар ўтгандан сўнг (ўртача апрелнинг дастлабки 5 кунлигига) анжир туплари очилади. Кеч очилганга қараганда барвақт очилган анжир тупларидан кўпроқ ҳосил олинади. Бу куртакларнинг моғорлашидан кам нобуд бўлиши ҳамда барвақт ўса бошлиши ва тўпмеваларнинг кўпроқ етилиши ҳисобига эришилади. Туплар очилгандан кейин дўнглар ёйилади, чукурлар тўлдирилади ва майдон текисланади.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши курашии. Анжирга ўргимчакканага қарши Перфекто 17,5 % сус.к. (10 сотихга 15–20 мл) пуркалади.

Узум қуртига қарши эрта баҳорда Каратэ 5% эм.к. (10 сотихга 40 мл) препарати пуркалади. Ушбу препаратлар бўлмагандан тамаки қайнатмасидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Хосилни ишгизтириши. Анжир мевалари ёзниг ўрталарида пишиб етилишни бошлайди. Турли навлар ҳар хил муддатларда пишади. Мевалар банди билан узилса улар сифатини бузмай, узокроқ сакланади. Тўқ жигирранг рангли мевалар навга хос рангга кирганда узиш бошланади. Сақлашга ва қуритишга мўлжалланган мевалар ўз муддатида узилганидагина

улардан юқори сифатли анжир олиш мумкин. Пишиб кетган мевалар вақтида териб олинмаса шохидә қуриб қолади.

Иқтисодий самараадорлиги: Анжир дарахти 10 сотих томорқага 5x4 м схемада экиладиган бўлса 50 дона қўчат кетади. 50 дона қўчатимиз 2-Зийлдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона анжир дарахти ўртача навига қараб 8 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 400 кг ҳосил олишимиз мумкин. 400 кг анжирни ўртача 12 000 сўмдан сотадиган бўлсак 4 800 000 сўм даромад келтиради.

Ёнғоқ дарахтини парваришилаш



Ёнғоқнинг аҳамияти: Ёнғоқ дарахти жуда баланд бўйли бўлиб, шохшаббаси шарсимон ёки кенг пирамида шаклида. Гуллари бир уйли, икки жинсли. Эркак гуллари, яъни кучаласп ўтган йилги новдаларда тўп-тўп бўлиб, урғочи гуллари эса янги новдалар учидан биттадан ёки бир нечтадан, баъзан тўптўп бўлиб жойлашади. Апрель охири-май ойи бошларида гуллайди. Чангчи ва уруғчи гуллари битта дарахтда бўлиб, бирин-кетин етилади. Камданкам ҳолда ҳар иккала гули бир вақтда етилади. Шунинг учун ёнғоқ ўзидан чанглана олмайди, асосан шамол воситасида чангланади.

Меваси 10 сентябрдан пиша бошлайди. Мевалари йириклиги, пўстининг қалинлиги, мағзининг тўлиқлиги, мағзи таркибида ёғ кўплиги, пишиш даврининг ҳар хиллиги билан бирбиридан фарқ қиласида. Нам етарли бўлган ҳар хил тупроқли ерларда ҳам ёнғоқ дарахти яхши ўсаверади.

Ёнғоқ иссиқсевар ўсимлик, совуқقا нисбатан чидамли, 25° совуқдан заарланади. Эрта баҳорда кўкара бошлайди. Ўсув даври 165-210 кун давом этади. Ёнғоқ уруғидан ва пайванд қилиш йўли билан кўпайтирилади.

Уруғдан чиққаи ёнғоқ 8-10 йилда, пайванд қилинганлари эса 5-6 йилда ҳосилга киради. Дарахти солкаш. Ҳосилга кирган дарахтдан 100-150 кг дан, айрим тупларидан 500 кг гача ҳосил олинади. Ёнғоқ 300-400 йил яшайди. 50-60 ёшида энг кўп ҳосил беради.

Томорқаларда экши учун тавсия этиладиган анжир навлари: Бўйтонлиқ, Идеал, Юбилений, Тонкоскорлупний ва ҳ.к.

Кўчатларни экшига тайёрлаш ва экши. “Ёнғоқ дарахти ер танламайди, сувга чидамли, тоғда ҳам, даштда ҳам ўсаверади. Ёнғоқ кўчатини танлашда илдиз тизими яхши ривожланган, икки йиллик кўчатлар

үтказилади. Улар экишдан олдин бир неча соат сувга солиб қўйилади. Ўтказиш учун ер устки кисми 150-190 см. дан кам бўлмаган, камида 3 та асосий илдизига эга бўлган қўчатлардан фойдаланилади. Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонини яхши текисланади, сўнг ерга етарли миқдорда – гўнг, чиринди, фосфорли, калийли ва азотли ўғитларни солиб, чукур ҳайдалади.

Экиш схемаси, муддати ва усули: Ёнгоқ қўчатлари кузда совук тушгунга қадар ёки баҳорда куртаклар уйғонгунча экилади. Ёнгоқ қўчатлари 10×10 м, 10x8 м, схемаларда экилади.

Кўчат экиш учун чукурлиги ва кенглиги 70×60 см бўлган чукурчалар ковланади. Чукур қазиша тупроқ устки қисмининг 25–30 см қатлами ўранинг бир томонига олиб, қолган қисми иккинчи томонига олиб қўйилади. Кўчатни экишдан олдин тайёрлаб қўйилган шалтоқقا (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қаймоқсимон масса тайёrlанади) ботириб олинади сўнгра экилади.

Кўчат ўрага қўйилиб, олдин олинган тупроқ чукур тагига солиниб қўмилади. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чукурга сув қўйилади. Бунда тупроқ зичланиб, кўчат яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб тўлдирилади. Кўчатлар тупроқ намлигига қараб суғориб турилади.

Парваришилаш. Ёнгоқзорлар ҳам худди бошқа мевали боғлар каби парвариш қилинади.

Шоҳ-шаббага шакл беришда дарахтнинг танаси баланд 1,5-2 м қилиб қолдирилади. Ўтказувчи марказий шоҳни сақлаган ҳолда бир-биридан 30-50 см оралиқда жойлашган 6-10 та асосий шоҳ қолдириб дарахтга сийрак-ярусли ҳолда шакл берилади. Кейинги йилларда шоҳ-шаббани парвариш қилишда қуриган, нобуд бўлган ва ўралашиб кетган шоҳларни кесиб ташлаб сийраклаштириш билан чегараланилади, шоҳларнинг биргалиқда ўсиши кузатиб борилади, улар ўртача қисқартирилади.

Шоҳ-шаббани совук урганда зааррланган новда ва шоҳлар соғлом ёғочлигигача буталади. Уйқудаги куртаклардан чиқкан янги ўсув новдаларидағи кучлиларини қолдириб сийраклатилади, улардан шоҳ-шаббанинг совук урган қисмлари тикланади. Агар қаттиқ қишида дарахтларни илдиз бўғзигача совук уриб кетса, улар тўнка қолдириб кесилганда илдиз бачкиларидан қайта тикланади. Асосий шоҳларнинг учи қуриб қолса, шоҳ-шаббалар ёшартирилади.

Ёнгоқ қўчатлари экилган дастлабки йили 6-8 марта; ўтказилгандан кейин дастлабки уч йил мобайнида 5-6 марта суғорилади.

Томорқадаги ёш қўчатлар танаси атрофи чопилади ҳамда баҳорда ва ёзда ёгин-сочинлардан кейин 1 м² га 3-4 кг дан гўнг ёки 10-12 г дан азот ва фосфор солинади. Ҳар 2-3 йилда ўртача 50–60 кг чириган гўнг солиши хосилдорликнинг ошишига ижобий таъсир этади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашии. Ёнгоқ боғлари сифатли қўчатлардан барпо қилинганда, агротехник ва ўрмон хўжалик тадбирлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилганда ёнгоқ дарахтлари

касалланмайди ва зааркунандалар пайдо бўлмайди. Ёнғоқнинг 100 дан ортиқ зааркунандалари мавжуд. Барг ҳашаротларига ёнғоқ бити, ёнғоқ куяси, мева куяси, тоқ ипак қурти ва барг каналари киради. Қарши кураш чоралари: ёнғоқ зааркунандаларига қарши карбофос 2,5-3,0 л/га, БИ-58 (янги)- 1,5 л/га, Циракс- 0,6 л/га, Нурелл-Д-1,5 л/га, каналарга қарши эса Вертимек-08 л/га, Омайт-2,5-3,0 л/га ёки Нискоран 0,2 кг/га меъёрида қўлланилади. Тана зааркунандаларидан шаҳар муйловдори катта заар етказади, личинкалари ёнғоқ ёғочлари сифатини пасайтиради. Кураш чоралари: заарланган дaraohтларни карчовка қилиш ва хлорофос ёки фосфамид эритмалари билан пуркаш талаб этилади.

Ёғингарчилик кўп бўлган йилларда ёнғоқ барглари ва меванинг қўнғир доғланиш касаллиги билан касалланади. Кураш чоралари: дaraohтларни 1% ли бордосс суюқлиги ёки таркибида мис сақловчи препаратлар (энтохлорок 5 кг/га, энтохлорок плюс-4,5 кг/га, мис хлор оксиди 0,3% ли) билан пуркаш тавсия этилади, дaraohт туп атрофлари ағдарилади. Ўрта Осиёда ёнғоқ уруғи кўчатлари ва пайванд қилинган кўчатлар ун шудринг билан заарланади.

Меланконий замбуруғи (*Melanconium juglandis* Kze.) ёнғоқ шоҳлари ва танани қуриб қолишига олиб келади. Кураш чоралари –фитосанитария назорати, заарланган шоҳларни кесиш ва ёндириб юбориш. Бундан ташқари ёнғоқга қўйидагилар: қўнғир чириш, қизил- қўнғир чириш, сариқ чириш, оқ чириш ёнғоқ ёғочига катта заар етказади, дaraohт касалланганда мева сифати ва ҳосилдорлик пасайиб кетади. Кураш чоралари: ёзда замбуруғларни териш ва йўқотиш, заарланган дaraohтларни карчовка қилиб ёндириб юбориш, тупроққа ишлов бериш.

Ҳосилни йиғишишириши. Ёнғоқ мевалари август-сентябр ойларида пишиб етилишни бошлайди. Ёнғоқ дaraohти 5-6 йилдан бошлаб ҳосилга киради, ёнғоқ 25-35 ёшга кирганда серхосил бўлади ва ҳар тупидан 100-150 кг(баъзиларида эса 300-500 кг гача) ҳосил олинади. Бир гектардан олинган ҳосил миқдори 100-150 ц ни ташкил қиласди. Ёнғоқнинг мева пўсти ёрилганда ва ёнғоқлар ерга тўкилганда ҳосил йиғиширилишга киришилади. Ҳосилни йиғиб олишга шошилмаслик керак, чунки ўз вақтида йиғишириб олинган ёнғоқларнинг сифатлари юқори бўлади, улар пўстидан яхши ажралади, мағзизда нам миқдори камроқ бўлади ва ёнғоқларни қуритиш осонлашади. Ёнғоқ мевалари бир вақтда етилмайди, шунинг учун бир неча босқичда ҳосил йиғишириб олинади. Ёнғоқларни териб олиш қўлда амалга оширилади, бу жараён кўп меҳнатни талаб қиласди. Ёнғоқ меваларида намлик даражаси стандарт бўйича 5-8% дан ошмаслиги керак.

Иқтисодий самарадорлиги: Ёнғоқ дaraohти 10 сотих томорқага 10x8 м схемада экиладиган бўлса 12-13 дона кўчат кетади. 12 дона кўчатимиз 5-6 йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона ёнғоқ дaraohти тўлиқ ҳосилга кирганда ўртacha навига қараб 100 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 1200 кг ҳосил олишимиз мумкин. 1200 кг ёнғоқни ўртacha 10 000 сўмдан сотадиган бўлсак 12000000 сўм даромад келтиради.

IV.БОБ.Чорва ҳайвонлари ва паррандаларни парваришилаш

Буқаларни парваришилаш



Зотни танлаши. Семиртириш учун аввало, гўшт йўналишидаги зотдор сигирлардан олинган буқачаларни танлаш лозим. Бўрдоқичиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан ёш зотдор буқачаларни сотиб олиш ҳам ишончли ҳисобланади. Уларни қисқа муддатларда семиртириб, сифатли ва энг кўп микдорда гўшт олишга эришилади.

Парваришилаш. 6–8 ойлик буқачаларни 15–18 ой давомида шундай боқиши керакки, токи уларнинг вазни 400–480 кг. га етсин. Бунинг учун буқаларни кўк ўт, силос, сенаж, пичан, илдизмевалилар, терт, дон, пахта шулхаси, кунжара, шрот ва беда билан озиқлантириш керак. Бу озуқаларнинг кўпи томорқанинг ўзидан чиқади.

ДИҚҚАТ! Хонадонларда чорва ҳайвонларини парваришилашда санитария-гигиена талабларига (молхоналарни тоза тутишга, сифатли дезинфекциялашга) тўла риоя этиш, ҳайвонларни ветеринария қўригидан ўтказиш ва юқумли касалликларга қарши профилактик эмлатиш шарт. Касаллик аломатлари кузатилганда дарҳол худудий ветеринария хизматига мурожаат этиш лозим.

Кўк ўт мол организми учун энг афзал ва қимматли озуқа ҳисобланади. У енгил ҳазм бўлади ва организмга яхши сингади. Вояга етган қорамолга бир кунда 70 килограммгacha кўк ўт бериш мумкин.

Силос қишки даврда буқа учун энг арzon ва тўйимли озуқадир. У ёввойи ўтлар (захарлилари асло ишлатилмайди), маккажўхори, кунгабоқар ва бошқа ўсимликлар поялари, илдизмеваларни майдалаб, бир-бири билан аралаштирилиб тайёрланади. Вояга етган буқага кунига 40 килограммгacha силос берилади.

Пичан томорқада ўстирилган беда ва ўтлардан тайёрланади. Улар гуллаш бошланган пайтда ўриб олинса тўйимли бўлади. Молларга бир кунда 10–12 кг пичан берилади.

Сенаж-қорамол учун қимматли озуқадир. У томорқадан чиқадиган беда ва дуккакли экин пояларидан тайёрланади.

Илдизмевалилар – қанд ва хашаки лавлаги, сабзи, турп – молга кузда ва қиша 15–30 килограммгача майдалаб берилади.

Терп ем (кепақ, шрот, кунжара, дон майдалари) ва дағал озуқа (сомон, хашак)ни аралашмаси. Сомон ва хашак сувда 2–3 марта ювилиб, 25 фоизгача ем ва мол бошига 30 грамм ош тузи құшилғач, яхшилаб аралаштирилади. Кейин илиқ сувда 10–12 соат ивитиб қўйилади. Битта молга 5–6 килограмм берилганда жуда иштаха билан ейди ва тезда ҳазм қиласди.

ДИҚҚАТ! Бўрдоқи молларни ветеринария кўригидан ўтказмасдан сўйиш, гўштини истеъмол қилиш ва сотишга йўл қўйилмайди.

Донли озуқалар (арпа, сули, нўхат, маккажўхори)нинг донлари молларга майдалаб ёки янчиб берилади.

Кунжара, шрот молга кунига 2–3 килограммдан берилади.

Барда таркибида 85–95% сув бор. Молларга суткасига 80–90 литр барда едирилса улар тез семиради.

Буқа яхши ва тўғри боқилса, унинг кунлик тирик вазни ўсиши 800–1200 граммга боради.

Сигирларни парваришилаш



Зотни танлаши. Энг аввало, сутдор сигирни танлаш керак. Танлашда сигирнинг ташқи кўринишига эмас, балки зотдорлигига эътибор бериш лозим. Чунки зотдор сигирлар жайдари ва насллизларига қараганда қўп сут беради.

Республикамизда сут йўналишидаги қорамол зотларига қора-ола (жуссаси йирик, танаси узунроқ, териси қайишқоқ, елини катта), қизилчўл (туси қизил, боши ва танасида оқ қашқаси бор), бушуев (туси оқ, қулоқ ва тумшук атрофи қора ёки қизил) ва швиц (туси қўнғир, танаси ихчам, елинлари кичик) зотлари киради. Сигирнинг қора-ола зоти сут маҳсулдорлиги бўйича етакчи ҳисобланиб, уларнинг тирик вазни ўртacha 460–500 кг, 305 кунлик соғин давридаги сут маҳсулдорлиги 3800–4500 кг, сут таркибидаги ёғ 3,6–3,7 фоизни ташкил этади.

Қизилчўл зотли қорамоллар юртимизнинг иссиқ иқлим шароитига яхши мослашган. Сигирларнинг ўртacha тирик вазни 450–500 кг, соғин давридаги сут миқдори 3200–3800 кг атрофига, сути таркибидаги ёғ – 3,7–3,8%.

Республикамизд яратилган сут йўналишидаги бушуев зотли қорамоллар асосан Сирдарё вилояти хўжаликларида парваришланади. Улар куруқ иқлимга яхши мослашган, қон касалликларга чидамли. Тирик вазни ўртacha 450–500 кг, соғин давридаги сут миқдори 3200–3600 кг, сутни таркибидаги ёғ – 4–4,1%.

Швиц зотли қорамоллар сут-гўшт йўналишидаги зот бўлиб, сигирлари яхши даражадаги сут миқдори ва сутининг ёғлилиги, ёш бузоқларининг тез ўсиши, узок фойдаланиш муддати ва бошқа ижобий хусусиятлари билан ажralиб туради. Сигирларнинг ўртacha тирик вазни 470–520 кг, соғин давридаги сут миқдори 3800–4400 кг, сутининг ёғлилиги 3,7–3,8%.

Парваришилаши. Хонадон эгалари аввало қорамолларни тўйимли озиқлантиришга аҳамият беришлари зарур. Сигирларнинг кунлик бераётган сут миқдори, тирик вазни, ёшини ҳисобга олган ҳолда омихта ем, шелуха, кепак, силос, хашак, қовун-тарвуз пучоқлари ҳамда протеин, минерал модда ва витамибли бошқа озуқалар билан меъёрида боқиласди.

Хонадон шароитида сигирлар асосан икки маҳал, яъни эрталаб ва кечкурун соғиласди.

Сигирлардан узок йиллар давомида фойдаланиб туриш учун уларни нафақат ўз вақтида қочириш, балки бўғоз сигирларни сутдан чиқариб, кейинги туғишига тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун бўғоз сигирлар туғишига 50–60 кун қолганда сутдан чиқарилади ва уларга дам берилади. Акс ҳолда сигирнинг организмидан сут билан бирга кўплаб миқдорда тўйимли моддалар чиқиб кетади, у заифлашади ва туғища қийналади.

ДИҚҚАТ! Бузоқ туғилиши билан оғиз-бурнидаги шилимшиқ сочиқ билан артилади, туғилганда киндиги узилмаган бўлса қорин томондан 10–12 см қолдириб кесилади, кесилган жойига йод эритмаси суртилади, сўнгра онаси олдига қўйилади. Эсингизда бўлсин, бузоқ биринчи ҳафта ичидаги оғиз сутни билан боқиласди.

Сигирлар ёзда очиқда, қишида эса оғилхонада сақланади ва боқиласди. Оғилхонада охурлар ва гўнгни ташлайдиган маҳсус туйнук бўлиши даркор. Бу бино доимо қуруқ бўлиши, молларнинг таги шалтоқдан доимий равиша тозалаб турилиши лозим.

Сигирларни сунъий қочириши. Шуни эсда тутиш лозимки, сигирларни сунъий қочириш зотни яхшилашнинг энг қулай усулидир. Сунъий қочириш зотдорлиги паст мол ва унинг бир неча авлодида амалга ошириб борилса молнинг насли яхшиланиб, зотдорлиги ва сутдорлиги ошади, ундан келгусида наслли бузоқлар олинади.

Сигирларни сунъий қочириш учун худудда жойлашган зооветеринария шохобчасига мурожаат этиш даркор.

Отларни парваришилаши



Зотни танлаши. Республикаиздаги отларнинг 90 фоизидан ортигини маҳаллий қорабайир зотли отлар ташкил қиласи. Қорабайир зотли отлар мустаҳкам конституцияли бўлиб, маҳаллий иқлим шароитимизга яхши мослашган, универсал зот ҳисобланади. Зотни танлашда асосан унинг қарчиғай баландлигига, кўкрак айланасига, гавда қия узунлигига ва кафт айланасига эътибор бериш керак. Масалан, орқа оёқлари бир-бирига яқин бўлмаслиги, олди оёқлари ва кўкраги кенг, бўйни узун, орқа сағриси тўғри бўлиши керак.

Отларни парваришлаш. Ёш отларнинг жинсий етилиши 6–8 ойликдан 12–18 ойликгача бўлган даврда содир бўлади. Жинсий етилишнинг дастлабки даврида ёш отлар танасининг тез катталашуви кузатилади. Отларнинг ўсиши 5 ёшгача давом этади. Қулун туғилгандан сўнг организм дастлабки 2–3 кун мобайнида қайта тиклана бошлайди. Бу даврда калорияли озуқалар билан озиқлантирилмаса, уларнинг скелети яхши ўスマйди, ривожланмайди.

Қулунлар ҳаётининг дастлабки бир ойи мобайнида онасини ҳар соатда эмиши керак. Улар 1–1,5 ойликдан бошлаб ўсимликлар билан, 2-ойи охиридан бошлаб эса концентрат озуқаларга ўргатила борилади.

Қулунлар 6–7 ойлигига онасидан ажратилади. Онасидан ажратилишининг энг яхши муддати август-октиябрь ойлари ҳисобланади. Онасидан ажратилган ёш қулунлар суткасига 4 марта озиқлантирилади. Концентрат озуқалар суткасига 3 маҳал, пичан 3 маҳал, ширали озуқалар 2 маҳал берилади.

Қулун – отнинг бир ёшгача бўлган боласи. 2 ёшлиси “той”, 3 ёшдагиси “ғўнон”, 4 ёшлиси “дўнон”, 5 ёшдан кейин “от” деб аталади.

Нимжон туғилган қулунларнинг ҳар бир боши ҳисобига иссиқ сувга аралаштирилган сигир сути берилади. Бунда бир литр сутга 20–25 грамм қанд ҳам қўшилади.

Октябрдан то январга қадар эркак тойларга 100 кг тирик вазнга 2,8, урғочи тойларга ҳар 100 кг тирик вазнга 2,5 озуқа бирлиги берилади.

Бунда ҳар бир озуқа бирлигига 105–106 г ҳазмланувчи оқсил, 6,5–7,5 кальций, 5,5–6 г фосфор ва 20 мг каротин тўғри келиши керак. Дастлабки ойларда тойлар рационининг 50–60 фоизини тўйимлилиги бўйича концентрат озуқалар ташкил этади. Рациондаги дағал озуқалар миқдори астасекин ошиб боради. Ёз кунлари қулунлар куни билан яйловда бўлиб, факат кун жуда исиб кетган вақтдагина отхонага ҳайдаб киритилади, концентрат озуқлар билан боқилади.

Озуқа бирлиги – молларга едириладиган ем-хашиб тўйимлилигини белгиловчи ўлчов бирлиги. Озуқа бирлиги 1 кг сули дони тўйимлилигига

тенг қилиб олинган. Бошқа ем-хашаклар тўйимлилиги шунга таққослаб баҳоланади. Масалан, 1 кг қуруқ беданинг тўйимлилиги 0,5; арпаники 1,15; 1 кг маккажўхориники 1,4.

Отларни отхоналарда тақасиз, боғламасдан эркин ҳолда боқиши мақсадга мувофиқдир. Отхонанинг ёруғ, қуруқ, шамолсиз ва тоза бўлиши отлар соғлиги учун жуда фойдалидир. Ёруғликда отлар организмида модда алмашинуви тезлашади. Бунинг учун деразалар полдан 1–1,5 м баландликда қурилади. Ҳарорат 8–10 °C бўлиши керак.

Айғирларни зооветеринария қоидаси асосида озуклантириш уларнинг жинсий фаоллигини оширади. Айғирларнинг рационида бошоқли ва дуккакли пичанлар, арпа ёрмаси, сабзи, беда, гўшт-суяқ ва қон уни, тухум ва бошқа оқсил витаминалар ҳамда минерал моддаларга бой бўлган озуқалар бўлиши лозим. Уларнинг ҳаддан ташқари семириб кетишига йўл қўймаслик зарур. Охурларда доимо лизун тузи бўлиши керак. Айғирларнинг 100 кг тирик вазни ҳисобига суткасига 2 кг озуқа бирлиги тўғри келиши керак.

Айғирларнинг жинсий имкониятларини кўпайтирувчи омиллар қуёш нури, тоза ҳаво, доимий ҳаракат ва чўмилтиришдир. Ҳавонинг иссиқ ва совуқ кунлари айғирларни яйратишга чиқариш зарур.

Ёз ойида айғирларни 10–12 минут 14–15 °C иссиқликдан паст бўлмаган сувда чўмилтириш фойдалидир. Ҳар куни тозалаш, бир ойда бир марта туёқларини кўриш, улар ўсган бўлса, кесиб тозалаш зарур. Бир кунда 1–2 марта бияларга қўйиб олиш мумкин. Бир ҳафтада бир кун дам берилади. Бияларнинг бўғозлик даври ўртacha 335 кунни, айрим ҳолларда 315–350 кунни ташкил этади.

Эркак қулунлар урғочи қулунларга нисбатан 1–2 кун кейин туғилади. Шуни айтиш зарурки, агар бия боласини жуда оз кўтарса, бу унинг касаллигини билдиради. Бўғозликнинг 7–8 ойида биянинг қорни осилади, елини катталашади, тез-тез сияди, терлайди ва чарчаб қолади. Туғишига 2 ой қолганда биялар барча ишлардан озод қилинади, 15–20 кун қолганда эса тагига тўшама солинган доимий оғилхоналарга кўчирилади. Қулунлашга 1–2 кун қолганда биянинг елини кўпчиб, елин сўрғичларидан елимга ўхшаш суюқлик кела бошлайди. Туғиши олдидан безовталанади, озуқа емай қўяди. Қулунлаш 20–40 минут давом этади, тўлғоқ 2–3 минутда қайталанади.

Қимиз – бия сутидан тайёрланади. Дармонсизлик, камқонлик, меъда-ичак, асаб касалликларига даво, юрак мускулини мустаҳкамлайди.

Қулун туғилганидан кейин киндиги қорнидан 5–6 см пастрокдан тоза ип билан боғланиб, қайчидаги қирқилади. Қирқилган жойга йод суркалади. Агар биянинг йўлдоши 12 соат ичидаги тушмаса, ветеринария врачига мурожаат этилади.

Янги туғилган қулунни биянинг ўзи ялаб қурилади. Ялаш жараёнида қулуннинг териси массаж қилинади, нафас олиши ва қон айланиш функцияси органлари кучаяди, биянинг йўлдоши тез ажралади, жинсий органлари меъёrlашади. Янги қулун то оёқка тургунча биянинг елин сўрғичларини кидира бошлайди. Бундай пайтда унга уй эгаси ёрдам бериши керак. Биянинг

елинини ювиб ташлаш, сүргичларни сочиқ билан артиш ва дастлабки сутни соғиб ташлаши керак.

Бияларни сунъий қочириш зооветеринария шохобчаси ходими томонидан амалга оширилади. Бунинг учун хонадонга яқин жойлашган шохобчага буюртма берилади.

Туяларни парваришилаш



Туя зотлари: туялар авлоди иккита мустакил – бир ўркачли (бўйи 210 см. гача, қизғиш-кулранг) ва икки ўркачли (бўйи пастроқ, тўқ қўнғир тусли) турларга бўлинади. Улар ўзаро чатишади ва урчишишга қобилиятли дурагайлар беради. Лекин тоғли ва заҳ ерларда яшай олмайди.

Парваришилаш. Туялар чўл ва даштларда дағал ўт ва хашаклар, янтоқ, саксовул каби ўсимликлар билан озиқланади. Уларга факат оғир шароитда ва қочириш мавсумидагина жойида пичан ва ем берилади.

Ёш, семиз туя гўшти тўйимлилиги жиҳатидан қорамол гўштидан қолишмайди. Гўшт чиқими ўртacha 5%. Эркак туяларнинг вазни 700–750 кг, урғочилариники 600–650 кг атрофида. Бир ўркачли туялардан йилиги ўртacha 2000 кг. гача ёғлилиги 4,5% бўлган сут соғиб олинади. Икки ўркачли туядан эса ёғлилиги 5,4% бўлган сутдан 1000 кг. гача олинади.

Икки ўркачли туялардан йилига 5–10 кг, бир ўркачлилардан 2–4 кг жун қирқиб олиш мумкин. Лекин, сифатига кўра, икки ўркачли туялар жунининг таркибида 85% тивит бўлганлигидан улар қимматроқ баҳоланади. Ундан турли хил жунли кийимлар, трикотаж, кўрпалар тайёрланади. Шунингдек, сифатли жун пайпоқ, кўлқоп ва рўмоллар тўқилади. Эркак туялар урғочиларига қараганда кўпроқ жун беради.

Қимрон – туя сутидан тайёрланади. Шифобахш, айниқса, қанд касаллигини даволашда жуда самарали.

Туялар вазнига қараб 200–300 кг ортилган юк билан соатига 4,5 км тезлиқда, кунига 35 км йўл боса олади. Айрим ҳолларда уларни аравага қўшиб юк ташиш ҳам мумкин. Туялар 2–3 ёшлигига жинсий балоғатга етади. Бу даврда эркак туяларни урғочиларидан ажратиб қўйиш талаб этилади. Акс ҳолда, улар тез-тез жуфтлашиб ўсиб-ривожланишдан тўхтайди. Шунга кўра

урғочи туялар биринчи марта жуфтлашишга 3–4 ёшлигіда, эркаклари эса 4–5 ёшлигіда қўйилади.

Туялардан 20 ёшга киргунга қадар фойдаланиш мүмкін. Сўнг уларнинг тишлари едирила бошлайди ва ем-хашакларни тўла ҳазм қилаолмайди. Бундай туялар семиртирилиб, гўштга топширилади.

Туяларнинг бўғозлик даври ҳар хил бўлади. Масалан, бир ўркачли туяларида бу давр 13 ой давом этса, икки ўркачлиларда 14 ойга боради. Бўталоқлари оналарини 18 ойлигигача эмади. Ҳар бир тая асосан битта бўталоқ туғади.

ДИҚҚАТ! Янги туғилган бўталоқ жуда нозик, ушоқ бўлади. Онасидан ажратилган ҳолда иссиқ хонада боқилади, суткасига 6–8 марта онаси ёнига олиб чиқилиб эмизиб турилади.

Бўталоқ ўстириши. Бўталоқлар одатда 35 кг вазнда туғилади. Агар ҳаво совук бўлса улар иссиқ хонага олинади ва суткасига 5–6 марта онасиини ёнига келтириб эмдирилади. Тая болалари ўсиб-ривожланиб борган сари ем-пичанга ўргатила борилади. Улар икки ёшга етганда 400 кг вазнга эга бўлади. Бунда уларга суткасига 10–12 кг пичан ва ёки ем бериш лозим. Улар 2–3 ёшлигидан бошлаб қўлга ўргатилади. Беш ёшга етганда улардан тўла ҳолда фойдаланиш мүмкін. Ёшлигидан қўлга ўргатилган туялар анча ювош ва эгасининг буйруғини ўз вақтида бажарадиган бўлади. Бундай туялардан хўжалик ишларида ҳам фойдаланиш мүмкін.

Кўйларни парваришилаш



Кўй инсон ҳаётида гўшти ва сути, териси ва жуни билан катта аҳамиятга эга.

Зотлари: ҳозирги кунларда аҳоли хонадонларида қўйларнинг жайдари, ҳисори гўштдор-жундор думбали зотлари ва уларнинг дурагайлари боқилмоқда.

Жайдари зотли қўйлар: гўшт-ёғ беришга ихтисослашган дағал жунли, думбали маҳаллий қўй зоти. Бу қўйлар яйлов ҳамда қишлоқ шароитига мослашган Унумдор яйловларга талабчан эмас, ўз семизлигини тезда йўқотмайди. Кўйлар 5–7 ойлигидаги жинсий етилади. 15–18 ойлигидаги қочиришга қўйилади. Бўғозлик даври 145–155 кун. Уларда битта ёки иккитадан кўзи олинади. Кўчкорларнинг оғирлиги 60–180, совлиқларники 35–110 кг атрофига. Сўйим чиқими 45–60%. Кўйларнинг жуни йилига 2 марта – баҳорда ва кузда қирқилади. 1–4 кг жун олинади. Жунлар қалин мовут, шолча, гилам тўқишида ва кигиз босишида ишлатилади. Йилига 50 кг. гача сут (ёғлилиги 6–7%) беради.

Ҳисори зотли қўйлар: фермер хўжаликларида ҳамда аҳоли томорқа хўжаликларида жадал урчитилмоқда. Чунки бу зотли қўйлар бир жойда муқим сақлаб боқишига жуда мослашган. Ҳисори қўйлар йирик думбаси, тез етилиши билан бошқа думбали қўйлардан фарқ қиласи. Кўчкорларининг тирик вазни 110–120 кг, совлиқларники 80–90 кг, думбаси ўртача 15–20 кг.

ДИҚҚАТ! Кана тушган қўйнинг жунини қирқиш қатъяян ман этилади! Ветеринария хизмати ёрдамида каналар йўқотилгандан кейингина қўйнинг жунини қирқишга рухсат берилади.

Парваришилаш. Кўйхонада бир она қўйга 1,5 м², ахта қўйларга 1 м², катта қўчкорларга 2 м² жой ажратилади. Бир бош қўй ҳар куни 200–300 г омихта ем, 1 кг майдалангандан пичан ва сабзавот чиқиндиси, макка силоси, сенаж, сомон ва керагича туз билан боқилади.

Қишида қўйнинг семизлигидан қатъий назар кунига 0,5 кг. дан майдалангандан пичан берилади.

Бўғоз қўйларга катта эътибор бериш керак. Уларга туфишида бир ой илгари ҳар куни 0,4 кг. дан омихта ем едирилади.

Кўйларни қочириши. Совлиқларни қочиришга тайёрлаш керак. Улар канчалик семиз бўлса, шунчалик яхши куйикади ва бақувват кўзи туғади. Август ойидан бошлаб совлиқларнинг кунлик рационига бир килограммдан дон аралашмаси ёки буғдой, сули, икки дона тухум қўшилади. Озиқани тўйимли оқсил ва туз билан бойитиш учун лизунең аралаштирилади. Қочириш учун наслли қўчкорлар танланади. Сунъий қочириш ишлари иқлим шароитига қараб 17–25 кун давом этади.

Эчкиларни парваришилаш



Эчки ахоли хонадонларида сут, гүшт, жун, тивит, териси учун боқилади. Эчки ўзига ўлат, чечак ва сил касалликларини юқтирмаслиги, оқсил ва енгил ўзлаштирилувчи ёғларга бой сут бериши билан эътиборли. Эчки сутида мис, рух, марганец, йод каби микроэлементлардан ташқари камқонликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган кобалт моддаси нисбатан кўп учрайди.

Зотлари: Жайдари (қора жунли), Ангор эчкиси, Оренбург зотлари боқилади.

ДИҚҚАТ! Эчки сути таркиби жиҳатидан она сутига жуда яқин туради.

Ўртacha 9–10 йил (баъзилари 17 йилгача) яшайди, хўжаликда 7–8 йил фойдаланилади. Улоқлари 5–8 ойлигига жинсий етилади, 14–18 ойлигига қочирилади. Бўғозлик даври 5 ойга яқин. Хонаки зотларининг кўпи серпушт: ҳар 100 бош урғочи эчкидан 150–250 бош улоқ олинади. Яхши озуқа шароитида асраб боқилганда йилига 2 марта болалайди. Такаларининг тирик вазни 60–65 кг. дан 100 кг. гача, урғочилариники 40–60 кг. Серсут зотларидан йилига ўртacha 450–550 кг. гача сут соғиб олинади. Сутининг ёғлилиги 3,8–4,5%. Такалардан 4–6 кг, урғочилардан 3–5 кг. дан жун қирқиб олинади. Сертивит зотларидан 0,2–0,5 кг. дан 2 кг. гача тивит тараф олиш мумкин. Яхши боқилган катта ёшдаги эчки 20–28 кг гүшт ва 4–6 кг ёғ, 7–10 ойлик эчкilar эса 12 кг гүшт ва 1,5 кг ёғ беради.

Парваришлаш. Эчкилар озуқага талабчан эмас: экин қолдиқлари, сабзавот-полиз чиқиндилари, бўта ва дараҳт барглари билан озиқланаверади.

Куз ва қиши фаслида ҳар бир бош эчкига 0,5 кг табиий ўт ва 300–400 г ем берилади. Хонадон соҳиблари ёз даврида қишлоғ учун ҳар бир бош эчки ҳисобига 150–200 кг дағал хашак ва 30–40 кг концентрат озуқа ғамлашлари лозим.

Қуёнларни парваришлаш



Аҳоли хонадонларида қуён асосан гўшти ва мўйнаси учун боқилади.

Қуён тез етилади ва кўпаяди, шу боис ундан қисқа вақт ичида кўплаб парҳез гўшт олиш мумкин. Йилига она-бала қуён ҳисобига 70–80 кг гўшт ва 25–35 дона мўйна олиш мумкин.

Қуён гўшти таркибида оқсил кўп, холестерин кам бўлганлиги туфайли болалар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, шунингдек, ошқозони касалланган ва юрак-томир касаллигига чалинган кишилар учун жуда фойдалидир. Энг муҳими, бир килограмм қуён гўшти етиштириш шунча қўй ёки қорамол гўшти етиштиришга нисбатан кам харажатлидир.

Қуёндан жуда майин ва нозик тивит олинади, ундан шарф, рўмол, свитер, беретка, пайпоқ ва бошқалар тўқилади. Шунингдек, қуён терисидан қўлқоп, сумка, енгил оёқ кийим ҳам тайёрланади.

Қуён зотлари: ҳозирги вақтларда республикамизда оқ великан, кулранг великан, Россия мордери, шиншила, капалаксимон, олмахонсимон, кумушсимон, қора қўнғир, вена зангори ва бошқа зотли қуёнлар боқилмоқда..

Парваришилаш. Қуён боқиладиган жой зах ва нам бўлмаслиги керак. Қуён боқиб, кўп даромад олиш учун биринчи навбатда серпушт она қуёнлар сонини кўпайтириш лозим. Шундагина маҳсулот (гўшт, тивит, мўйна) нинг таннархи арzonга тушади ва сифати яхшиланади. Қуён болалари 60–65 кунгача оналарини эмизиб боқилади ва вазни 1,8–2,2 кг. га етиши билан гўштга сўйилади. Қуённинг 1 кг семириши учун ўрта ҳисобда 3–3,5 кг озиқа бирлиги сарфланади. Семиртирилган қуёнларнинг гўшт чиқими 50–60 фоизни ташкил этади.

Гўштга сўйиладиган қуёнларнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 3–4 кг бўлади. Янги туқсан қуён кунига 4–5 марта озиқланади. Асосан кўк озуқалар, жумладан, кўк беда, маккажўхори, буғдой, қоқиёт, қўйпечак, полиз экинларининг барги, дарахт шохлари, олма, тол ва ток новдаларини хуш кўриб ейди. Қуёнларга суюк уни, бўр ишлатилган оҳак, картошка, сабзи, лавлаги, нўхат дони, арпа дони ва қўшимча равишда овқатига макроэлементлар қўшиб берилади. Қуёнларга бериладиган озуқаларнинг 70 фоизини концентрат озуқалар ташкил қиласи. Қуёнлар сули, арпани ҳам истеъмол қиласи. Арпа қуёнларга намланган ёки ширали озуқаларга аралаштирилган ҳолда едирилади. Бўғоз қуёнлар парваришига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Уларнинг рационини тинчлик давридагига нисбатан бўғозлик даврининг бошида 30 фоиз, охирида эса 70 фоиз кўпайтириш керак. Қуёнлардан олинадиган маҳсулотларнинг сифати ва

салмоғи уларни сақлаш шароитига боғлиқдир. Қуёнларни катакларда сақлаш зарур. Чунки катакларда сақланган қуёнларда касаллик кам учрайди ва микроиқлим яхши бўлади. Ҳар бир катакнинг майдони $0,5\text{--}0,7\text{ м}^2$ дан кам бўлмаслиги керак. Катакнинг ўртасида охур бўлиши зарур. Сув идишлари ҳар бир қуёнга алоҳида бўлади. Айрим ҳолларда қуёнлар симтўрлар билан ўралган тарзда ҳам боқилади. Уй қуёнлари 5–12 йилгача яшайди.

Қуёнларни қочириш ва болалатиши. Эркак ва урғочи қуён бир катақда сақланади. Қуёнларнинг бўғозлик даври ўртacha 30 кун давом этади. Қуён болалари ўз оналаридан 19, 29 ва 45 кунлигига ажратилади ва турли хил озиқлар билан боқилади.

ДИҚҚАТ! Урғочи қуён 3–4 ойлигига жинсий етилади, 5–6 ойлигига қочирилади. 28–32 кунда болалайди. Йилига 3–6 марта, ҳар сафар 5–8 бола туғади.

Қуён болаларини боқииш. Қуён болалари биринчи ойда оналарига қандай озиқ берилган бўлса, худди шундай озиқ билан боқилади. Лекин дон албатта ёрма ҳолда берилиши керак. Қўшимча ҳолда сабзи, қаймоғи олинган сут, творог берилиши яхши натижага беради. Ёрма ҳолидаги дон сабзавотларга аралаштириб берилса янада яхши. Қуёнларга қиши ойларида суткасига бир марта, ёз ойларида икки марта, яъни эрталаб ва кечқурун сув берилиши зарур.

Қуён касалликлари ва уларнинг олдиниолиши. Қуёнларнинг юқумли касалликларининг олдини олиш ва даволаш тадбирларини ишлаб чиқиши муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Қуёнларнинг пастереллёз (геморрагик септицемия) касаллиги жуда оғир ва мураккаб кечувчи ўта хавфли касаллик ҳисобланади. Касалликда ўпка, юрак, қон томирлар тизими, ичаклар ва бошқа аъзоларда сепсис, геморрагик яллиғланиш, қон қуйилишлар каби оғир жароҳатлар рўй бериши натижасида ҳайвонлар қўплаб нобуд бўлади. Пастереллёз касаллиги баҳор ва ёз ойларида тез ривожланади. Бунга иқлимининг кескин ўзгаришлари ҳамда турли стресслар каби омиллар қўшимча сабаб бўлади.

Қуёнлар орасида юқорида номлари келтирилган касалликлар билан касалланган қуёнларнинг ўлиш даражаси 80–85 фоизгачани ташкил этади. Касалланган қуёнларни даволаш ва касалликка қарши курашиш тадбирлари учун катта маблағ сарфланади. Касалланиб тузалган қуёнлар ўсиб-ривожланишдан ортда қолади ҳамда касаллик қўзгатувчисини ташувчи бўлиб қолади.

Қуёнларнинг юқумли (пастереллёз, сальмонеллёз, геморрагик септицемия, қуёнлар улати ва бошқа) касалликларнинг олдини олиш учун ўз вақтида касалликларга қарши эмлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, кўп ҳолларда қуёнлар орасида инвазион касалликлардан кокцидиоз, стронгилёз, аскаридиоз, трихинеллёз касалликлари учраб туради. Мазкур касалликларни олдини олиш учун ҳар икки ойда бир марта гельминтларга қарши антигельминтик препаратлардан қўллаб туриш мақсадга мувофиқ.

Товуқларни парваришилаш



Тиббиёт мутахассисларининг таъкидлашича, инсон соғлом бўлиши учун бир йилда ўртacha 10 килограмм парранда гўшти ва 121 дона тухум истеъмол қилиши зарур. Чунки улар парҳез маҳсулотлари хисобланиб, инсон организмни учун жуда фойдалидир.

Товуқ зотлари ва кроссларини танлаш. Аҳоли хонадонларида тухум йўналишидаги Ломанн (Германия), Декалп, Хайсекс (Голландия), Хай-Лайн (АҚШ) ва Родонит-3 (Россия) зотларини боқиш мумкин. Ҳозирда бозорларимиздаги тухумларнинг 70 фоизи Ломанн зотлари улушкига тўғри келади. Улар жигарранг, оқ ва оч кулранг бўлиб, ушбу зотли паррандалардан уй шароитида бир йилда 270 донагача тухум олиш мумкин.

Бройлер (инглизчада оловда қовуриш дегани) тез етиладиган гўштдор жўжа. Унинг гўштидан асосан парҳез таомлар тайёрланади. Бройлер гўшти олиш учун жўжа қисқа муддатда етарли даражада семиртирилади. Бунинг учун оғир вазнили ва тез етиладиган Росс-308, Кобб, Хабборд F-15 бройлер кроссларидан фойдаланилади.

Бройлер жўжалари эса гўшт йўналишида боқилиб, 38–42 кунда тирик вазни 2,3–2,5 кг. га етади. Гўшт учун етиштирилган бройлер жўжалар технология бўйича 1–2 кун ичида сўйилиши шарт. Бу фурсат чўзилиб кетса, улар тирик вазнини тезда йўқотади. Шу боис, бройлерларни боқиш вақти энг кўпи билан 5–6 ҳафтани ташкил этади.

Парранда гўшти тез ҳазм бўлиш хусусиятига кўра барча турдаги чорва моллари гўштидан устун туради. Таркиби ҳар хил кимёвий элементларга бой. 2 ойлик жўжа гўшти таркибида 20 фоизга яқин оқсили, 10–12 фоиз ёф бўлади. Бройлер жўжаси гўштининг ҳазм бўлиш коэффициенти 85-90 фоизга teng.

Парваришилаш. Паррандалар қўлбола катакларда ёки ерда боқилади. Улар, асосан, куруқ аралаш емлар билан озиқлантирилади. Бир бош товуқ учун бир йилда ўртacha қуйидаги микдорлардаги аралаш ем талаб этилади (кг): катакларда боқиладиган тухум берадиганлари учун – 50; гўшт олинадиганлари учун – 65; 2 ойгача бўлган бройлер жўжалар учун – 4,7; тухум олишга мўлжалланган 5 ойликкача жўжалар учун – 11,8.

Жўжа очириш учун тухум олишда 8–12 та товуқقا 1 та хўroz қўйилади. Хўrozлар 2–3 йил сақланади. Товуқлар томорқадан чиқадиган буғдой қолдиқлари, маккажўхори, сабзавот маҳсулотлари, қовун-тарвуз пучоқларини танламасдан ейди.

Куркаларни парваришилаш



Зотлари ва хусусиятлари: аҳоли хонадонларида Исройл давлатидан келтирилган оқ патли, кенг кўқракли тез етиладиган куркалар (қулқул товуқлар) боқилади. Гўшти мазали, парҳезбоп. Макиён куркалар ерга оддийгина ин қуриб, 10–15 та тухум қўяди. Хонаки курка хўрозларининг тирик вазни 9–35 кг, макиёнлариники 4,5–11 кг. 8–9 ойлигига тухум қила бошлайди. Бир йилда 70–90 та тухум қўяди. Тухумининг оғирлиги 80–88 г. Ҳар бир куркадан 40–60 бош ёш курка олиш мумкин. Улар 4–5 ой боқиб семиртирилса 160–200 кг гўшт етиштирилади.

Парваришилаш. Курка товуқдан бир неча баробар катта, шу боис кўпроқ озуқа талаб қиласди. Курка жўжаларини рацион билан боқиши қаторида, офтобга ҳам чиқариш керак. Акс ҳолда жўжалар ўсишдан тўхтайди, баъзида нобуд бўлади. Агарда офтобга чиқаришнинг иложи бўлмаса, куркаларга кўпроқ кўкат, айниқса, кўк пиёз бериш мақсадга мувофиқ.

Курка парваришининг энг оғир ва масъулиятли даври бу тухумдан чиқсан жўжаларни улгайтириб олишдир. Аввало, куркачалар учун қулай жой ҳозирлаш лозим. Жўжаларнинг сонига қараб, ёғочдан ясалган қути ёки унча катта бўлмаган ёпиқ жой керак. Ҳаво салқин бўлса, уни иситадиган мослама, ёритиш чироги бўлиши шарт. Майдоннинг тозалиги, вақтида сув ва овқат бериш илк кунларда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Тухумдан чиқсан курка жўжаларини тезда онасидан ажратиш керак, факат она қуркани тинчлантириш учун икки ёки уч дона жўжа қолдирилса кифоя. Сабаби, аксарият ҳолларда курка тухумдан янги чиқсан болаларини билмасдан босиб ўлдириб қўяди. Жўжаларни қутига жойлаштиргач, биринчи куни озиқлантириш шарт эмас. Унинг организмида захира моддалар бир кунга bemalol етади. Кечаси қутидаги ҳарорат 30–35 даражадан тушмаслиги зарур. Тор қутига ўнлаб куркачаларни жойлаштириш ҳам ярамайди. Бир квадрат метрда бешта жўжа боқилса мақсадга мувофиқдир.

Илк кунларда жўжаларга овқат бериладиган идишга ҳам эътиборли бўлиш зарур. Яхиси – рангланмаган, бир неча қаватли матодан фойдаланишдир. Сабаби, жўжаларнинг тумшуғи жуда мўртлиги боис, қаттиқ идиш уларга зарар етказиши ҳеч гап эмас. Фақатгини беш кунлик жўжаларга одатий идишларда озуқа берса бўлади. Куркачалар турган хонанинг ҳароратини 28 даражадан паст бўлмаслигига ҳаракат қилиш керак. Айниқса, биринчи ҳафтада бу жуда муҳим. Агар хона ҳарорати тушиб кетса, жўжалар

ёппасига нобуд бўлиши мумкин. Хона ҳавоси ҳаддан ташқари қуруқ ёки нам бўлса, жўжалар уйкучи бўлиб қолади ва яхши ўсмайди.

Хонада кераклича намлик бўлмаса, жўжаларнинг нафас олиши қийинлашади, танасидаги намлик камайиб кетади. Натижада улар озиқланиш ўрнига ҳам фақат сув ичади. Шунингдек, меъёрдан ортиқ намлик ҳам куркачалар учун ҳалокатли. Бу ҳолатда жўжа танасидаги ортиқча суюқлик нафас йўллари орқали чиқади ва унинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ҳаддан ортиқ қуруқ ёки нам ҳаво зарарли микроорганизмларнинг кўпайишига шароит яратади ва куркачалар юқумли хасталикларга чалинади.

Ёш куркачаларнинг ўсиб-ривожланишида қуёш нурининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ўн-үн беш кунлик бўлган жўжалар кунига 15–20 минут атрофида офтобга чиқарилиши керак. Кун сайин бу муддат ошириб борилади. Бир ойлик жўжаларни эса кун бўйи bemalol сайрга қўйиб юборса ҳам бўлаверади. Чунки эркинликда улар турли озуқалар – ҳашаротлар, курткумурсқа ва капалакларни ўзлари топиб ейишади.

Куркачаларнинг илк озуқаси майдаланган тухум, янги творог, буғдой ёрмаси, қизил сабзи ва кўклиёздан иборат бўлади. Тўрт суткадан кейин эса тухум ва творогга маккажўхори ёрмасидан ҳам қўшилади. 10 кундан кейин озуқа таркибидаги тухум секинлик билан камайтириб борилади. Творог ва кўкатлар салмоғи оширилади.

Шунингдек, куркачаларга ачитилган сут маҳсулотлари ҳам жуда фойдали. Турли кўкатлар биргаликда гўшт қиймалагичдан ўтказилиб берилса, жўжаларнинг хасталикларга чидамлилиги ортади. Масалан, кўклиёз ичак хасталиклирида муҳим профлактика вазифасини ўтайди. Тухумдан чиқсан жўжаларга илк ҳафталарданоқ кўклиёз мунтазам бериб берилса, улар тез улғаяди, иштаҳаси ҳам жойида бўлади.² ойлигидан бошлаб яйловда боқиши яхши самара беради.

Ғозларни парваришилаш



Зотлари ва хусусиятлари: аҳоли хонадонларида йирик кулранг, кубань, холмогор, италия ва рейн зотли ғозларни боқиши яхши самара беради. Ғозлар тўдасида 3–4 макиёнга 1 эркак қолдирилади. Макиёни 265–350 кунлигига (қишида, баҳорда) тухумга киради. Бир мавсумда 30–50 тухум қўяди. Жўжаси 29–30 кунда тухумдан чиқади. Вояга етган эркак ғозларнинг тирик вазни 5–8, макиёнлариники 4–7 кг. гача. Яхши боқилган ғозлар 9

ойлигидә (3,5–4,5 кг) гүштга сўйилади. Гүшти таркибида 16% оқсил, 35% ёғ бор. Ёш жўжалари парҳез гүшт учун 9 ҳафталигидә сўйилади.

Парваришилаш. Фоз боқиши қийин эмас. Хўраги, суви ва сузиши учун ҳовузча бўлса кифоя. Бир кунда бир бош ғоз учун озуқа рациони (граммларда): дон – 150–200; кунжара ва шрот – 400–500; ўт уни – 20–30; ачитки ем – 7–10; минерал озуқалар билан боқиши яхши самара беради.

Фоз хоналар поли 10 см қалинликда тўшама бўлиши лозим, тўшама қуруқ бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.

Тухумдан чиқкан жўжалар ўша кундан бошлабоқ бемалол озиқланаверади. Улар учун энг яхши озуқа қайнатилган тухум ва маккажўхори ҳамда буғдойнинг майдалаб аралаштирилганидир. Ғозчалар ўн кунлиқдан ошгач, уларга майдаланган кўкатларни ҳам бериш керак. Ёш жўжаларни тоза ҳавога сайрга чиқариш даркор. Улар иссиқни унча хоҳлашмайди. Иккинчи ҳафтадан бошлаб, улар яшаётган катакларнинг ҳарорати 20 даражага атрофида бўлса ҳам зарар қилмайди. Аммо улар сақланаётган хонада сув доимо бўлиши шарт.

Шунингдек, уларнинг бурун йўлларини тез-тез тозалаб туриш лозим. Биринчи ўн кунлиқдан кейин ғозчаларни бемалол ота-онаси ёнига қўйиш мумкин. Фақат вақтида овқатлантириб турилса етарли. Ота ғоз болаларига жуда ғамхўр бўлади. У оиласини ташқи муҳитдан кучли ҳимоя қилиш баробарида, керак пайтида ғозчаларни иситади ҳам. Улар инкубатордан чиқкан ғозчаларни ҳам яхши қабул қилишади. Нар ва мода ғоз ўзининг етти-тўққизта жўжаси билан бирга, 18 тагача инкубатордан чиқкан ёки бошқа оиласдан келтирилган ғозчаларга бемалол ғамхўрлик қила олади. Улар ҳатто турли ёшдаги ғозчаларни ҳам ўз «тарбия»сига олаверишади.

Фоз, айниқса, донли ўтларни ейишни ёқтиради. Бу пайтда уларга бир марта янчилган дон ёки сабзавотларни аралаштириб беришнинг ўзи етарли. Нон бўлаклари ва ушоқларини ҳам бемалол еяверади. Қишида эса уларга уч маҳал тўйимли озуқа бериш керак. Асосийси, озуқа айнимаган, ачимаган ва моғорламаган бўлса бўлди. Бу ишнинг ҳадисини олганлар ғозни сўйишидан ўн-ўн беш кун олдин уни тор жойга қамаб, фақат буғдой ва сув билан боқишиади. Бу ғозни сўйилишидан олдин уч сантиметргача қалинликдаги ёғ тўплашига ёрдам беради.

Ўрдакларни парваришилаш



Зотлари ва хусусиятлари: аҳоли хонадонларида ўрдакнинг оқ москва, украина оқ ва кулранг, хаки-кембелл зотларини парвариш-лаш тавсия этилади. Ёш ўрдакчалар 24–28 ҳафтада жинсий етилади. Тўдада 5–6 макиёнга битта эркак ўрдак қолдирилади. Бир мавсумда (5–6 ой) 90–130 та тухум кўяди. Тухуми вазни 85–90 г. Тухумдан жўжа очиб чиқиш муддати 27–28 кун. Вояга етган эркак ўрдак вазни 3–4, макиёнини 2,5–3 кг. Гўшти майин, мазали, пархезбоп.

Парваришлари. Ўрдак бокиши учун томорқа атрофига оқар сув бўлса бўлади. Рисоладагидек озиқлантирилса ва парвариш қилинса, 50–60 кунлик ўрдак жўжаси 2–2,5 килограммгача етади. Асосийси, улар озуқа танламайди. Вояга етган ўрдаклар ўсимлик ва майда ҳашаротлар билан озиқланаверади. Эътиборлиси, ўрдаклар турли хасталикларга жуда чидамли бўлади.

Бу борада уларга товук, курска ва ҳатто ғоз ҳам тенглаша олишмайди. Янги тухумдан чиқсан ўрдакчалар учун қоғоздан ёки тахтадан қути бўлса кифоя. 20–25 та жўжа учун бир метр квадрат жой етарли. Хонадаги ҳарорат 20 даража бўлиши зарур. Ўн-ўн икки кундан кейин ўрдакчаларни бемалол очиқ ҳавога чиқариш мумкин. Аммо илк кунлари уларга алоҳида эътибор қаратиш шарт. Чунки бир кунлик ўрдакчалар ўзлари овқатлана олмайди. Биринчи куни уларга қайнатилган тухумни майдалаб, қошиқ билан едириш даркор. Иккинчи кундан ўрдакчалар мустақил равишда озиқлана бошлишади.

Дастлаб ўрдакчалар кунига беш-олти марта озиқлантирилади. Ўрдакчалар хонасида сув ва шағал тошчалар доимо бўлиши керак. Икки ҳафталик жўжалар кунига уч марта овқатлантирилса кифоя. Ўрдакчалар уч ҳафталик бўлгунига қадар олдиларидаги сув чуқур бўлмаслиги шарт. Уларнинг қоринлари пат билан қоплангандагина сув ҳавзасига чиқариш тавсия этилади. Ўрдаклар очиқ сувга қўйилганида тез эт олади ва касал бўлмайди.

Беданаларни парваришлари



Хусусиятлари. Ҳозирги кунга келиб бедана боқиши ва кўпайтириш иқтисодий жиҳатдан яхшигина даромадли соҳага айланган. Бедана анча маҳсулдор бўлиб, модаси бир йилда 250–255 тагача тухум қўйиши мумкин.

Тухумдан чиқсан полапонларнинг қарийб 70–80 фоизи яшаб кетади. Жуда тез ривожланади ва турли касалликларга бардошли.

Тўғри, бедананинг вазни енгил, тухумлари ҳам майда. Аммо бедана гўшти ва тухумларининг ғаройиб шифобахш хусусиятлари сабабли унга доим талаб юқори.

Бедана бир йилда 250–300 дона тухум қўяди. Тухуми кичкинагина бўлиб, учтаси бир товуқ тухумига тенгдир. Тухумининг оғирлиги 8–14 грамм, сўйилган бедана гўшининг оғирлиги 100–120 грамм келади. Бедана 50–60 кунлик давридан бошлаб тухум қўя бошлайди, ҳатто 40 кунлигидан ҳам тухуга кириши мумкин. Бедана тухуми товуқниги нисбатан бир неча баробар фойдали ва ажойиб хусусиятларга эга. Товуқ тухумига қараганда бедана тухуми таркибида калий 5, темир 4,5, В₁ ва В₂ витаминлари 2,5 баробар кўп бўлиб, А витамини, никотин кислотаси, фосфор, мис, лизоцим, кумуш ва бошқа аминокислоталар ҳам анчагина. Оқсил моддаси ҳам бошқа паррандалар тухумига нисбатан анча юқори. *Парваришилаши*. Беданани хонаки тарзда боқиши ва парваришилашнинг ўзига хос томонлари бор. Аввало, уларни жуда яхши ўрганиш зарур. Бу қушлар шовқинни ёқтиримайди. Чунки улар озодликда ўтлар қалин ва баланд ўсган жойларни макон тутишади. Шу боис ҳам бедана парваришиланадиган қафаслар (қовоқлар)ни уч томонидан, шовқин ўтказмайдиган мато билан қоплаш мақсадга мувофиқ.

Бедана сақланадиган қафас елвизак эсадиган, қаттиқ шовқин эшитиладиган ва кучли ёруғлик тушадиган бўлмаслиги лозим. Кафас ичига уюм-уюм хашак солиш талаб этилади, беданалар уларнинг орасига кириб олишни жуда яхши кўради. Вақти-вақти билан уларни янгисига алмаштириб туриш керак.

ДИҚҚАТ! Бедананинг фақат эркаги сайрайди.

Катта беданалар бир кечакундузда икки-уч марта озиқлантирилади. Омихта еми таркибида дон-ун (арпа, сули, майдаланган маккажўхори унлари аралашмаси) – 60 фоиз, оқсилли аралашма (творог, майдаланган балиқ) – 35 фоиз ҳамда минерал аралашма (тухум пўчоғи, бўр) бўлиши мақсадга мувофиқ. Одатда беданаларга соя ва кунгабоқар шроти (кунжара) бериш мумкин, аммо чигит кунжарасини бермаслик зарур.

Тухумдан чиққан полапонлар дастлабки ҳафта мобайнида бир кечакундузда беш мартағача озиқлантирилади. Бир ярим ойлик бўлгунига қадар секин-аста камайтирилиб, икки марта озиқлантиришга ўтилади. Ёз ойларида эса қушларнинг ҳар бирига қўшимча равишда кунига ўртacha ўн грамм атрофида майдалангандар барра ўт ҳам бериш тавсия этилади. Идишида ҳамиша тоза сув бўлиши лозим.

Икки ойлик бўлганидан сўнг беданаларнинг вазни ўсишдан тўхтайди. Бу пайтда нар беданаларнинг оғирлиги 400 граммгача етиши мумкин.

Кўп тухум олишни кўзлаганлар учун бир квадрат метрлик майдонда 50 тагача бедана боқиш тавсия этилади. Бедана тухумлари совукқа таъсирчан, шу боис ҳам уларни тезроқ иссиқроқ жойга ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Бедана тухумининг фойдали хусусиятлари: инсоннинг қон босимини меъёрига келтириб, иммунитетни кучайтиради; юрак қон-томир фаолиятини яхшилайди; соч ва тишлар тўкилишининг олдини олади; асаб тизими бузилиши, камқонлик, гипертоник касалликлар, бронхиал астма ва қандли диабетда ижобий самара беради; умрни узайтиради, кўриш қобилиятини яхшилайди; унинг ёрдамида гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яралари, ўпка шамоллаши, ошқозоности бези яллиғланиши, стенокардия каби кўпгина касалликларни даволаш мумкин.

Бедана тухумини хона ҳароратида 30 кун, совутгичда 60 кунгача сақлаш мумкин. Тадқиқотчилар ва табиблар бедана тухумини исътемол қилишнинг инсон организмидаги ҳеч бир аъзога зарари, салбий таъсири йўқлигини аниқлашган.

Бедана гўшти етиштиришни мақсад қилганлар учун эса бир квадрат метр майдонда 20–30 беданани парваришлиш тавсия этилади. Унинг гўшти юқори калорияга эга, тўйимлилиги, мазаси ва парҳезбоплиги жиҳатидан қуён ва товуқ гўштидан устун туради. Юрак, ошқозон, жигар, ўпка, буйрак касалликларида истеъмол қилинади, сурункали касалликларни даволашда аскотади, ҳаётий тонусни оширади ва суюкларни мустаҳкамлайди.

Бедана қафасидаги ҳароратни мунтазам 25 даражада атрофида сақлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Аммо вояга етган беданалар, ҳатто, иситилмайдиган қафасларда ҳам қишини бемалол ўтказа олади. Танасидаги юқори ҳарорат, зич иссиқ патлари ва хашак ичига кириб олиши уларни совуқдан асрайди.

Одатда битта бедана саккиз ой боқилади, шундан олти ой давомида тухум олиниади, саккиз ойдан сўнг гўштга сўйилади. Битта бедана олти ой давомида тахминан 130 тача тухум беради. Буни беданалар сонига кўпайтириб, даромадни чамалаш мумкин. Масалан, 30 кунлик 200 мода беданангиз бор бўлса, уни боқиш учун бир суткада ўртacha олти килограмм ем сарфланади. Агар шунча беданани тўғри озиқлантирсангиз, ойига 4800 донагача тухум олишингиз мумкин.

Бедана касалликларининг олдини олиши. Бедана солинган қовоқни мунтазам тарзда тозалаш, уни тез-тез дезинфекциялаб туриш тавсия этилади. Шунингдек, уларни бокувчи кишининг ўзи ҳам санитария ва гигиена талаблариiga қатъий риоя қилишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Цесаркаларни парваришилаш.



Хусусиятлари: Цесаркалар чиройли ташқи кўриниши, балки юқори сифатли гўшти ва тухуми бўлгани учун ҳам бу паррандани “шохлар қуши” (царская птица) деб атасади. Цесарканинг танасидаги гўшти товуқ гўштига нисбатан 10–15% га кўп, шу билан бирга гемоглабинга бой, таркибидаги ёглар кам микдорда. Тухуми эса узоқ муддат–йил давомида сифатини бузмай сақланиши мумкин. Цесарка гўшти инсон учун энг фойдали пархез таом хисобланади. Улар товуқ ва куркаларнинг узоқ қариндошлари хисобланади. Цесаркалар 3 ойлиги – 900 гр. атрофида, 5 ойлиги – 1,5 кг. бўлади. Цесаркалар ҳаво ҳарорати +14 дан +18°C гача бўлган шароитда парваришиланса ва 16 соатлик ёруғлик режимига риоя қилинса 7 ойликдан бошлиб тухумга киради. Бу даврда макиёнларининг (урғочиси) тирик вазни нарларидан (эркаги) оғирроқ бўлади. Цесаркаларни тахта қипиги, майдаланган сомон, похол, кум сингари калин тўшамада бокилади.

Парваришилаш. Цесарка жўжаларини асосан товуқ жўжаларига ўхшаб бокилади. Улар шовқинли ва серхаракат бўлади, хона ҳарорати тушиб кетса бир ерга тўпланиб олишади ва бир бирини босиб қўйиши ҳам мумкин. Парранда захга чидамсиз. Биринчи озиклантириш – қаттиқ қилиб қайнатилиб пиширилган тухум, димлатиб пиширилган оқланган тариқ, товуқ жўжаси озуқаси ва вакуумли сувдонларда тоза ичимлик суви (ярим литрли шиша банка сув билан тўлдирилади, сўнгра устига вакуумли сувдон кийдирилади ва чақкон харакатлар билан тўнтариб қўйилади). Озукани биринчи 10 кун тоза картон ёки тухум флейкаси устига солиб берилади, 10 кундан кейин четлари баланд бўлмаган идишда ёки майда ликопчада, кейинчалик товуқлар емдонларида берилади. Асосийси туриб қолган, яроқсиз озуқа беришдан сақланиш керак. Цесарка жўжалари (катта ёшдагилари ҳам) кўк ўтларни: майдаланмаган ўтлар, айниқса кўк беда барглари, шақилдоқ ўт, гоз ўти,

карам барглари, салат ва бошқаларни истеъмол қилишни жуда ёқтиришади. Катта иштаха билан ёмғир чувалчанглари, шилимшиқ қуртлар ва турли ҳашоратларни, ёши З ойдан ошганлари колорад қўнғизларини истеъмол қилишади.

Цесаркаларни пархез гўшти, юкори сифатли тухуми ҳамда турли зааркундалар: чувалчанг, шиллиқ курт, ҳашоратлар (шу жумладан колорад қўнғизи ҳам) га қарши курашиб учун ҳам боқилади. Ушбу паррандани гўшти маззаси овланадиган ёввойи қушлар (дичь) гўшти билан бир хил, ҳазм бўлиш ва бошқа биологик кўрсаткичлар бўйича уй паррандаларининг ичида гўшти энг юкори сифатлиси ҳисобланади. Чет элда цесарка гўшти нархи товуқ гўшти нархидан 1,5 – 3 марта юкори туради.

V.БОБ. Уй шароитида асалари оиласини боқиши



Асалари бежиз етти хазинанинг бири, деб ҳисобланмайди. Ҳақиқатан ҳам бу фойдали ҳашаротнинг фойдаси жуда катта. Унинг асали, захри, сути, прополиси, гулчанги кўпгина хасталикларга даво эканлиги ҳаммага маълум. Шунингдек, унинг муми саноатимизда муҳим хомашё ҳисобланади.

Асаларилар ўсимлик гулини четдан чанглантириши натижасида, уларнинг турларини соғломлаштириш ва юкори маҳсулдор навларни вужудга келтиришга шароит яратади ва уларнинг ҳосилини маълум даражада оширади.

Қадимда одамлар асални ўрмон ва тоғларда дарахтларнинг ковакларига уя қўйган асаларилардан олганлар.

Рус асаларичиси П.Прокопович 1814 йилда ромли асалари қутисини, чех асаларичиси Ф.Грушка 1865 йилда асалажратгични (медогонкани) кашф этган.

Асалари оиласи. Асалариларнинг ўртача оиласи 50–80 минг ишчи асалари, юзларча эркак асалари ва битта она асаларидан ташкил топади. Шу билан бир вақтда, оилада тухум, личинка ва ғумбаклар ҳам бўлади.

Уянинг кўп қисмини ишчи асаларилар ташкил этади. Ишчи асаларилар уя асалариларига ва учадиган дала асалариларга бўлинади. Баҳор ва кузда, яъни табиатда гулчанги ва гулшира кўпроқ бўлганда ишчи асаларилар 40–45 кунгача яшай олади. Куз ва қишлоғдан олдин тухумдан чикқан асаларилар эса, олти-етти ой яшайди.

ДИҚҚАТ! Ҳар бир асаларининг ўз вазифаси бор: она асалари – тухум қўйиш, оилани бошқариш; эркак асалари – она асаларини уруғлантириш; ишчи асалари – нектар ва гул чангини йиғиши, нектарни асалга айлантириш, мум ишлаш, личинкаларни боқиши, катак қуриш, уяни қўриқлаш

Эркак асаларилар оиланинг вақтинча аъзоси ҳисобланади. Уларнинг бирдан-бир вазифаси она асаларини кўпроқ уруғлантиришdir. Эркак асаларилар баҳор ўрталарида вужудга келади. Ишчи асаларилар эркак асаларини фақат шира йиғиши пайтидагина боқадилар. Шира йиғиши иши тугаши билан, эркак асаларилар уядан ҳайдаб чиқарилади.

Она асалари уядаги ягана урғочи асалари бўлиб, барча асалариларнинг онасидир. Яхши она асалари кунига 2000 тагача тухум қўяди. Асалари оиласининг соғлом бўлиши, она асаларининг сифатига боғлик. Она асалари беш йилгача яшаши мумкин. Аммо икки ёшга киргач, унинг тухум қўйиш қобилияти пасаяди ва кўпроқ эркак асалари чиқадиган тухум қўя бошлайди. Шунинг учун ҳам тажрибали асаларичилар она асаларини ҳар йили алмаштирадилар.

Асалари зотларини танлаш. Асалари зотларини танлаш, асалари оиласи қандай мақсад учун зарурлигига боғлик. Кимdir унинг асалига шайдо бўлса, яна кимdir учиб юришини, унинг ишини қўриб завқланди. Агар асаларининг асали учун оладиган бўлсангиз, у ҳолда кўп асал берадиган асалари зотларини танланг.

Асаларичиликда шу пайтга қадар инсон томонидан бирорта ҳам асалари зотлари яратилмаган. Шунга қарамасдан ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мослашган асалари зотлари бор. Мана шу зотлар абориген зот деб аталади.

Бугунги кунда юртимизда кўп асал берадиган маҳаллий зотли асаларилар билан бирга Ўрта рус, Кулранг Кавказ тоғ асалариси, Карпат, Италия ҳамда Австриядан келтирилган «Крайнка» асалари зотлари тарқалган.

Асалари оиласи қанча асал беради? Асалари оиласининг асал бериш миқдори ва сифати турли омилларга боғлик. Умуман олганда битта асалари оиласи ўртача 15–20 килограммгача асал бера олади. Агар асалари оиласи тўғри парваришланса, ундан ҳам кўп асал олиш мумкин. Айрим асаларичилар эса бундай асалариларни кўз қорачиғидай асраб, вақти-вақти билан озиқлантириб, мўл-қўл асал олишга эришаяптилар ҳам. Аммо қанча асал бериш, ҳар бир асалари оиласида турлича бўлади. Булар албатта, уяларни яхши, серасал ўсимликлар жойлашган жойга кўчириб туришга ва асалари зотига ҳам боқлиқдир.

Фойдаси бирга-бир.Хуллас, уй шароитида 10 тагача асалари оиласини боқиши bemalol ўзини оқлайди. Хўш, уй шароитида асалари оиласини

боқишиңи қандай йўлга қўйиш мумкин? Агар ҳовлингиздаги томорқада етарли шароит бўлса, ҳеч иккиланмай, бу ишни бошлайверишингиз мумкин. Аввало яхши асалари зотларини танлаб, харид қилинг.

Оддий мисол, уй шароитида битта асалари оиласидан бир йилда ўртача 15 кг асал олинди, дейлик. Демак, бир йилда рўзғорингизда боқилаётган 10 та асалари оиласидан 150 кг. дан зиёд асал олинади. Бир килограмм асалнинг ўртача нархи бозорда 18 минг сўм деб ҳисобласак, бу бир йилда уй шароитида ҳар бир асалари оиласидан 324 минг сўмни ёки 10 та асалари оиласидан эса 2,7 миллион сўм қўшимча даромад келади демакдир.

Агар, асалари оиласини харид қилмоқчи бўлсангиз, аввало, унинг соғломлигига эътибор беринг. Асалари оиласига четдан туриб разм солинг, асалариларни уядан учиш ва қайтиб келишига эътибор беринг. Уларнинг учиш парвози бир текисда, иттифоқ бўлиши керак. Негаки, баъзи асалари оилаларида асалари парвози анча суст бўлади. Бу эса бундай асалари оилаларида она асалари кекса ёшли ва каммаҳсуллигидан далолат беради.

Бундан ташқари, уядаги она асалари ёшига эътибор беринг. Ёш она асаларилар тез ҳаракатчан бўлади, кекса она асаларилар эса секин ҳаракат қилиб, унинг қанотларининг учки қисми бир оз қирқилган бўлади.

Уядаги рамкалардаги наслнинг жойлашишига эътибор қаратинг. Рамкадаги очиқ ва ёпиқ насл бир текис жойлашган бўлса, демак она асалари ёш, серпушт бўлади. Оилада эркак асалари сони кўп бўлса, билингки, оиладаги она асаларининг ёши каттадир. Бундай она асаларини алмаштиришга тўғри келади. Шу белгилар билан оиладаги она асаларининг ёши аниқланади.

Кўп асал берадиган асалари оиласини қандай аниқласа бўлади? Асалари оиласини кучига қараб, албатта. Кўп асал берадиган асалари оиласида рамкалар сони 10–15 та ва ундан ҳам кўп бўлади. Бу рамкаларда 8–10 тагача очиқ ва ёпиқ насллар бўлиши лозим. Рамкалар орасидаги йўлакчалар асалари билан зич жойлашган бўлиши керак. Бу белгилар, албатта асалари оиласи кучли ва кўп асал тўплашидан далолат беради.

Асалари оиласининг текшириши қоидалари. Асалари оиласини ташки ҳарорат салқин жойда +14 °C дан паст бўлмагандан, умумий текширишга киришилади. Аммо асалари оиласининг умумий аҳволи қониқарли бўлса, у ҳолда тўлиқ текшириш ишлари ҳаво ҳарорати 16–18 °C даражаси бўлгунча қолдирилади.

Асалари оиласини текшираётган вақтда асаларичининг қўли тоза, оқ ёки қора ҳалат ҳамда қўланса (атир, упа, пиёз, саримсоқпиёз, бензин, керосин, тер) ҳид келмайдиган кийимларни кийган бўлиши керак. Шундай қилингандаги асаларилар кам безовталанади ва чақишига ҳаракат қилмайди.

Асалари оиласини текширишда тутатгич ёрдамида асалари уясига асалари кирадиган туйнукча орқали 2–3 марта тутун тутатилади, орадан 1–1,5 дақика ўтгач уя қопқоғи очилиб, устки ёпқичнинг бир чеккасини қайтариб, секин-аста рамкаларни асаларичи исканаси ёрдамида суғуриб олиб, текширишга киришилади.

Уяни текшириш вақтида асаларилар билан ишлаш қоидасига (уяни тақииллатмай, асалариларни безовталантирумай) амал қилиш керак. Оилани текшириш вақтида асаларичи асалари кирадиган түйнүкча олдини түсиб қўймаслиги лозим, у уянинг ён тарафида туриб ишлаши зарур, акс ҳолда асаларилар безовталаниши мумкин. Бундан ташқари, асалари уяси текширилаётган пайтда, қўшни уя асаларилари ўғирликка кираётганини сезса ҳам асаларилар безовталанади. Шунинг учун ҳам текширишни дарҳол нариги четдаги қатордан бошлаш керак.

Асаларичи иш бажаришга киришишда, аввал ишлаш учун керакли асбоблар: асаларичи кўчма қутиси, чириган тўнка, дарахт пўкаги ва тутатгич асбобини тайёрлаб қўйиши лозим. Асаларизорда асалари оиласи билан иш бошлашда, олдин оқ халат ва бошга кийиладиган тўрли юз ниқобини кийиб ишга киришиш керак.

Уядан суғуриб олинган рамкаларни уя устида кузатиш тавсия этилади, шундай қилингандан рамкадан тўқилган ёш асаларилар уяга тушади ва нобуд бўлмайди.

Рамкаларни асаларилардан тозалаш керак бўлса, ғоз патидан тайёрланган супурги ёки бойланган бир тутам ўт ёрдамида асаларилар супуриб туширилади. Агар ўша рамкада ёш асалари қуртчалари ва янги келтирилган гул шираси бўлмаса, у ҳолда рамканинг икки четидан маҳкам ушлаб, асалариларни силкитиб тушириш мумкин.

Оиланинг ички ҳажми кенгайтирилаётганда юзаки текширилади ва чеккадаги рамкаларни бир оз четга суриб, уларнинг ўрнига кенгайтиришга мўлжалланган рамкалар қўйилади. Агар табиатдан шира келаётган бўлса, у ҳолда асалари уясининг керакли жойларига мумпардали рамкалар берилади.

Парваришилаш. Уй шароитида асалари оиласини парвариш қилаётганингизда, даладан яхшигина шира келаётган бўлса, янги берилган мумпардали рамкаларни бир кунда тўқиади. Уядаги рамкаларни устки қисми оқариб кетади, ҳатто уядаги рамкалар устидаги сурп-матони ҳам мум билан ёпишириб ташлайди, шунда уларни рамкалар устидан зўрға кўтариб олиш мумкин. Бу белгилар, асал тортиш даври бошланганини билдиради.

Уядан асалли рамкаларни олишдан олдин, тутатгич асбоби билан асалари уясига бир оз тутун киритилади. Сўнгра асалли рамкалар олинади. Бунда очиқ наслли рамкалар олинмайди ва она асалари оҳисталик билан бошқа рамкага олиб қўйилади.

Асалли рамкалар устидаги мум қопқоқчалар, ўткир ва иссик пичоқ ёрдамида кесиб олинади. Бундай рамкалардаги асал маҳсус асбоб – асалторткич ёрдамида ажратиб олинади. Асали олинган рамкаларга бир оз сув сепиб, асалари оиласига берилса, уни асаларилар тез ва осон тозалаб қўяди.

Асал тортиш мавсуми йил давомида 2–3 маротаба, айрим йилларда эса ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Асал тортиш мавсуми тугагач, асалари оиласини қишлоғга тайёрланади. Бунинг учун қишлоғга кетадиган асалари оилаларига кўп миқдорда ёш асаларилар бўлиши таъминланади ва ҳар бир

асалари оиласига қишлоу учун, унинг кучига қараб 10–15 кг. гача сифатли озуқа асал қолдириш лозим.

Қишлоуга кетадиган асалари уясидаги рамкаларнинг усти ва ён томонлари иситиш ёстиқчалари билан ўраб қўйилади. Асалари қутисидаги устки ва остки учиш туйнуклари ҳажми битта асалари кириб-чиқадиган тарзда торайтириб қўйилади. Қишлоу даврида онда-сонда қишлоу қандай ўтаётгани текшириб турилади.

Асалари касалликлари ва уларнинг олдини олиши. Асалари оиласининг ривожланишига асосан варроатоз, акарапидоз, америка ва европа чириш, нозематоз, аскосфероз, пестицидлар билан заҳарланиш ва бошқа бир неча инфекцион ва инвозион касалликлар тўсқинлик қилади. Варроатоз касаллиги бугунги кунда энг хавфли касаллик бўлиб, каналар ишчи, эркак ва ёш асалари насли танасида паразитлик қилиб яшайди. Агар йил давомида варроатозга қарши курашилмаса, асалари оиласи нобуд бўлиши мумкин.

Асаларининг касалликлари ҳар хил бўлади. Уларни икки гурухга – юкумли ва юкумсиз касалликларга ажратиш мумкин.

Асалари касалликларининг олдини олишнинг энг асосий йўлларидан бири – ҳар йили барча асалари оилаларини ветеринария врачи кўригидан ўтказиш ва асалариларга баҳорда антибиотик дорилар қўшилган қўшимча озиқалар беришдир.

Асаларилардаги кўпгина касалликлар деярли бир хил белгига эга. Шунинг учун ҳам фақат мутахассисларгина касалликни тўлиқ аниқлай олишлари ва унга қарши муваффакиятли даволаш тадбирларини қўллашлари мумкин. Касалликни аниқлаш, қўпинча турли ташхислар қўйиш ёрдамида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлиши биланоқ, касалланган асаларилардан ва унинг наслидан намуна олиб, яқин орадаги ветеринария лабораторияларига мурожаат қилиш керак.

Интенсив усулда Африка лаққа балиғини *Clarias gariepinus* етиштириш



Интенсив балиқчилик – бу балиқни кичик сиғимларда, ҳавзаларда, балиқхоналарда ва 0,5 га.гача каталикдаги ҳовузларда, шунингдек, ёпік сув таъминоти қурилмаларида етиштириш. Балиқ ҳосилдорлиги интенсив балиқчиликни экстенсив балиқчиликдан ажратыб турувчи асосий омил ҳисобланади. Агар экстенсив балиқчиликта 30 ц/га.гача балиқ олинса, интенсив балиқчиликта 1m^3 сувдан 50 кг ва ундан күп балиқ етиштирилади.

Одатда, балиқни интенсиветиши да ҳавзалардан фойдаланилади. Ҳавзалар кубатураси 8 куб/м ва ундан юқори бўлиши мумкин. Ҳавзаларни бетондан, шлакоблоклардан, металлдан тайёрлаш, шунингдек, Самарқанд заводига шишапластик ҳавзаларни буюртма қилиш мумкин. Бунда ўртача ҳосилдорлик 1 куб/м.дан 40 кг.ни ташкил қиласи.

Африка лаққабалиғийиртқич балиқ ҳисобланиб, озуқа рационининг асосини қисқибасимонлар, сув қўнғизлари ва майданда балиқлар ташкил қиласи. Шунингдек, у ўсимликлар ва ҳар хил чиқинди маҳсулотлардан ҳам ҳазар қиласи. Бу эса ўз навбатида шундай хулоса қилишга олиб келадики, сув ҳавзаларида ушбу балиқни ўстириш юқори рентабел балиқчилик хўжалигини юзага келтиришда долзарб аҳамият касб этади.

Томорқада ўстирилган балиқларга балиқ ва товуқларнинг чиқинди қолдиқлари (потроха), ёмғир чувалчангидан бошқа ҳароратларнинг (масалан, колорада қўнғизининг) личинкалари билан боқиш ҳам мумкин. Ушбу балиқ тез қўлга ўрганади ва овқатберилаётганда сувнинг устига чиқади.

Африка лаққабалиғининг гўшти юқори озуқа қийматига эга.

Тез ўсади (юқори сифатли озуқа билан боқилганда 6-7 ой мабайнида 1 кг массага эга бўлади), юқори зичликда экилганда ҳам ўстириш имконияти юқори (табиии сув ҳавзаларидан $400-600 \text{ кг}/\text{m}^3$, сунъий сув ҳавзаларидан эса 20 ва ундан кўпроқ $\text{кг}/\text{m}^3$), ўстириш жараёнида маҳсус шароит талаб қиласи, узоқ масофаларга ташиб жараёнида ўта чидамли (сувсиз нам шароитда ва ҳарорат $14-25^\circ\text{C}$ дан кам бўлмагандан $1,5-2$ кун давомида тирик қолиши кузатилади), касалликларга чидамли.

Африка лаққабалиғининг бирдан-бир камчилиги шундан иборатки, у нисбатан юқори бўлган ҳароратни хуш кўради. Сувнинг ҳарорати узок муддат давомида 15°C дан кам бўлганда балиқ нобуд бўлиши кузатилади.

Парваришилаш: африка лаққа балиғини парвариша шундан иборатки, ҳарорати цельций бўйича 10° дан 35° градусгача, кўпайиш пайтида 18° дан ортиқ, озиқланиб ўсиш даврида эса 20° градусдан ортиқбўлиши керак. Африка лаққа балиғифаол ҳолда атмосфера кислородидан фойдаланади. Ҳаво кислороди йирик балиқларни 100% қониктириши мумкин; кислородсизлик шароитига ўта чидамли, лойқа сувда ўзини яхши хис қиласи. Фермер хўжаликларида 1 m^3 га 500 – 800 дона балиқ чавоги ташланади.

Сув ҳавзаларида Африка лаққабалиғини узлуксиз ўстириш учун ўзига хос сунъий иситиладиган илиқ сувли ҳовуз, УЗБ ёки бошқа сув ҳавзачаларига (УЗВ, садоклар, бассейнлар) ўтказилади. Ушбу сув ҳавзаларининг балиқ етиштириш маҳсулдорлиги $2-5 \text{ кг}/\text{m}^2$, яъни 20-50 т/га атрофида бўлади.

VI.БОБ.ЦИТРУС ЭКИНЛАРИНИ ЭТИШТИРИШ

Иссиқхоналарда цитрус ўсимликлари феврал ва март ойининг бошидан ўса бошлайдилар. Мартнинг иккинчи ярмида биринчи гуллар пайдо бўлади, мартнинг охири апрелнинг биринчи ярмида, суткалик ўртacha ҳарорат $20-22^{\circ}\text{C}$ бўлганда ёппасига гуллайди. Мева тугиши ва уларнинг ривожланиши учун биринчи ўн кунликда ҳаво $20-25^{\circ}\text{C}$ гача қизиши ва нисбий намлиги 70-80 фоиз бўлиши зарур. Бундай шароитда цитрус ўсимликлар анча яхши гуллаб мўл ҳосили тугади.

Май-июнда меваси тез ривожланади, кейин ўсиши бир оз секинлашади, лекин октябргача, яъни пўсти сарғайгунча йириклишаверади. Ноябрь-декабрь бошларида пишади. Ноябрда лимон ўсимлиги тиним даврига киради. Ушбу даврда иссиқхонада ҳарорат ўртacha $+8^{\circ}$ дан ошмаслиги керак.

Лимон этишиши



Лимоннинг аҳамияти: Энг қимматли шифобахш ва тетиклантирувчи мева ҳисобланади. Унинг таркибида 2 фоизга яқин шакар, 6-8 фоиз турли кислоталар (асосан лимон кислотаси), 1 фоиздан кўпроқ пектин моддалар, 0,5 фоизга яқин ҳар хил минерал тузлар, 60-90 мг/% С витамини, маълум миқдорда А, В₁, В₂, РР витаминлари мавжуд. Лимон узоқ сақланганда ва қайта ишланганда ҳам таркибидаги витаминлар яхши сақланади, бу унинг қимматли хусусиятидир.

Лимон юрак томир системаси касалликларида, цинга, сил, ангинани даволашда, организмда моддалар алмашинуви бузилганда, бод касаллигини даволашда истеъмол қилиш тавсия этилади. РР группа витаминлари қон босими пасайишига ёрдам беради ва мияга қон қуилишининг олдини олади.

Бизнинг иқлим шароитимизда кўп йиллик доимий яшил ўсимлик бўлган лимон факат иссиқхоналарда, сунъий муҳит яратилиб ўстирилиши мумкин.

Тавсия этиладиган навлари: Мейер, Тошкент, Юбелийный, ва «Вилли Франк» навлари ва.б.

Ерга ишлов берииш: Лимон кўчатларини ўтқазиш учун иссиқхона тупроғи яхшилаб текисланади ҳамда 50-60 см чуқурлиқда ишланиши лозим.

Экиш схемаси ва муддати: Иссиқхонада лимон кўчатларини тўғри бурчакли схемада экилганда -3x1,5-2 м; шахмат тартибида экилганда 2x1,5-2 м схемада экилгани маъкул. Лимон кўчатларини эрта баҳор ва кеч куздаиссиқхонага экиш тавсия этилади.

Ерни лимон ўтқазишига тайёрлаш ва ўтқазиши. Кўчат ўтқазиш жойлари режалангандан кейин 60 см чуқурлиқда уралар ковланади. Кўчат ўтқазиши пайтида ҳар қайси чуқурга яна 10-15 кг чириган гўнг, 100-150 г суперфосфат ва 50 г дан калий ўғитлари солинади. Илдизлари яхши ривожланган бир ва икки йиллик лимон кўчватларида 3-4 тагача биринчи тартиб новдалар бўлиши, танасининг йўғонлиги 0,7-0,8 см, иккийилликларида эса иккинчи тартиб новдалари ва танасининг йўғонлиги камида 1 см бўлиши шарт. Кузда лимон кўчати албатта илдизга илашган тупроғи билан бирга ўтқазилади, чунки акс ҳолда кўчватларнинг бир қисми қуриб қолиши мумкин. Ўтқазиши, шунингдек шох-шаббани қалинлаштирадиган ортиқча новдалар, шунингдек шикастланган илдизлари кесиб ташланади.

Парваришилаши: Суғориш 15-20 см чуқурлиқда олинган эгатлар орқали ўтқазилади. Бунда сув тупроқ 40-50 см чуқурлигигача намиқкунча жилдиратиб оқизилади. Дастреб кўчватлар бир-икки кун оралатиб суғорилади, ўсимликлар обдан тутиб кетгандан кейин эса сув вақти-вақти билан берилади, аммо тупроқ бутун ўсув даври давомида нам ҳолатда бўлиши керак. Учинчи йили эса суғориш эгатлари, ўсимликтан 50 см узоқликда 30-40 см чуқурлиқда олинади. Лимоннинг яхши ўсиши ва ҳосил бериши учун тупроқнинг оптималь намлиги ДНС га нисбатан 70-85 % бўлиши керак. Лимон кўчватлари тез-тез (мавсум мобайнида 25 марта) суғориб турилиши лозим.

Суғориш сони об-ҳаво шароити ва ўсимликларнинг ҳолатига боғлик бўлади. Қумоқ тупроқларда лимон ўрта ҳисобда февралда 1 марта, мартда 2, апрелда ва майда 3 мартадан, июнда 4, июл ва августда 4-5 мартадан, сентябрда 3, октябрда 2, ноябрда 1-2 марта суғорлиши лозим. Шунда 5-6 марта гўнг шарбати оқизилади. Ёзниг жазира маҳалларнинг кунларида лимон кечкурунлари ва эрталаб суғорилади.

Ҳар қайси суғоришдан сўнг тупроқ 10-15 см чуқурлиқда юмшатилади. Ўсимликлар ҳосилга киргандан кейин тупроқни юмшатиш, суғориш оралатиб ўтқазилади.

Қиши даврида қатор оралари чуқур (25-30 см) ишланиб, бир йўла чириган гўнг ва суперфосфат солинади. Ундан кейинги ишлов бериши суғориш ёки гўнг шарбати бериш ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантиришга боғлаб олиб борилади. Ерни ишлашда эҳтиёт бўлиш керак, чунки ўсимликнинг асосий илдизи 15-25 см чуқурлиқда жойлашган бўлади. Бегона ўтлар муңтазам равишда юлиб олиниши ва иссиқхонадан чиқариб ташланиши лозим, чунки улар билан шира ва бошқа зааркунандаларни чиқариб ташланган бўлиши мумкин. Лимон кўчати ўтқазилгандан кейин иккинчи йилдан бошлаб (тупроқка кузда ишлов беришда) гўнг ва суперфосфат солинади. Бир, икки ва уч йиллик кўчватларнинг ҳар қайсиси остига 10 кг дан гўнг, 20 г дан фосфор ва азот, 10 г дан калий (соф модда ҳисобида) солинади, ҳосилга кирган дараҳтларига эса 20-25 кг дан гўнг ва 80-120 г дан фосфор ва азот ҳамда 40-60 г дан калий берилади (ўсимликларнинг

ёшига қараб солинадиган ўғитлар миқдори ошириб берилади). Минерал ўғитлар икки муддатда ярми

февралда ва қолгани майнинг охири - июннинг бошларида (тугунчалар пайдо бўлганда) солинади. Шунингдек, лимон гўнг шарбати билан ҳам суғориб турилади. Бунда биринчиси лимон ўса бошлиш олдидан, иккинчиси гуллаш олдидан ва яна 3-4 чиси тугунчалари туқилгандан кейин ҳамда меваларининг ўсиш даврида 20-25 кун оралатиб берилади. Гўнг шарбати сигир, қўй ва парранда гўнгидан (2:1:1 нисбатларда) иборат бўлиб, улар ариқ суви билан бирга суғориш эгатларига оқизилади

Иссиқхонадаги лимон новдалари феврал охири ёки март ойи бошларида ўса бошлайди. Бу об-ҳаво шароитига, ўсимликнинг ёши, мева қилиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ. Лекин, айни шу даврида ҳавонинг ўртача кунлик ҳарорати 12°C , тупроқ ҳарорати эса 9°C бўлиши керак.

Шакл бериши Лимон дараҳтига кенг овал шаклни бериш учун, шу йилги ёш новдалар ва анча эски шохлар кесиб ташланади. Ўсувчи новдаларни чилпиш ва уларни қисқартириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари шох-шаббанинг ичидаги бўладиган кўк бачки новдалар кесиб ташланади. Шох-шаббанинг қалинлашиб кетмаслиги учун ҳар қайси олдинги шоҳда кўпи билан иккита, энг қучли шохларда эса уттагача новда қолдиришга аҳамият бериш керак.

Касаллик ва заракунандаларга қарши кураши: Иссиқхонадаги лимон дараҳтлари кўпинча юмшоқ курт, қалқондор, гиёх бити (шира) ва каналардан заарланади. Қалқондорни йўқотиш учун ўсимликлар залоннинг 0,3 % ли эритмаси билан (5-6 кун оралатиб 2 марта) яхшилаб пуркалади.

Қалқондорнинг ахлати (эксременти) га замбуруғ тушади. Бу куя барглардан ювилмайди. Уни йўқотиш учун баргларга қўшимча равишда 1 % ли бордос ёки 0,2% ли Кельтан эритмаси сепилади. Ўсимликлар гоммоз (танадан елим оқиши) билан касалланганда у бошланган пайтидаёк ва ёгочликнинг заарланган қисми то соғлом қаватигача кесиб олинади. Шундан кейин тозалangan жой 3% ли мис купороси (тўтиё эритмаси) билан дезинфекция қилинади ва боғ кайнатмаси (боғ муми) суртиб қўйилади. Бундай қайнатма тайёрлаш учун конифоль ва асалари мумини (2:1) оз миқдорда мол ёғи қўшиб қиздирилади.

Дараҳт танасининг ҳамма айланмаси гоммоз билан заарланганда, уни идизи билан ковлаб олиб куйдириб ташланади, тупроқ эса формалиннинг 1 % ли эритмаси билан дезинфекцияланади.

Хонаки лимон парваришилаши.

Хонаки лимонларнинг бўйи унчалик баланд бўлмайди. Уй шароитида нафақат гуллай олади, балки тузуккина ҳосил ҳам беради. Уни уй ичидаги дераза олдида парваришилаш мумкин.

Хона ичидаги ўстириладиган лимон дараҳти навини тўғри танлай билиш керак. Масалан, Хитойда ўстириладиган Мейера-карлик нави бизнинг шароитга мос келади. Баландлиги 1–1,5 метргача етади, думалоқсимон ва

кичик бўлиб ўсади, тиканаклари кам, совуққа чидамли, серҳосил. Дараҳт 3–4 ёшга кирганда илк ҳосил берада бошлади.

Лимон дараҳти гуллагандага хонада намлик 60 фоиз бўлиши, ўсимлик 12 соатгача ёруғлик олиши ва меъёрида озиқлантирилиши лозим. Бундан ташқари, лимонни энг ёруғ жойда ўстириш талаб этилади. Қиши ойларидаги кўпгина лимон меваси нобуд бўлади. Бунинг сабаби бор, албатта. Қишида лимон дараҳтига бирмунча салқинроқ, яъни ўртача 3–5 дараҷа ҳарорат керак бўлади. Аёзли кунларда уй ичида бундай ҳароратни ҳосил қилишнинг иложи йўқ, албатта. Шу боис уни яхши ёритилган ва намлик юқори бўлган ерга жойлаштириш лозим. Одатда энг юқори япроғидан 10 сантиметр масофада чироқ ўрнатилади.

Қишида кўп суғориш ҳам заарли. Ҳатто, вақти-вақти билан лимон дараҳти ўстирилаётган тувакда сув тўпланиб қолган-қолмаганини текшириб туриш талаб этилади. Ҳаво эса қўлбола сувпуркагич билан тез-тез намлантирилиб турилиши керак. Шунингдек, кунига икки марта лимон дараҳтининг ўзига илиқ сув пуркаб турилади. Уй ичида бу дараҳт нотўғри парваришланса, турли касалликларга чалиниши мумкин.


Лимон ривожланаётган даврда уни икки ҳафтада бир марта озиқлантириб туриш талаб этилади. Гуллаб, ҳосил берада бошлагандага эса ҳар 10 кунда «Сударушка» ва «Камирон-люкс» каби маҳсус макро ва микроунсурлар билан озиқлантирилади. Бу ўғитларни «Буцефал», «Каурий», «Фелумб» ва «Цветочная радуга» каби органик тиндириналар билан алмаштириб ҳам ишлатиш мумкин.

Лимонда пайдо бўлган ортиқча новдалар чилпиб олиб турилади. Баъзан икки-учта япроғи бўлган пакана лимон дараҳти гулга киради. Табиийки, бунда ҳосил олишнинг иложи йўқ. Бунда ҳосилига куч етказиб берада олмаслиги сабабли ёш дараҳтнинг гулларини юлиб ташлаш мақсадга мувофиқ. Дараҳт етарлича япроғу шохларга эга бўлганда гуллашига йўл қўйиб бериш мумкин.

Ҳосилни йигиб териб олиш: Лимоннинг теримбоп пишганлик даражаси бирмунча бошқачароқ аниқланади. Лимон мевалари ҳам яхши ривожланган бўлса, яшиллигига дараҳтдан узилади. Пўстиниш ранги эса омборларда ўзгаради.

Иқтисодий самарадорлиги: Лимон 10 сотих иссиқхонага 3x2 м схемада экиладиган бўлса 166 дона кўчат кетади. 166 дона кўчатимиз 2-3 йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона лимон дараҳти ўртача навига қараб 40 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 6640 кг ҳосил олишимиз мумкин. 6640 кг лимонни ўртача 8 000 сўмдан сотадиган бўлсак 53 120 000 сўм даромад келтиради. Иссиқхона қуриш ва иссиқхонадаги ҳароратни бир меъёрда ушлаб туриш катта харажат талаб этиади.

Апельсин етишиши



Апельсиннинг аҳамияти: Сер сув, хушбўй, қимматбаҳо мевалари бутун дунёга машхур.

Апельсин меваси таркибида 6-8 фоиз шакар, 1,0-1,4 фоиз турли кислоталар, 1,0 фоизгача пектин моддалар. 60-100 мг/% С витамини, маълум миқдорда А, В₁, В₂, РР витаминлар бор. Пўсти қалин ва шарбати кислотали бўлғанлигидан таркибидаги витаминлар яхши сақланади. Апельсин жуда қадимдан энг яхши десерт мевалардан бири ҳисобланади. Апельсин меваларининг таъм сифатлари - қанд ва кислотанинг уйғунлиги, кучли хушбўй ҳиди уни фақатгина цитруслар орасида эмас, балки бошқа барча мевалар олдида ҳам биринчи ўринлардан бирига кўяди.

Экиши учун тавсия этиладиган навлари: Сухуми, Гамлин, Первенец ва.ҳ.к.

Экиши схемаси: Апельсин тўғри бурчакли схемада 4x2-2,5 ва шахмат тартибида экилганда 3x2-2,5 м схемада экилади.

Тупроққа ишлов берии: Тупроқни тайёрлашга сарфланадиган меҳнат ва моддий харажатлар кўп жиҳатдан иссиқхона майдонининг тўғри танланганлиги, тупроқнинг механик таркиби ва физик хусусиятлари, унумдорлиги ва pH муҳити, сизот сувларининг жойлашуви ва бошқа омилларга боғлиқ.

Агар иссиқхона аввалдан фойдаланилиб келинаётган бўлса, ер дастлаб ўтмишдош экин ва бошқа қолдиқлардан пухта тозаланади. Майдонни пухта текислаб олиш цитрус кўчатларини ўтқазишдан олдин бажариладиган муҳим тадбирлардандир. Майдон текислангач, тупроқ унумдорлигига боғлик равишда органо-минерал ўғитлар солинади ва 30-45 см чуқурликда шудгорланади.

Ўғитлар чуқурча тубидаги тупроқ билан яхшилаб аралаштирилади. Ўсимлик илдизи минерал ўғитларга бевосита тегиб қолмаслиги (бунда илдиз куйиб қолиши мумкин) учун аралашма устига юпқа қатlam тоза тупроқ сепилиб, унинг устига кўчат жойлаштирилади ва илдиз атрофи иссиқхонанинг унумдор тупроғи билан тўлдирилади

Кўчатларни экиши: Апельсин кўчатларини экиш чуқурлигига жиддий эътибор бериш талаб этилади. Уянинг кейинчалик чўкишини ҳисобга олган

холда экилган кўчатларнинг илдиз бўгзи тупроқ сатҳидан 2-3 см юқорида туриши лозим. Кўчат ўтқазиш пайтида ҳар қайси чуқурга яна 10-15 кг чириган гўнг, 100-150 г суперфосфат ва 50 г дан калий ўғитлари солинади. Экишдан сўнг сугориш ўтказилади, сугориш меъёри ҳар бир ўсимлик учун 10 л дан кам эмас. Намлиknинг ўсимликлар томонидан буғлантириб юборилишини камайтириш ва кўчатларнинг яхши тутиб кетишини таъминлаш учун уларнинг 1/3 узунлиги кирқиб ташланади.

Кўчатлар ўтқазилгандан кейинги дастлабки йилларда ўғитлар кўчат атрофига, тўрт ёшидан бошлаб ўсимлик танасидан 15 см масофада қаторнинг ҳар икки томонидан 1 м кенгликдаги полоса бўйлаб берилади. Дараҳтлар 7-8 ёшга етганда уларнинг умумий ривожланиш ҳажмига боғлиқ равиша ўғитлар қатор оралигининг бутун эркин кенглиги бўйлаб берилади.

Парваришилаш: Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида апельсин уч марта ўсади. Ўсув даври март охири-апрелда бошланади ва об-ҳаво шароитларига боғлиқ равиша 195-210 кунгача давом этади.

Пайвандтаг сифатида апельсин учун трифолиатадан, тошлок ерларда бигардиядан, енгил тупроқларда апельсин уруткўчатларидан, тувак ва оранжереяларда апельсин ва лимон уруткўчагларидан фойдаланилади. Пайванд қилинган кўчатлар экилгандан сўнг 3-4-йили ҳосилга киради. Ҳар йили ҳосил беради, ҳосилдорлиги шароит яхши келган йилларда 20—25 т/га гача.

Усиш даврида (дастлабки 3 йил) асосий эътибор дараҳтларниш муваффақиятли ўсиш асоси сифатида кучли ассимиляцион юзани ҳосил қилишга қаратилади. Тўртинчи йилдан бошлаб шох-шаббасини шакллантиришда ортиқча бўлган (кесишган, тана марказини сояловчи) шохлар кесиб гашланади. Қолдирилган ҳар бир скелет шохнинг ўсиши учун эркин бўшлиқ мавжуд бўлиши лозим. Бошқа адабиётларда эса шакл беришни тўртинчи йилга қолдириласлик ва уни ҳар йили ўтказиб, кераксиз шохларни қирқиши ёки қисқартириб туриш лозимлиги таъкидланади. Ўсиш ва ҳосил бериш даврида (5-10 йил) ҳам қирқиши гана ва скелет шохлардаги ғовлаб ўсувчи новдаларни қирқиб туриш билан чекланади. Мазкур тадбир ҳар йили апрель-майда ўтказилади, у шох-шаббанинг қалинлашиб кетиши ва озуқа моддаларниш ортиқча сарфланишига барҳам беради.

Ҳосилни йигиб териб олиш: Апельсин сифатининг стандартлари куйидаги қатор кўрсаткичларга таянади: меванинг ранги, унинг серсувлитиги, шарбати таркибида эрувчан қуруқ моддалар ва кислоталар микдори ҳамда уларнинг ўзаро нисбати. Мазкур талабларга жавоб бермайдиган мевалар сотиш учун яроқсиз ҳисобланади.

Ҳосилни кеч йигиб олиш кейинги йилги ҳосилдорликни пасайтириши ҳамда мева беришдаги даврийликни кучайтириб юбориши ҳам мумкин. Мевалар маҳсус мева қирқувчи қайчиларда айнан гулкосага тақаб кесилади, чунки банди билан узилган мевалар яшик ёки бошқа идишларга жойланганда қўшни меваларнинг пўстини тешиб юбориши мумкин. Узилган мевалар маҳсус халта ва чепакларга солинади, сўнгра қадоқлаш пунктида эҳтиёткорлик билан яшикларга ёки **қутиларга** терилади.

Иқтисодий самарадорлиги: Апельсин 10 сотих иссиқхонага 4x2 м схемада экиладиган бўлса 125 дона кўчат кетади. 125 дона кўчатимиз 3-5 йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона апельсин дарахти ўртача навига қараб 25 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 3125 кг ҳосил олишимиз мумкин. 3125 кг апельсинни ўртача 15 000 сўмдан сотадиган бўлсак 46875 000 сўм даромад келтиради. Иссиқхона қуриш ва иссиқхонадаги ҳароратни бир меъёрда ушлаб туриш катта харажат талаб этади. Ўзбекистон Республикасига чет давлатлардан кириб келаётган апельсин мевалари таннархи арzon шунинг учун иқтисодий томондан самарадорлиги паст ҳисобланади.

Мандариннинг хусусиятлари



Мандариннинг ҳамияти: Кимёвий таркиби бўйича ҳам мандарин мевалари турли-тумандир. Айрим навларида қанд микдори кўп бўлса (Понкан, Сунтара, Кишиу), бошқаларида органик кислоталар микдори кўп бўлиб, нисбати бўйича лимонга жуда яқин туради (масалан, Каламондин ва бошқалар). Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам мандарин мевалари бошқа цитруслардан витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Республикамиз субтропиклари шароитида етиштирилган мандарин мевалари эти таркибида ўртача қуйидаги микдорда витаминалар ва бошқа моддалар мавжуд: қанд - 7,3% (шундан сахароза - 4,9%), пектин моддалар - 0,65%, кислоталар - 0,95%, минерал моддалар - 0,45%, А витамини - 0,42 мг/100 г, В, витамини - 0,06 мг, В, витамини - 0,06 мг, С витамини - 38 мг/100 г, РР витамини - 0,13 мг/100 г.

Айнан мандарин атамаси европаликлар томонидан унинг ажойиб сифатига берилган, яъни хитой тилида мандарин «камалдор» маъносини англатади. Саноат асосида етиштиришда мандариннинг асосий камчилиги унинг апельсин ва бошқа цитрусларга нисбатан кам сақланиши ва транспортбоплик хусусиятининг пастлиги ҳисобланади.

Тавсия этиладиган навлари: Понкан, Сунтара, Кишиу

Экиш схемаси: Мандарин бурчакли схемада экилганда мандарин 4x2-2,5 ва шахмат тартибида экилганда 3x2-2,5 м. схемада экилади.

Тупроқни тайёрлаш ва экиши: Тупроқни тайёрлашга сарфланадиган меҳнат ва моддий ҳаражатлар кўп жиҳатдан иссиқхона майдонининг тўғри танланганлиги, тупроқнинг механик таркиби ва физик хусусиятлари, унумдорлиги ва pH муҳити, сизот сувларининг жойлашуви ва бошқа омилларга боғлиқ.

Агар иссиқхона аввалдан фойдаланилиб келинаётган бўлса, ер дастлаб ўтмишдош экин ва бошқа қолдиқлардан пухта тозаланади. Майдонни пухта текислаб олиш цитрус кўчатларини ўтқазишдан олдин бажариладиган муҳим тадбирлардандир. Майдон текисланганч, тупроқ унумдорлигига боғлиқ равишда органо-минерал ўғитлар солинади ва 30-45 см чуқурликда шудгорланади.

Кўчатларни ўтқазишда экиш чуқурлигига жиддий эътибор бериш лозим. Кўчатларни шундай ўтқазиш лозимки, уларнинг илдиз бўғзи тупроқ сатҳида қолиши керак. Илдиз бўғзи ва пайванд қилинган жойи тупроқ остида қолиб кетган цитрусларда гоммозга чидамлилик кескин пасайиб кетишини олимлар кузатишган. Шу боис чуқур экиб юборилган дараҳтлар қазиб олиниб, бироз кўта-рилган ҳолда қайта экилади, аксинча, юза экилган кўчатларнинг баҳрига эса тупроқ тортиб қўйилади.

Парваришилаш: Кўчатларнинг яхши тутиб кетиши, нормал ўсиб ривожланиши ва эрта ҳосилга кириши уларни мунтазам ва сифатли равишида парваришилаб туришга боғлиқдир.

Кўчатлар экиб бўлингач, тупроқ юмшатилиб, бегона ўтлар йўқотиб турилади.

АЗОТЛИ ЎҒИТЛАР ҲАР ЙИЛИ ДАРАҲТЛАРНИНГ ёШИ ВА ТУПРОҚНИНГ УНУМДОРЛИК ДАРАЖАСИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТАХМИНАН ҚУЙИДАГИ МИҚДОРДА БЕРИЛАДИ: 1-3 ёшли дараҳтларга 30-50г; 4-5 ёшли дараҳтларга 60-90г; 6-8 ёшли дараҳтларга 100-150 г ва 9 ёшдан ортиқ дараҳтларга 250-300 г. Бунда умумий меъёрнинг 60 фоизи баҳорда гуллашдан олдин ва қолган 40 фоизи гуллаш якунлангандан сўнг июн ойида берилади.

Мандаринкўчатларига шакл беришни кўчатзордаёқ бошлаш лозим. Пакана мандарин пайванд кўчатлари 15-20 см га етганда унинг унинг учи яхши ривожланган барг устидан чилпиб қўйилади. Бирмунча вақтдан сўш барг кўлтиқларидағи куртаклардан новдалар ўсиб чиқади. Улардан кўчат таначасида тенг оралиқда жойлашган 3-4 новда шох-шаббани шакллантириш учун қолдирилади. Мазкур шохлар 25-30 см узунликка етгач, 3-5 куртак қолдирилиб, уларнинг ҳам уни чилпиб қўйилади. Бунда охирги куртак туп ичига эмас, балки ташқарига қараган бўлиши лозим. Бироз муддатдан сўнг биринчи тартиб шохларда иккинчи тартиб шохлар пайдо бўла бошлайди. Иккинчи тартиб биринчи новда билан тана оралиғидаги масофа имкон қадар 15-20 см бўлишига эришиш лозим. Иккинчи тартиб шохлар ҳам юкоридаги тартибда чилпиб қўйилиб, навбатдаги тартиб шохлар шакллантирилади.

Шу тариқа кейинги тартиб шохлар шакллантириб борилади. Бунда жуда қалинлашиб кетган, кераксиз ва ғовловчи новдалар тагидан кесиб ташлаб турилади.

Меваларни териб олиши: октябрь-ноябрь ойларида, яъни улар сарғайиб табиий равишда тўкила бошлаган даврда амалга оширилади.

Кўчатлар экилгандан сўнг 3-4 йили ҳосилга киради. Ҳар йили ҳосил беради, ҳосилдорлиги шароит яхши келган йилларда 20-25 т/га гача.

Иқтисодий самарадорлиги: Мандарин 10 сотих иссиқхонага 4×2 м схемада экиладиган бўлса 125 дона кўчат кетади. 125 дона кўчтимиз 3-5 йилдан сўнг ҳосилга кириб, 1 дона мандарин дараҳтиўртча навига қараб 30 кг ҳосил олинадиган бўлса жами 3750 кг ҳосил олишимиз мумкин. 3750 кг мандарин ўртача 10000 сўмдан сотадиган бўлсак 37500000 сўм даромад келтиради. Иссиқхона қуриш ва иссиқхонадаги ҳароратни бир меъёрда ушлаб туриш катта харажат талаб этади. Ўзбекистон Республикасига чет давлатлардан кириб келаётган апельсин мевалари таннархи арzon шунинг учун иқтисодий томондан самарадорлиги паст ҳисобланади.

Касаллик ва заракунандаларига қарши кураши: Цитрус экинларида малсекко, гоммоз, альтернариоз, фитофтороз, антракноз ва бошқа касалликлар, заракунандалардан шира битлари, қалқондорлар, оққанот ва ўргимчаккана кенг тарқалган.

Ширалар цитрусларнинг ўсув нуқтаси ва ёш баргларининг ширасини сўриб қучли зарап етказади. Шира босган ниҳоллар ва барглар деформацияга учраб, буралиб кетади.

Шираларниш яши жойларга кўчишида чумолилар ёрдам беради. Шу боис шираларга қарши курашишда чумолиларга қарши курашишни ҳам кўзда тутиш лозим.

Кураши чоралари. Аввало шираларнинг кўпайиши ва тарқалишша имкон берувчи чумолилар йўқотилади. Агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинади. Иссиқхоналарда биологик усулда курашиб афидофаг (олтинкўз, хонқизи, ва х.к.) ҳашаротларни қўйиб юбориш жуда яхши натижа беради. Зарур ҳолларда Кинмикс, Нурелл-Д, Децис каби препаратлар пуркалади. Прснаратлар пуркалган ҳолларда 20 кунгача ҳосил йигишга рухсат этилмайди.

Кураши чоралари. Қалқондорлар аниқланганда шира битларидаги сингари аввало чумолиларни йўқотиш чоралари қўрилади. Қалқондорларни намланган дока билан артиб олинади. Кучли заракунандан шохлар ва новдалар кесиб ташланади. Заракунанда катта майдонда тарқалган бўлса, ўсимликларга карбофос, дельтафос ва богақа кимёвий препаратлар пуркалади.

Кураши чоралари. Агротехника қоидаларша қатъий риоя қилиш, ниҳозшарни тўғри парваришлиш, илдиз бўғзи тупроқ билан кўмилиб колшпига йўл кўймаслик, тупрокни мунтазам юмшатиб туриш, тупроқ намлиги керагидан ортиқ бўлмаслшини таъминлаш, хандакларни мунтазам шамоллатиб туриш, профилактика мақсадида кузда хандаклар устини ёпишдан олдин ва баҳорда усти очилганидан кейин дараҳтларга 1% ли Бордо

суюклиги пуркаш тавсия қилинади. Дараҳт пўстлогининг заарланган қисми боғ пиҷоғи ёрдамида эҳтиёткорлик билан (ёғоч қисмига етказмасдан) тозаланади, ва жой мис сульфатнинг 3% ли эритмаси билан ювилади, 2-3 кундан сўнг таркибида 1 қисм мис сульфат, 2 қисм сўндирилмаган оҳак ёки 4 қисм сўндирилган оҳак ва 12 қисм сув бўлган паста суртилади.

VII.БОБ. Гулларни экиш ва парваришлаш

Атиргул ўстириши



Экиши учун тавсия этилган навлар: Қора магия, Папилон, Бургун, Салвидор, Кулин Елезавета, Московский, Президент, Анжелика ва ҳ.к.

Кўчам тайёрлаш. Ёзнинг ўрталарида чала ярим пишган наъматак терилади, дуккаклари чақиб олинади ва ўрадаги қумга аралаштириб кўмилади. Кўмилгандан сўнг 3–4 кун давомида сув сепилиб турилади. 15–20 кун ўтгандан сўнг кўмилган наъматак қумдан олинади, ёйиб қуритилади.

Қуриганлари эланиб, қумдан ажратилади, мато халтага солиб, соя ва қуруқ жойда сақланади. Наъматак уруғи ноябрь ойида яна қалинлиги 25–30 см бўлган хўл қумга аралаштириб кўмилади. Март ойининг 5–10 саналарида қумдан ковлаб олиниб, эланади ва 10–15 саналарида ерга сепилади. Сепилган уруг 20–25 кун давомида униб чиқади. Май ойининг ўрталариға бориб ягана қилинади. Ниҳоллар пайванд пайтигача парвариш қилинади. Август ойининг 10–15 саналарида пайванд қилишга етилади. Пайванд қилиш учун атиргулнинг соғлом пишган кўз навдаси танлаб олинади. Кўзли навда гулнинг паст қисмидан 20–25 см қолдириб кесилади. Кесилган навданинг тепа юмшоқ қисми ҳам кесиб олиб ташланади. Қолган соғлом навдадан кўз олиб, наматак танасига пайванд қилинади. Пайванд қилингандан сўнг 20–22 кундан кейин куртак чиқади, аста-секин ривожланиб, шохга айланади ва 9–10 ойдан сўнг илк гулини беради.

Гулчилик – гулли-манзарали ўсимликларни хонадонлар, томорқалар, боғ ва хиёбонлар, йўл ёқалари, дала шийпонларига экиш, уйни безаш, гулдасталар ясаш мақсадида ўстириш.

Ҳар йили Наманганда “гул байрами”, Японияда “хризантема байрами”, Хиндистонда “атиргул байрами”, Нидерландияда “лола байрами” ўтказилади.

Экиш учун жой танлаш ва ерни тайёрлаш. Гул етишириш учун ажратилган майдон текис ва унча катта бўлмаган (2–3° гача) нишабликда бўлиши лозим. Ер майдони куз ойларида тайёрланади. Органик ўғитлар бериб, 20–30 см чуқурликда чопилади. Тупроқ бегона ўтлардан тозаланади, хаскашланади ва пушта олинади. Улар калтароқ, баландлиги 20–25 см, кенглиги 70 см бўлиши керак. Экишдан олдин майдон суғорилади. Кўчатлар 70x60 см ва 70x70 см схемада экилади.

Экиш. Атиргулларни экишнинг энг мақбул пайти баҳор фаслидир. Экиш олдидан атиргулнинг илдизлари текшириб чиқилади, синган ва титилган илдизлар кесиб ташланади, соғлом илдизлар лой ва қорамол ахлатидан тайёрланган шатмоққа ботириб олинади. Гул кўчатини экиш учун эни 30x30 см, чуқурлиги 30 см бўлган чуқурча ковланади. Кўчат ўтқазишдан олдин чуқурга сув тўлдирилади. Туплар кўчатзордаги ҳолатидан бир оз чуқурроқ (3–4 см) қилиб, пайванд қилинган тарафини кун чиқиш томонга қаратиб ўтқазилади. Пайванд бўлган жойи ер юзасида 45–50 см тепада бўлиши лозим. Нам кўтарилиб кетмаслиги учун айланна ариқ бетига 3–4 см қалинликда қипик ёки янги от гўнги сепиб қўйилади. Узун шохлари қирқиб, калта қилинади. Қирқишда янги новдалар ҳосил бўлиши учун тўрт-олти куртак қолдирилиши керак. Ўсимлик ўтқазиладиган куни ҳар бир чуқурга 6–8 кг ҳисобидан чириган гўнг тупроққа аралаштириб солинади. Агротехника тадбирлари тўғри олиб, борилганда ўсимлик туридан 8–12 донагача гул олиш мумкин

Суғорииш. Суғориша наъматак униб чиққандан кейин ер чала, яъни ҳар 10 кунда 2–3 маротаба суғорилади. Пайванд қилингандан сўнг тагидан нам кетмаслиги керак. Кейин кўчат ҳафта давомида 1 марта суғорилиб турилади.

Ўғитлаши. Атиргул кўчатлари асосан маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилади.

Қатор ораларига ишлов берииш. Ишлов бериш ишлари суғорилгандан 2–4 кундан сўнг бажарилади. Тупроқни юмшатиш дастлабки йиллари 3–4 маротаба амалга оширилади. Қатор оралари қўл кучи билан 10–15 см чуқурликда чопиқ қилинади ва бегона ўтдан тозаланади.

Атиргулдан гулоб – хушбуй суюқлик ва атиргул мойи олинади.

Атиргул шох-шаббасини кесиши. Атиргул асосан эрта баҳорда буталади. Буталган шохлар ёз бўйи келгуси йил учун ўринбосар новдалар чиқаради. Гуллайдиган атиргуллар калта қолдириб буталади. Ер музлашдан бир неча кун илгари атиргул тупларидағи барглар батамом тушади. Ортиқча новдалар олиб ташланади. Туп бўғизи атрофига 40–50 см баландликда тупроқ ўйилади. Шу тарзда атиргуллар қишлиайди. Эрта баҳорда куртаклар бўртмасдан олдин бўғиз атрофидан тупроқ олинади, усти очилади, илдиз бўғизи тозаланади, шикастланган ва синган, учларини совук урган новдалар қирқиб ташланади.

Касаллик ва заараркунандаларга қарши курашиши. Шираға қарши 20 г анабазин ёки никотин сульфатни ёхуд 50 г яшил совунни 10 л сувга қўшиб

тайёрланган эритма пуркалади. Ўргимчакканага қарши Атилла Супер 10 % эм.к. (10 сотихга 25 мл) эритмаси пуркалади. Бу эритма 10 л сувга 5–6 г солиб тайёрланади. Ун-шудринг касаллигига қарши Дуплит ТТ 22,5 эм.к. (10 сотихга 30–50 мл) эритмаси ишлатилади. Атиргулнинг занг касаллигига мойиллиги кучли. Унга қарши олтингугурт сепилади.

Чиннигул ўстириши



Экии учун тавсия этилган навлар: Гренадин, Туркия, Голланд, Хитой ва ҳ.к.

Кўчат тайёрлаши. Чиннигул илдиз орқали ердан ундириб ёки уруғ сепиш орқали кўпайтирилади. Чиннигул кўп йиллик гул тури бўлгани учун илдизлари орқали ёнидан куртак чиқариб кўпайиш хусусиятига эга.

Уруғ сепиб кўпайтиришда соғлом, яъни пишган уруғ танлаб олинади. Қуритилган уруғ сувга бўқтирилган ерга сепилади ва уруғ усти тупроқ билан юпқа қилиб ёпиб чиқилади. Сепилган уруғ 10–15 кунда униб чиқади. Униб чиққандан кейин 50–60 кунда экишга тайёр бўлади.

Чиннигул ўстириладиган тупроқни тайёрлаши. Чиннигул тупроқ танламайди. Ер ҳар квадрат метрига 4–5 кг гўнг ва 400–500 г қум қўшиб чопилади Агар тупроқ қумли, юмшоқ бўлса, ҳар квадрат метрга 3–4 кг гўнг солиб чопилади. Очиқ майдонларда 50–60 см. ли қаторлар тайёрланади. Йирик гулли чиннигул етишириш учун иккидан бир қисм соз тупроқ ва яна иккидан бир қисми чириган баргдан иборат аралашма тайёрланиб, бунга тупроқнинг қай даражада зичланганига қараб, қум қўшилади.

Экии. Чиннигулни турлари ва навларига қараб май–июнь ойидан то август ойларигача офтоб чала тушадиган жойга ўтқазиш мумкин. Очиқ майдонларда 25–30 см. ли қаторчалар тайёрланади. Сўнгра 10–15 см. ли чуқурчалар ковланади. Намликни сақлаш мақсадида туп айланасига 2–3 см қалинликда яғоч қипиғи сепилади. Кўчат доимий жойга 50x30 ёки 60x25 см. ли схемаларда экилади. Чиннигулга суюқ ўғит яхши таъсир қиласи. Ўсимлик дастлаб ҳар олти кунда бир марта, бир оз вақт ўтгач – икки марта шарбат усулида суғорилади. Суюқ ўғит фақат ғунчалар ҳосил бўла бошлагандага солинади. Ўсимликлар бир неча марта тоза сув билан ҳам суғорилади. Тўғри агротехник тадбирлар олиб борилганда ўсимлик тупидан 6–8 та гул олиш мумкин

Сүгөрии. Чиннигул ёз кунларида ҳар 10–15 кунда 2–3 маротаба захлатмасдан сүфорилади.

Үгитлаш. Чиннигул асосан май, июн ойларида чириган гүнг билан озиқлантирилади.

Қатор оралыгига ишлов берии. Тупроқни юмшатиш дастлабки йиллари 6–8 маротабагача ўтказилади. Қатор оралари құл кучи ёрдамида 10–12 см чуқурликда кетмөн билан чопик қилинади. Бу ишлар сүфорилгандан 2–4 кундан сүнг амалга оширилади. Гулзор доимо бегона ўтлардан тозалаб турилади.

Касалликларга қарши курашии. Чиннигул асосан оқ пашша ва занг касалликларига мойил. Бу касалликларга қарши асосан олтингугурт ва бошқа кимёвий дорилар сепилади.

Гладиолус ўстирии



Экиш учун тавсия этилган навлар: Блиццард, Гоудвилл, Мария, Горетти, Оскар ва ҳ.к.

Күчам тайёрлаш. Гладиолус гули асосан пиёздан күпаяди. Пиёз гулнинг болалаш даври ўтгандан кейин ковлаб олинади. Бу пайт август ойининг охири–сентябрнинг бошларига түғри келади. Ковлаб олинган пиёз куритилиб, йирик ва соғлом пиёзлар ажратилиб олинади. Кейин түрхалтага

солиб, осиб қўйилади. Қуриган пиёз апрель ойларида очик ерга қадаб чиқилади. Қадаб чиқилган пиёз 10–15 кунда униб чикади ва июнь ойларига бориб гуллай бошлайди. Август ойининг охирида гладиолус пиёzlари яна ковлаб олинади.

Экишига ер тайёрлаши. Гладиолуслар ўғитланган қумоқ тупроқли, серқуёш, шамоллардан ҳимоя қилинган ерда яхши ўсади. Ўсимликни ўтқазиш учун сув тўхтамайдиган, қумоқ ва қумлоқ тупроқли ер танланади. Майдон кузда 25–30 см чуқурликда ҳайдалади. Кўкламда ерни хаскашда текислаб, қатқалоги йўқотилади. Гладиолус пиёzlари экилиши олдидан унинг қуруқ пўсти олиб ташланади, сўнgra формалин (1:800) эритмаси билан юқумсизлантирилади. Шундан кейин уни совук сувда ювиб, қуритилади. Бу пиёzчалар куракчада очилган уячаларга ёки эгатчага экилади. Бунинг учун уячаларга энг аввало озрок қум солинади. Уяга ва эгатларга қўйилган пиёzчалар серозик тупроқ билан қўмилади.

Экиши. Гладиолус пиёzinинг катталигига қараб гулзорга 25x25 ёки 30x30 см оралиқ билан, 1 м² га йирик пиёздан 25–30 та, майдасидан 60 тагача, нуш (болача) ларидан 120 тагача экилади. Катта майдонларга экишда қатор ораси 50–70 см, туп ораси 25–30 см этиб танланади. Гулнинг пиёзи, аввал ариғи очилиб, пушта қисмига, яъни устига қадаб чиқилади. Қадаб чиқиши оралиғи 5 см. дан 10 см. гача бўлади. Пиёз 10–12 см чуқурликда қўмилади.

Парваришилаши. Ёзда камида беш-олти марта ўтоқ қилинади ва тупроқ юмшатилади. Гладиолусларнинг яхши ўсиши учун тупроқ ҳамиша нам сақланади. Пиёз қадалгандан сўнг захлагунча суғрилади. Навбатдаги суғоришилар тагидан нам қочишига қараб ўтказилади. Ёз кунларида 15–20 кунда бир маротаба сув қуйилади. Пиёзни ковлаб олишга 20–25 кун қолганда сув тўхтатилади. Ўсимликларни гўнг шарбати (шалтоқ) ва минерал ўғит эритмаси билан озиқлантириш айниқса фойдалидир. Шалтоқни тайёрлаш учун бир чеълак гўнг ва тўрт чеълак сув бочкага солиниб яхшилаб аралаштирилади. 6–8 кундан кейин шалтоқ билан ўсимликни суғориш мумкин. Суғориш олдидан ҳар чеълак суюлтирилган шалтоқда яна 4–5 чеълак сув қўшилади. Суюқ шалтоқ ўсимликларга кечқурун, хул ерга солинади.

Июнь-июлда ўсимликлар, юқорида кўрсатилгандек, азотли ўғит ёки гўнг шалтоғи билан ёки 10 л сувга 15–20 г ҳисобидан селитра ёки сульфат аммоний қўшиб тайёрланган эритма билан суғорилади. Ёзning ўртасидан бошлаб ўсимликлар суперфосфат эритмаси билан суғорилади. Бу эритма бир чеълак сувга 30–40 г суперфосфат қўшиб тайёрланади.

Касаллик ва зараркунандалари. Гладиолус асосан кул ранг чириш, қуруқ чириш, фузариоз ёки бактериоз касалликларига чалиниши мумкин.

Бу касалликларга қарши уларнинг олдини олиш чоралари қўрилади. Ўтқазиш олдидан пиёzlар формалин билан дориланади. Бунинг учун 1 л сувга 3–4 г 40 фоизли формалин солинади. Эритма ёғоч бочкада тайёрланади. Пиёzlар саватга солиниб, 15 минут эритмага ботириб олинади. Сўнgra бир жойга тўплаб усти шолча ёки брезент билан ёпилади, икки соатдан сўнг

олиниб дарҳол экилади. Касалланган пиёзлар экилмайди. Гладиолус гулини биринчи навбатда ҳашаротлар ва занг касаллигидан ҳимоя қилиш керак.

Хризантема ўстириши



Экиш учун тавсия этилган навлар: оддий ёки якка қатли хризантема, Анемоносимон (айиқтовонсимон) хризантема, Найсимои ёки нурсимои хризантема, Япон хризантемаси, Хитой хризантемаси, Салла (Пион) гулсимон хризантема, Попуксимон хризантема, Манзарали хризантема – олдингиларнинг дурагайи бўлиб, гулларининг катталигига қараб йирик гуллилар ва майда гуллиларга бўлинади.

Кўчат тайёрлаш. Хризантема асосан қаламча усулида кўпайтирилади. Бунинг учун она кўчатдан очилиб бўлган, пишган соғлом новда олинади. Кесиб олинган соғлом новдадан уч бўғим қилиб қаламчалар кесиб чиқилади. Қаламчанинг таг қисмдаги иккита барги олиб ташланади. Тайёр қаламчалар 1 соат давомида карновинг дорисига ботириб қўйилади. Карновингдан олингандан кейин 10–15 см қалинликдаги қумга қадаб чиқилади. Қаламчалар ораси 1–2 см бўлади. Қадалган қаламчалар усти плёнка билан ёпилади. Бу ишлар асосан май, июнь ва сентябрь ойларида қилинади. Қаламчалар илдиз олгандан кейин плёнка ичидан олинниб, очик ерга экилади.

Экишга ер тайёрлаш. Хризантема учун ажратилган майдон текис ва унча катта бўлмаган (2–3° гача) нишабликда бўлиши лозим. Ер майдони куз ойлари тайёрланади ва органик ўғитлар бериб, 25–30 чуқурликда ҳайдалади. Бегона ўтлар олиб ташланади ва ариқлар олинади. Пушталар калтароқ 25–30 м узунликда ва баландлиги 20–25 см бўлиши лозим. Қаторлар оралиғи 60–70 см бўлиши керак. Қаторлар назоратлаш учун сугорилади, камчиликлар бартараф қилинади, сўнгра экишга киришилади.

Экиш. Кўчатларни маҳаллий шароитга қараб гулзорларга турли вақтда кўчириб ўтқазиш мумкин. Улар офтоб, офтоб чала тушадиган жойларни ёқтиради. Яхши ўсан ва бақувват ўсимликлар 10 апрелдан бошлаб кўчириб ўтқазилади. 1–2 °С совуқ зиён етказмайди. Бунда қатор оралари 60–80 см, ўсимликлар ораси эса 40–50 см қилиб олинади. 10–15 см чуқур ковлаб, уни сувга тўйинтириб, экиб чиқилади. Кўчат оралиғи экилаётган жойга қараб танланади. Ўсимликлар гулзорга экилгандан кейин уларни бир неча кун давомида қондириб сугориш лозим. Гуллари узиб олинадиган гулзорлардаги ўсимликларда биттадан ғунча қолдириб, қолганлари олиб ташланади, ҳатто

баъзан новдалари ҳам сийраклаштирилади. Ортиқча ғунчаларни узиш даврида ўсимликлар озиклантирилади, яъни ҳафтада бир-икки марта суюқ ўғит билан сугорилади. Хризантемани кейинчалик парвариш қилиш – бутун ёз бўйи қаторлар орасини юмшатиб туриш, ўсимликлар орасини чопиш, бегона ўтларни йўқотиш, тупларига шакл бериш ва вақтида сугоришдан иборат.

Суғориш. Хризантема гули сувни яхши қўради, шу боис ҳафтада икки маротаба суғориш керак. Қаторлар оралиғи 6–8 маротаба юмшатилиб, қўл кучи ёрдамида 10–15 см чукурликда чопик қилинади.

Озиқлантириш. Минерал ўғит меъёри ҳар 10 л сувга 20–25 г селитра аралаштириб тайёрланади ва суғорилади.

Касалликларга қарши курашиш. Хризантема гулига асосан очилиш, гуллаш даврида шираларга қарши Моспилан 20% эм.к. кимёвий воситаси сепилади.

Лола ўстириши



Экиши учун тавсия этилган навлар: Аннушка, Май Леди, Маурен, Оксфорд, Парад, Президент Кеннеди ва бошқа навлар тупроқ-иқлим шароити, харидорларнинг талаби, бозоргирлигига қараб танланади.

Кўчам тайёрлаш. Лола кўчатини тайёрлаш баҳор ойларининг охирларидан бошланади. Апрелнинг 20–25 кунларидан бошлаб май ойининг 10–15 кунларигача очилиб бўлган лола пиёзлари ернинг чуқур қисмига кирмасдан, яъни юза қисмида бўлган пайтда ковлаб олинади. Ковлаб олинган пиёзларнинг соғломлари саралаб олинади, селгитилади ва қоронги соя жойда сақланади. Сақланган пиёз ноябрь ойида ерга экилади. Экилаётган пиёз

соғлом, чиримаган ва бутун бўлиши керак. Лола пиёзининг болалаш даври гуллаш пайтидан бошланади. Шунинг учун гуллаш даврида лола пиёзини ковлаш асло мумкин эмас.

Экиши. Лола пиёзи зах бўлмаган, сув шимувчи ва яхши ўғитланган юмшоқ ерга экилади. Пиёз томорқанинг катта-кичиклигига қараб 10 см. дан 30 см. гача оралиқда экилади.

Сугорииши. Лола пиёзи қадалгандан сўнг кўп сув талаб қилмайди. Чунки пиёзлар салқин пайтда, яъни ноябрь ойларида ерга қадалиб, кунлар қизир-қизимас, яъни апрелнинг охирлари-май ойининг бошларида ковлаб олинади. Лола касалликларга чидамли, кўп микдорда ўғит талаб қилмайди.

Доривор ширинмия



Ширинмия доривор ўсимлик сифатида жуда қадим замонлардан маълум. Хитой халқ табобатида бу ўсимлик эрамиздан 3000 йил аввал турли хил ҳасталикларни даволашда қўлланилган. Шунингдек, ширинмия ўсимлигининг шифобахш хусусиятлари борасида хинд ва тибет табобатида ҳам маълумутлар учрайди. Ўрта асрларнинг машҳур олим ва табиби буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ўзининг даволаш амалиётида ширинмия ер остки қисмларидан жуда кенг миқиёсда фойдаланган. Жумладан ошқозон ичак яраларини, ўпка ва нафас йўллари касалликларини даволашда шунингдек, пешоб ҳайдовчи доривор восита сифатида ишлатилган.

Замонавий табобатда ҳам бу ўсимликнинг ўрни бекиёс бўлиб, фармацевтика саноати корхоналарида қайта ишланиб турли хил дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга кўпгина доривор йиғмаларнинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг доривор ўсимликлар дехқончилигига алоҳида эътибор берилди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 7-декабрда ширинмия ўсимлиги хом-ашёсига бўлган ички ва ташқи бозор талабларини қондириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида ширинмия хом ашёсини етиширишни қўпайтириш, чора тадбирлари тўғрисидаги” 453-сонли маҳсус қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақадида “Шифобахш” ИИЧМ қошида ташкил этилган доривор ўсимликларга ихтисослашган ўрмон хўжаликларида ширинмия ўсимлиги зироат қилинмоқда.

Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*-L.)—дуккақдошлар (Fabaceae) оиласига

мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Феофраст ўз асарларида бу ўсимликни солодковий корень, скифская трава, понтийская трава номи билан атаган. Мазкур ўсимликни рус тилида –солодка голая, ўзбек тилида-ширинмия, чучукмия, қизилмия, Қорақалпоғистон автоном республикасида эса бўян деб аташади. Ширинмиянинг тарқалиш ареали жуда кенг бўлиб, сибиқ иттифоқнинг Европа қисмида, Крим, Кавказ, Сибир, Кичик Осиё, Эрон, Афғонистон, Шимолий Африкада тарқалган.

Республикамиз худудида ширинмия типик тўқай ўсимлиги ҳисобланиб, асосан Сирдарё ва Амударёнинг қуи қисмларида учрайди. Ширинмия поликарп ўт ўсимлик, поялари яхши ривожланган бўлиб, цилиндричесимон тузилишга эга. Поя ёғочланган бўлиб баландлиги 150-160 см, баъзан унинг баландлиги тўқай шароитларда 200 см ва ундан ҳам ортади. Шўрланган тупроқ шароитида бу кўрсаткичлар 50-70 см атрофида қайд этилади. Барглари мураккаб тузилишга эга. 4-8 жуфт баргчалардан иборат бўлиб, пояларда кетма-кет жойлашган. Барг узунлиги 11-18 см, баргчалари тухумсимон, эллипссимон, атрофлари бутун, тукланган, узунлиги- 5 см, кенглиги-2,5 см ни ташкил этади. Гуллари оқ бинафша рангли, чангчилари йирик, оғир.

Кучли нектар ажратучи бўлганлиги сабабли асалари ва бошқа ҳашоротларни ўзига жалб қиласди. Ширинмиянинг ер остки қисми ҳайвонлар учун тўйимли озуқа сифатида фойдаланилади. Поя таркибида 11-18% протеин, 10-15% оқсиллар, 3,3-9,1% ёғ ва бошқа фойдали бирикмалар мавжуд. Ер остки қисми пўстлоғи жигар рангли илдиз ва идлиз поялардан иборат бўлиб, узунлиги 180-200 см атрофида қайд этилади. Илдиз ва илдизпояларида глицеризин кислотасининг миқдори-3-24%, глюкоза-8%, сахароза-11%, крахмал-34%, клетчатка-24% ни ташкил қиласди. Сувда экстракцияяга учрайдигин моддаларнинг миқдори- 43% га етади.

Республикамиздан ширинмия хом-ашёси АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Корея каби ривожланган мамлакатларга экспорт қилинади. Таъкидлаш жоизки, бу ўсимлик тупроқ шароитига талабчан эмас. Ер остки сувлари яқин, қайта шўрланган қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб қолган майдонларда етиштириб юқори иқтисодий самараадорликка эришиш билан бир қаторда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш хусусияти билан шубҳасиз, аҳамиятлидир.

Ширинмия ўсимлиги асосан уч хил усул билан, уруғидан, илдизпояларидан ва кўчкат етиштириш орқали кўпайтирилади. Биринчи усул-уруг сепиш билан амалга оширилади. Бунинг учун агротехникаси тўғри йўлга кўйилган, кузда яхшилаш шудгорланган, бегона ўтдан тозаланган, молаланган, чизелланган, текисланган майдонларни танланиши талаб этилади. Тайёрланган майдонларга оралиғи 70 см қилиниб эгатлар олинади ва уруғлар 1-3 см чуқурликда экилади.

Уруғ экишни куз ва эрта баҳор ойларида механизация ёрдамида амалга ошириш мумкин. Гектар ҳисобида 4-5 кг уруғ экилади. Уруғ экилгандан сўнг, майдон сугорилади ва майса ҳосил бўлгунга қадар тупроқ юза қатлами нам ҳолатда сақланиб туриши талаб этилади. Тупроқ ҳарорати 100°C дан ошиши

билинг майсаларнинг униб чиқиши кузатилади. Майсалар асосан 20-25см га этиши билан қатор ораларига ишлов берилади. Вегетация давомида ўсимлик майдони 8-10 маротаба суғорилади. Ҳар 2-3 маротаба суғоришдан сўнг культивация ўтказилади ва қатор оралиғига кетмон билан ишлов берилади ҳамда парваришиланади. Аммо, шўр ерларда (1,5-2,0%) уруғ унувланигининг анчагини пастлигини инобатга олинса, ширинмия уруғини кўкартириб саноат аҳамиятига эга бўлган экин майдонларини барпо этиб бўлмайди.

Иккинчи усул- илдизпоялардан кўпайтирилади. Бу усулда ўсимлик хомашёси яъни, илдизпоялари майдонлардан ковлаб олинади. Ўткир тифли мосламалар ёрдамида 10-15см узунлиқда илдизпоя қаламчалари қирқиб тайёрланади. Гектар хисобига 2000-3000кг илдизпояларни сарфланиши тавсия этилади. Олдиндан тайёрланган ва агротехникиси тўғри йўлга қўйилган майдонларга оралиғи 90см қилиб эгатлар олинади ва 5-8см чуқурлиқда илдизпоялар механизация ёрдамида экилади. Бу жараён ҳам куз ва эрта баҳор ойларида амалга оширилади. Тупроқ намлигини эътиборга олган ҳолда илдизпоя экилган майдони тез-тез суғориб, тупроқда намликни сақлаб туриш самарали натижа баради.

Экилган майдонларда ўсимлик ҳолатига қараб агротехник чора- тадбирлар амалга оширилади ва 1-йили 6-8 марта (вегетация давомида) суғорилади ҳамда парвариш қилинади. Ўсимлик вегетациясининг 2- йилидан бошлаб суғориш меъёри тупроқ шароитига қараб камайтириб борилади. Саноат аҳамиятига эга бўлган катта экин майдонларини барпо этишда асосан шу усул самарали натижа беради. Бироқ, бу усул билан кўпайтирилганда, 1га майдонга 2000-3000кг қимматли хом- ашё сарфланади.

Учинчи усул- бунда аввал бўз тупроқда уруғни экиб, улардан кўчат этиштириш, сўнгра уни шўр тупроқли ерларга кўчириб ўтказиш орқали амалга оширилади. Жумладан бир вегетация даврини ўтаган кўчатлар шўр тупроқларга кўчириб ўтказилганда, уларнинг ўсиб ривожланиши ва сақланиши 70-80% ташкил қиласи. Вегетациянинг 4-5-йилидан бошлаб хомашё этилади. Саноат аҳамиятига эга бўлган хом-ашё илдиз ва илдизпоялардан иборат бўлиб, пўстлоғи жигар рангли, ички қисми тўқ сарик рангли ўзига хос ҳид ва ўта ширин таъмга эгадир. Гектаридан 8-10т давлат стандарт талабларига мос келадиган ер остки қисми ва хўл ҳолатда 20-25т тўйимли озуқабоб ем-хашак маҳсулотларини этиштириш мумкин. Ўсимликнинг ер остки қисми асосан 0-50см чуқурликдан қазиб олинади, тупроқлардан тозаланиб қуритилади.

Махсус механизмлар ёрдамида зичлаб боғланади ва устига ёрлиқ ёпиштирилиб хом-ашё қуруқ омборхоналарда сақланади. Сақланиш муддати 3 йил. Шундай қилиб, қимматли хом-ашё ўсимлиги ҳисобланмиш ширинмия экин майдонларини барпо этишда илдизпоя ва кўчат усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

VIII.БОБ. Дон, дуккакли ҳамда мойли экинларни экиш ва парваришилаш

Кузги буғдой етиштириши



Дон экинлари – буғдой, жавдар, арпа, шоли, сули, маккажүхори, жүхори ва бошқалар.

Дуккакли дон экинлари – ловия, мош, нўхот, соя, вика ва бошқалар.

Мойли экинлар – ерёнғоқ, кунгабоқар, зайтун, рапс, кунжут, зигир ва бошқалар.

Экиши учун тавсия этилган навлар: ноқулай шароитларга чидамли, серҳосил, дон сифати юқори, тезпишар ва ўта тезпишар Ёнбош, Андижон-4, Чиллаки, Оқбуғдой, Туркистон, Жайхун, Яксарт, Хисорак, Бобур, Само, Ниҳол, Фазо каби навларни экиш тавсия қилинади.

Ургу танлаши ва экишига тайёрлаши. Экиш учун йириқ, 1000 дона доннинг вазни 40–42 г. дан кам бўлмаган, сараланган, бутун (синмаган), уруғликларни танлаш зарур. Экишдан олдин уруғлик дон бегона аралашмалардан тозаланади. Сифатсиз уруғлар экилганда ниҳоллар тўла униб чиқмайди, униб чиққан майсалар ҳам нимжон, турли нокулай омилларга чидамсиз бўлади, яхши тупламайди, қишки совуқлардан қаттиқ заарланади. Демакки, ниҳол сони кескин камайиб кетади.

Ер тайёрлаши. Дастреб экин майдони ўтмишдош экинлар қолдиқларидан, бегона ўт поялари ва илдизлари, бошқа ёт нарсалардан тозаланади. 1 сотихга 180–200 кг (10 сотихга 1,8–2 т) чириган, тоза гўнг солинади. Ер 18–20 см чуқурликда юмшатилиб, катта кесаклар майдалангач экишига тайёрланади.

Экиши. Мақбул экиш муддати 20 октябрдан 20 ноябрьгacha. Уруғлик 1 сотихга 2–2,5 кг (10 сотихга 20–25 кг) ҳисобида сепилади ҳамда тупроққа 3–4 см чуқурликда вертикал симли паншаха (грабли) ёрдамида аралаштирилади. Агар уруғлар тупроққа белгиланган чуқурликка кўмилмаса, ўсимликни тупланиш бўғини юза жойлашиб, уни ётиб қолишга мойиллиги ошади. Пояларнинг ётиб қолиши эса ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади. Уруғлар тупроққа яхшилаб аралаштирилгандан сўнг жўяқ ёки пол олинади. Экишни асло кечиктирмаслик керак. Акс ҳолда ниҳоллар қишки тиним даврига тўла туплаган ҳолда кирмайди ҳамда қишки совуқлар ва турли касалликларга чидамсиз бўлиб қолади.

Парваришилаши. Кузги буғдой уруғи экилиб, жўяқ ёки пол олингандан кейин ниҳолларни тўла ундириб олиш учун дарҳол уруғ суви берилади. Бунда ер, айниқса, жўяклар тўла намланиши лозим. Кейинги сугоришлар баргларининг ҳолатига қараб ўтказилади. Ўсимлик чанқаса барги тўқлашади, буқланганда синмайди. Умуман, ғаллани 3–4 марта шарбат усулида сугориш зарур. 1 сотих майдонга соф ҳолда 1,5–2 кг азотли ўғит сепилади. Ғаллазорни бегона ўтлардан тозалаш доимий равишда амалга оширилади.

Ҳосилни йигиштириши. Аҳоли томорқаларига экилган бошоқли дон экинлари асосан қўл кучи ёрдамида ўрилиб, ғарамланади. Ҳосил янчиш мосламалари ёки комбайнлар ёрдамида янчиб олинади. Етиштирилган дон ҳосилини муддатидан кечикириб йигиштириш ҳосилдорликнинг пасайишига, доннинг бекорга нобуд бўлишига олиб келади. Буғдой сомони чорва моллари учун озуқадир.

Шоли етиштириши



Экиши учун тавсия этиладиган навлар: Искандар, Гулжаҳон, Нукус–2, Нукус–70.

Кўчат танлаши. Кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида этиладиган шоли кўчатлари 30–40 кунлик, пояси ва илдизлари дуркун ривожланган ва соғлом бўлиши лозим.

Ер тайёрлаши. Дастрлаб майдон ғалла қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади. 1 сотихга 180–200 кг (10 сотихга 1,8–2 т) чириган, тоза гўнг солинади. Ер 15–20 см чукурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланади, яхшилаб текислангач пол олинади ва сув бостирилади.

Экиши схемаси. Кўчат экишдан олдин чеъллар 4–6 см қалинликда сув билан бостирилади. Қаторлар ораси 15 см, уялар ораси 10 см, ҳар бир уядаги кўчат сони 2–4 та.

Парваришилаши. Кўчат ўтқазилгандан кейин полдаги сув сатҳи 10–15 кун давомида 5–8, кейинчалик 10–12 см бўлиши керак.

Шоли азотли (карбамид, сульфат аммоний), фосфорли (аммофос) ва калийли ўғитлар билан уч марта озиқлантирилади. Кўчат ўтқазилгандан бир ҳафта ўтгач, 1 сотихга 0,4 кг (10 сотихга 4 кг) меъёрда биринчи озиқлантириш, кўчат 8–9 та барг чиқарганда 1 сотихга 0,3 кг (10 сотихга 3 кг) меъёрда иккинчи озиқлантириш ва бошоқлаш даврида 1 сотихга 0,3 кг меъёрда учинчи озиқлантириш ўтқазилади. Шоли майдони бегона ўтлардан доимий равишда тозалаб турилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши қурашиши. Шолининг тез учрайдиган прикуляриоз касаллигига қарши Фолиар БТ фунгицидининг 22,5 фоизли эмульсияланувчи концентрати 10 сотихга 500 грамм меърида ишлатилади. 10 литрли чеълакка 34 грамм фунгицид солинади ва яхшилаб аралаштирилиб, ўсимликларга сепилади. 10 сотихга 15 чеълак аралашма ишлатилади.

Шолининг шира зааркунандасига қарши Каратэ 5 фоизли эмульцияланувчи концентрати худди шу микдорларда ва тартибда тайёрланади ва сепилади.

Ҳосилни йигиштириши. Шолининг сут пишиш даври бошланиши билан полларга кирадиган сув камайтирилади. Мум пишиш даври бошланганда эса батамом тўхтатилади. Ер етилиши билан шоли поялари ўриб олинади. Ўриб олинган шоли 3–4 кун ичидаги комбайн ёрдамида янчилади ва дони олинади. Шолини янчиш муддати бундан чўзилиб кетса, дон руваклардан тўкилиб нобуд бўлади. Шоли поялари майдаланиб, ивитилиб, кепакка аралаштирилиб молларга берилади.

Ерёнгок етишиши



Экии учун тавсия этиладиган навлар: Қибрай–4, Лидер, Мумтоз, Саломат ва Тошкент–112.

Ерёнгок уруғлигини танлаш ва экишга тайёрлаш. Қибрай–4, Лидер, Мумтоз навларида дуккагида иккита донли, Саломат ва Тошкент–112 навларида эса, 2–3 йирик донли бўлган, пўстлоғи қораймаган ва механик заарланмаган ерёнғоқлар танлаб олинади. Уруғлик ерёнғоқлар қўл меҳнати ёрдамида чақиб экишга тайёрланади. Қобигидан ажратиб олинган ерёнғоқлар уруғ пўстлоғи ёрилган, майда ва тўла шаклланмаган уруғлардан тозаланади.

Тайёр бўлган уруғликлар 10–15 килограммлик мато қопларда экиш вақтигача қуруқ ва салқин хоналарда (қоплар ётқизилган ҳолатда) сақланади.

Ерни экишига тайёрлаш. Ерёнғоқ экиладиган майдон кузда фосфорли ва калийли ўғитлар берилиб 25–30 см чуқурликда шудгор қилинади. Баҳорда ер тобига келганда юмшатилади, текисланади. Текисланган майдонда майнин тупроқ ҳосил бўлгач 70 см кенгликда жўяклар олинади. Кесакли ва нотекис ерларга экиш тавсия этилмайди, акс ҳолда уруғлар бир текисда, бир вақтда тўла униб чиқмайди. Туп сони 25–30 фоизга камаяди.

Экиши муддати. Республикаизнинг жанубий ҳудудларида апрель ойининг биринчи-иккинчи, марказий минтақада жойлашган ҳудудларида эса, апрельнинг учинчи ва май ойининг биринчи ўн кунлигига экиш тавсия этилади.

Экиши меъёри ва схемаси. Уруғларнинг йириклигига боғлик ҳолда Қибрай–4 ва Лидер навларини 10 сотихга 10–11 кг, Мумтоз навини 9 кг, Саломат ва Тошкент–112 навларини 7,5–8 кг. дан 70x10 ва 70x15 см кўчат қалинлигига экиш тавсия этилади.

Парваришилаш. Ерёнғоқ кўчатлари тўла униб чиққандан кейин қатор аралари юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади. Ўсимликларнинг барги тўқ яшил рангга киргандан кейин биринчи озиқлантирилади ва сугорилади. Ерёнғоқ фосфорли ўғитларга талабчан бўлганлиги учун жўяклар олишдан олдин 10 сотихга 30 кг аммофос, биринчи сув билан эса 10–15 кг. дан азотли ўғитлар бериш тавсия этилади. Ерёнғоқнинг яхши ўсиб-ривожланиши учун экин қатор ораларини юмшатиш, ўсув даврининг дастлабки босқичларида тупроқ ҳароратини кўтариш, ҳаво алмашувини яхшилаш ва бегона ўтларни йўқотиш жуда хам муҳимдир. Иккинчи озиқлантириш эса, ўсимлик тўла гулга киргандан кейин ўтказилади ва 10 сотихга 20–30 кг. дан азотли ўғит берилади.

Ерёнғоқка органик ўғитлар бериш тавсия этилмайди. Органик ўғитларни ўтмишдош ўсимликларга бериш ижобий натижа беради.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши қурашии. Юртимиз шароитида дуккакларининг пишиб етилиш олдидан қорайиб кетиши кузатилади. Бу касалликка суғориш тартибининг бузилиши, яъни кўллатиб суғориш ва меъёрдан ортиқча сув бериш сабаб бўлади.

Ҳосилни йигиб олиш. Ерёнғоқ ҳосилини иссиқ ва қуруқ кунларда йиғиб олиш тавсия этилади. Бу муддат сентябрьнинг охири октябрь ойининг бошларига тўғри келади. Ҳосил пишиб етилганда ўсимлик барглари сарғаяди. Уруғлари етилганда ёнғоқ қобиғи тўрланади. Қобиқнинг ички томони қораяди. Ўзбекистон иқлим шароитида ҳосилни сентябрь охирларида ва октябрь ойи бошларида йиғилганда очиқ далада поясидан ажратилмаган ҳолда бир неча кун давомида ушлаб турилса, уруғ таркибидаги намлик тез камаяди ҳамда бу вақт ичida гинофорлар қуриб ёнғоқлардан осон ажралади. Ҳосил йиғиб олинганда ёнғоқлар таркибидаги намлик 35–60% бўлиб, шабада айланадиган биноларда 8–10 сантиметр қалинликда ёйиб қуритиш ва вақти-вақти билан жойида айлантириб, аралаштириб туриш тавсия этилади.

Ерёңгоқ поялари жодида майдаланади, илимилик сувда ивитилади ва кепакка аралаштирилиб молларга берилади. Поялардан силос тайёрлаш ҳам мумкин.

Кунгабоқар етишиши



Тавсия этиладиган навлар: СУР, Родник, Жаҳонгир, Олатўн, Самарқанд оқ кунгабоқари.

Уруғлик танлаши ва экишга тайёрлаши. Кунгабоқар навларининг уруғларини оргинаатор ташкилотлардан уруғлик сифатини тасдиқловчи хужжатларга асосланган ҳолда олиш тавсия этилади. Маҳаллий Олатўн ва Самарқанд оқ кунгабоқарининг уруғларини, ҳосил пишиб етилган даврда кунгабоқар даласида ҳосил саватларининг йириклиги, ҳосил саватидаги уруғларнинг бир хиллиги, касалланмаганлиги ва бошқа белгилари бўйича танлаб олинади. Ушбу кунгабоқарнинг ҳосил саватлари қуруқ ва шабадали жойда қуритилади. Қуритилган уруғлар ҳосил саватларидан қоқиб олинади ва ўсимлик қолдиқлари, пуч уруғлардан тозаланади.

Ерни экишга тайёрлаши. Ерни экишга тайёрлаш ишлари ўтмишдош ўсимликларни қолдиқларини тозалашдан бошланади. Органик ўғитлар (мол, қўй ва товуқ гўнги) билан бирга фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрининг 70 фоизи берилади ва ер 25–30 см чукурликда юмшатилади. Баҳорда ер тобига келганда текисланади. Тупроқнинг ҳолатига қараб қўшимча агротехник тадбирлар ўтказилади. Текисланиб, майин тупроқ ҳосил бўлгач 70 см кенгликда жўяклар олинади.

Экиши муддати. Республикализнинг жанубий ҳудудларида асосий экин сифатида март ойининг биринчи ва иккинчи, марказий минтақасида жойлашган ҳудудларида эса март ойининг учинчи – апрельнинг биринчи ўн кунлигига экиш тавсия этилади.

Ёзги муддатда жанубий ҳудудларида 15 июньгача, марказий минтақада жойлашган ҳудудларда эса 5–10 июньгача экиш яхши самара беради.

Экиши меъёри ва схемаси. Уруғларнинг йириклигига боғлиқ ҳолда 10 сотихга 6–9 кг, 70x30 см кўчат қалинлигига экиш тавсия этилади.

Парваришлари. Кунгабоқарнинг яхши ўсиб-ривожланиши учун экин қатор ораларини юмшатиш, яганалашни ўз вақтида (3–4-чинбарглар

шаклланганда) амалга ошириш ва бегона ўтларни йўқотиш жуда ҳам мухимдир.

Суғорииш. Кунгабоқар сувсизликка чидамли ўсимлик бўлсада, юқори ҳосил етиштириш учун уруғ сувидан ташқари икки-уч марта суғориш тавсия этилади.

Ўзитлаш. Кунгабоқар органик моддаларга бой тупроқларда яхши ривожланади. Экишдан олдин фосфорли ўғитнинг қолган 30 фоизи берилади. Кунгабоқар далаларида биринчи озиқлантириш кўчатлар тўла униб чиққандан кейин 10 сотихга соф ҳолдаги азот 30 кг, иккинчи озиқлантириш эса, гуллаш даврининг бошланишида 50 кг ҳисобида берилади.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши қурашиш. Республикамиз шароитида кунгабоқарнинг оқ ва кулранг чириш касалликлари кенг тарқалган бўлиб, ҳосилдорликнинг 50–60 фоизгача пасайиб кетишига олиб келади. Ушбу касаллик ҳосил пишиб етилишига 20–30 кун қолганда авж олади. Касалликнинг олдини олишда ерни тўғри танлаш (охирги 4–5 йилда кунгабоқар экилмаган бўлиши) лозим. Кунгабоқар зааркунандаларига қарши энтомофаглардан олтинкўз личинкаси гектарига 1000 донадан, катта ёшдаги қуртларига қарши бракон энтомофагини гектарига 1000 донадан далага чиқариш тавсия этилади.

Ҳосилни йигиштириши. Ҳосил саватларининг орқа тарафи тўқ жигарранг тусга кирганда йифиб олинади. Йифиб олинган саватлар қуруқ ва шабадали жойда қуритилади. Қуритилган уруғлар ҳосил саватларидан қоқиб олинади ва ўсимлик қолдиклари, пуч уруғлардан тозаланади.

Саватларни майдалаб ёки янчиб, молларга озиқ сифатида бериш мумкин. Унинг 1 килограмми 0,8 озуқа бирлигига teng. Кўк пояларидан силос бостирилади, қуриган поялари ёқилғи сифатида ишлатилади.

Мош етиштириши



Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Маржон, Дурдона, Зилола, Наврўз ва Радость.

Уруғ танлаш. Уруғлик учун йирик ва тўқ уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаш. Ерни экишга тайёрлаш ишлари ўтмишдош ўсимликларни қолдикларини тозалашдан бошланади. Ер 20–25 см чукурликда юмшатилади, текисланади ва 70 см кенгликда жўяклар олинади.

Экиш муддати. Республикамизда мош асосан июнь ойининг охири ва июльнинг бошларида экилади.

Экиши меъёри ва схемаси. Мош қўш қаторлаб экилганда (қатор ораси 60 см) уруғ сарфи 10 сотихга 4–4,5 кг, қаторлаб (қатор ораси 60 см) экилганда эса 2,5–3 килограммни ташкил этади.

Парваришилаш. Мошнинг яхши ўсиб-ривожланиши учун экин қатор ораларини юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш зарур.

Сугориши. Мошдан юқори ҳосил етиштириш учун ости суви чуқур жойлашган худудларда уруғ сувидан ташқари яна икки марта сугориш тавсия этилади. Ер ости суви 1 метргача бўлган ерларда факат уруғ суви берилади. Акс ҳолда ўсув даври узайиб, ҳосил пишиб етилмайди.

Ўзитлаш. Мош органик моддаларга бой тупроқларда яхши ўсиб-ривожланади. Экишдан олдин ерга аммофос берилиши ўсимликларни бақувват бўлиб ўсишини таъминлайди ва ҳосилдорликни оширади.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши қурашии. Юртимиз шароитида мошнинг касалликларидан антракноз ва аскохитоз (ўсимликни барг, поя ва дуккакларини заарлайди), зааркунандалардан брухус қўнғизи кўп учрайди. Антракноз ва аскохитоз касалликларини олдини олиш учун уруғликни соғлом ўсимликлардан олиш, уруғларни яхшилаб тозалаш тавсия этилади.

Брухус қўнғизига қарши қўнғизининг оммавий уруғ қўйиш даври, яъни ўсимликларнинг тўла гуллаш даврида Атилла 5% эм.к. (10 л сувга-20 мл) билан кимёвий ишлов берилади. Ишлов бериш жараёнини сифатли амалга ошириш учун мутахассисларга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Ҳосилни йигиштириши. Мош дуккакларининг 75 фоизи етилганда пояси билан йиғиб олинади ва усти ёпиқ, шабадали айвонларда қуритилади. Қуритилган дуккаклар янчиб тозаланади.

Мош поялари жодида майдаланади, илмилик сувда ивитилади ва кепакка аралаштирилиб молларга берилади. Поялардан силос тайёрлаш ҳам мумкин.

Нўҳам етиштириши



Экиши учун тавсия этиладиган навлар: Осиё–2001, Жасур–98.

Уруғлик танлаш ва экишига тайёрлаш. Уруғлик учун йирик ва тўқ уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишига тайёрлаш. Ерни экишга тайёрлаш ишлари ўтмишдош ўсимликларни қолдиқларини тозалаш билан бошланади, ер 20–25 см

чуқурлиқда юмшатилади, текисланади ва 70–60 см кенгликда жүяклар олинади.

Экиши муддати. Республикаизда нұхат асосан ернинг тобға келишига қараб эрта баҳорда (март ойида) экилади.

Экиши меъёри ва схемаси. Нұхат 60x40 ёки 60x45 см схемада экилади. Бунда 10 сотих майдонга 6–8 кг уруғ сарфланади.

Парваришилаш. Нұхатдан юқори ҳосил етиштириш учун табиий намлиқдан ташқари (баҳор қуруқ келғанда) бир марта суғориш тавсия этилади.

Нұхатнинг яхши ўсиб-ривожланиши ва табиий намлиқдан унумли фойдаланиши учун ўсув даврининг илк дамларида қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш жуда ҳам муҳимdir.

Ўгитлаши. Нұхат органик моддаларга бой тупроқларда яхши ривожланади. Экишдан олдин ерга аммофос берилиши ўсимликларнинг бақувват бўлиб ўсишини таъминлайди ва ҳосилдорликни оширади.

Касаллик ва заарқунандаларга қарши қурашии. Республикаиз шароитида нұхатнинг касалликларидан аскохитоз (ўсимликни барг, поя ва дуккакларини заарплайди), заарқунандалардан баргда ғовак ҳосил қилувчи пашша, ғўза тунлами қурти ва брухус қўнғизи кўп учрайди. Аскохитоз касалликларини олдини олиш учун уруғликни соғлом ўсимликлардан олиш, уруғларни яхшилаб тозалаш ва нұхат пашласи, ғўза тунлами қурти ва брухус қўнғизига қарши эса ўсув даври давомида Багира 20% (20 мл) препарати билан кимёвий ишлов бериш зарур. Бу борада тегишли мутахассисларга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Ҳосилни йигиштириши. Нұхат дуккакларининг 75–80 фоизи етилганда пояси билан йифиб олинади ва қуритилади. Қуритилган дуккаклар янчидан тозаланади.

Нұхат поялари жодида майдаланади, илмилиқ сувда ивитилади ва кепакка аралаштирилиб молларга берилади. Поялардан силос тайёрлаш ҳам мумкин.

Ловия (Хитой ловияси) етиштириши



Экиши учун тавсия этиладиган навлар: Олтинсоҷ, Олтин, Сориал, Колорадо F₁.

Уруглик танлаш ва экишга тайёрлаш. Экиш учун йирик, түқ ва шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаш. Ерни экишга тайёрлаш ишлари ўтмишдош ўсимликларни қолдиқларини тозалаш билан бошланади, ер 20–25 см чуқурликда юмшатилади, текисланади ва 70–60 см кенгликда жүяклар олинади.

Экиш муддати. Ловия ернинг тобига келишига қараб апрель-май ойларида, анфизга эса июнь ойининг охирида экилади.

Экиш меъёри ва схемаси. Ловия 60x20 ёки 60x15 см схемада экилади. Бунда 10 сотих майдонга 2,5–5 кг уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 4–5 см.

Парваришилаш. Ўсув даврида 3–5 марта суғорилади. Қатор оралари юмшатилади, ўтоқ қилинади.

Ўгитлаш. Маҳаллий ўғит ерни экишга тайёрлаш пайтида солинади. Ерни юмшатишдан олдин 10 сотихга 4-6 кг соф модда ҳисобида фосфор ва 2–4 кг калий берилади. Шоналаш ва гуллаш даврида қўшимча 2-3 кг фосфор, 1–2 кг калий сепилди.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши курашии. Ловияда илдиз чириш, антракноз, ун шудринг ва занг касалликлари кузатилади. Зааркунандалардан эса ғўза тунлами, туганак узунбурууни, акация ва беда шираси, донхўрлар, ўргимчаканалар учрайди.

Ловия касалликларига қарши ўз вақтида кураш олиб бориш учун уруғлар препаратлардан Витавакс 200ФФ 34% с.сус.к. (т.э.м; карбоксин+тирам) – 2,5 л/т, Химоя 10% с.(т.э.м; полихлорийодид) – 4,0 л/т, Дармон-4, 25-30% кук, (т.э.м; карбон ва карбол кислоталарининг натрийли тузлари аралашмаси) – 0,4 л/т ҳисобида дорилаб экилади. Ўсимликни ўсув даврида эса Фоликур БТ 22,5% эм.к. (т.э.м; тебуконазол+триадимефон) – 0,3-0,5 л/га, Байлетон 25% н.кук. (т.э.м; триадимефон) – 0,5 кг/га, Титул 390 КЭК (390 г/л), (т.э.м; пропиконазол) – 0,3 л/га ва Дуплет ТТ 22,5% эм.к. (т.э.м; тебуконазол+триадимефон) – 0,5 л/га меъёлларда қўлланилди.

Ловияда учраган зааркунандаларга қарши эса ўсимликни ўсув даврида препаратлардан Децис 2,5% эм.к. (т.э.м; дельтаметрин) – 0,5-0,7 л/га, Децис 10% эм.к. (т.э.м; дельтаметрин) – 0,1 л/га, Би-58 (Янги) 40% эм.к.(т.э.м; диметоат) – 0,5-1,0 л/га, Каратэ 5% эм.к. (т.э.м; лямбда-цигалотрин) – 0,15 л/га ҳисобида ишлатилади. Ишчи суюқлик сарфи касаллик ва зааркунандаларга қарши 10 сотихга 20 л ҳисобида олинади.

Ҳосилни йигиштириши. Ловия дуккакларининг 75-80 фоизи пишганда пояси билан йиғиб олинади ва қуритилади. Поялар эрталаб ёки кечқурун йиғилса, дуккаги кам чатнайди, шикастланмайди. Қуриган дуккаклардаги ҳосил янчиб ёки ёриб ажратиб олинади. Ловия поялари чорва ҳайвонларига озиқа сифатида берилади. Пояларни маккажӯхорига аралаштириб силос ҳам тайёрлаш мумкин.

Кунжуд етишиши



Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Тошкент-122, Қора шахзода.

Уруғлик танлаш ва экишга тайёрлаш. Экиш учун йирик, түқ ва шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаш. Шуни эсда тутиш лозимки, кунжут бир бор экилган ерга 6–7 йилдан кейин қайта экилади, акс ҳолда касаллик ва зааркундалар ўсимликка катта зарар етказади. Ерни экишга тайёрлаш ишлари ўтмишдош ўсимликларни қолдиқларини тозалашдан бошланади, ер 20–25 см чуқурлиқда юмшатилади, текисланади ва 70–60 см кенглиқда жүйклар олинади.

Экиш муддати. Кунжут ернинг тобига келишига қараб апрель-май ойларида, анфизга эса июнь ойининг охирида экилади.

Экиш меъёри ва схемаси. Кунжут 60x20 ёки 70x20 см схемада экилади. Экиш чуқурлиги 3–5 см. 10 сотихга 500–600 граммм уруғ сарфланади.

Парваришилаш. Ўсимликлар ягана қилинмайди. Гуллагунча 1-2 марта, гуллаш даврида 2 марта суғорилади. Сизот сувлари яқин жойлашган томорқаларда 1-2 марта суғориш кифоя қиласиди. Қатор оралари ҳар сувдан кейин етилиши билан чопик қилинади.

Ўгитлаш. Маҳаллий ўғит ерни экишга тайёрлаш пайтида солинади. Гўнг қанча кўп солинса, шунча яхши бўлади. Зарур ҳолларда (гўнг етмаганда) 10 сотихга 6-8 кг фосфор, 2-3 кг азот сепилади.

Касаллик ва зааркундаларга қарши курашии. Кунжутда касалликлардан фузариоз ва вертициллиоз вилт, ун шудринг касалликлари, зааркундаларидан эса ширалар, қандалалар, тунламлар, баргхўр қуртлар каби зааркундалар кузатилади.

Ун шудринг касаллигига қарши ўсимликни ўсув даврида Дуплет ТТ, 22,5% эм.к. (т.э.м; тебуконазол+триадимефон) – 0,3-0,5 л/га сарф-меъёрларда қўлланилади.

Зааркундаларга қарши Моерметрин 25% эм.к. (т.э.м; циперметрин) – 0,3-0,4 л/га меъёрда қўлланилади. Кунжутдаги касаллик ва зааркундаларга қарши ишчи суюқлик сарфи 10 сотихга 20 л ҳисобида олинади.

Хосилни иижиштириши. Кунжут поясининг барглари сарғайиб тўкила бошлаган ва пастки кўсакчалари етилган пайтда йиғиб олинади ва қуритилади. Поя боғламларини пастга қаратган ҳолда осиб қуритиш мумкин

эмас – кўсаклар ёрилиб, уруғлар тўкилиб кетади. Кўсаклардаги ҳосил янчиб олинади.

Пояларини жодида яхшилаб майдалаб, дағал хашак ўрнида молларга берса бўлади.

IX.БОБ. Ем-хашак экинларини экиш ва парваришлаш

Беда етишиши



Беда ер унумдорлигини ошириш ва чорва озуқа базасини яратища асосий экин ҳисобланади. Уч йил давомида бир гектар майдонда 600–900 кг соф азот тўплайди, тупроқ донадорлигини тиклаб, сув-физик хоссаларини яхшилайди, эриши қийин бўлган фосфорли бирикмаларни парчалаб, уларни кейинги экинлар ўзлаштириши учун тайёрлаб беради, тупроқни турли касаллик тарқатувчи инфекция унсурлари (замбуруг, бактерия, вирус)дан тозалайди. Беда (кўк масса, пичан, сенаж) билан боқилган чорва молларининг маҳсулдорлиги, гўшти ва сутининг сифати ошади.

Экиш учун тавсия этилган навлар: тупроқ-иқлим шароитига қараб Тошкент–1, Тошкент–1728, Тошкент–2009, Хоразм–2, Қорақалпоқ–15, Аридная ва Бойгул навларидан бири экиласди.

Ург танлаш ва экишга тайёрлаш. Беда уруғи майдада бўлгани учун 1000 донасининг вазни 1,5–2,2 граммни ташкил этади. Уруғлар бегона ва карантин ўтлар, айниқса, зарпечак уруғидан яхшилаб тозаланган, намлиги 13–14 % ва унувчанлиги камида 93–95 % атрофида бўлиши керак.

Ер тайёрлаш. Баҳорги беда экиш учун ер кузда камида 15–20 см чукурликда юмшатилади. Агар техника кираолса 30–40 см чукурликда шудгор қилинади. Юмшатиш олдидан ернинг ҳолатига қараб, 1 м² майдонга 5–10 кг гўнг, фосфорли (суперфосфат, супрафос, аммафос: 1 м² га 100 г соф ҳолда) ҳамда калийли (1 м² га 50 г соф ҳолда) ўғит солиш мақсадга мувофиқ. Қор-ёмғир сувлари билан тўйинган ер февралнинг охири–март ойининг бошларида енгил чопик қилинади. Кесаклар майдаланиб, майин тупроқ олинади.

Беда кузги муддатда экилганда ер экинлар қолдигидан тозаланиб, майин тупроқ олиш мақсадида суғорилади. Қолган тадбирлар юқорида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Экиши. Беда асосан икки муддатда – эрта баҳорда (февралнинг охири мартнинг боши) ва кузда (августнинг охири ва сентябрнинг боши) экилади.

Экиш меъёри: кенг қаторлаб, 60 см кенгликда экилганда 1 сотих (10 x 10 м) га 150–160 г, ёппасига экилганда – 200 г.

Экиш чуқурлиги 2–3 см. Уруғни бу меъёрдан чукурроқ экиш тавсия этилмайди. Чунки уруғнинг униб чиқиши қийин кечиб, кўчат сийрак бўлади.

Ёппасига экишда ер текисланиб, уруғ сепилади. Уруғга қум (ёки майда тупроқ) аралаштириб (худди сабзи уруғидек) бир текисда сепилади. Томорқа майдонинг узунасига ва кўндалангига қараб юриб уруғни сочган маъқул. Шунда уруғ текис сепилади.

Уруғ сепилгач, тупроқ хаскашланади. Хаскашлаш ҳам олдин узунасига кейин кўндалангига амалга оширилади. Рўзғорда бор бўлган тахта ёки енгил ёғочлардан мола ясад, тупроқ енгил молаланади. Пушта кенглиги 60 см. дан катта бўлмагани маъқул. Акс ҳолда, пушта ўртасига нам етиб бориши қийинлашади.

Пуштанинг устки қисми текис бўлса, тупроқ яхши намланади ва қуёш ҳарорати таъсирида уруғлар тезда униб чиқади. Эгат чуқурлиги 15–20 см бўлиши керак. Ёппасига экилиб, бостириб суғориладиган ҳудудларда пол (чел) олинади.

Беда экилган майдонга яхши чириган гўнгни сепиш яхши самара беради. Бу биринчидан, ер ва униб чиқадиган ниҳоллар учун озуқа бўлса, иккинчидан, ёмғирдан кейин қатқалоқ бўлишининг олдини олади. Чиrimаган гўнгни (айникса, қўй гўнгини) томорқага солиш асло мумкин эмас. Чунки унда бегона ўт уруғи кўп бўлиб, далани ўт босишига олиб келади.

Қоплама усулда беда экиш. Бедани бошқа экинлар (арпа, сули, маккажўхори, буғдой) билан аралаштириб ҳам экиш мумкин. Бунда аввал арпа (сули ёки буғдой) уруғи 1 сотихга 600–700 грамм меъёрда сепилиб, кетмон билан чопиб чиқилади, сўнг хаскашланади. Кейин беда уруғи сепилиб, қайта хаскашланади, енгил мола қилинади ва суғориш эгатлари олинади.

Маккажўхори билан бирга экилганда олдин беда экилиб, кейин унинг уруғларини эгат бўйлаб (1 сотихга 600–800 грамм) қадаб чиқсан маъқул. Қоплама экинлар уруғини қалин сочиб бўлмайди. Чунки қоплама экин ниҳоллари бедани сиқиб қўйиб, яхши ўсиб-ривожланишига халақит қиласиди.

Бошоқли дон билан экиб, донни пишириб олиш мақсад қилинганда, дон пишгунча кутилади. Кўк масса учун етиштирилганда сут-мум пишиш даврида ҳам ўримга тушиш мумкин. Бунда чорва моллари учун тўйимли ва сероқсилли озуқа олишга эришилади.

Сугории. Баҳорги экишда ернинг нами етарли бўлса, экишдан кейин суғориш тавсия этилмайди. Намлик кам бўлса, суғориш керак. Ариқдан суғориш имконияти бўлмаса, кичик майдонларда кун оралатиб лейка

ёрдамида ёмғирлатиб (албатта тўйинтириб) суғориш орқали ҳам бедани ундириб олиш мумкин.

Ер қатқалоқ бўлишига йўл қўймаслик керак. Қатқалоқни енгил сув бериш (ёки сепиш) орқали бартараф этиш мумкин. Ҳаво ҳароратига қараб ($5-8^{\circ}\text{C}$) беда 7–8 кунда униб чиқа бошлайди. Майсаларнинг бўйи 10–12 см. га етганда албатта суғориш керак. Суғориш давомийлиги 10–12 соатдан ошмаслиги керак. Бостириб суғориладиган майдонларда сувнинг қалинлиги 8–10 см. Нам юқори бўлиши уруғнинг димиқиб, чиришга, нам этишмаслиги эса уни палағда (чала бўртиш) бўлишига олиб келади.

Тупроқ-ҳаво шароитидан келиб чиқкан ҳолда, биринчи ўримга қадар, камида 2–3 марта суғориш талаб этилади. Меъёрдан ошиқча суғориш (айниқса, бостириб суғориш) кўчат сонининг сийраклашишига ва бегона ўтлар кўпайишига, кам суғориш эса униб чиқкан ниҳолларнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Суғориш жараёнида биринчи йилги бедаларнинг 1 сотихига соғ ҳолда 300–400 грамм азотли ўғит бериш тавсия этилади.

Ҳашарот ва бегона ўтларга қарши қурашии. Беданинг асосий зааркунандалари бўлган фитономус, шира, уруғхўр ва бошқаларга қарши қуидаги кимёвий препаратлардан бири ишлатилиши лозим: Моспилан 20% н.кук. (10 сотихга 30 мл), Каратэ 5% эм.к. (15–20 мл), Циперметрин 25 % эм.к. (10 сотихга 30 мл) меъёрда қўлланилади.

Ишланадиган суюқлик меъёри 400–600 л/га бўлиб, ўсимликнинг ривожланиш фазаси ва ҳашарот билан заарланганлик даражасига эътибор бериш керак. Кимёвий препаратлар билан ишловни кечки ёки эрталабки пайтларда ўтказиш зарур. Зарпечакка қарши Титус 25% қ.о.сус. 40–50 г/га препарати беданинг биринчи ўримидан 7–10 кундан кейин пуркалади. Зарпечак тушган пайкалдаги бедани қўлда тозалаш, агар бунинг имкони бўлмаса, дархол ўриб, эҳтиётлик билан даладан ташқарига олиб чиқиш керак.

Ўриши. Биринчи йилги беданинг биринчи ўрими ниҳолларнинг 40–50 фоизи гуллаганда бошланади. Ўриш олдидан томорқа ери лой бўлмаслиги керак. Ўроқ ёки чалғи ўткир бўлиши шарт.

Бедани жуда паст ўриш тавсия этилади. Иложи бўлса, бедани чалғида эмас, ўткир ўроқда ўрган маъқул. Бедани ернинг юзасига тақаб ўриш, битта ниҳолдан кўплаб янги ён новдалар ҳосил қилиш имкониятини яратади. Айниқса, беда сийрак чиқкан томорқа ерларида бу ўзининг ижобий натижасини беради.


Ўрилган кўк масса дархол чорва молларига берилиши мумкин. Агар бунга эҳтиёж бўлмаса, томорқада маълум муддат қолдирилиб қуритилгач, қишки мавсумга боғ қилиб ғарамлаш керак.

Биринчи ўрим ва кейинги ўримлар ҳосили йиғишириб олинган кейин, майдонни ўсимлик қолдиқларидан тозалаш (иложи бўлса енгил хаскашлаш) ва албатта суғориш зарур.

Беда ёруғсевар ўсимлиқ. Дараҳтлар тагига экилгандыңда унчалик яхши ҳосил бермайды. Кимёвий препаратлар билан ишлов беришни ўримдан 15–20 кун бурун тұхтатиши керак.

Имкон қадар кимёвий воситалардан фойдаланишга ҳаракат қылмаслик керак. Чорва ва инсонлар учун заарсиз бўлган усуллар масалан, олтингугурт, оҳакли сув, ИСО, Бордо суюқлиги кабилардан фойдаланган маъқул.

Маккажүхорини асосий экин сифатида етишиши



Экиши учун тавсия этиладиган маккажүхори дурагайлари: ўртапишар Ўзбекистон–420 ВЛ, Ўзбекистон–601 ЕСВ, эрта-ўртапишар Қорасув–350 АМВ, Ўзбекистон–300 МВ ва ҳ.к.

Уруг танлаши ва экишга тайёрлаши. Экиладиган маккажүхори уруғи тоза, юқори унувчан, касаллик юқмаган, ўртача катталиқда, синмаган, тўқ, текис (заарланмаган) бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади. Уруғлик экиш олдидан илиқ сувда 10–12 соат ивитиб қўйилади.

Ер тайёрлаши. Ери экишга тайёрлаш ишлари ўтмишдош ўсимликларни қолдиқларини тозалаш билан бошланади. 1 сотихга 250–300 кг (10 сотихга 2,5–3 т) чириган гўнг солинади ва камида 18–20 см чуқурлиқда юмшатилиб, йирик кесаклар майдаланади ва ер текисланади.

Экиши муддати ва схемаси. Маккажүхори уруғи жанубий вилоятларда март ойининг III, апрель ойининг I ўн кунлиги, марказий минтақада жойлашган ва Фарғона водийси вилоятларида апрель ойининг I–II ўн кунлиги, шимолий минтақаларда апрелнинг III ва май ойининг I ўн кунлиги мақбул муддат ҳисобланади.

Экиши схемаси ва меъёри. Уруғ 60x24x1 (60 см – қатор орасининг кенглиги, 24 см – уялар ораси, 1 дона – уядаги уруғ сони), 70x20x1, 90x16x1 схемаларда унувчанлиги ва уруғ тозалигига қараб сотихига 220–250 грамм (10 сотихга 2,2–2,5 кг) меъёрда экилади.

Парваришилаши. Маккажүхори ўсимликлари биринчи марта биринчи ўғитлашдан сўнг, иккинчи марта иккинчи ўғитлашдан сўнг, учинчи марта сultonлар чиқариб, гуллаш даври бошланганда, тўртинчи марта эса доннинг сут-мум пишиш даврида суғорилади. Агар ер қумлоқ бўлса, тупроқ ва ўсимликтининг ҳолатига қараб қўшимча суғорилади.

Экиш тугалланганидан сўнг уруғлар униб чиққунча қатқалоқ ҳосил бўлганда тупроқ кетмон билан 3–4 см чуқурлиқда чопилади. Ўсимликлар униб чиқиб, 5–6 та чинбарг ҳосил қилгач, ҳар бир қатор ораси 6–8 см чуқурлиқда юмшатилади. Кейинги чопик ўсимликлар 8–10 барг ҳосил қилганда 8–10 см чуқурлиқда ўтказилади.

Ўзитлаш. Кузда чопик олдидан 1 сотихга фосфорли минерал ўғит 0,9 кг, калийли ўғит 0,6 кг меъёрида солинади. Ўсимлик 5–6 та чинбарг чиқарганда ва 10–12 та чинбарг чиқарганда ҳам 2,2 кг. дан азотли ўғит билан озиқлантирилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашии. Зарур бўлганда маккажўхорининг асосий зараркунандаларига қарши курашда бракон ва трихограммалар қўлланилади. Сўта донлари сут-мум пишишга кирганда, кўсак қуртига қарши трихограмма ва бракон капалакларидан фойдаланилади. Ўсимликда 6–8 барг ҳосил бўлганда тушадиган кўсак қуртига қарши кимёвий курашда Караптэ эритмаси ишлатилади. Бегона ўтларни йўқотиш учун қўлда чопик ишлари амалга оширилади.

Ҳосилни йигиштириши. Маккажўхори сўталари дон учун тўлиқ пишиш даврида, силос учун эса поялар сут-мум пишиш даврида қўл кучи ёрдамида йиғишириб олинади.

Жўхорини асосий экин сифатида етишиши



Экиши учун тавсия этилган навлар: Қорабош, Оранжевое–160, Даulet, Ўзбекистон–18 ва х.к.

Ург манлаш ва экишга тайёрлаш. Экиладиган жўхори уруғи тоза, юқори унувчан, касаллик юқмаган, ўртача катталиқда, синмаган, тўқ, текис (зараарланмаган) бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади. Уруғлик экиш олдидан илиқ сувда 10–12 соат ивитиб қўйилади.

Ер тайёрлаш. Ерни экишга тайёрлаш ишлари ўтмишдош ўсимликларни қолдиқларини тозалаш билан бошланади. 1 сотихга 250–300 кг (10 сотихга 2,5–3 т) чириган гўнг солиниб, камида 18–20 см чуқурлиқда юмшатилади. Йирик кесаклар майдаланади ва ер текисланади.

Экиш муддати ва схемаси. Жўхорини жанубий вилоятларда март ойининг III, апрель ойининг I ўн кунлиги, марказий минтақада жойлашган ва Фарғона водийси вилоятларида апрелнинг I-II ўн кунлиги, шимолий минтақаларда апрелнинг II ва май ойининг I ўн кунлигига экиш мақбул муддат ҳисобланади.

Уруғлик учун 60x17x1 (60 см – қатор орасининг кенглиги, 17 см – уялар ораси, 1 дона – уядаги уруғ сони), 70x14x1, 90x11x1, кўк масса учун 60x11x1, 70x9x1, 90x7x1 схемаларда ҳар сотихга 100–120 г (10 сотихга 1–1,2 кг) жўхори уруғи сарфлаб экилади. Униб чиққандан сўнг қуюқ жойлар ягана килинади.

Парваришилаш. Жўхори ўсимликлари дон учун биринчи марта биринчи ўғитдан сўнг, иккинчи марта иккинчи ўғитдан сўнг ва учинчи марта эса суттумум пишиш даврида, кўк масса учун биринчи ўғитдан сўнг, иккинчи марта кўк поя ўрилиб, қўшимча ўғитлангандан сўнг суғорилади. Агар ер қумлок бўлса тупроқ ва ўсимликнинг ҳолатига қараб қўшимча суғорилади.

Қатор ораларини юмшаттиш. Ўсимликлар униб чиқиб, 5–6 чинбарг ҳосил қилгач, ҳар бир қатор ораси 6–8 см чуқурликда чопилади. Кейинги чопик ўсимликлар 8–10 та барг чиқарганда 8–10 см чуқурликда ўтказилади.

Ўзитлаш. Кузда чопик олдидан фосфорли минерал ўғит сотихига 0,9 кг, калийли ўғит 0,6 кг меъёрида солинади. Ўсимлик 5–6 та чинбарг чиқарганда 2,2 кг, 10–12 та чинбарг чиқарганда ҳам 2,2 кг азотли ўғит билан озиқлантирилади.

Бегона ўтларни йўқотиш учун қўлда чопик ишлари амалга оширилади.

Ҳосилни ишгизтириши. Корабош навининг поялари рўваклаш даврида кўк масса учун ер устидан 5–10 см қолдириб, ўрилади. Силос учун Даulet, Оранжевое–160, Ўзбекистон–18 навлари мум пишиш даврида қўл кучи ёрдамида ўриб олинади.

Х.БОБ. Иssiқхоналар қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар

1 босқич: Ўлчам ва моделни танлаш

Иssiқхона ўлчами уни қуриш учун мавжуд маблағдан келиб чиққан ҳолда танланади. Тавсия қилинадиган ўлчамга кўра, рентабеллик, қурилишга кетадиган харажат ва физик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, унинг кенглиги 12 м дан ортмаслиги ва 6 метрдан кам бўлмаслиги зарур. Ўлчовни танлашда шуни эсдан чиқармангки, кенглиги 12 м дан ортиқ иссиқхоналар ҳар бир квадрат метр учун кўтариб турувчи равоқ юк кўтаришини мустахкамловчи тиргак қўйишни талаб этади. Шу сабабли, мана шуларни ҳисобга олган ҳолда энг мақбул ўлчамни танлаш керак бўлади. Равоқлар ёғоч ёки металладан бўлиб горизонтал қўйилган устун мустахкамлигига қараб тиргак орасидаги масофа танланади. Ёдингизда бўлсин, иссиқхона равоқлари

2 босқич: Ҳудудни танлаш

Үлчамни танлаб бўлгандан сўнг ҚИЭСИ ни қуриладиган жой ҳақида ўйлаб кўриш зарур. Бунинг учун сизот сувлари камида 3.5-4 м ёки ундан чуқуроқ бўлган ер танлаш керак бўлади. Сизот сувларининг яқин бўлиши иссиқхона ичида ҳосил бўладиган юқори намлик сабабли ўсимликлар ўстиришни қийинлаштиради. Бунинг иккита йўли бор. Тепалик шаклидаги ер майдонларида иссиқхона учун керакли ўлчамларда чукур қазиш мумкин. Бундай усул девор қуришга кетадиган харажатни тежаш имконини беради. Иккинчи усул бу ер сатхини кўтариш орқали сизот сувларини сатхини чуқурлигини оширишdir ёки зовур орқали сизот сувлари сатхини камайтиришdir. Майдонни танлаш учун компасдан фойдаланилади. Ўлчов тасмаси ва гўния ёрдамида иссиқхонанинг бурчаклари танланади. Иссиқхона қуриш учун жой танлашда иссиқхона ичидағи юқори намликни олдини олишда ер ости (сизот) сувларнинг чуқурлигига алоҳида эътибор қаратиш керак. Ушбу турдаги иссиқхоналар учун 3 м дан яқин сизот сувларининг бўлиши ярамайди. Сизот сувлари бўйича маълумотларни гидрогеологомелиорация экспедицияларида билиш мумкин. Компассдаги N белгиси шимолни S белгиси жанубни билдиради. Иссиқхонани худудида компассни текис ёғочга ёки столга қўйиб бурчаклар аниқланади. Компасс остидаги жой текислигини шайтон невелир ёрдамида аниқлаб олиш мумкин.



Тавсиф	Мезон	Худудни ўрганиш	Шарт-шароит	Қониқарли ҳа/йүк
Соя тушиш даражасини ўрганиш	Күёшчикиши		9-00	
	Күёш ботиши		15-00	
	Иссиқхонага қүёш тушишига ҳалақит бериш омили		Йўқ	
	Иссиқхонага соя берадиган объектлар		Йўқ	
Сув ресурсларини бошқариш: Энг яқин сув манбаигача бўлган масофа	Декабрь-март		<90 метр	
	Апрель-октябр		<50 метр	
Ер майдони	Текис қиялик (нишаблик)	Қияликнинг юқори қисми шимол тарафдан		
	Агар камарлар бўлса		Жанубга йўналиб ёйилган камарлар туташ ерларда	
Танлаш	Захкаш/куруқ ер		Куруқ	

1-жадвал⁴



4-расм⁵

Таъсир кўрсатувчи асосий омиллар, қуёшдан нурланиш

Сабзавотларни етиштириш ва иссиқхонани иситиш учун қуёш нурлари зарур. Қуёш кеч чиқса ёки эрта ботса иссиқхонага узоқ муддат давомида иссиқлик тушмайди ва сабзавотларни етиштириш қисқаради. Шунингдек, иссиқхона яқинидаги нарсалар (бино, иншоот, дараҳт ва ҳк.) ҳам соя бериши мумкин. Энг яхши ҳолат – қуёш эрталаб соат 9 дан аввал чиқиши ва 15:00 дан кейин ботишидир.

Шамол

Агар иссиқхона эшиги шамол эсадиган томонга қўйилса, ташқаридан совук ҳаво кириши ҳисобига иссиқхона ичидаги ҳаво ҳарорати пасаяди. Шунинг учун доим эшикни шамолга тескари тарафга қўйиш тавсия этилади. Шамол тезлиги ва мавсумий кўрсаткичларни гидрометеорология хизматидан билиш мумкин.

Кор

Қаттиқ қор ёғиши оқибатида иссиқхона тепасида кўп микдорда қор қолиб кетса, унинг устига тортилган полиэтилен плёнкага зарар етиши мумкин. Кўп қор ёғадиган худуларда полиэтилен билан тортилган юза нишаблиги қор тушиб кетадиган даражада катта бўлиши керак.

Баландлиги

Баландликка кўтарилиш билан ҳарорат пасаяди. Шу сабабли паст баландликдаги водийда қурилган иссиқхонанинг самарадорлиги баланд тоғ ҳудудида қурилган айни шу ўлчамдаги иссиқонадан анча юқори бўлади. Баланд тоғ ҳудудлари учун иссиқхона қурилиш тизими мукаммал бўлиши лозим. Унга иссиқликни ушлаб қоладиган, тупроқни термоизоляция қиласидиган материаллардан кўпроқ ишлатиш керак бўлади ва у торроқ бўлиши зарур.

Агар қуйидаги ҳолатлар бўлса, иссиқхона қуриши учун жой ярамайди.

Ер майдонинг юқори қисми жануб тарафда жойлашган бўлса: Бу ҳолатда иссиқхонага тушадиган қуёш нурлари микдори қисқаради.

Ер майдонида шимол томонга йўналган камар бор: бу ҳолда иссиқхона шимолга йўналган бўлади ва кўп афзаликлари йўқолади. захкаш (ботқоқли) тупроқ: тупроқ қишида тез музлаб қолади ва сабзавотлар ҳам музлаб қолиши мумкин.

Ер майдонида қишлоқ хўжалиги фолияти учун хос бўлган тупроққа эга эмас (тош, қум, шағал, оҳак)

3 босқич: Пойдеворни тайёрлаш

Пойдеворни тайёрлаш учун каркаснинг жануб томондаги девори тагидан эни 0.4 м дан ва чуқурлиги 0.6 м дан кам бўлмаган (чуқурлик иссиқхонанинг ички қисмидаги нолли белгига нисбатан олинади) узун чуқур қазиш керак бўлади.

Бетон қувишда уни гидроизоляция қилишни унутманг. Бунинг учун М-150 макали бетондан фойдаланилади. Ён ва шимол томондаги деворларнинг пойдеворларини тайёрлаш учун чуқурлиги 0.6 м дан кам бўлмаган бетон таглиги билан қувилиши зарур. Унинг эни эса, сизот сувлари 6 м дан чуқур бўладиган грунт учун унинг устига қуриладиган девор энидан кам бўлмаслиги лозим. Агар сизот сувлари яқинроқ бўлса, пойдевор чуқурлиги ва эни шунга мувофиқ катталаштирилади. Бунинг учун М-150 макали бетондан фойдаланилади. Эни ҳам, узунлиги ҳам, баландлиги ҳам 1 м дан бўлган девор камида 1.8 тоннани ташкил этади. Қумли ва лойли аралашмаларнинг зичлиги 1.6-2.1 т/м³ни, юмшатилмаган тоғ жинсларининг зичлиги эса 3.3 т/м³ ни ташкил қиласиди. Намлик деганда ўша грунтнинг сув билан тўйинганлик даражаси тушунилиб, уни топиш учун шу грунтдаги сув массасини грунтдаги қаттиқ жисмлар массасига бўлиш керак ва у фоизларда ҳисобланади. Агар бу кўрсаткич 30 % дан ортиқ бўлса, грунт хўл, агар 5% гача бўладиган бўлса қуруқ ҳисобланади.

4 босқич: Деворларни тиклаш

Девор қуриш учун ишлатиладиган бир қатор материаллар бўлиб, улар қўёшэнергиясини кундузи иссиқлик тарзида йифиб олади ва уни сутканинг энг совуқ пайти бўлган тунда чиқара олади.

Бизнинг шароитда бундай материалларга мисол қилиб хом ғишт ёки пахсани олиш мумкин. Энг асосий мезон бу деворнинг зич эканлиги (герметиклиги) ҳисобланади. Деворни қуриш танаффуслар билан амалга оширилади, яъни юқори қатламни қўйишидан олдин ундан аввалги пастки қатлам қуриб улгурган бўлиши зарур. Куз даврида ёғин тушмаслиги учун унинг устини полиэтилен билан ёпиб қўйиш керак бўлади. Деворларни битказиб, каркасни ўрнатиб бўлгандан сўнг деворларни қуритиш учун иссиқхонани $+35^{\circ}\text{C}$ гача иситиш лозим.

Шамоллатиш

Қўёшли кунларда иссиқхона ичидағи ҳаво ҳарорати анча юқори (40°C дан ортиқ) бўлиши мумкин. Бу каби меъёрдан ортиқса исиб кетиш сабзавотларга заар етказиш билан бирга турли касаллик ҳамда зааркунандаларнинг ривожланишига замин яратади. Қўлда бошқариладиган тешиклар иссиқхонанинг пастки қисмида икки тарафлама (эшик ва девор тешиклари) ва томда бўлиши кўзда тутилган. Иссиқ ҳаво тепака кўтарилади, ташқаридан келадиган совукроқ ҳаво эса иссиқхонага пастки тешиклардан киради ва уни совутади, сўнгра у ҳам исиб, юқорига кўтарилади, сўнгра томдаги тешикдан чиқиб кетади.

Қўйида келтирилган жадвалга кўра шамоллатиш туйнугини улчамларини аниқлаб олса бўлади.



5 босқич: Каркасни йигиши

Иссиқхона каркасини пўлат материаллардан ва трубалардан, алюминий материаллардан, ёғочдан ва пўлат симлардан йифиши мумкин. Унга қўйиладиган асосий талаб қуриладиган каркас ва плёнканинг юкка ва шамолга чидамлилигидир. У ёки бу кўринишдаги каркасни танлашда уни синааб кўришингиз мумкин бўлади.

Қўйида келтирилган расмда ёғочдан, бурчак шаклли темирдан, пўлат симлардан ва тўртбурчак ёғочдан ясалган иссиқхоналарнинг турли кўринишлари акс эттирилган. Каркаснинг юк кўтарувчанлиги, эҳтимолий

ёғинларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар метр квадрат юза учун 50 кг бўлиши керак. Шамолга чидамлилиги эса соатига 70 км дан кам бўлмаслиги лозим, чунки бизнинг ҳудудларда шамолнинг энг катта тезлиги мана шунга тенг.

Меъёрдан ортиқ қор ёғадиган ҳудудларда иссиқхонанинг жануб қисмидаги бурчак нишаблигини катталаштириш зарур. Металл трубалардан фойдаланишда унга оддий тарзда ишлов бериш билан керакли шаклга келтирилади.



*7-расм.
Ёғоч каркасни иссиқхона*



*8-расм.
Пўлат трубалардан иссиқхона*

6 босқич: Иссиқхона равоги учун қопламани танлаш

Иссиқхона равоги учун қопламани танлашда мавжуд маблағларга таянилади. Энг кенг тарқалган материал бу – ёруғликни 80% ўтказадиган полиэтилен пленкадир. Бир қаватли плёнканинг камчилиги шундаки, у иссиқликка унча чидамли эмас. Унинг иссиқликка чидамлилигини ошириш учун икки қаватли плёнкадан, уларнинг орасига ҳаво тўлдирган ҳолда ишлатиш зарур бўлади. Бунинг учун бозорларда ҳаво тўлдиришга мўлжалланган пневматик насос ва ҳаво клапани сотишади. Куйидаги жадвалда ойна ва полиэтиленнинг хусусиятлари келтирилган.

Шаффофт материалларнинг зарур томони – уларнинг парникили таъсиридир.

Тушаётган қүёш нурларининг кўп қисми бинога ойна орқали етиб келади. Бу нурлар ойнали хонанинг ички деворларини иситади. Хона ичидаги ҳарорат унинг деворлари бераётган ҳарорат ва унинг шаффофт шифтига урилиб исийдиган ҳарорат ҳисобига умумий ҳарорат янада ортади.

	Ойна	Полиэтилен
Афзалликлари	иссиқлик энергияси беришнинг юқори коэффициенти; иссиқлик йўқотилишининг камроқлиги.	арzon; транспортда ташиш осон; таъмирлаш осон.
Камчиликлари	қимматлиги; синса, янгисини қўйиш керак; транспортда ташиш қийин.	пастроқ самарадорлик; ишлатишнинг қисқа муддатлилиги (асосан шамолли ҳудудларда); микробиологик бузилишларга чидамсиз.



7 босқич: Том қисмини ёпиши

Том нишаблиги 35° ни ташкил қиласы. Қиңда, қуёш уфқдан унча баланд бўлмаган ҳолатда бу нишаблик қуёш энергияси тушишинг энг мақбул бўлишини таъминлайди. З пайтида эса қуёш тик кўтарилиганда том иссиқхонанинг маълум қисмига соя беради ва унинг ортиқча қизиб кетишининг олдини олади. Иссиқхонанинг шимолий том қисмининг хар бир метр квадратида ўртача 300 кг дан 450 кг гача оғирлик бўлади.

Шуни ҳисобга олган ҳолатда Томни изоляция қилиш учун изоляция қатлами (сомон, ёввойи буталар ва бошқаматериаллар)дан фойдаланилади. Изоляцияни яхшилаш ва сабзавотлардан қуёшнурларини қайтариш учун томга оқ парашют ёки оқ мато тортилиши мумкин.


Бундай шакл га қараганда ички ҳажмни қисқартиради.

8 босқич: Иссиқхона учун термоадёл тайёрлаши


Сувга чидамли, осилган ҳолда ҳам юк кўтара ладиган ва иссиқликни ёмон

ўтказадиган матолар термоадёлни тайёрлаш учун керак бўладиган материаллар ҳисобланади. 1-жадвалда материалларнинг иссиқликни ўтказувчанлик коэффициенти келтирилган. Бунинг учун мос келадиган ва топиш мумкин бўлган материалларга кўй жуни, ПВХ, ватина ва минерал момик, брезент, фольгизол, синтепон, пенополистиролни мисол қилиш мумкин.

Термоадёл қатламларининг схемаси қуидага келтирилган



Термоадёл тайёрлаш учун иссиқхона ўлчамларидан келиб чиқкан ҳолда равоқ учун мос карнис тайёрлаш керак бўлади. Карнис кўндаланг ёки тикка (вертикал ёки горизонтал) жойлашган бўлиши мумкин. Шунга кўра термоадёл четларига халқачалар қўйиш мумкин бўлади. Карнис учун диаметри 32 мм дан кам бўлмаган трубалардан фойдаланилади. Қуидаги 9-расмда ичкаридан маҳкамланган термоадёлга мисол кўришининг мумкин.



Ёпиқ далада помидор етишиши бўйича агротехник тавсиялар Кўчат етишиши.

Ўзбекистон шароитидан келиб чиқкан ҳолда кўчат уч хил усул билан тайёрланади.

1. Уруғни тувакчаларга экиш усули билан.

2. Уруғни махсус тайёрланган жойга шаблон усулида экиш усули билан.

3. Пикировка қилиш усули билан.

1 Га майдонга етарли күчат олиш учун 25 – 30000 та уруғ олинади. Күчат етишириш учун яхши чириган гүнг ва унумдор тупроқ билан 5/1 нисбатда аралаштирилади. Ушбу аралашма буғлаш ёрдамида дезинфекция қилиниш керак. Уруғлар ораси 5 – 15 см гача оралиқда 1,5 – 2 см чукурликда экилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Уруғлар тез униб чиқиши учун улар нам тупроққа экилади. Уруғ экиб бўлингач, устидан чириган гүнг, қипик аралашмаси билан мулчаланади. 5-6 кунда экилган уруғларни ердан тўлиқ униб чиқади. Помидор уруғларининг ердан униб чиқиши учун иссиқлик меъёри 24-26°C Нихолларда 1-2 тадан чин барг пайдо бўлган даврда уларни 10x10 см катталиқдаги озиқали тувакчаларга кўчириб ўтказилади. Нихолларни кўчириб ўтказишдан бир сутка олдин улар қондириб суғорилади, бу эса уларни осон кўчириб олинишини таъминлайди. Кўчатларни суғоришда жуда эҳтиёт бўлиш лозим, уларни ўта намланиб кетиши ёки тупроғи қуриб қолишига йўл қўймаслик керак, ҳаво очиқ кунлари эрталаб суғориш бажарилгани маъқул. Юқори сифатли кўчатнинг 8-9 тадан барги бўлиб, баландлиги 18-20 см, новдасининг қалинлиги эса 0,8-1,0 см, бўлиши керак. Кўчатларни парваришлаш даврида улар орасидаги касалланганлари, ўсишдан жуда орқада қолган, нозик кўчатларни чиқитга чиқариб, олиб ташланади.



Нихолларда биринчи иккита чин барг пайдо бўлиши ва уларни дастлабки ўсув даврида ҳаво ҳарорати кундузи 13-16°C гача, кечаси 11-13°C гача пасайтирилиши, айникса, эртаги навларда биринчи гулшодасидаги мева сонини кўп бўлиши натижасида ҳосилдорликни юқори бўлишини таъмин этади. Кейинчалик ҳаво ҳароратини очиқ кунларда 20-24°C, булатли кунларда 18-19°C, кечаси эса 16-17°C атрофига сақлаш лозим бўлади. Кўчат тайёрлаш вақти: 1. Кузги – қишки мавсум: сентябрь 2. Қишки–баҳорги мавсум: ноябрь – декабрь 3. Ёзги – кузги мавсум: июнь Ёзги–кузги ва кузги–қишки мавсум учун уруғлар тувакчаларга экиш йўли билан, қишки – баҳорги мавсум учун уруғни тувакчаларга экиш усули ва пикировка қилиш усули тўғри келади. Кўчат етишириш учун иссиқхонанинг кундузги ҳарорати 18-20°C, кечки ҳарорат эса, 15-16°C бўлгани маъқул. Иссиқхонада етишириш. Тупроқ тайёрлаш: Помидор ўсимлиги бўз, ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларга экилади. Сизот сувлари юза жойлашган, шўрланган ва кислотали (нордон) тупроқлар помидор учун унчалик ярамайди. Сабзавот экинлари унумдор ерга жуда талабчан. Ўтлоқи-ботқоқ, буз тупроқлар хам помидор етишиши учун етарли даражада озиқага эга эмас. Шунинг учун

сабзавот етиштиришда ер таёрлашга алоҳида этибор берилади ва керакли микдорда органик ва минерал ўғитлар солинади. Кўпчилик сабзавот экинлари учун (рН) тупроқнинг ишкорийлиги 6-6,5 бўлгани маъкул. Тупроқни (рН) ишкорийлигини махсус асбоп билан ўлчанади. Бундан ташкари тупроқ ғовакли ва сувни хши шимиб ўтказувчан, ўзида намни яхши сақлайдиган бўлиши лозим. Иссикхона тупроғини яхши унумдор холатга келтириш учун унга органик ўғитларни (гўнг, товуқ гўнги, торф) ва минерал ўғитлар солиб яхшилаб ерни хайдаш тавсия этилади. Чириган гўнг 50т/га товуқ гўнги 30т/га торф 50 т/га солиш тавсия этилади. Органик угитла тупроқунумдорлигини оширади. Органик ўғитлар тупроқга солинганда тупроқда микроорганизмлар яхши ривожланишига ёрдам беради, бу эса ўз навбатида ўсимликни тупроқдан озиқани яхши ўзлаштиришига ёрдам беради. Помидордан юқори ҳосил олиш учун органик ўғитлардан ташқари минерал ўғитлардан хам фойдаланиш керак. Минерал ўғитлар ҳосилдорликни оширишда асосий манба ҳисобланиб улардан тўгри фойдаланганда ҳосилдорликни 2-3 баравар ошириши мумкин. Ер унимдорлиги ва тупроқ таркибидан келиб чиқсан холда гектарига 250-300 кг фосфор (Р) 150-200 кг калий (К) 250-300 кг азотли (N) ўғитлар солиш тавсия этилади. Фосфорли ўғитни 100% калийли угитни 50%ни ерга солиб хайдаш, азотли ўғитларни ва калийли ўғитни колганини экин экишда то ҳосил ийғилгунинг қадар бериш тавсия этилади.

Кўчат экиш даври 3 мавсумга бўлинади:

4. Кузги – қишки мавсум.
5. Қишки – баҳорги мавсум.
6. Ёзги – кузги мавсум.

Кузги – қишки оборот (мавсум). Кузги-қишки мавсумда иссиқхоналар учун кўчатни кўчатхоналарда тайёрлаш зарур. Кузги-қишки мавсумда уруғ июнь оҳири июль бошларида сепилади, доимий жойга кўчатлар август ойи бошида ўтказилади. Уруғ ва тувакчалар қишки-баҳорги мавсумдаги каби тайёрланади. Дастреб иссиқхона қопламаси устига оҳак ёки лой сепилади, тувакчаларга озиқали аралашма солиниб, яхшилаб суғорилади уруғлар 0,5-1 см.дан кўп бўлмаган чуқурликда экиласди. Майсалар пайдо бўлгўнга қадар 2 марта, эрталаб ва кечқурун суғориб турилади. Уруғлар униб чиқсандан сўнг улар бир кунда бир марта, яххиси кечки пайт суғорилгани маъкул. 1 хақиқий барг чиқарганида тувакчалардаги кўчатлар чириган гўнг билан 2-3 см кўмилади бу ёш ниҳоллар поясини бақувват ўсишига ёрдам беради, чунки ҳаво ҳарорати иссиқ бўлгани сабабли, поялар сўлиб кетиши мумкин. Шунинг билан бирга 3-4 хақиқий барг чиқаргандан сўнг кўчатлар ёруғлик билан тўйиниши учун иссиқхона юзаси яхшилаб ювилиши лозим. Вегетация даврида кўчатлар илдизи ва барглари орқали озиқлантириб турилади.



Помидор кўчатлари аввалдан суғориб қўйилган агатларга экилади, экиб бўлингандан сўнг кўчатлар ариqlар орқали суғорилади, 4-5 кундан сўнг яна суғорилади. 15-20 кундан кейин эса кўчатлар ипга тортилади ва ўсимлик атрофи чопик қилинади, минерал ўғитлар солиниб, суғориш ишлари олиб борилади. Кейинчалик помидор ўсимлигига шакл берилади асосий поя қолдирилиб, бачкилари олиб турилади. Помидор ўсимлиги ёруғликка жуда талабчан бўлиб, кўчатлар иссиқхонага экилгандан кейин декабр-январ ойларида ёруғлик етишмаслиги натижасида одатдагига нисбатан чангдонларида чанг ҳосил қилиш камаяди. Шу туфайли ўсимликнинг биринчи гулшодасида қишки-баҳорги ўсув даврида мева тугиши жуда суст бўлади. Экин экилган майдонларда гулларни чангланиш учун ТУ (трихлорфеноксиуксус кислотаси) препаратидан фойдаланиш лозим, уруғчилик майдонларида эса ўсимликларни силкитиб чиқиш (ёғоч билан сўри симларига уриб чиқиш) кенг кўлланилади ёки ҳар бир гулшодани тебратгич ёрдамида тебратиб чиқиш яхши тадбир ҳисобланади. Ўсимликларда фотосинтез жараёнларини тўлиқ амалга оширишда ҳарорат ва ёруғликдан ташқари ҳаво таркибидаги CO₂ (карбонат ангидрид) гази миқдори катта аҳамиятга эгадир. CO₂ газини ҳаводаги таркиби меъёрида бўлиши учун уни ҳавода 0,15-0,2 фоиз атрофида бўлишини таъмин этиш лозим (В.А. Бризгалов ва бошқалар 1983 й.). Помидор ўсимлиги тупроқ намлиги 80-90 фоиз бўлишини талаб этади.

Ҳавонинг нисбий намлиги эса 60-70 фоиз атрофида сақланиши лозим. Ҳаво намлиги қўрсатилган меъёрдан ошиб кетиши ўсимликларда мева тугиши ёмонлашиши ва уларнинг кулранг чириш, кладоспориоз ҳамда фитофтора касалликлари билан заарланишига сабаб бўлади. Ҳавонинг нисбий намлигини пасайтириш шамол ҳайдовчи парраклар орқали амалга оширилади, суғориш куннинг бирйинчи ярмида қуёшли об-ҳаво шароитида амалга оширилади. Куёш радиацияси кўпайиб бориши ва ҳаво нами миқдорига қараб ўсимлик бир ҳафтада 1-2 маротаба суғорилади.

Куз ойларида ёруғликнинг секин-аста пасайиб бориши туфайли, иссиқхоналардаги ҳаво ҳарорати ҳам шунга қараб ушлаб турилиши лозим. Ноябрь-декабрь ойларида кундузи ҳаво очик бўлганида 20-23°C, булутли кунларда 18-20°C ва кечқурун 15-17°C, тупроқ ҳарорати эса 17-18°C бўлиши лозим. Ҳаво намлиги 60-70%, терим тугашига бир ойқолганида ўсимлик

ўсиш нуқтаси чилпиб ташланади. Шундай қилинганида мевалар тез пишиб, ҳосилдорлик ҳам ошади.

Гуллар ноқулай шароитларда яхши мева боғлаши учун, ўсимлик гулшодаси маҳсус стимулятор препаратлар (ТУ, ренгумит, томатон, полистимулин) билан чанглатилади.

Ушбу препаратлар билан помидор гуллари ишлов берилганида мевалар 7-10 кун эрта пишади, меванинг ўртача массаси 15% гача ошади, товар маҳсулот чиқиши эса 20% ошади.

(Переходной) мавсум. Ушбу мавсум учун иссиқхонани фойдаланиш учун тайёрлаш, уруғ сепиш ва кўчат экиш ишлари кузги-қишки мавсум сингари олиб борилади, аммо бу ишлар бир ой кейин, яъни уруғлар августнинг биринчи декадасида (ўн кунлигига) сепилади, кўчатлар доимий жойга эса сентябрь ойининг биринчи ярмида ўтказилади. Ушбу муддатда экилган помидор экини август, сентябр ва октябр ойларидағига нисбатан юқори бўлган ёруғликдан фойдаланилади.

Иссиқхона юзаси ўз вақтида ювилиши керак. Чунки ушбу экиш мавсумида помидор экини максимал даражада ёруғликдан тўйиниши ва бу эса унинг нормал ўсиб ривожланиши, юқори ҳосил тўплаши ва ҳосилнинг декабрь-январ ойларида пишиб етилишига олиб келади.

Оралиқ мавсумда иссиқхона ҳарорати 18°C дан паст бўлмаслигига эътибор бериш керак. Ҳароратнинг 12°гача тушиб кетиши ўсимликнинг тупроқдан озиқ моддалари, асосан фосфорнинг сўрилишини 50% гача пасайтиради. Шунинг учун бу муддатда ўсимликнинг нормал ўсиб ривожланишида муҳим ўрин тутади. Тувак ва илиқ тупроқ тайёрлашга катта эътибор бериш керак.

Оралиқ муддатда помидор ўсимликлари тепага ўсишга мойил. Помидор экинининг бу тариқа тепага ўсиши пояга шакл беришни (ён бачкиларни чилпиб ташлашни) қийинлаштиради, юқорига қараб ўсишга мойиллиги меваларнинг кичик бўлиб қолишига хам сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун помидор ўсимлигини жуда чўзилиб ўсиб кетмаслигига эътибор бериш жуда муҳим, бунинг учун помидор пояси вегетация даврида 2-3 марта тушириб турилади. Биринчи марта улар ноябрда 0,8-1 метргача туширилади. Пояларни тушириш ён бош тарафдаги ўсимликлардан бошланиб, навбатманавбат бутун қатор тахланади. Иккинчи марта поялар январ-феврал ойларида туширилади. Ушбу агротехник усулларни вақтида ва тўғри олиб борилиши ҳосилдорликнинг хар метр квадрат ердан 3,5 кггача ошиш имкон беради. Ҳосил сифати 20-25%, уларнинг биокимёвий таркиби ва таъм қўрсаткичлари ошади, чунки ўсимлик пояларини тушириб ётқизилганда минерал моддаларни сўрилиши ошиб, ўсимлик тез ва нормал ўсишига туртки бўлади.

Қиши – баҳорги экиш мавсуми. Помидор уруғларини экиш октябр ойи оҳирлари – ноябр ойи бошларида бошланади, кўчатларни экиш эса ноябр ойи оҳири, декабр ойининг биринчи ўн кунлигига амалга оширилади.. Помидор учун ҳавони яхши ўтказувчан, ғовак латоген ва зааркунандалар билан заарланмаган тупроқдан тайёрлаш керак. Кўчатларни қўш қатор усолда 80+80x40см оралиқда экилади. Экиш олдиндан ковлаб суғориб

олинган кўндаланг чукурчаларга стаканинг 3 дан 2 қисми ўмиб бажарилади. Жуда эртаги экиш муддатида экиладиган ўсимликлар гуллаш даврида бўлиши лозим. Кечроқ экиш учун эса нисбатан ёш кўчатларни экишга рухсат этилади.

Кўпинча помидор ўсимлигига вегетатив ўсуви новдалари кучли ўсиб мева тузиши камайиб кетади, бу холатни ғовлаб кетиш деб аталади. Новдаларининг қалинлиги 2,5-3,0 см га етиб, юқоридаги барглари тўқ яшил рангга киради ва буралиб ўсади. Бундай холат асосан кўпинча тупроқ (бодрингдан сўнг) нитратли азот микдори жуда кўпайишидан содир бўлиб ўсимликнинг илдиз қисми жуда кучли ривожланиб ва ортиқча намгарчиликка сабаб бўлади. Чириган қипик солиши ва биринчи мева туғилгунча уғоришни тўхтатиб туриш, ўсимликлар меъёрида ўсишини таъмин этади. Бундан ташқари ушбу даврда (биринчи гулшодасида) мева тузишини яхшилаш мақсадида ўсимликларни озиқлантириш даврларида таркибида азоти бўлган озиқа моддаларни бермаслик лозим.

Экишдан олдин ва ўсуви даврида органик хамда минерал озиқа моддаларни тупроқка солиши тупроқни агрокимёвий тахлили натижаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Органик моддалар микдори 20 фоиз атрофида сақланиши талаб этилади. Бунинг учун кузги-қишики экиш даври тупроқда асосий ишлов беришдан олдин хар бир гектар иссиқхона майдонига камида 200 тонна чиринди лозим бўлади.

Тупроқ таркибидаги сувда эрувчи фосфор микдори хар 100 гр тупроқда 100 мг, нитратли ва аммиакли азот микдори 25-30 мг, сувда эрувчи калий 50-60 мг атрофида сақланиши керак. Бундан ташқари тупроқ таркибидаги хлор микдори хар 100 гр тупроқда 0,02 фоиздан ошмаслиги, магний 25-30 м, кальций эса камида 100-120 мг бўлиши керак. Азотли ўғитларни калийли (KNO_3) ва кальцийли ($Ca(NO_3)_2$) селитра шаклидаги берилгани маъкул. Калийли ўғитларни сульфат калий K_2SO_4 шаклида, фосфорлиларни эса қўш суперфосфат $Ca(H_2PO_4)_2$ шаклида ёки ўсуви даврида якка аралашмали калий фосфат шаклда берилади. Экилган кўчатларнинг каноп ипли сўриларга боғлаб чиқилади, боғлашда илдиз бўғизини қаттиқ сиқиб қўймаслик, канопни қаттиқ тортиб боғлаб қўймаслик лозим бўлади. Ўсимликлар битта поя қолдирилиб шакл берилади. Бачки новдалар 6-7 см дан ўсиб кетмасдан уларни ўз вақтида юлиб ташлаш керак. Ўсимлик учини хар хафтада канопли ипга ўраб турилади, сўрини симли қисмигача ўсгач эса кўндалангига ўраб турилади. Мевалари пиша бошлиши даврида гулшодадан барча пастки баргларини олиб ташланади. Бу ишни хар хафтада бир маротаба бажарилиб, 1-2 тадан барги олиб ташланади. Ўсуви мавсумининг тугалланишигача 6-7 хафта давомида ўсимлик учки қисмини юқоридаги гулшода тепасида 2 тадан барг қолдириб чимдиб турилади. Мевалар тўлиқ етилиб пишмасдан ёки қизил бўлиб пишган даврларда хар хафтада 2-3 маротаба терилади.

Тупроқ анализига қараб, тупроқка қанча микдорда Азот (N), Фосфор (P), Калий (K)ни солиши кераклигин билиб оламиз. 1 Га майдон учун ўртача 250-300 кг Азот (N), 250-300 кг Фосфор (P), 150-200 кг Калий (K) тавсия қилинади. Бундан ташқари микроўғитлардан медъ, цинк, молибден, бор,

марганец ўғитлари хам керак булади. Бу элементларни ўсимлик кам микдорда талаб килади, лекин шу ўғитлар етишмай колса ўсимлик ўсишдан тұхтайди, ҳосилдорлиги пасаяди. Микроўғитлар ўсимликка бир маромда етказилиши учун уларни минерал ўғитлар билан аралаштириб ишлатиш тавсия этилади. Экиш даврига қараб нав танланади ва күчат таёрланади.

Кузги-қишки мавсум учун 40-45 кунлик, ёзги-кузгига 25-30 кунлик, қишки-баҳорига 35-40 кунлик күчат экилади. Кузги-қишки мавсум учун ҳарорат пас бўлганда хам, кун кискариб ёруглик етишмаганда гулини тўқмасдан яхши мева тугадиган дурагайлар танлаш керак булади. Бу мавсумга Элпида, Вернал, Аманета, (ENZA), Вулкан, Виктория, (NIRIT) Астона (NUN), дурагайларини тавсия қиласиз. Ёзги-кузги мавсумга эса иссиқ шароитда хам гул тўқмасдан яхши мева тугадиган Вернал, Аманета(ENZA), Виктория Альфира(NIRIT) Шарлота, Абегал, (HAZERA), Тови-Рока(ZERAIM) дурагайларини экишни тавсия берамиз. Кишиги-баҳорги мавсумга Белле, Ведетта, Буран (ENZA) Жалила (SAKATA) Карин (NIRIT) ва бошка дурагайларни экишни тавсия берамиз. Иссиқхонада помидор 50x80x80 ёки 50x70x90 схемада экилади. Ушбу схемада ариклар олиниб ёки чуқурлар кавланиб күчатларни унгицид (Перкур)га ботириб экилади. 1 га майдонга ўртача 22-25000 дона күчат экиш тавсия этилади. Экилган күчатлар 3-5 кундан сунг атрофи (теша чопик) юмшатиб чиқилади. Күчат ерга яхшилаб ўрнашгач 8-10 кун ўтгач күчат ёнидан чуқурча кавлаб озиқа берилади. Хар бир күчатга 1 трдан озиқа қуилади, кейинги озиқлантиришда кўпайтириб борилади. Хар 10-15 кун оралатиб илдиздан, сўнг баргидан озиқа берилиб боради.

Экилгандан 15-20 кун ўтгач күчатлар канофга боғланиб 2-2,5 метр баландликдаги симларга осиб чиқилади. Иссиқлик етарли шароит яхши бўлганжойларда помидор 15-20 оралиғида гуллай бошлайди. Ўсимлик гуллагандан бошлаб арилар (шмел) ёки суний гормонлар: том, томатом, ренгулет ёрдамида экилган мавсумига қараб ҳар 3-5 кун оралатиб чанглатиб турилади.

Иссиқхона помидорлари ҳосилни асосий поядан берганлиги учун барг ёнидан чиққан ён шохчаларни олиб ташланади. Ўсимликни ёшлик даврида Кальций(Ca), Бор (B), Магний (Mg)ли ўғитлар бериш яхши натижада беради.

Иссиқхонада ҳарорат: Күчат экилгандан сўнг иссиқхонанинг кундузги ҳарорати кузги қишки мавсум учун 20-22°C, ёзги-кузги ва қишки-баҳорги мавсумда 20-25°C, кечки ҳарорат эса 3 та мавсумда ҳам 16-18°C бўлиши тавсия этилади. Иссиқхона учун оптималь нисбий намлик 65-75% гуллаш бошлангўнга қадар 70-75 %. Сўнг 65%гача пасайтирилгани маъқул. Иссиқхона ичида иссиқлик 40 градусдан ошиб кетса ўсимлик ўсишдан вагули чангланишдан тухтайди. Ҳароратни меъёридан юқори бўлиши ўсимликларни ўсиб, ривожланишини тезлаштиради, натижада меваларни етилиши тезлашади, поядада ҳосил бўлиши камайиб, мевалари майдалашиб қолади. Ҳарорат паст бўлганда эса мева

тугиши кечикиб, ўсимликларни новдалаши кучаяди, гулшодалардаги мева туғиши сони күпаяди, натижада умумий ҳосилдорлик юқори бўлади. Ҳарорат кечалари 14°C дан паст бўлганда чангдон ўсмайди ва мева туғиши бўлмайди, ҳарорат 33~35°C дан юқори бўлганда хам чангдонлари стерил бўлиб мева туғиши жараёни бўлмайди. Ҳаво ҳароратини меъёрда бўлиши помидордан иссиқхонада юқори ҳосил олишни таъмин этади. Тупроқнинг қулай ҳарорати 16-20°C атрофида. Тупроқ ҳарорати 16°C дан паст бўлиши ўсимлик томонидан фосфорни қабул қилинишини сусайтиради, кейинчалик эса сув сўрилиши қийинлашади, ўсимлик ўсишини чеклаб қўяди. Тупроқ ҳароратини 28°C гача кўтарилиши, шу билан бирга тупроқ таркибидаги ишқорни кўпайиши, нафақат ўсимликни ўсишдан тўхтатиши, балки унинг фузариоз касалига чидамлилик хусусиятини хам йўқолишига сабаб бўлади. Иссиқхонага намликтини ва иссиқликни ўлчайдиган асбоб қўйиш шарт.

Сугории ва ўғитлаши: Кўчат экилгандан сўнг маҳаллий шароитдан келиб чиқкан ҳолда нисбий намлика қараб сугориш тавсия этилади. Иссиқхонада помидорни икки хилусулда сугорилади:

- | | | |
|----|------------|----------|
| 1. | Ариқдан | сугориш. |
| 2. | Томчилатиб | сугориш. |

Сувнинг ҳарорати таҳминан 15-16°C кам бўлмаслиги тавсия этилади. Кўчатларни иссиқхонага экишдан олдин экиладиган майдон яхшилаб чопилиб, 80-90°C да буғлаш ва пестицид билан дорилаш яхши натижада беради.



Помидор бутун вегетация даврида шароитдан келиб чиқкан ҳолда 6-12 марта гача сугорилади. Ҳар сугоришидан кейин ўсимликни ёшлиқ давридан то мева қилгўнга қадар, пушталарини юмшатиб туриш керак. Сугориш ишлари олиб борилганда нисбий намлик 70 %дан ошмаслиги тавсия этилади. Сугориш билан бир қаторда ўсимликка шакл бериш ишларини тўғри ташкиллаштириш керак. Ўсимликка шакл берганда барг кесилган жойларга фунгицид дорилар билан ишлов бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Иссиқхонада ҳаво айланишини тўғри йўлга қўйиш керак. Озуқа берганда тупроқдаги PH (тупроқ ишқориийлиги) хажми 5,5-6 нормада. ЕС (тупроқдаги тузнинг концентрацияси ва электр ўтказкачанлиги) 1,5-2 ни ташкил қилиши керак. Ўсимлик касалланмаслиги учун хом хамицин, Тату фунгицидлари билан профилактика ишларини олиб борилади. Ҳар ҳил хашоратлардан

(шира-трипс) сақланиш учун фримоновий лавушкалардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Иссиқхонага помидор экиш схемаси **50 X 80 X 80 ёки 40 X 70 X 90**



Ёпиқ далада ширин қалампирни етиштириш



Кўчат етиштириши:

Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан холда кўчат уруғни тувакчаларга экиш усули билан экилади.

Кўчат экиши даври 3 мавсумга бўлинади:

1. Кузги-қишки мавсум;
2. Қишки-баҳорги мавсум;
3. Ёзги-кузги мавсум;

1 Га майдонга етарли кўчат олиш учун 30-35 (40) 000 та уруғ олинади.

Кўчат тайёrlаши вақти:

1. Кузги-қишки мавсум: сентябрь
2. Қишки-баҳорги мавсум: январь
3. Ёзги-кузгимавсум: июль



Хар бир мавсум учун кўчат етиширишда уруғни тувакчаларга экиш усули тўғри келади.

Тупроқ тайёрлаш

Ширин қалампир қумоқ ва яхши дренажли (сув туриб қолмайдиган) тупроқларни хуш кўради. Жуда ёпишқоқ лойли тупроқларда ширин қалампир яхши ривожланмайди ва ҳосилдорлиги паст бўлади. Тупроқнинг ҳарорати 17- 18°C, нисбий намлиги эса 75-80% бўлиши тавсия этилади. pH (тупроқнинг ишқорийлиги) даражаси 5,5-6 бўлгани маъқул. EC (тупроқдаги тузнинг концентрацияси ва электр ўтказувчанлиги) 2,5 ни ташкил қилиш тавсия қилинади.

Ҳарорат ва нисбий намлик

Иссиқхонанинг кундузги ҳарорати 20-25°C, кечаси 17-18°C бўлиши тавсия этилади. Ҳарорат 32- 38°C га кўтарилиши билан ўсимликнинг ўсиши секинлашади, гуллари ва тугунчалари тўкилиб кетади. Ҳарорат 15°C гача пасайганда қалампирнинг ривожланиши секинлашади, 13°C га тушганда ўсишдан тўхтайди. Иссиқхонада нисбий намлик 65- 70% ни ташкил қилиши тавсия этилади.

Суғорииш ва ўғитлаш

Ширин қалампир салқин талаб иссиқ севар ўсимлик бўлгани учун нисбий намлик ва суғориш мухим ахамиятга эга. Иссиқхоналарда ширин қалампир 3 хил йўл билан суғорилади:

1. Томчилаш суғориш;
2. Ариқдан суғориш;
3. Ёмғирлатиб суғориш;

Бизнинг шароитимизда томчилаш ва ариқдан суғориш усули кўп кўлланилади. Экилган кўчатлар ўсув даврининг дастлабки қунларида тупроқ таркиби, ер ости сувининг чукурлигига мувофик хар 1 гектар майдон ҳисобига 600-700 м³ меъёрда 8-10 кун оралатиб, кейин ҳосили тузиши даврида 5-8 кун оралатиб, бутун ўсув даври давомида 14-16 маротаба суғорилади. Биринчи суғориш қуёш ботгандан сўнг ярим соатдан кейин ва қуёш чиқишига 1-1,5 соат қолганда амалга оширилади. Меваларда ёрилиш холлари кузатилганда кечки ва кечқурунги суғоришишлари тўхтатилади. Тез-тез кам миқдорда суғорилса ўсимликнинг вегетатив, аксинчакам-камдан кўпмиқдорда суғориш генератив ўсишга олибкелади. Қалампир кўчати 2 марта озиқлантирилади, биринчи марта кўчат 4-5 та барг чиқарганда 10 л

сувга 40 г фосфор (P), 35- 40 г калий (K), 10-15 г азот (N) солиниб эритилади ва лейкада күчтөнгөн түйдирисиң сепилади. Сүнг раустыдан тоза сув сепиб ювилади. Иккинчи марта озиқлантириш 12-14 кундан сүнг үтказилиб, ўғитлар миқдори бироз күпроқ олиниади.

1 Га ерга 20-30 т гүнгүз, 200-250 кг суперфосфат солиши, ўсуви даврида 100-150 кг аммиакли селитра билан экинларни 1-2 марта озиқлантириш тавсия этилади. Бутун вегитация даврида күчтөнгөн экилгандан сүнг 1:1 нисбатта азот (N) ли, калий (K) ли ўғитлар берилади. Ўсимлик мева берилади. Ширина қалампир қизариб пиша бошлагандан сүнг 1:2 нисбатта калий (K) ли ўғитлар берилади. Ширина қалампир қизариб пиша бошлагандан сүнг макро элементларни бериш түхтатилиб, микро элементлар бериш тавсия этилади.

Агротехник тавсиялар

Ширина қалампир ҳам ҳудди помидор сингари унимдор ерга талабчан, бундан ташқари ширина қалампир намлыкни ва иссиқни жуда севади. Экин: майсалар 5-6 та чин барг чиқарганда экилади. Кузги-қишки мавсум учун 55-60 кунлик, қишки-баҳорги мавсум учун 50 кунлик, ёзги-кузги мавсум учун 35-40 кунлик күчтөнгөн түғри келади. Күчтөнгөн экилгандан сүнг ўсимлик бўйи 20-25 см га етганда у сув нуқтаси олиб ташланади ён шохларини ривожлантириш учун. Ўсимликга шакил бераётганда унинг бақувват бўлган 2-3 та ён шохлари қолдирилади. Ширина қалампир ёруғ севар ўсимлик шу сабабли уни Иссиқхонада қалин экиб бўлмайди. Қалин экилгандан гули чангланмайди ва ҳосилдорлик пасайиб кетади. Ширина қалампирни ҳосил туғиши даврида майдонни суғоришга жуда эҳтиёт бўлиш лозим. Захлатиб юбормаслик талаб этилади. Шунинг учун ушбу даврда суғориш эгатларини чуқур олиниб, сувни камроқ меъёр билан, тез-тез 5-6 кун оралатиб қўйиш тавсия этилади.

Экин экиш чизмаси: 40 X 60 X 80



Сақлаш: Ширина қалампирни паст ҳароратда ва ҳаво намлиги баланд бўлмаган шароитда сақлаш тавсия этилади. Яшил қалампир учун ҳарорат 10-12 °C ва етилган рангли қалампир учун эса 7-12° C талаб этилади.



XI.БОБ. Томорқаларга тақрорий әкинларни әкиш ва парваришилаш

Маккажүхорини тақрорий әкин сиғати даети шириши



Әкиш учун тавсия этиладиган маккажүхори дурагайлари: Қорасув–350 АМВ, Ўзбекистон–601 ECB, Ўзбекистон–300 МВ ва ҳ.к.

Ургут манлаш ва әкишга тайёрлаш. Экиладиган маккажүхори уруғи тоза, юқори унувчан, касаллик юқмаган, ўртача катталиқда, синмаган, тўқ текис (зараарланмаган) бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади. Уруғлик әкиш олдидан илиқ сувда 10–12 соат ивитиб қўйилади.

Ер тайёрлаш. Ер ўтмишдош ўсимликларни қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 1 сотихга 250–300 кг (10 сотихга 2,5–3 т) чириган гўнг солинади. Ер камида 18–20 см чуқурликда юмшатилиб, йирик кесаклар майдаланади ва текисланади.

Әкиши муддати ва схемаси. Әкиш ишлари шимолий ва марказий иқлим минтақаларида дон учун 20 июнгача, силос учун 20 июлгача, жанубий минтақаларда дон учун 1 июлгача, силос учун 30 июлгача амалга оширилади.

Маккажүхори уруғи 60x21x1 (60 см – қатор орасининг кенглиги, 21 см – уялар ораси, 1 дона – уядаги уруғлар сони), 70x18x1, 90x14x1 схемада унувчанлиги ва уруғ тозалигига қараб 1 сотихга 220–250 граммдан (10 сотихга 2,2–2,5 кг) экилади.

Парваришилаш. Суғориш: маккажүхори ўсимликлари биринчи марта биринчи ўғитлашдан сўнг, иккинчи марта иккинчи ўғитлашдан сўнг, учинчи марта сultonлар чиқариб, гуллаш даври бошланганда, тўртинчи марта эса

доннинг сут-мум пишиш даврида суфорилади. Қумлоқ майдонларда тупроқ ва ўсимликнинг ҳолатига қараб кўшимча суфорилади.

Ўсимликлар униб чиқиб, 5–6 чинбарг ҳосил қилгач, ҳар бир қатор ораси 6–8 см чуқурликда чопилади. Кейинги чопик ўсимликлар 8–10 та барг ҳосил қилганда 8–10 см чуқурликда ўтказилади.

Ўзитлаш. Кузда чопик олдидан фосфорли минерал ўғит тук ҳолда сотихига 0,9 кг, калийли ўғит 0,6 кг меъёрда солинади. Ўсимлик 5–6 та чинбарг чиқарганда 2,2 кг, 10–12 та чинбарг чиқарганда 2,2 кг азотли ўғит билан озиқлантирилади.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши кураш. Зарур бўлганда маккажўхорининг асосий зааркунандаларига қарши курашда бракон ва трихограммалар қўлланилади. Касаллик ва зааркунандалар турига қараб Каратэ, Суми-Алфа кимёвий воситалардан фойдаланилади. Сўта донлари сут-мум пишишга кирганда, зааркунандаларнинг тухумларига қарши Трихограмма ва етук ёшдаги куртларига қарши бракон энтомофагидан фойдаланилади. Ўсимлик 6–8 барг чиқарганда тушадиган кўсак қуртига қарши кимёвий курашда Каратэ эритмаси яхши самара беради.

Бегона ўтларни йўқотиш учун кўлда чопик ишлари амалга оширилади.

Ҳосилни йиғишишириши. Маккажўхори сўталари дон учун тўлиқ пишиш даврида, силос учун эса поялар сут-мум пишиш даврида қўл кучи ёрдамида ииғишириб олинади.

Жўхорини тақрорий экин сифатида етишишириши



Экиши учун тавсия этилган навлар: Қорабош, Даулет, Ўзбекистон–5.

Уруғ танлаш ва экишга тайёрлаш. Экиладиган уруғ тоза, юқори унувчан, касаллик юқмаган, ўртacha катталиқда, синмаган, тўқ, текис (заарланмаган) бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади. Уруғлик экиш олдидан илиқ сувда 10–12 соат ивитиб кўйилади.

Ер тайёрлаш. Ер ўтмишдош ўсимликларни қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 1 сотихга 250–300 кг (10 сотихга 2,5–3 т) чириган гўнг солинади. Ер камида 18–20 см чуқурликда юмшатилгач, йирик кесаклар майдаланади ва текисланади.

Экиш муддати ва схемаси. Экиш ишлари шимолий ва марказий иқлим минтақаларида 20 июндан 20 июлгача, жанубий минтақаларда 1 июндан 30 июлгача амалга оширилади.

Уруғлик учун 60x17x1 (60 см – қатор орасининг кенглиги, 17 см – уялар ораси, 1 дона – уядаги уруғ сони), 70x14x1, 90x11x1, кўк масса учун 60x11x1, 70x9x1, 90x7x1 схемаларда ҳар сотихга 100–120 г (10 сотихга 1–1,2 кг) жўхори уруғи сарфлаб экилади. Ўсимлик униб чиққандан сўнг қуюқ жойлар ягана қилиб олиб ташланади.

Парваришилаш. Жўхори ўсимликлари дон учун биринчи марта биринчи ўғитдан сўнг, иккинчи марта иккинчи ўғитдан сўнг ва учинчи марта эса сутмум пишиш даврида, кўк масса учун биринчи ўғитдан сўнг, иккинчи марта кўк поя ўрилиб, қўшимча ўғитлангандан сўнг суғорилади. Агарда ер қумлоқ бўлса тупроқ ва ўсимликнинг ҳолатига қараб қўшимча суғорилади.

Қатор ораларини юмшатиш: ўсимликлар униб чиқиб, 5–6 чинбарг ҳосил қилгач, ҳар бир қатор ораси 6–8 см чуқурликда чопилади. Кейинги чопиқ ўсимликлар 8–10 барг ҳосил қилганда 8–10 см чуқурликда ўтказилади.

Чопиқ олдидан фосфорли минерал ўғит сотифига 0,9 кг, калийли ўғит 0,6 кг меъёрида солинади. Ўсимлик 5–6 та чинбарг чиқарганда 1,5 кг, 10–12 та чинбарг чиқарганда ҳам 1,5 кг азотли ўғит билан озиқлантирилади.

Ҳосилни йигиштириши. Поялар рўваклаш даврида ер устидан 5–10 см қолдирилиб, кўк масса учун қўл қучи ёрдамида ўриб олинади.

Озуқабон экинларни тақрорий етиштириши



Маккажўхори тақрорий экилган майдонларда қуйидаги агротехник тадбирларни амалга ошириш лозим. Маккажўхорилар униб чиққандан кейин қатор ораларига ишлов берилиб, ягана ва чопиқ қилиш ишлари бажарилади. 5–6 та барг ва 10–12 та барг чиқарганда азотли ўғитлар билан озиқлантирилади ва суғориш ишлари амалга оширилади. Гуллаш ва сут-мум пишиш даврларида бир мартадан суғорилади. Агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилганда гектаридан 35–40 ц дон ёки 350–400 ц кўк масса олинади.

Тақрорий экишда оқсилга бой озуқа етиштириш мақсадида маккажўхорига соя қўшиб экиш тавсия этилади. Бунда маккажўхори ва соя уруғлари 10 сотихга 2 кг. дан teng микдорда қўшиб экилиши мақсадга

мувофиқ. Такорий экинлар тез ўсишини инобатга олган ҳолда агротехникасини ўз вақтида кечиктирмасдан амалга ошириш лозим.

Тупроғи шўрланган ва сув танқис томорқаларда оқжўхори, Африка қўноғи экинларини экиш яхши натижалар беради. Ушбу экинлар уруғларини 4–5 см чуқурликда, қатор оралиғи 60 ёки 70 см қилиб, 10 сотихга 1–1,5 килограмм миқдорида экилади. Кўчат сони 8–9 минг атрофида бўлиши керак. Вегетация даврида 4–6 та барг чиқарганда қатор ораларига ишлов берилиб, қуриган гўнг ва азотли ўғитлар билан озиқлантирилади ва суғориш ишлари амалга оширилади. Барча агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилса 10 сотихдан 3,5–4 тонна кўк поя ҳосили олинади.

Ердан унумли фойдаланиш ва чорва моллларини тўйимли озуқа билан таъминлаш учун бошоқли дондан бўшаган майдонларга 15 июлдан 10 августргача бўлган муддатларда дон ва дуккакли экинлардан сули уруги – 10 сотихга 8 кг, *хашаки нўҳат* уруғи – 7 кг меъёрда қўшиб экиш тавсия этилади.

Сули туплаш фазасига, хашаки нўҳат шохлаш фазасига кирганда ўғитланади ва суғорилади. Ҳаво ҳарорати ва экин ҳолатини ҳисобга олган ҳолда яна бир марта озиқлантириш ва икки уч марта суғориш ишлари амалга оширилса, октябрь ойига бориб 15–20 тонна кўк масса ҳосили олиш мумкин.

Такорий экин сифатида *тариқ* экиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тариқнинг дони паррандалар учун қимматбаҳо озуқа ҳисобланади. Чорва молларига озуқа учун тариқ донининг қолдиқлари ва сомони ишлатилади. Тариқ серҳосил ўсимлик бўлиб, 10 сотих ердан 5–6 ц дон ёки 12–14 ц кўк масса ҳосили олиш мумкин.

Шунингдек, тариқ қурғоқчиликка ҳам чидамли, ёруғсевар, қисқа муддатли ўсимлик ҳисобланади. Уруғ кўкариб чиқиши учун ўз вазнига нисбатан 25% сув сарфлайди. Тариқ ўсимлиги яхши ишланган ерни талаб қиласди. Уни гуллаш ва туплаш фазасида озиқлантириш мақсадга мувофиқ. Пишган дони тез тўкилиши сабабли, рўвакда 70–75 % дон етилганда ўриб олиш зарур.

Озуқабоп экинлар орасида илдиз мевалардан асосан *хашаки лавлаги* экиб ўстирилади. Бунда хашаки лавлагининг Ўзбекистон ним қанд, Эккендорф сариғи, Ўзбекистон–83 навларини экиш тавсия этилади. Хашаки лавлагини жанубий (Сурхондарё, Қашқадарё) вилоятларда ғалладан кейин ҳам экиб олиш мумкин.

Чорва молларининг сут маҳсулдорлигини оширишда хашаки лавлаги муҳим аҳамият қасб этади. Июль-август ойларида ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши ҳисобига баҳорда экилган майдонларда хашаки лавлагининг сувга бўлган талаби жуда ортиб боради ва шу сабабли лавлаги экилган майдонни имкон қадар ҳар 7–10 кунда суғориб туриш тавсия этилади.

Маълумки, хашаки лавлаги икки йиллик ўсимлик ҳисобланади. Биринчи йили уруғдан экилганда илдизмева беради, иккинчи йили илдизмевадан экилганда уруғ беради.

Хашаки лавлаги уруғини жадаллашган усулда бир йилда етиштириш учун август ойининг биринчи ва иккинчи декадаларида уруғдан экиш мумкин. Экишда 10 сотихга 0,8–1 кг уруғ сарфланади. Илдизмева далада қишлияди ва кейинги йил уруғ беради. Қишлоға кетишдан олдин пушталарга чириган гүнг сепиш мақсадга мувофиқ.

Хашаки лавлаги оралиқ экин сифатида етиштирилганда ўсув даврида 4–6 марта суғорилади. Ҳосил октябрнинг охири–ноябрь ойининг бошларида ийғишириб олинади.

Ердан унумли фойдаланиш ва чорва молларини тўйимли озуқа билан таъминлаш мақсадида 15 июндан 1 июлгача бўлган муддатда дон (сули – 80 кг/га) ва дуккакли (хашаки нўхат – 70 кг/га) экинларни биргаликда экиш яхши самара беради.

Бунда сули экини туплаш, хашаки нўхат шохлаш фазасига кирганда, азотли ўғитлар билан 100–150 кг/га меъёрда озиқлантирилиб, суғорилади. Ҳаво ҳарорати ва экин ҳолатини ҳисобга олган ҳолда яна бир марта озиқлантириш ва икки-уч марта суғориш ишлари амалга оширилса, октябрь ойига бориб 10 сотихдан 1,5–2 тонна кўк масса ҳосили олишга эришилади.

Сабзавотларни тақрорий етиштириши



Эртаки сабзавот, картошка ва ғалла ҳосили йиғиб олинган майдонларга тақрорий экин экиш учун тайёрлашда, аввало, ишни ўтмишдош ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтларни тозалашдан бошлаш зарур. Бунда ўсимлик қолдиқлари томорқа чеккасига чиқарилиб, ер қондириб суғорилади.

Ер етилиши билан гүнг ёки компост сепилади, 25–28 см чуқурликда юмшатилади ва эгатлар олинади.

Томорқаларга июнъ ойи иккинчи ярми ва июлнинг биринчи ўн кунлигига бодрингнинг Марғилон-822, Наврўз, Ўзбекистон-740, Раний-645, F1 Алиби Аякс Микс навларини; сабзининг Мирзои сарик-304, Мирзои қизил-228, Шантанэ-2461, Нантская-4, Нурли, Зийнатли навларини; ош лавлагининг Бордо-237 навини, картошканинг Диамант, Ликария, Симфония, Диёра, Тўйимли, Умид каби ўртапишар, Акроб, Мондеал ва Фазан каби кечпишар навларини экиш тавсия этилади.

Томорқаларга июнь ойининг учинчи ўн кунлиги ёки июль ойининг 1–2-ўн кунлигига *картошканинг* Санте, Ред скарлет, Зарафшон каби эртапишар, Аринда, Белуга, Виктория, Умид, Кондор, Драга, Корлена, Латона, Палма, Марфона, Пикассо, Романо каби эртапишар, Тўйимли, Ақроб, Диамант, Симфония каби ўртапишар навларини экиш юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Чет элдан келтирилаётган уруғлик картошка экиладиган дала эгати олиниб суғорилган бўлиши керак. Картошка экилгач суғорилади. Агар ер тайёрлаб қўйилмаган бўлса, у копи билан ёки ерга юпқа қилиб, офтоб тушмайдиган салқин жойга тўкиб қўйилади. Экиш муддати 20 июндан то 20 июлгача, 70x30 см схемада экилади. Унда олдин ўртапишар навлар кейин ўртаки ва охирида эртапишар навлар экилади.

Июль ойининг учинчи ўн кунлиги ўсув даври қисқа бўлган сабзавотлардан *шолғомнинг* Муяссар, Самарқанд маҳаллийси каби ўртаки, Наманганд маҳаллийси ва бошқа эртаки навларини, кўкатлардан *укропнинг* Узбекский–243, Ором навларини экиш тавсия қилинади.

Бегона ўтларни ўташ лозим. Ўтларни йўқотиш билан бирга ортиқча ниҳолларни ягана қилиш керак. Орадан 20–25 кун ўтгач эса майдондаги begona ўтларни иккинчи марта ўтаб, ўсимликларни ягана қилиб, кейин ўсимликларни озиқлантириб, суғориш тавсия этилади.

Кечки карам кўчатлари тўлиқ тутиб олгач, сабзи, ош лавлаги, картошка туганаклари ҳамда бодринг ниҳоллари ердан тўлиқ униб чиққач, ўсув даври давомида экин турига мувофиқ 8–12 кун оралатиб 2–3 марта суғориш, ўсимлик қатор ораларини 8–12 см чуқурликда юмшатиш begona ўтларни йўқотади, тупроқда нам ва ҳаво сақланишини яхшилайди, ўсимликларнинг ўсиб-ривожланишига қулай шароит яратади.

Эртаки картошкани йигши ва сақлаши. Эртаки картошкани ковлаш кўпгина ҳолларда июнь ойининг 2-ярмига тўғри келади ва офтоб тифида ҳарорат юқори бўлиб картошка сифатига салбий таъсир этади. Шунинг учун эрталаб кун исигунча ва кечқурун ҳарорат пасайган даврида ковлаб пешмапеш териб, офтоб тифидан олиб қўйиш лозим.

Сақланадиган эртаки картошка тўла пишганда ковланади. Уни ўз вақтидан кечикиб ковланса сифати ёмонлашади ва бир оз сўлиб, яхши сақланмайдиган бўлиб қолади.

Ковланган картошкани тезда қоплаб, яшикларга солиб омборга қўйиш зарур. Бунда картошка яшиклари устма-уст тахлаб қўйилади, бир яшик билан иккинчи яшик ўртасида 10 см катталиқда тирқишилдирилади. Ҳар бир тўп яшик орасида 40–50 сантиметрли йўл қолдирилади.

Картошка ҳаво ҳарорати 20–25 оС, нисбий намлиги 60–65% бўладиган оддий хоналарда 1,5–2 ойгача анча яхши сақланади. Бинобарин, бундай картошкаларни чуқур ва ярим чуқур ертўлаларда хам икки ойгача bemalol сақлаш мумкин.

Картошка сақланадиган жойга айниқса, уй-рўзгор шароитида ёруғлик тушмаслиги керак. Акс ҳолда туганак устида кўк рангли соланин моддаси пайдо бўлади ва у аччиқ таъм беради.

Эртаки карамни уй-рўзгор шароитида 7–10 кун целлофан халталарга солиб совитгичда сақласа бўлади.

Шолғом ва турп уруғи асосан августда сепилади. Бунда *шолғомнинг* Наманган маҳаллийси, Самарқанд маҳаллийси, Муяссар, *турпнинг* Андижон–9, Марғилон маҳаллийси, *дайкон ёки япон турпининг* Куз ҳадяси ва Содик навларини экиш тавсия этилади.

Мазкур экинлар уруғи мамлакатимизнинг марказий минтақасида жойлашган ва водий вилоятларида 1–15 августда, шимолий ҳудудларда

25 июль–10 август ва жанубда 20 август–20 сентябрда сочма қилиб экилади. Эгат ораси 70 см ёки 60 см бўлиши лозим.

Бунда турп уруғи 10 сотихга 400–500 г, шолғол уруғи эса 200–300 г меъёрда сарфланади. Турп уруғи 2 см, шолғом уруғи эса 1,5 см чуқурликда экилади. Хаскаш ёрдамида тупроққа аралаштирилади.

Экин парваришда бегона ўтларни йўқотиш, ягана қилиш, эгат бағрини юмшатиш ва заарли ҳашаротларга қарши курашга жиддий эътибор бериш зарур.

Пиёз уруғи августнинг иккинчи ярми, сентябрнинг биринчи ўн кунлигига сепилади. Бунда пиёзниң маҳаллий эртапишар Сумбула навини экиш тавсия этилади.

Пиёз уруғи ернинг нишаблигини инобатга олган ҳолда 70–90 см оралиқда сочма ҳолда сепилади. Ургуларнинг 1,5–2 см чуқурликка кўмилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

10 сотихга 1,4–1,6 кг уруғ сарфланиб, кўчат ораси 5–6 см. ни ташкил этади.

Дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6–8 см. га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда экин икки-уч марта ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор оралари 15–16 см чуқурликда юмшатилади.

Кўзланган ҳосилни олиш учун томорқага маҳаллий ўғит бериш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, пиёзни кўчат қилиб экиш ҳам мумкин. Бунинг учун юқоридаги экиш муддатида 0,1 га майдонга 4–5 кг уруғ сепилади ва пиёз кўчати 2–4 барг чиқаргандан сўнг томорқага ноябрь-февраль ойида кўчириб ўтказилади.

Бунда уруғ 3–4 баробар кам сарфланади ҳамда ўтоқ ва ягана қилиш учун меҳнат сарфи камаяди ва маҳсулотнинг товарбоплиги юқори бўлади.

Сабзавот экинларидан бир мавсумда 3–4 марта ҳосил етишиши



Бодринг күчатлари плёнка остига 10 мартгача экилади. Ҳосил 40–45 кундан кейин 20–25 апрелда пишиб етилади. Бодринг ҳосили июнь ойининг биринчи ўн кунлигига тўлиқ йиғишириб олинади. 1–5 апрель кунлари ёпилган плёнкалар очилади, бодринг палаклари териб олинган пушталар юмшатилади. Уларнинг устига тезпишар маккажўхори уруғи 2 қатор қилиб экилади. Иккинчи экин – маккажўхори ҳосили томорқадан июнь ойининг охиригача йиғиб олинади.

Маккажўхоридан бўшаган ерга 10–15 август оралиғида учунчи ҳосил учун турп ва шолғом уруғи экилади. Ноябрь ойининг 2-ярмида турп ҳосили йиғишириб олинади. Турп ва шолғом экилган пушталарнинг ҳар икки ёнига тўртинчи ҳосил учун 2-қатор қилиб сабзи уруғи экилади. Сабзи ҳосили ҳам турп ҳосили билан бир вақтнинг ўзида йиғишириб олинади.

Вигна (Ловия)ни тақрорий экин сифатида етишиши



Экиш учун тавсия этилган навлар: маҳаллий навлар экилади.

Уруглик танлаш ва экишга тайёрлаш. Бир хил ўлчамли, тўла этилган, шикастланмаган уруғлар экилади.

Ерни экишга тайёрлаш. Вигна қузги дон экинларидан ва чопиқ қилинадиган экинлардан кейин экилади. Бир экилган жойга 2–3 йилдан кейин қайта экилади. Ер ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 25–27 см чуқурликда юмшатилиб, текисланади.

Экиш муддати ва схемаси. Вигна уруғи июнь–июль ойларида 60x20, 60x15схемада экилади. Экиш чуқурлиги 3–5 см. 10 сотихга 6 кг уруғ сарфланади.

Парваришилаш. Ягана қилинмайди. Суғориладиган шароитда шоналашгача 1–2 марта, шоналаш-гуллаш даврида 2 марта суғорилади.

Ўзитлаш. Ўтмишдош экинга гўнг солинади. Талаб қилинса 10 сотих майдонга соф мода ҳисобида 3–5 кг азот, 2–3 кг фосфор, 3–3,5 кг калий сепилади. Фосфор ва калий ерни тайёрлаш вақтида солинади. Азотли ўғит амал даврида сепилади.

Ҳосилни йигиштириши. Дон олиш учун дуккакнинг 75–80 фоизи етилганда ҳосил йифилади. Пояси дағал хашак сифатида чорва молларига озуқа бўлади

Кунгабоқарни тақорорий экин сифатида етиштириши



Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Жаҳонгир, Дилбар, Наврўз ва Ҳ.К.

Ургулек танлаш ва экишга тайёрлаш. Экиш учун йирик, тўла етилган ва шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаш. Кунгабоқар кузги дон экинларидан, картошка, сабзавот, маккажўхоридан бўшаган ерларга экилади. Даствори өр ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади ва 25–27 см чуқурликда юмшатилиб, текисланади.

Экиш муддати ва схемаси. Кунгабоқар тақорорий экин сифатида июнь ойининг 15 санасидан кейин ва 10 يولгача экилади. Қатор ораси 60, 70 см, экиш тизими 60x20, 70x15 бўлади. Бунда 10 сотих майдонга 1 кг уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 5 –7 см.

Парваришилаш. Ўсув даврида қатор орасига ишлов берилади, суғорилади. Суғориш сони 3–5 марта, ўтоқ ва чопиқ қилинади.

Ўзитлаш. 3 кг фосфор, 8 кг калий ва 6 кг азот сепилади.

Ҳосилни йигиштириши. Кунгабоқарнинг савати етилганда сават кесиб олинади, поялар ўрилади. Сават қуритилади, янчилади, намлиги 9 фоиздан ошмаслиги керак.

Ловия (Фасоль)ни тақрорий экин сифатида етиштириши



Ловия – дуккаклилар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик дуккакли дон экини. Илдизи ўқ илдиз, яхши ривожланади, тупроққа 1,5–2 м чуқурликкача кириб боради. Илдизида туганаклар ривожланади. Пояси ўтсимон шохланади, айрим турлари чирманиб, 3–4 м. гача етади. Меваси дуккак, ранги оч пушти ёки тўқ жигарранг, қора. Дуккагида 6–12 та уруғ бўлади. Уруғи буйраксимон, ранги оқ, сариқ, пушти. 1000 донаси 50–370 г. Ловия иссиқсевар ўсимлик, уруғи 8–10 °С да униб чиқади. Майсаси 0,5–1 °С совуқда нобуд бўлади. Ловия намсевар, унумдор тупроқ шароитларига талабчан. Ўсув даври 75–120 кун. Ёрмаси оқсилга бой, юқори калорияга эга. Дони таркибида 20–31% оқсил, 0,7–3,6% мой, 50% крахмал, 2,3–7,1% клетчатка мавжуд. Пояси чорва моллари учун яхши озуқа ҳисобланади. Ҳосилдорлиги 25–40 ц/га. Ловия заараркунандалари: ловия ва нўхат донхўрлари; касалликлардан энг кўп заарлайдигани антракноз ва бактериоз.

Экиши учун тавсия этилган навлар: маҳаллий навлар экилади.

Уруғлик танлаши ва экишига тайёрлаши. Бир хил ўлчамли, тўла этилган, шикастланмаган уруғлар экилади.

Ерни экишига тайёрлаши. Фасол кузги дон экинларидан ва чопик қилинадиган экинлардан кейин экилади. Бир экилган жойга 2–3 йилдан кейин қайта экилади. Даала ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланиб, ер 25–27 см чуқурликда юмшатилади ва текисланади.

Экиши муддати ва усули. Фасол уруғи июнь–июль ойларида қатор ораси 60–70 см қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 4–6 см. 10 сотих майдонга 6–8 кг уруғ сарфланади.

Парваришлаши. Ягана қилинмайди. Суғориладиган шароитда шоналашгача 1–2 марта, шоналаш-гуллаш даврида 2 марта суғорилади.

Ўзитлаши. Ўтмишдош экинга гўнг солинади. Талаб қилинса 10 сотих майдонга соф мода ҳисобида 3–5 кг азот, 2–3 кг фосфор, 3–3,5 кг калий сепилади. Фосфор ва калий ерни тайёрлаш вақтида солинади. Азотли ўғит амал даврида сепилади.

Ҳосилни йигиштириши. Дон олиш учун дуккакнинг 70–75 фоизи этилганда ҳосил йигилади. Пояси чорва моллари учун озуқа бўлади.

Маржумакни тақрорий экин сифатида етишиши



Маржумак (гречиха) – ўтсимон дон экини. Маржумакнинг бўйи 50–150 см. га етади. Пояси шохланади, яланғоч, қиррали, қизғиши-яшил. Меваси 3 қиррали, кўнғир, қора ёки кулранг. Дони таркибида 12-18% оқсил, 59-62% азотсиз экстрактив моддалар, 2,5–2,7% мой бор, фосфор, органик кислоталарга бой. Донидан турли ёрмалар ва ун тайёрланади. Чиқиндилари чорва учун озуқа. Маржумак намсевар, иссиқсевар экин. Ниҳоллари -2 °C совуқда заарланади. Вегетация даври 70–90 кун. Асаларилар ёрдамида чангланади. Тупроқ унумдорлигига қараб ҳосилдорлиги 30–44 ц/га. Зааркунандалари: симқурт, битлар; касалликлари: кулрангчириш, занг, қоракуя.

Экин учун тавсия этиладиган навлар: Агидель, Илишевская, Инзерская, Чисменская ва ҳ.к.

Ургулек танлаш ва экишга тайёрлаш. Экиш учун рўвакнинг энг юкори қисмидаги серҳосил уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаш. Маржумак кузги донли экинлар, картошка маккажӯхори, қанд лавлаги, маккажӯхори, дон-дуккакли экинлардан кейин экилади. Ерни экишга тайёрлаш ўтмишдош экинларнинг қолдиқларидан тозаланади ва 20–22 см чуқурлиқда юмшатилади, текисланади.

Экиш муддати ва схемаси. Маржумак уруғи июлнинг охири ва 10 августргача ёппасига қаторлаб экилади. Қатор ораси 15 см бўлганда, 10 сотих майдонга 5–6 кг уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 4–5 см.

Парваришлаш. Ўсимликлар ягана қилинмайди. Экин вегетация мобайннида 2–4 марта суғорилиб, ўтоқ қилинади. Суғоришлардан кейин ер юмшатилади, биринчиси 4–5 см, иккинчиси 6–8 см чуқурлиқда.

Ўзитлаш. Маҳаллий гўнг ерни экишга тайёрлаш пайтида солинади (10 сотихга 2 т ҳисобида). Зарур ҳоларда (гўнг етмаганда) 10 сотихга 4 кг азот, 2 кг фосфор, 4 кг калий берилади.

Ҳосилни йигиштириши. Маржумак донлари тўла етилганда ўриб олинади. Пояси чорва моллари учун озуқа бўлади.

Моши тақрорий экин сифатида етишиши



Моши – дуккакдошлар оиласига мансуб бир йиллик дуккакли экин. Ўқ илдизи тупроққа 1,5 метргача кириб бориб, азот түплайдиган туганаклар ҳосил қиласы. Сершох пояси 20–100 см ёйилиб, тик ёки чирмашган ҳолда ўсади, барглари кенг, йирик. Меваси дуккак, ингичка, цилиндриксимон, узунлиги 6–18 см, ичиде 6–15 та уруғ бўлади. Уруғи сарик, яшил ва қора, 1000 дона уруғи вазни 40–80 г. Мош иссиқсевар, уруғи 12–15° ҳароратда 5–7 кунда униб чиқади. Майсалари 1–2 °С совуқда нобуд бўлади. Мош намсевар ўсимлик. Уругининг кўкариб чиқиши учун вазни баробарида сув бериш керак. Айникса, шоналаш даврида сувни кўп талаб қиласы. Соя жойларда яхши ривожланмайди. Унумдор ўтлоқи тупроқда яхши ўсади. Ўзидан чангланади.

Юртимиз шароитида дони баҳорда экилгани 85–95, ёз охирида экилгани 60–65 кунда етилади. Дони таркибида 24–28% оқсил, 46–50% крахмал, 2–4% мой ва витаминлар бор. Мош озиқ-овқатда қўлланилади, осон ҳазм бўлади, унидан макарон тайёрлашда фойдаланилади. Кўк масса учун чорвачиликда тўйимли озуқа, поясидан силос бостириш мумкин. Касалликлари: фузариоз, бактериоз, аскохитоз, сарик мозаика; заараркунандалари: чертмакчи қўнғизлар, яланғоч шиллиқ қурт, дала қандаласи.

Экини учун тавсия этиладиган навлар: Победа–104, Радость, Наврӯз, Қаҳрабо ва ҳ.к.

Уруглик танлаш ва экинига тайёрлаш. Экиш учун йирик, тўқ ва шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экинига тайёрлаш. Моши кузги дон экинларидан, картошка, сабзавот, маккажўхори, шоли ва бошқа экинлардан бўшаган ерларга экиш мақсадга мувофиқ. Баҳорда экиш учун ер кузда чопилади, эрта баҳорда тирмаланади. Экишгача бегона ўтлар кўпайиб тупроқ қотиб қолган бўлса қайта чопиқ қилинади. Анғизга экилса олдинги экиннинг ҳосили йиғилиб, ер суғорилади. Ер етилганда 22–25 см чуқурликда юмшатилади.

Экини муддати ва схемаси. Мош апрель ойининг охирида ёки май ойида ва тақрорий экин сифатида июнь ойининг охирида кенг қаторлаб экилади. Қатор ораси 60 см, экиш тизими 60x20, 60x15 бўлади. Экиш меъёри 10 сотихга 25000–40000 дона.

Парваришилаш. Ўсув даврида 3–5 марта сүфорилади, ўтоқ қилинади, қатор оралари чопиқ қилинади. Гуллаш ва дон тугиш даврида кўпроқ сүфорилади.

Ўғитлаш. Чопиқдан олдин 10 сотихга соф модда ҳисобида 4–6 кг фосфор ва 2–4 кг калий солинади. Шоналаш ва гуллаш даврида 2–3 кг фосфор ва 1–2 кг калий солинади. Тупроқда чиринди ва азот миқдори кам бўлса азотли ўғитлар қўлланилади. Азотли ўғитларни экишдан олдин ва ўсув даврида солиш мумкин, меъёри – 2–3 кг. Агар азотли ўғитнинг нормаси ошиб кетса, биологик азот ўзлаштирилмайди. Бегона ўтларга қарши дуккакли-дон экинларда қўлланадиган гербицидлар ловияда ҳам ишлатилади.

Ҳосилни йигиштириши. Дуккакларнинг 75–80 фоизи пишганда ҳосил йифилади. Пишганда дон навига хос тусга киради. Ҳосилни эрталаб ёки кечкурун дуккаги кам чатнайдиган вақтда йигиш лозим. Экин ўрилади, хирмонда куритилади. Дон янчиб олинади. Кўк масса учун ва пояси молларга берилади.

Сояни тақрорий экин сифатида етиштириши



Соя – дуккадошларга мансуб бир йиллик дуккакли дон ва мойли экин. Пояси дағал, цилиндрический, тик ўсади, аммо ётиб қоладиган навлари ҳам бор. Бўйи 15 см. дан 2 м. гача, ён шохлари 2–8 та бўлади. Барги сертуқ, бандли, бандининг узунлиги 8–20 см. Меваси – дуккак, сарик, қора, қўнғир, сертуқ. Ҳар бир дуккагида 2–6 та дон бор, 1000 дона донининг вазни 40–42,5 ???г. Таркибида 24–45% оқсил, 13–37% ёғ, 20–32% углеводлар, қўплаб витаминалар бор. Ўсув даври 75–200 кун. Соя иссиқсевар ва намсевар, ёруғсевар, қисқа муддатли ўсимлик. 21–23 °C да яхши ривожланади. Уруғи 8–10 °C да униб чиқади. Соя ўзидан чангланади. Ундан соя уни ва мойи олинади. Дони, пишиб етилмаган (думбул) дуккаги овқатга ишлатилади. Сомони, тупони, кўк пояси, силоси озуқа сифатида чорва молларига берилади. Касалликлари: бактериоз, септориоз, аскохитоз, фузариоз. Заараркуннадалари: тунламлар, ўргимчакканда, қоракуя.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар: Ўзбекистон–2, Орзу Нафис, Олтин тож, Ойжамол ва ҳ.к.

Уруглик танлаш ва экишига тайёрлаш. Экиш учун йирик, тўла этилган ва шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишига тайёрлаш. Соя кузги дон экинларидан, картошка, сабзавот, маккажӯхоридан бўшаган ерларга экилади. Ер ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, камида 20–22 см чуқурликда юмшатилади ва текисланади.

Экиши муддати ва схемаси. Соя тақорорий экин сифатида 15 июнь – 10 июлда 60x5, 70x3 схемада экилади. Қатор ораси 60 см бўлганда 10 сотих майдонга 6–10 кг уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 4–5 см.

Парваришилаш. Ўсув даврида қатор орасига ишлов берилади. 3–5 марта сугорилиб, ўтоқ қилинади.

Ўғитлаш. 4 кг фосфор, 6 кг калий ва 8 кг азот сепилади.

Ҳосилни йигиштириши. Соя дуккакларининг 75–80 фоизи пишганда йиғиб олинади ва қуритилади. Поялар эрталаб ёки кечқурун йифилса дуккаги кам чатнайди ва шикастланмайди. Бунда йифилган доннинг намлиги 14 фоиздан ошмаслиги керак.

Тариқни тақорорий экин сифатида етиштириши



Тариқ – бошоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик дон экини. Илдизи попуксимон, 150 см чуқурликкача боради. Пояси – похолпоя (20–150 см). Дони қобиқли, шакли юмалоқ, овал ёки чўзиқ, ранги оқ, сариқ, қизғиш, жигарранг, 1000 донасининг вазни 4–9 г. Тариқ иссиқсевар, қурғоқчиликка, шўрга чидамли ўсимлик. Уруғи ҳарорат 8–10 °C бўлганда униб чиқади, 12–15 °C да майсалари кўқара бошлайди. Ўсув даври 60–100 кун. Донида 10–15% оқсил, 50% углевод, 3,8% мой мавжуд. Донидан спирт олишда, бўза тайёрлашда фойдаланилади, сўк, ёрма, ун тайёрланади. Оқланган дони (сўк) мазали ва тўйимли озиқа хисобланади. Тариқ уни нон ёпишда кўпинча жавдар унига қўшилади. Касалликлари: қора куя, бактериоз. Заараркундалари: тариқ чивини, поя парвонаси ва бошқалар.

Экиши учун тавсия этиладиган навлар: Саратовская–853.

Уруглик танлаш ва экишга тайёрлаш. Экиш учун рўвакнинг энг юқори қисмидаги серҳосил уруғлар танлаб олинади. Уруғ тозаланади, сараланади. Экиладиган уруғ бир текисда, давлат андозасига жавоб бериши керак. Уруғларга экишдан олдин Витовакс 200 ФФ (300 г/ц), Фундазол (300 г/ц) препаратлари ва парда ҳосил қилувчи пливинил спирти (ПВС) билан қўшиб ишлов берилади.

Ерни экишга тайёрлаш. Тариқ ўсимлиги яхши ишланган ерни талаб қиласди. Даля ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланиб, ер 25–27 см чуқурликда юмшатилади ва текисланади. 10 сотих майдонга 6–7 кг фосфорли, 4–5 кг калийли ўғитлар солинади, 20–25 см чуқурликда чопилади, кейин текисланади.

Экиш муддати ва схемаси. Суғориладиган ерларда ангизга тақрорий экин сифатида июнь ойида ва июлнинг бошларида 45x15 ёки 60x15 см схемада экилади. Экиш чуқурлиги 4–5 см. 10 сотих майдонга 1,2–1,6 кг уруғ сарфланади.

Парваришилаш. Ўсимликлар ягана қилинмайди. Ўсув даврида биринчи суғориш ўсимлик 3–4 барг ҳосил қилганда, иккинчиси найчалаш фазасида, учинчиси рўваклашда ўтказилади. Суғоришлардан кейин чопилади: биринчиси 4–5 см, иккинчиси 6–8 см чуқурликда.

Ўзитлаш. Маҳаллий гўнг ерни экишга тайёрлаш пайтида солинади (10 сотихга 2 т). Зарур ҳолларда 10 сотихга 5–6 кг азот, 10–10,5 кг фосфор, 7–8 кг калий берилади.

Ҳосилни йигиштириши. Рўвақдаги доннинг 80–85 фоизи етилганда ўриб олинади. Дасталар 3–5 кундан кейин янчилади.

Ясмиқни тақрорий экин сифатида етиштириши



Ясмиқ – дуккакдошлар оиласига мансуб бир йиллик донли ўтсимон ўсимлик турқуми, дон экини. Ясмиқнинг илдизи ўқилдиз, бўйи 60–70 см. Меваси дуккак, уруғи юмалоқ, сариқ, пушти, яшил, жигарранг. 1000 дона уруғи вазни 20–65 г. Уруғи таркибида 2,3–3,2% оқсил, 0,6–2,1% ёғ, 47–70% крахмал, 2,3–4,4% кул, 2,4–4,9% клетчатка, шунингдек, витаминалар бор. Ясмиқ дони, умуман кўк массаси, тўпони чорва моллари учун қимматли озуқа ҳисобланади. Ясмиқ баҳори, иссиқсевар, намсевар, қисқа кун ва узун кун ўсимлиги. Уруғи 4–5 °C да 8–10 кунда униб чиқади. Навига қараб ўсув даври 80–120 кун. Қисқа муддатли совуқлар (-8 °C)га чидамли. Ҳосилдорлиги 20–22 ц/га (баъзан 30–35 ц/га).

Экиш учун тавсия этилган навлар: Дармон, Олтин дон ва ҳ.к.

Уруғлик танлаш ва экишга тайёрлаш. Бир хил ўлчамли, тўла этилган, шикастланмаган уруғлар экилади.

Ерни экишга тайёрлаш. Ясмиқ кузги дон экинларидан ва чопик қилинадиган экинлардан кейин экилади. Даала ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланиб, ер 25–27 см чуқурликда юмшатилади ва текисланади.

Экиш муддати ва усули. Кузги дон экинлари билан бир вақтда экилади. Бу ўртача октябрь ойига түғри келади. Суғориладиган ерларда ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 3–5 см. 10 сотих майдонга 6–9 кг (Олтин дон нави уруғи майда, Дармон нави уруғи йирик) уруғлик сарфланади.

Парваришлаш. Ягана қилинмайди. Суғориладиган шароитда шоналашгача 1–2 марта, шоналаш-гуллаш даврида 2 марта сугорилади. Суғориш учун жўяклар олинади, ораси 60 см бўлади.

Ўзитлаш. Ўтмишдош экинга гўнг солинади. Талаб қилинса 10 сотих майдонга 3–5 кг соф мода ҳисобида азот, 4–6 кг фосфор, 2–3 кг калий сепилади. Ер тайёрлаш вақтида фосфор ва калий сепилади. Азотли ўғит амал даврида сепилади.

Ҳосилни йигиштириши. Дон олиш учун дуккакнинг 50% етилганда ҳосил йифиб олинади.

XII.БОБ. Томорқаларга оралиқ экинларни экиш ва парваришлаш

Бурчоқни оралиқ экин сифатида етиштириши



Бурчоқ – дуккақдошларга мансуб бир йиллик ўсимлик. Пояси 4 қиррали, барги жуфт патсимон, мураккаб, гуллари зангори, пушти, қизил, бинафша ранг. Дуккаклари узунчоқ ва бир оз ясси, 4–7 уруғли. Бурчоқ асосан ем-хашак экини бўлиб, дон, кўкпоя, пичан олиш ва силос бостириш ҳамда чорвани ўтлатиш учун экилади.

Унинг донларида оқсил моддаси нўхат ва ўрис нўхатга нисбатан кўп бўлади. Уруғида 24,30% оқсил, 0,81% мой, 50,55% крахмал, 3–6% клетчатка бор. Бурчоқ жуда тўйимли озуқа. Тупроқда азот тўпловчи ўсимлик. Гектаридан 35–50 ц дон, 100 ц тўпон (сомон) беради. Кўк ўт ҳосили 300 ц атрофида.

Уруғлик танлаши ва экишига тайёрлаши. Экилганда бир ўлчамдаги йирик, тўла етилган, шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишига тайёрлаш. Бурчоқни кузги дон экинларидан, картошка, маккажўхоридан бўшаган ерларга эккан маъқул. Дуккакли экинлардан бўшаган ерларга экилмайди ва бир экилган далага 2–3 йилдан кейин қайта

екилади. Ер ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 25–27 см чуқурлиқда юмшатилиб, текисланади.

Экиш муддати ва усули. Кузги дон экинлари билан бир вақтда экилади. Бу ўртacha октябрь ойига түғри келади.

Суғориладиган ерларда ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 4–5 см. 10 сотих майдонга 10 кг уруғ сарфланади.

Парваришилаш. Ягана қилинмайди. Суғориладиган шароитда кузги амал даврида 1–2 марта суғорилади, баҳорги амал даврида 1 марта суғорилади. Суғориш учун жўяклар олинади, ораси 60 см бўлади.

Ўзитлаш. Ҳайдов олдидан ерга гўнг солинади. Талаб қилинса 10 сотих майдонга соғ модда ҳисобида 4–5 кг азот, 2 кг фосфор, 4 кг калий сепилади. Фосфор ва калий ерни тайёрлаш вақтида солинади. Азотли ўғит баҳорги амал даврида сепилади.

Хосилни йигиштириши. Дон олиш учун дуккакнинг 60% етилганда хосил ўриб олинади – бу май–июнь ойларига түғри келади. Кўк масса олиш учун март–апрель бошларида ўрилади.

Викани оралиқ экин сифатида етиштириши



Вика – дуккақдошлар оиласига мансуб бир ва қўп йиллик ўсимликлар туркуми, ем-хашак экини. Пояси тўрт қиррали. Барглари патсимон мураккаб. Гуллари оқ, ўзидан, баъзан четдан чангланади. Меваси (дуккаклари) яссироқ бўлиб, 4–8 уругли, 100 кг пичанида 45,8 озуқа бирлиги ва 12,3 кг ҳазм бўладиган протеин бор. 1000 дона уруғи вазни 400–1300 г. Уруғи таркибида 24–30% оқсил бор. Гектаридан 200–250 ц кўк масса, 30–60 ц пичан, 20 ц дон олиш мумкин. Вика тупроқда жуда кўп миқдорда азот тўплайди, шунинг учун кўпгина экинларга яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Уруғлик танлаш ва экишга тайёрлаш. Экиш учун бир ўлчамдаги иирик, тўла етилган, шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаш. Вика кузги дон экинларидан, картошка, маккажўхоридан бўшаган ерларга экилади. Дуккакли экинлардан бўшаган ерларга экилмайди ва бир экилган далага 2–3 йилдан кейин қайта экилади. Ер ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 25–27 см чуқурлиқда юмшатилиб, текисланади.

Экиш муддати ва усули. Кузги дон экинлари билан бир вақтда экилади. Бу ўртача октябрь ойига түгри келади. Ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 4–5 см. 10 сотихга 8 кг уруғ сарфланади.

Парваришилаш. Ягана қилинмайди. Кузги амал даврида 1–2 марта, баҳорги амал даврида 1 марта суғорилади. Суғориш учун жүяклари ораси 60 см. ни ташкил этади.

Үгитлаш. Ўтмишдош экинга гўнг солинади. Талаб қилинса 10 сотих майдонга соф мода ҳисобида 3–4 кг азот, 4 кг фосфор, 6 кг калий сепилади. Фосфор ва калий ерни тайёрлаш вақтида солинади. Азотли ўғит баҳорги амал даврида сепилади.

Ҳосилни йигиштириши. Дон олиш учун дуккакнинг 75 фоизи этилганда ҳосил ўриб олинади – бу май–июнъ ойларига түгри келади. Кўк масса олиш учун март–апрель бошларида ўрилади. Пояси ва Кўк масса учун молларга берилади.

Кўк нўхатни оралиқ экин сифатида етишиши



Нўхат – дуккаклилар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимлик туркуми, дуккакли дон экини. Пояси ўтсимон, тик ўсади, дағал, қовурғали, сершоҳ, тукли, бўйи 30–70 см. Меваси – дуккак, дукағида 1–2 та, гоҳо 3 та дон бўлади. 1000 та уруғининг вазни 220–300 г, гоҳида 600 г. гача боради. Донининг ранги оқ, пушти, тўқ-сариқ. Нўхат иссиқсевар, ёргесевар, баҳори экин. Бошқа дуккакли экинларга нисбатан қурғоқчилик ва шўрга чидамли, уруғи 2–5 °C ҳароратда униб чиқади, паст ҳароратда секин ўсади. Майсаси баҳорги 6–8 °C гача совуққа чидайди. Намлик меъёрдан ортиқ бўлса касалланади, шона ва гули тўкилади. Ўзидан чангланади. Ўсув даври 70–190 кун. Нўхат донидан ёрма, айниқса, ўзбек пазандачилигига ҳар хил таомлар, қандолат маҳсулоти тайёрланади, унидан нон ёпилади (буғдой унига 10–20% кўшилади). Дони таркибида 19–33% оқсил, 4–7% мой, 0,2–4,0% кул, 48–61% азотсиз моддалар, 2–12% клечатка, витаминалар ҳамда аминокислоталар мавжуд. Бир мавсумда бир гектар ерда Нўхат илдизлари 50–70 кг соф модда ҳисобида азот тўплайди. Нўхат юртимизнинг лалми ерларида 6–8 ц/га, суғориладиган ерларда 22–32 ц/га ҳосил беради. Касалликлари: аскохитоз ва фузариоз; зааркунандалари: нўхат донхўри, нўхат бити, нўхат трипси.

Экиш учун тавсия этилган навлар: Жасур–98, Осиё–2001 ва ҳ.к.

Ургулук танлаш ва экишга тайёрлаш. Экиш учун бир ўлчамдаги йирик, тўла этилган, шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаш. Кўк нўхат кузги дон экинларидан, картошка, қанд лавлаги, маккажўхоридан бўшаган ерларга экилади. Дуккакли экинлардан бўшаган ерларга экилмайди ва бир экилган далага 5–6 йилдан кейин қайта экилади. Ер ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 25–27 см чуқурликда юмшатилиб, текисланади.

Экиш муддати ва усули. Кузги дон экинлари билан бир вақтда экилади. Бу ўртача октябрь ойига тўғри келади.

Суғориладиган ерларда ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 4–5 см. Кўк нўхатнинг пояси тик ўсмайди, шунинг учун унга таянч ўсимлик – арпа қўшиб экилади. 10 сотих майдонга 10 кг кўк нўхат, 6–10 кг арпа уруфи экилади.

Парваришилаш. Ягана қилинмайди. Суғориладиган шароитда кузги амал даврида 1–2 марта суғорилади, баҳорги амал даврида 1 марта суғорилади. Суғориш учун жўяклар олинади, ораси 60 см бўлади.

Ягана қилинмайди. Кузги амал даврида 1–2 марта суғорилади. Баҳорги амал даврида 1–2 марта суғорилади, ўтоқ қилинади.

Ўзитлаш. Ўтмишдош экинга гўнг солинади. Талаб қилинса 10 сотихга соф модда ҳисобида 4–5 кг азот, 2 кг фосфор, 4 кг калий сепилади. Фосфор ва калий ерни тайёрлаш вақтида солинади. Азотли ўғит амал даврида сепилади.

Ҳосилни йигиштириши. Дон олиш учун дуккакнинг 60 фоизи этилганла ҳосил ўриб олинади. Бу май–июн ойларига тўғри келади. Ўрилган ҳосил ажратилади ва кўк нўхат ҳамда арпа алоҳида-алоҳида янчилиб, тозаланади. Кўк масса учун эса март–апрель ойида ўриб олинади. Пояси молларга берилади.

Хашаки кўк нўхатни оралиқ экин сифатида етиштириши



Экиш учун тавсия этилган навлар: Восток–55, Восток–84 ва ҳ.к.

Ургулук танлаш ва экишга тайёрлаш. Уруғлар турлари бўйича 3 хил бўлади: майда уруғлар – диаметри 3,5–5 мм, 1000 донасининг вазни 150 г. гача, ўртача уруғлар диаметри 5–7 мм, 1000 донасининг вазни 200 г ва йирик уруғлар – диаметри 7–10,5 мм, 1000 донасининг вазни 250 г. дан ортиқ.

Экилганда бир хил катталиқдаги, тұла етилган, шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни әкишга тайёрлаш. Күк нұхатни кузги бошоқли дон әкинлари, картошка, қанд лавлаги, маккажүхоридан бўшаган ерларга эккан маъкул. Дуккакли әкинлардан бўшаган ерларга экилмайди. Бир экилган далага 5–6 йилдан кейин қайта экилади. Ер ўтмишдош әкинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 25–27 см чуқурликда юмшатилиб, текисланади.

Әкиш муддати ва усули. Кузги дон әкинлари билан бир вақтда экилади. Бу ўртacha октябрь ойига тўғри келади. Суғориладиган ерларда ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см қилиб экилади. Лалми ерларда кенг қаторлаб, қатор ораси 45 см қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 4–5 см. 10 сотих майдонга суғориладиган ерларда 10–20 кг, лалми ерларда – 6 кг уруғ сарфланади.

Парваришилаш. Ягана қилинмайди. Суғориладиган шароитда кузги амал даврида 1–2 марта, баҳорги амал даврида 1 марта суғорилади. Суғориш учун ораси 60 см бўлган жўяклар олинади.

Ўғитлаш. Ўтмишдош әкинга гўнг солинади. Талаб қилинса 10 сотих майдонга соф модда ҳисобида 6 кг азот, 6 кг фосфор, 3 кг калий сепилади. Фосфор ва калий ерни тайёрлаш вақтида сепилади. Азотли ўғит амал даврида сепилади.

Ҳосилни йиғиштириши. Дон олиш учун дуккакнинг 60 фоизи етилганда ҳосил йиғилади – бу май-июн ойларига тўғри келади. Күк массаси март–апрель ойларида ўриб олинади ва молларга берилади.

Кузги рапсни оралиқ әкин сифатида етиштириши



Rapс – бир йиллик мойли ва ем-хашак әкини. Илдизи дуксимон, пояси сершох, бўйи 50–150 см. Барглари ғуж, бандли, кам тукли. Дони шарсимон, ранги оч қорамтири. 1000 дона уруғи вазни 3–7 г. Уруғи 1–3 °C да униб чиқади, 15–20 °C да яхши ўсиб-ривожланади. Кузги рапснинг вегетация даври 270–300 кун, баҳоргисиники 95–110 кун. Четдан чангланади. Рапс уруғи таркибида 32–50% мой, 23% оқсил мавжуд. Мойи овқатга ишлатилади. Чорва моллари учун яхши озуқа ҳисобланади. 150 ц/га. дан тортиб 250 ц/га. гача кўк масса беради. Донининг ҳосилдорлиги 15–25 ц/га. Асосий заараркунандалари: рапс аракаши, рапс баргхўри, карам оқ қурти, рапс

гулхўри, яширин хартумлилар. Касалликлардан альтернариоз, сохта кул касаллиги. Кураш чоралари: ерни кузда чуқур юмшатиш, бегона ўтларни гербицидлар билан йўқотиш, экинларга инсектицидлар сепиши.

Ургулик танлаши ва экишига тайёрлаши. Экиш учун бир хил катталиқдаги, тўла етилган, шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишига тайёрлаши. Кузги рапс кузги дон экинларидан, картошка, қанд лавлаги, маккажўхоридан бўшаган ерларга экилади. Дуккакли экинлардан бўшаган ерларга экилмайди. Бир экилган далага 4 йилдан кейин қайта экилади. Ер ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 25–27 см чуқурликда юмшатилиб, текисланади.

Экиши муддати ва усули. Кузги дон экинлари билан бир вақтда экилади. Бу ўртacha октябрь ойига тўғри келади. Ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 2–3 см. 10 сотих майдонга 1,2–1,5 кг уруғ сарфланади.

Парваришилаши. Ягана қилинмайди. Суғориладиган шароитда кузги амал даврида 1–2 марта, баҳорги амал даврида 1–2 марта суғорилади. Суғориш учун ораси 60 см бўлган жўяклар олинади.

Ўғитлаши. 10 сотих майдонга соф модда ҳисобида 9 кг азот, 6 кг фосфор, 6 кг калий сепилади. Ер тайёрлаш вақтида фосфор ва калий сепилади. Азотли ўғит амал даврида сепилади.

Хосилни ишештириши. Уруғ олиш учун тўла етилганла хосил ийғилади –бу май–июнь ойларига тўғри келади. Кўк массаси март–апрель ойида ўриб олинади.

Сақланадиган уруғнинг намлиги 8 фоиздан ошмаслиги талаб қилинади. Рапс моллар учун тўйимли озиқадир.

Кўноқни оралиқ экин сифатида етиштириши



Кўноқ – қўнғирбошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликлар туркуми; ғалла ва ем-хашак экини. Пояси тук билан қопланган, бўйи 70–150 (анғизга экилган ўсимликнинг бўйи 160–190) см, барглари 8–9 та. 1000 дона уруғи вазни 1,5–2,5 г. Уруғи 10–12 °C да униб чиқади. Майсаси қисқа муддатли 1–2 °C совуққа чидайди. Ўсув даври 75–100 кун, қурғоқчиликка чидамли. Кўноқ донида 10,5%, кўк поясида 14,5% протеин бор. Дони ёрма тарзидаги овқатга ишлатилади, хонадонларда боқиладиган сайроқи қушларга

ем, күк пояси ва похоли чорва учун тўйимли ем-хашак. Дони ҳосилдорлиги 40–60 ц/га, күк поя ҳосилдорлиги 300–350 ц/га.

Уруглик танлаш ва экишга тайёрлаш. Экиш учун бир хил катталиқдаги, тўла етилган, шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаш. Кузги дон экинларидан, картошка, қанд лавлаги, маккажўхоридан бўшаган ерларга экилади. Дуккакли экинлардан бўшаган ерларга экилмайди. Бир экилган далага 4 йилдан кейин қайта экилади. Ер ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 25–27 см чуқурликда юмшатилиб, текисланади.

Экиш муддати ва усули. Кузги дон экинлари билан бир вактда экилади. Бу ўртacha октябрь ойига тўғри келади. Ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 2–3 см. 10 сотих майдонга 0,8–1,2 кг уруғ сарфланади.

Парваришилаш. Ягана қилинмайди. Кузги амал даврида 1–2 марта, баҳорги амал даврида 1 марта суғорилади. Суғориш учун жўяклар олинади, ораси 60 см бўлади.

Ўғитлаш. 10 сотихга соф модда ҳисобида 3 кг азот, 2 кг фосфор, 2,5 кг калий сепилади. Фосфор ва калий ерни тайёрлаш вақтида солинади. Азотли ўғит амал даврида сепилади.

Ҳосилни йигиштириши. Уруғ олиш учун тўла етилганла ҳосил йиғилади – бу май–июнь ойларига тўғри келади. Кўк масса учун март–апрель ойида ўриб олинади.

Махсарни оралиқ экин сифатида етиштириши



Махсар – бир, икки ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми, мойли экин. Иссиқсевар, қурғоқчиликка жуда чидамли экин. Бўйи 60–120 см, пояси силлик, барглари наштарсимон, тиканли ва тикансиз. Меваси писта, уруғи оқиши. 1000 дона уруғи вазни 25–50 г. Асосан четдан чангланади. Ўсув даври 95–135 кун. Тупроқ танламайди. Уруғи 1–2 °C да уна бошлайди, майсалари 6–7 °C совуққа бардош беради. Уруғи таркибида 47–61 фоизгача озиқ-овқатга ишлатиладиган мой бор. Кунжараси чорва моллари учун яхши озуқа. Махсар алмашлаб экишда кузги буғдой ва маккажўхоридан кейин экилади. Ҳосилдорлиги 8–14 ц/га ва ундан ортиқ. Заараркунандалари: махсар капалаги, махсар филчаси; касалликлари: фузариоз, занг касаллиги.

Экиш учун тавсия этилган навлар: Милютинский–114, Ғаллаорол, Нодир ва ҳ.к.

Уруглик танлаш ва экишга тайёрлаш. Бир хил ўлчамли, тўла этилган, шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаш. Махсар уруғи дуккакли дон экинларидан бўшаган ерларга экилади. Ер ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 25–27 см чуқурликда юмшатилиб, текисланади.

Экиш муддати ва схемаси. Оралиқ экин сифатида октябрь ойида қатор ораси 60 см қилиб экилади. 10 сотихга 0,8–1 кг уруғ экилади. Экиш чуқурлиги 5–7 см. Кўкат олиш учун махсар 30–45 см кенгликда экилади. 10 сотихга 1,2–1,5 кг уруғ экилади. Махсар тоғли ва тоғ олди лалми ерларда ёппасига қаторлаб 10 сотих майдонга 2,5 кг ҳисобида экилади.

Парваришилаш. Ягана қилинмайди. Кузги амал даврида 1–2 марта суғорилади. Баҳорги амал даврида 1–2 марта суғорилади, ўтоқ қилинади.

Ҳосилни йигиштириши. Махсар этилганда тўкилмайди, уруғи тўла этилганда йифиб олинади, янчилиб, тозаланади. Кўк масса учун март ойларида ўрилади.

Сулини оралиқ экин сифатида этиштириши



Сули – бошоқдошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми; ғалла экини. Сули илдизи попук илдиз бўлиб, яхши ривожланади, ернинг ҳайдалма қатламида жойлашади. Пояси тик ўсади. Бўйи 50–120 см. Барги 3–5 мм. Меваси – дон, кўпчилик навларида қобиқли (қобиқсиз шакллари ҳам бор). Сули намсевар, лекин иссиққа унча талабчан эмас. Уруғи паст ҳарорат ($4-5^{\circ}$)да униб чиқади. Ўзидан чангланади. Ҳарорат $16-22^{\circ}$ бўлганида яхши ўсиб-ривожланади. Ўсув даври 80–110 кун. Кузда экиладиган хили бор. Сули дони таркибида ўртacha 13,3% протеин, 4,7% мой, 40,1% крахмал, 13,2% клетчатка, 4,0% кул, В груухи витаминлари бор. Сули донидан ҳар хил ёрмалар ва ун тайёрланади. Сули уни буғдой ёки жавдар унига қўшиб нон ёпишда ишлатилади. Энг қимматли ем-ҳашак экини ҳисобланади. Дони, сомони, тўпони, кўк пояси, силоси молларга берилади. 1 кг сули дони тўйимлилиги 1 озуқа бирлиги сифатида қабул қилинган.

Экиш учун тавсия этилган навлар: Дўстлик–85, Ташкент–1, Успех.

Уруглик танлаш ва экишга тайёрлаш. Бир хил ўлчамли, тўла етилган, шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаш. Сули уруғи дуккакли дон экинларидан бўшаган ерларга экилади. Ер ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 25–27 см чуқурликда юмшатилиб, текисланади.

Экиш муддати ва схемаси. Сули оралиқ экин сифатида октябрь ойида ёппасига қаторлаб экилади, қатор ораси 15 см бўлади. 10 сотих жойга 0,8–1 кг уруғ экилади. Экиш чуқурлиги 5–7 см бўлади. Кўк масса учун махсар 30–45 см кенглиқда экилади, 10 сотих 1,2–1,5 кг экилади. Махсар тоғли ва тоф олди лалми ерларда ёппасига қаторлаб 10 сотихга 2,5 кг ҳисобида экилади.

Парваришилаш. Ягана қилинмайди. Кузги амал даврида 1–2 марта суғорилади. Баҳорги амал даврида 1–2 марта суғорилиб, ўтоқ қилинади.

Ўғитлаш. Маҳаллий ўғит ерни экишга тайёрлашда солинади. Ерни юмшатиш олдин 10 сотихга соф мода ҳисобида 6 кг фосфор ва 5 кг калий берилади. Қишлиб чиққандан кейин 4 кг азот сепилади.

Ҳосилни йигиштириши. Сули кўкат учун рўваклаш-гуллаш даврида ўрилади. Дон учун эса тўла етилганда ўрилади, янчилади, тозаланади.

Хантални оралиқ экин сифатида етиштириши



Хантал (горчица) – бир ва кўп йиллик ўтсимон мойли экин. Бўйи 25–100 см, пояси тик ўсади. Меваси қўзоқча. Уруғи оч сариқ ёки оч жигарранг, таъми аччиқ, эфир ҳиди келади. Хантал намсевар, совуққа чидамли, узун муддатли ўсимлиги. Ўсув даври 95–120 кун.

Уруглик танлаш ва экишга тайёрлаш. Экиш учун бир хил катталиқдаги, тўла етилган, шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаш. Хантални кузги дон экинларидан, картошка, қанд лавлаги, маккажўхоридан бўшаган ерларга экиш мақсадга мувофиқ. Дуккакли экинлардан бўшаган ерларга экмаган маъқул. Бир экилган далага 4 йилдан кейин қайта экилади. Ер ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 25–27 см чуқурликда юмшатилиб, текисланади.

Экиш муддати ва схемаси. Кузги дон экинлари билан бир вақтда экилади. Бу ўртacha октябрь ойига тўғри келади. Қатор ораси 15 см қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 2–3 см. 10 сотих майдонга 0,9–1,2 кг уруғ кетади

Парваришилаш. Ягана қилинмайди. Кузги амал даврида 1 марта, баҳорги амал даврида 1–2 марта суғорилади. Суғориш учун ораси 60 см бўлган жўяклар олинади.

Ўгитлаши. 10 сотих майдонга соф модда ҳисобида 3 кг азот, 4 кг фосфор, 6 кг калий сепилади. Ер тайёрлаш вақтида фосфор ва калий сепилади. Азотли ўғит амал даврида сепилади.

Ҳосилни йигиштириши. Уруғ олиш учун тўла етилганла ҳосил йифилади –бу май–июнъ ойларига тўғри келади. Кўк масса учун март ойида ўриб олинади.

Сақланадиган урганинг намлиги 8 фоиздан ошмаслиги талаб қилинади.

Ясмиқни оралиқ экин сифатида етиштириши



Экиш учун тавсия этилган навлар: Дармон, Олтин дон ва ҳ.к.

Ургулек танлаши ва экшига тайёрлаш. Бир хил ўлчамли, тўла етилган, шикастланмаган уруғлар экилади.

Ерни экшига тайёрлаш. Ясмиқ кузги дон экинларидан ва чопиқ қилинадиган экинлардан кейин экилади. Ер ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 25–27 см чуқурликда юмшатилиб, текисланади.

Экиш муддати ва усули. Кузги дон экинлари билан бир вақтда экилади. Бу ўртacha октябрь ойига тўғри келади.

Ясмиқ ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 3–5 см. 10 сотих майдонга суғориладиган ерларда 6–9 кг (Олтин дон нави уруғи майда, Дармон нави уруғи йирик).

Парваришилаши. Ягана қилинмайди. Кузги амал даврида 1 марта, баҳорги амад даврида 1–2 марта суғорилади. Суғориш учун ораси 60 см бўлган жўяклар олинади.

Ўгитлаши. Ўтмишдош экинга гўнг солинади. Талаб қилинса 10 сотих майдонга соф модда ҳисобида 3–5 кг азот, 4–6 кг фосфор, 2–3 кг калий сепилади. Фосфор ва калий ерни тайёрлаш вақтида сепилади. Азотли ўғит амал даврида сепилади.

Ҳосилни йигиштириши. Дон олиш учун дуккакнинг 50 фоизи етилганда ҳосил йифилади – бу май ойига тўғри келади. Кўк масса учун март–апрель ойларида ўриб олинади.

Кузги вика+сулини оралиқ экин сифатида етиштириши



Экиш учун тавсия этилган навлар: Сулининг Дўстлик–85, Ташкент–1, Успех, виканинг маҳаллий навлари экилади.

Ургулук танлаши ва экишга тайёрлаши. Бир хил ўлчамли, тўла этилган, шикастланмаган уруғлар танлаб олинади.

Ерни экишга тайёрлаши. Сули уруғи дуккакли дон экинларидан бўшаган ерларга экилади. Ер ўтмишдош экинларнинг қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалангач, 25–27 см чуқурликда юмшатилиб, текисланади.

Экиш муддати ва схемаси. Оралиқ экин сифатида октябрь ойида ёппасига қаторлаб экилади. Қатор ораси 15 см. 10 сотихга вика 8 кг, сули уруғи 6кг меъёрда экилади. Экиш чуқурлиги 5–7 см.

Парваришлаш. Ягана қилинмайди. Кузги амал даврида 1–2 марта, баҳорги амал даврида ҳам 1–2 марта сугорилиб, ўтоқ қилинади.

Ўзитлаш. Маҳаллий ўғит ерни экишга тайёрлашда солинади. Ерни юмшатиш олдин 10 сотихга соф модда ҳисобида 6 кг фосфор ва 5 кг калий берилади. Қишлиб чиққандан кейин 4 кг азот сепилади.,

Хосилни йигиштириши. Вика ва сули кўк масса учун сулининг рўваклаш-гуллаш даврида – март ойида ўрилади.

Хашаки лавлагини оралиқ экин сифатида етиштириши



Хашаки лавлаги етиштириш анча сермехнат ҳисобланса-да, чорва молларининг сут маҳсулдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда хашаки лавлагининг «Ўзбекистон ним қанд», «Эккендорф сарифи», «Ўзбекистон–83» навларини экиш тавсия этилади.

Хашаки лавлаги ўсув даврида 4–6 марта сугорилади. Хосил октябрнинг охири-ноябрь бошларида йиғиштириб олинади.

Ердан унумли фойдаланиш ва чорва молларини тўйимли озуқа билан таъминлаш мақсадида 15 июндан 1 июлгacha бўлган муддатда дон (сули – 80

кг/га) ва дуккакли (хашаки нўхат – 70 кг/га) экинларни биргаликда экиш яхши самара беради. Бунда сули экини туплаш, хашаки нўхат шохлаш фазасига кирганда, азотли ўғитлар билан 100–150 кг/га меъёрда озиқлантирилиб, суғорилади. Ҳаво ҳарорати ва экин ҳолатини ҳисобга олган ҳолда яна бир марта озиқлантириш ва икки-уч марта суғориш ишлари амалга оширилса, октябрь ойига бориб 10 сотихдан 1,5-2 тонна қўқ масса ҳосили олишга эришилади.

ХІІІ.БОБ.ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАР

Жийданинг хусусиятлари



Фойдали хусусиятлари: Жийда таркибида жуда кўп фойдали моддалар мавжуд. Масалан, унинг мевасида калий моддаси мавжуд, бу инсон организмида юрак-қон томирлари тизими фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, ўз навбатида инсульт, инфаркт ва бошқа муаммоли хасталиклари келиб чиқишининг олдини олади. Хушбўй моддалар мавжудлиги унинг бириктирувчи таъсирчанлигига асос бўлади.

Жийда меваси инсонни тинчлантирувчи таъсирга эга ва уйқу дорилар билан қўшиб истеъмол қилинса, уларнинг фаоллигини оширади. Бундан ташқари асаб тизими фаолиятини меъёрга келтиради, ва ғазабланиш, асабийлашувнинг олдини олади. Жийда тинчлантириш фаоллиги билан биргаликда саломатликни мустаҳкамлайди.

Пазандаликда ишлатилиши: Унинг янги узилган мевасини турли пишириқ-десерtlарга қўшиш мумкин. Бундан ташқари ундан мураббо ва жемлар тайёрлаш мумкин.

Жийда мевасининг фойдалари ва у билан даволаши: Жийда меваси халқ табобатида кенг ишлатилади. Дармон дорилар таркибида унинг меваси билан бир қаторда гули, барглари ва новда пўстлоқлари ҳам ишлатилади. Масалан, мевасининг дамламасидан овқат ҳазм қилиш муаммоларини ҳал этишда, шунингдек, оғиз бўшлиғи касалликларидан фориғ бўлиш мақсадида ғарғара қилиб оғизни чайиш йўли билан фойдаланиш мумкин. Барглари ревматизм, подагра ва радикулитни даволаш жараёнида яхши ёрдам беради. Баргларини яна жароҳат ва яраларга боғлаб, шамоллашни олиш ва жароҳат битишини тезлаштиришда фойдаланилади.

Бундан ташқари жийда мевасидан бавосирни даволашда фойдаланилади. Новдаси пўстлоғидан тайёрланган дамлама қон кетишини тўхтатишида яхши шифобахш воситадир. Мевасининг шарбати безгак ва қон босимини даволаш жараёнида истеъмол қилинади.

Мевасининг қайнатмаси нафас йўллари, безгак ва шамоллаш касалликларини даволашда ёрдам беради. Бундан ташқари, бу қайнатмадан йўғон ичак, ошқозон ва ичак йўлларини даволашда яхши ёрдам беради, шунингдек у ичкетарда ҳам ёрдам беради.

Унинг гуллари ва баргларидан ҳам шифобахш дамлама тайёрлаш мумкин. Бу дамлама қон босимида ва юқори ҳароратни туширувчи табиий воситадир. Шунингдек, у юрак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, колитдан фориғ бўлишда ижобий натижа беради.

Жийданинг зарари ва ножуя таъсири: Ҳомиладор ва эмизикли аёллар уни истеъмол қилишдан ўзларини тийишлари тавсия этилади.

Шарқ жийдаси — жийдагуллилар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 3-4 метргача етади. Танаси қизғиши-кулранг, ёш новдачалари ва барги кумуш-оқ рангли, қалин ва қаттиқ, киприк-симон тангачалар билан қопланган. Барги наштарсимон ёки эллипссимон, ўткир учли, шохчаларда банди билан кетмакет жойлашган. Новдаларнинг учи кўпинча тиканли бўлади. Ўсимлик май ойида гуллайди. Гуллари кўримсиз, кумушсимон, жуда ёқимли ҳидга эга. Меваси сентябрь-октябрь ойларида пишиб етилади. Меваси сарик, олтинсимон, чўзиқ-думалоқ данакли. Жийда мевалари серхосиятлилиги билан машҳур. Меваси таркибида 40-65 фоиз қанд, 11 фоиз оқсили, клетчатка, ёғ, ошловчи моддалар, органик кислоталар мавжуд. Бундан ташқари жийданинг «гўшти» қисмида калий ва фосфорли тузлар, витаминалардан В1 B2, РР, Ебор.

Халқ табобатида жийда меваси ёки унинг дамламаси болаларда учрайдган ич кетишга қарши яхши даво ҳисобланади. Дамлама нафас йўллари шамоллаганда ҳам тавсия қилинади. Бундай қайнатмалар ошқозоничак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Жийдадан қайнатма тайёрлаш учун, бирор оғзи ёпиладиган идишга бир ярим литр сув қуиб, мевадан 50 грамм солинади ва бироз қайнатиб, бир соат мобайнида қўйиб қўйилади. Сўнгра докада сузиладида, қайнатма шарбатидан кунига овқатдан кейин 2-4 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади. Ўсимлик мевалари сервитамин бўлганлиги туфайли илмий медицинада камқонликда, тери қазгоқланишида, бўй ўсмаслигига истеъмол қилиш тавсия этилади. Шунингдек жийда мевалари организмда туз-сув мутаносиблигини саклаш учун, одамни фикрлаш қобилиятини ошириш учун ҳам истеъмол қилиниши лозим.

Жийда озиқ-овқат саноатида ҳам кенг ишлатилади. Ундан кисель ва татимли шарбатлар (компот) тайёрлаш мумкин. Шарқ жийдасининг куруқ мевалари туюлиб ун олинади, уни нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига қўшиб истеъмол қилиш мумкин.

Дараҳт ёғочи мустаҳкам, қаттиқ бўлганлиги туфайли ундан қурилиш материали сифатида ҳам фойдаланилади.

Жийда дараҳтининг елими камёб ҳисобланувчи араб елимининг (гуммиарабик) ўрнини боса олади. У тўқимачилик саноатида ишлатилади. Дараҳт пўстлоги ва баргларидан тери ошлашда фойдаланилади. Фармацевтикада эса жийда елими асосида маҳсус эмулсияли дорилар тайёрлаш мумкин.

Жийда ёруғсевар ўсимлик бўлганлиги туфайли Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда яхши ўсади ва ҳосилга киради. Табиатшунос олимларнинг фикрига кўра, тупроқ-иқлим шароитидан қатъий назар, жийдани Ўрта Осиёнинг кўпгина янги ўзлаштирилаётган лалмикор, шўр тупроқли, сизот сувли ерларида ўстприш мумкин.

Шуни айтиш керакки, жийда жуда беор ўсимлик бўлиб, уни данаги, қаламчаси ёрдамида кўпайтириш мумкин. Ўсимлик 3-4 йилда ҳосилга киради. Жийдадан ихота сифатида, тупроқ эрозиясига қарши фойдаланиш мумкин. Унинг илдизида азот элементини тўпловчи туганак бактериялар (актиномицет) мавжуд бўлганлиги туфайли, тупроқни озиқабоп минерал

билин таъминлашга ёрдам беради. Шунинг билан бир қаторда жийда гуллари боларилар учун яхши озиқ ҳамдир. Шарқ жийдаси. Ўрта Осиёда тарқалган. Қурғоқчиликка чидамли бўлиб, қаттиқ совуқдан (совуқ 25°C даражадан юқори бўлганда) заарланиши мумкин.

Энсиз баргли жийда. У ёввойи ҳолда Ўрта Осиё дарёларининг бўйларида, ўрмонларда, тоғли ва ер ости сувлари ер бетига яқин жойлашган шўрхок тупроқли ерларда тарқалган. Дараҳтининг бўйи 8-10 м га этиши мумкин.

Кумушсимон жийда. Бу жийданинг бўйи 2,5 метргача боради, меваси майда, истеъмолга яроқли.

Нон жийда. Дараҳти нисбатан паст бўйли бўлиб, нам жойларда ўсади. Қизил жийда. Републикамизда кенг тарқалган бўлиб, меваси ширин, серэт, дараҳти катта.

Ёнғоқнинг хусусиятлари



Ёнғоқ баргларида ва мевасига ёпишиб турувчи кўк пўстлоғида инсон организми учун зарур бўлган кўпгина моддалар мавжуд: хушбўй моддалар, С ва Е витаминлари, алкалоидлар ва каротин моддалари бор. Ёнғоқ мағзи мойли ёғ, оқсил ва эркин аминокислоталарга бой. Шунингдек, унинг мағзида Е, К, Р ва С витаминлари бор. Ҳали пишмаган кўк ёнғоқ таркибида турли гуруҳдаги витаминлар, каротинга бой, пишган ёнғоқ меваси эфир мойлари, хушбўй моддалар, темир ва кобалът тузларига жуда бой. Меваси пўчоғида фенолкарбон кислоталари, кумаринлар, стероидлар ва пелликула бор. Қадим замонлардан кишилар ёнғоқдан халқ табобатида фойдаланиб келишган. Ҳозирги вақтда ёнғоқ мевасидан бактерицид, яра ва жароҳатларни битирувчи, умумий мустаҳкамловчи ва турли хил гижжаларга қарши курашувчи дори-дармонлар тайёрлашда фойдаланилади.

Ёнғоқ барглари микробларга қарши курашиш ва шамоллашни даволаш хусусиятларига эга. Бундан ташқари унинг барглари жароҳатларни битириш хусусиятигаэга. Ёнғоқ хотирани яхшилайди. У қабзиятни даволашда ажойиб восита. Таркибида 65 % мойлар мавжудлигига қарамасдан, у қон таркибидаги ёғ микдорини пасайтиради (ёнғоқда жуда кўп тўйинган ёғ кислоталари мавжуд). Ёнғоқнинг таркибидаги тўйинган ёғ кислоталари минерал моддалар билан биргаликда мавжудлиги сабабли, уни истеъмол қилиш гипертонияда, атеросклерозда, бошқа юрак ва қон томир касалликларида тавсия этилади. Ёнғоқ жуда тўйимли: у 75 % дан кам бўлмаган ёғлардан иборат. У инсон қонида холестерин микдорини

камайтирувчи нодир воситадир. Ёнғоқ мағзи билинар-билинмас аччиқлик билан құшилган бекіёт ёкимли таъмга эга. Қон томирларини мустаҳкамлаш мақсадида истеъмол қилинади.

Ёнғоқнинг озиқлик қиймати: Унинг тозаланган 100 грам мағзи 650 килокалория атрофида озиқавий құвватга эга. Бундай таъсирчан күрсатгич билан бирга ёнғоқ үзіда ғайриоддий биологик актив моддалар мажмуасини түплаган. Бу моддалар нафақат организмда қон томирларига ижобий таъсир этиб қолмасдан, балки турли касалликларни замонавий даволаш жараёнида ҳам фаол тавсия этилиб, истеъмол қилинади.

Турли хасталикларни даволашда ёнғоқнинг мағзи, мағзи ораларидаги юпқа пүстлоқ деворлари, пүчоғи ва баргларидан фойдаланилади. Ёнғоқдан олинган ёғи буйрак касалликларини даволашда фаол шифобахш восита. Агар ёнғоқни асалга аралаштириб истеъмол қилинса, сил касаллигидан фориғ бўлиш мумкин. Таркибида антиоксидантлар мавжудлигидан ёнғоқ ақлий фаолликни кучайтириш ва турли касалликларнинг олдини олиш, саломатликни сақлаб туришда мислсиз фаол воситадир. Бунинг устига кунига 3-4 та ёнғоқ истеъмол қилиб юрилса, қон томирлари деворларини мустаҳкамлашда инсонга катта фойда келтиради.

Ёнғоқ мағзи орасидаги юпқа пүстлоқ деворларининг шифобахши фойдалари: Агар сиз ёнғоқни истеъмол қилиш учун чақадиган бўлсангиз, ҳеч қачон унинг мағзи ораларидаги юпқа пүстлоқ деворларини ташлаб юборманг. Ундан инсон организми гормонларнинг меъёрдаги фаолиятини таъминлаш, жигарни тозалаб, фаолиятини яхшилаш ва иммун тизимини фаол мустаҳкамлаш учун дамланма тайёрлаб ичиш мумкин.

Ёнғоқ барги. Турли тери касалликларини қисқа муддатда тез ва фаол даволашда ёнғоқ барги ажойиб шифобахш воситадир. Унинг баргларида темиратки ва экзема (чилла яра)ни даволашдек мураккаб ишда ёнғоқнинг қуритилган барглари қайнатмаси билан алоҳида ванна қилишни тавсия этиш мумкин. Уни тайёрлаш учун 300 грам қуритилган ёнғоқ барги устига 1 литр қайноқ сув қуиб, 20 минут қайнатилади, сўнгра 3-4 соат давомида тиндирилади. Дори докадан ўтказилиб, мақсад бўйича ишлатилади.



Ёнғоқ баргларининг инсон учун шифобахш хусусиятлари мағзига қараганда кам эмас. Унинг баргларида бошқа шифобахш табиий воситаларда учрамайдиган аскорбин кислотаси, flavonoidлар, каротин ва гликозидлар бор. Баргининг қайнатмаси томоқ шамоллашини олиб, милкларни

мустаҳкамлаш хусусиятига эга. Бундан ташқари баргининг қайнатмаси пешоб ҳайдаш хусусиятига эга, бу эса, пешоб йўллари иллатларини даволашда ундан кенг фойдаланишга сабаб бўлади.

Ёнғоқ мағзи хотирани қучайтириб, қандли диабетни даволашда ёрдам берувчи турли микроэлементларга бой. Бу моддалар шунингдек гипотензив (артериал қон босимини туширувчи) фаолликка ҳам эга.

Ёнғоқ шарбати: Ёнғоқ шарбати 100 дан ортиқ турли паразитларни бартараф қилиш хусусиятига эга. Кучли гижжа ҳайдаш фаоллиги билан бир қаторда, бу шарбат ўт ҳайдаш фаоллигига ҳам эга. Ёнғоқ дамланмаси ниҳоятда фойдали восита бўлиб, тухумдондаги ўсма, бачадон миомаси, йўғон ичакдаги полипларда, шунингдек, қалқонсимон безларда пайдо бўлган тугунчаларни даволашда ажойиб фойда бериб, яхши натижаларга сабаб бўлади. Сезиларли натижага эришиш учун бундай муолажа давомийлиги бир ойдан кам бўлмаслиги лозим. Дамланма хроник ичкетар муаммосини ҳал қилишда яхши таъсирчанлик ва фаолликка эга. Хом ёнғоқ дамланмаси. Бундай шифобахш восита бир қанча турли касалликларни даволашда ёрдам бериши мумкин. Буларга ошқозон-ичак касалликлари, пешоб ва жинсий йўллар касалликлари, лейкемия, сил каби касалликлар киритиш мумкин. Бундан ташқари хом ёнғоқ дамланмаси модда алмашинув жараёнини тезда меъёрига келтириб, организмни турли токсин ва хилтлардан тозалайди.

Ёнғоқ ёзи: Ёнғоқ ёзи унинг мағзини экстракция қилиш йўли билан олинади. Ёғнинг ранги ёқут ранг қип-қизил ажойиб кўринишда бўлиб, кишини лол қолдирадиган ёқимли таъмга эга. Ёнғоқ ёғининг фойдали хусусиятлари. Бу ёғнинг фойдалилиги унинг таркибида кўп микдорда мавжуд бўлган турли микроэлементлардадир. Унинг таркибида тўйинган ёғ кислоталари ҳамда С, В ва Е витаминлари, темир, йод, кальций, цинк, магний ва мис бор.

Ёнғоқ ёзи - бебаҳо маҳсулот, у инсон организмини фойдали ва зарур бўлган (ёғ кислоталари) моддалар билан тўйинтиради. Ёнғоқ ёзи таъсири билан балғам кўчиши осонлашади, унинг истеъмолини гепатитда, астмада ва сил касаллигига тавсия этилади. Онкологик касалликларга мойиллиги бўлган кишиларга бу ёғни истеъмол қилиб туриш лозим, чунки у ёмон сифатли ўсимта ҳужайраларининг шаклланишига қаршилик кўрсатади.

Таажжубки, парҳезшунос мутахассислар ёнғоқ ёғини истемол қилишни меъёридан ортиқча вазнли, тўладан келган кишиларга тавсия қилишади. Ёнғоқ ёғини истеъмол қилган киши организмини тозалайди, овқат ҳазм қилишни яхшилади, организмдаги ҳужайралар ҳам ёшаради. Ўзининг витаминларга бой таркиби сабабидан ёнғоқ ёзи шамоллашдан фориф бўлишда иммунитетни мустаҳкамлаш йўли билан ёрдам беради.

Ёнғоқ ёзи ҳомиладор аёлларнинг токсикозни енгил бошдан кечиришда ҳам ёрдам беради. Уни истеъмол қилишни катталарга ҳам, болаларга ҳам тавсия этилади. Бола ўсиб, ривожланади, бу даврда бола организми учун ёнғоқ ёзида мавжуд моддалар ўз-ўзидан зарурдир. Агар бола ёшлигидан овқатига ёнғоқни қўшиб истеъмол қилиб ўсса, бу унинг ақлий ривожланиши

мукаммал бўлишига, жисмоний ва руҳий-хиссий ривожланиши жойида бўлишига сабаб бўлади.

Анжирнинг хусусиятлари



Абу Али Ибн Сино анжир мевасини балғам кўчирувчи ва йўтал қолдирувчи восита сифатида қўллаган. Балғам кўчирувчи дори сифатида анжир мевасини ейиш, йўтал қолдириш учун мевани сутда қайнатиб, истеъмол қилишни буюрган. Табобатда анжир меваси ва унинг дамламаси дори сифатида йўтални тўхтатиш ва кўкйўтални даволаш учун ичишга буюрилади. Томоқ шамоллаганда иссиқ дамлама билан томоқ чайилади. Мевасининг иссиқ дамламаси яраларган даво қилинади – дамламада намланган дока яра устига қўйилади. Тиббиётда сурги сифатида қўлланиладиган кафиол препарати таркибиага анжир меваси ҳам киради. Анжир баргидан олинган псоберан доривор препарати (фурокумаринлар йифиндиси) тиббиётда пес касаллигига даво қилинади.

Кимёвий таркиби. Анжир қанд моддалари (қоқисида 78%гача қанд бўлади), турли витаминлар (B1, B2, C, E, PP витаминлар) билан каротинга, органик кислоталар (оксалат, лимон, олма, сирка кислоталар) га, минерал тузларга бой. Меваларида оқсиллар, ўсимлик ферментлари – фицин, амилаза, протеаза ҳам бор. Бу ўсимликнинг ҳамма қисмларида фурокумаринлар – псорален ва бергантен, гликозидлар бўлади. Уруғларида 29,4% мой бор.

Таъсири ва ишлатилиши. Туркманистон халқ табобатида қуритилган анжир барглари ва илдизидан таёrlанган қайнатма меъда ичак йўлининг иши бузилган маҳалларда ва камқонликда буюрилади, янги мевалари эса жароҳатларни битирадиган восита тариқасида ишлатилади. Меваларининг қайнатмаси цистит ва нефритга даво бўлади. Анжир мевалари одамнинг мудом ичи қотиб юрадиган маҳалларда, сийдик ҳайдайдиган, балғам кўчирадиган восита тариқасида ҳам буюрилади; юқори нафас йўлларининг ўткир яллиғланиш касалликларида меваларини сутда қайнатиб ейиш тавсия этилади. Барглари ёш шохлари ва етилмаган меваларининг сутсимон ширасидан яралар, жароҳатларга даво қилиш, буйраклардан майда тош ва кумларни, бадандаги сўгал ва хуснбузларни йўқотиш учун фойдаланилади. Ангина ва юқори нафас йўлларининг яллиғланиш касалликларида анжир мураббоси чой билан ичилади.

Қадимги хакимларнинг фикрига кўра, анжир одам дармонсизланиб юрадиган маҳалда, юраги ўйнаганида, кўкраги оғриганида, шунингдек, бронхиал астма ва йўтал маҳалида фойдалидир. Буйрак ва қовуқ ишини жойига келтириб, одамнинг рангини тиниклаштиради. Замонавий табобатда анжир юрак қон-томир тизими касалликлари, тромбозларда, камқонлик маҳалида ва енгилгина сурги сифатида қўлланилади. Анжир таркибида фицин деган фермент, талайгина қанд моддалари ва калий бўлганлигидан, бу неъмат юрак-томирлар этишмовчилигига учраган касалларга жуда фойдалидир.

Анжир баргларидан песга даво қилиш учун ишлатиладиган псоберан (фурален) деган препарат олинади, бу препарат аммифурин, бероксан ва псорелендан қолишмайди. Анжирнинг сийдик ҳайдайдиган, терлатадиган, иссиқни туширадиган хоссалари борлиги кўпларга маълум. Қандли диабет билан оғриган касалларга ва ўткир меъда ичак касалликлари вақтида анжир истеъмоли мумкин эмас.

Таёrlаши ва ишлатиши усуллари: Янчилган анжир қоқисидан 1 ош қошиқ миқдорида олиб, устига қайнаб турган 400мл сув қўйлади, 10 минут қайнатилиб, совугандан кейин сузуб олинади. Овқатдан олдин $\frac{1}{2}$ стакандан кунига 3-4 маҳал ичилади. Бу қайнатма билан оғиз ва томоқни чайқаш ёки унга пахта, докани ҳуллаб, баданинг касал жойига қўйиш мумкин.

100 г миқдорида анжир қоқиси устига 2 стакан қайноқ сув қўйиб, паст оловда 15 минут қайнатилади, 2-3 соат тиндириб қўйилади, кейин сузуб олинади. Шамоллашда $\frac{1}{2}$ стакандан кунига 2-3 маҳал ичилади.

Тут мевасининг хусусиятлари



Оқ тут (Балхи тут) ва шотут меваси ширин, шифобаҳш, ҳар хил витаминаларга бой. Ўзбекистонда тут қадимдан экиб кўпайтирилади. Янгилигига истеъмол қилинади, шинни, мураббо, майиз, тайёрланади. Барги тут ипак қурти боқишида ишлатилади. Тут икки уйли ўсимлик. Гуллари бир жинсли. Тут уруғидан, қаламчасидан, пайванд ва пархиш қилиб кўпайтирилади. (“ЎзМЭ”дан).

Тут барглари ипак қурти учун керакли озуқа бўлгани боис, ҳар доим қимматли ўсимликлар қаторига киритилган. Бундан ташқари, қадимдан тут

даражтидан мусиқа чолғу асбоблари, ёзув қоғози ишлаб чиқарилади. Тут пўстлоғидан тайёрланган бешикларга курт тушмайди, оналаримиз фарзандларимиз ўзидан кўпайсин дея, мевали дараҳт-болани тутдан ясалган бешикларга белашади. Бу мевали дараҳтнинг, асосан, икки хил тури истеъмолга яроқли ҳисобланади. Бу оқ тут ва шотут. Шотутни қора тут деб ҳам аташади.

Тут тўлиқ етилган, сершира, янги узилган ҳолда ёки қуритилган (тут майизи) ҳолида истеъмол қилинади. Яна тутдан турли хилдаги пишириқлар, мураббо ва мармеладлар, қиём, шинни тайёрланади.

Таркиби: Тут меваси серсув, унинг таркибида 82,9-86,2 % гача сув бор. Бундан ташқари, у сершира мева — 10,9-12,7 % гача қанд миқдори мавжуд. Тутни қуритиб, истеъмол қилинса, шираси янада кўпаяди. Тут майизида қанд миқдори 73,29-83,71 % ини ташкил этади. Бундан ташқари, тут В, С, Е, К, РР витаминаларига бой. Шунга кўра, уни касалликдан заифлашиб қолган, тез-тез шамоллайдиган кишиларга истеъмол қилиб туришлари тавсия этилади.

Минерал моддалардан эса калий, натрий, рух, селен, мис, фосфор, кальций, магний, темирга бой, уруғи 24-33 фоизгача ёғ ва бошқа ошловчи моддалар сақлайди. Таркибида кўп миқдорда фосфор сақлагани боис, тут ақлий фаолият билан шуғулланадиган кишилар учун кони фойда саналади. Ҳомиладор аёллар учун ҳам тут меваси ҳомиланинг яхши ривожланиши учун керакли дармондорилар манбаи ҳисобланади.

Тут меваси иммун тизимни кучайтириб, организмни юқумли касалликларга қарши ҳимоя тизимини мустаҳкамлайди, терига барвакт ажин тушишидан сақлайди, кўриш қобилиятини ошириб, кўз тўрпардасининг зарарланиши каби касалликлардан асрайди. Тут барги ва танасининг пўстлоғи ҳам турли биологик фаол моддаларга бой. Барги таркибида флавоноидлар, витаминалар, каротин, эфир мойи, органик кислоталар, дараҳт пўстлоғида эса бўёқли ва ошловчи моддалар, турли хилдаги кислоталар мавжудлиги аниқланган.

Халқ табобатида тутқадимдан турли касалликларни даволашда кўлланилибкелинади. Тут шираси қонни тозалаш, қонни кўпайтириш мақсадида ҳам кенг қўлланган. Баргининг қайнатмаси эса ангина ва бошқа шамоллаш касалликларида иситмани туширувчи, чанқоқни қолдирувчи восита сифатида қўлланилган.

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино тутдан шифобахш восита сифатида фойдаланган. Шифобахш хусусиятиагар тут, ток ва қора анжирнинг баргларини ёмғир сувида қайнатиб ишлатилса, сочни қорайтиради. Оқ тут барги томоқ оғриғи, янги узилган барг шираси тиш оғриғига, тут меваси ва унинг шираси оғиз ва томоқдаги шишларга даво бўлади. Тузлаб қуритилган тут эса ичбуруғ касаллигини даволайди. Буйрак, юрак-қон томир касалликларини даволашда эса тут меваси танани ортиқча суюқликдан тозаловчи, пешоб ҳайдовчи воситадир. Тутни овқатланишдан олдин истеъмол қилиш лозим, шунда ошқозонга унинг зарари тегмайди. Тут мевасини қуритиб, ундан дамлама, компот тайёрлаб ичилса, дармонсизликни даволайди, озишга ёрдам беради, организмни тозалайди. Қишида тут

дарахтининг куртагини олиб, тозалаб, дамламасини юракни қувватлаш учун ичиб юрилади. Тут дарахти гуллари ўсимлик ёғи билан аралаштирилиб, қоронғи жойда тиндирилса, теридаги майда ҳуснбузар, доғлар ва сепкилни даволаш учун ажойиб крем ҳосил бўлади. Танадаги эски яра ва шикастланган жойларни даволашда тут барги ва шохчасини майдалаб, ўсимлик ёғи билан аралаштириб суртилса, яралар тез битади, терида ўрни қолмайди. Тутнинг озиқавий қиймати – 70 ккал. Янги тут (ёки консерваланган) меваси шарбати кўкрак қафасининг симиллаб оғриши ва нафас олиш қийинлашиб ҳарсиллашда ёрдам беради. Муолажа мақсадида тут шарбати уч ҳафта давомида ичилади. Таажжубки, шу қисқа муддатда юрак фаолияти тўлиқ тикланиб, соғаяди. Янги олинган тут шарбати тутнинг барча фойдали шифобахш хоссаларига эга бўлади. У нафас йўллари, тонзиллит ва ангинани даволашда фаол восита, сурункали йўтал, пневмония ва бронхитни даволашда ҳам ижобий натижা беради. Ақлий меҳнат билан машғул кишиларга унинг фойдаси катта, чунки таркибидаги фосфор ақлий фаолиятни яхшилайди.

Тут дарахти пўстлоғининг инсон соғлиғи учун фойдаси. Пўстлоғидан қайнатма, дамлама ва малҳам тайёрланади. Малҳам билан йирингли жароҳатларни, терининг қуйган ва жароҳатланган қисмини, дерматитни, экзема ва псориазни даволаш мумкин. Малҳамни тайёрлаш учун икки қошиқ майдалангандарахт пўстлоғини 100 г қиздириб, совутилган писта ёғи билан аралаштирилади ва музлатгичда уч кун давомида тиндириб, олиб яна қайтадан аралаштирилади. Шундай қилиб малҳам дори тайёр бўлади. Бу малҳам билан терининг касал жойларига кунига тўрт маҳал суртилади. Уни ҳуснбузардан холи бўлиш учун ҳам ишлатилади: юзга ва елка терисига хар чўмилиб чиққандан сўнг суртилади. Одатда тут мевасини янги узиб олинганида истеъмол қилинади, лекин ундан шунингдек, компот, мураббо, кисель, сироп, пишириқлар ичига солиб, пишириб истеъмол қилинади. Тутни яшаш жойига яқин жойда пишиб етилган меваси истеъмол қилинади. Уни узоқ масофага транспорт воситасида олиб бориш ярамайди, етиб боргунича айниб қолади.

Тут майизи кучли терлатувчи фаолликка эга, шунинг учун ундан шамоллаганда ундан чой тайёрлаб ичиш тавсия этилади. Организмни умумий мустаҳкамлаш учун турли таомларга тут дарахти қуритилган баргларидан кунига бир чой қошиқ қўшиб истеъмол қилинади. Шу мақсадда яна унинг ёш новдаларидан дамлама тайёрлаб ичилади. Бунинг учун 5 та унча катта бўлмаган новдаси устидан 500 мл сув қуилиб, 10 дақиқа қайнатилади, сўнг 2 соат давомида тиндирилади. Сўнгра дамламадан бир ой давомида кунига 3 маҳал 50 мл дан ичилади. Оғиз бўшлиғи хасталикларида стоматитда, пародонтозда, яра ва томоқ касалликларида шотут меваси дамламаси билан ғарғара қилиш яхши натижা беради. Бундай дамлама тайёрлаш учун 2 қошиқ эзиб майдалангандан шотут меваси устидан 200 г кайноқ сув қуиш йўли билан тайёрланади.

Тут дарахти илдизи фойдалари. Қон босимини ва қон айланиш тизимини меъёрига келтириш учун дарахт илдизи қайнатмасидан ичиш

тавсия этилади, уни тайёрлаш қуидагича бўлади: 1. 50 г илдизи майдаланиб, устидан 1 литр қайнок сув қуилади. 2. Бир соат ўтказиб, 15 дақиқа паст оловга қўйилади. 3. Совутиб, докадан ўтказиб олинади. 4. Кунига уч маҳал стаканинг учдан бир қисми миқдорида ичилади (яна ширалироқ бўлиши учун бироз асал қўшиш мумкин).

Ҳомиладор аёллар учун ҳам тут меваси ҳомиланинг яхши ривожланиши учун керакли дармондорилар манбаи ҳисобланади. Тут меваси иммун тизимни кучайтириб, организмни юқумли касалликларга қарши ҳимоя тизимини мустаҳкамлайди, терига барвақт ажин тушишидан сақлайди, кўриш қобилиятини ошириб, кўз тўрпардасининг заарланиши каби касалликлардан асрайди. Халқ табобатида тут қадимдан турли касалликларни даволашда қўлланилиб келинади. Янги йиғилган тут меваси ёки унинг шираси билан халқ табобатида оғиз ярасини самарали даволашган. Бунинг учун мевани қайнатиб, оғиз бўшлиғи чайилган. Тут шираси қонни тозалаш, қонни қўпайтириш мақсадида ҳам кенг қўлланган. Баргининг қайнатмаси эса ангина ва бошқа шамоллаш касалликларида иситмани туширувчи, чанқоқни қолдирувчи восита сифатида қўлланилган. Тут дарахти пўстлоғи майда туйилиб, кунжут ёғи билан аралаштирилиб, турли хилдаги оғир яралар даволанилади. Дарахт пўстлоғининг қайнатмасида эса шамоллаш ва ўпка касалликларида балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланилади.

Илдизининг пўстлоғидан тайёрланган қайнатма эса қуруқ, сурункали йўтал, бронхит, бронхиал астма (нафас қисиши), қон босимининг кўтарилиши касалликларини даволашда қўл келади. Негаки тут дарахтининг илдизи ва пўстлоғида қон томирларини тозаловчи, қон айланишини меърига келтирувчи маҳсус моддалар мавжуд. Бундан ташқари, илдизининг қайнатмаси гижжани ҳайдашда ҳам энг осон даво ҳисобланади. Чилонжийда билан тут мевасидан тайёрланган қайнатма эса бўғма (дифтерия), қизилча (скарлатина) каби касалликларга даво бўлади. Абу Али ибн Сино ҳам тутдан шифобахш восита сифатида фойдаланган. Ширин тут иссиқ, нордон шотут эса совуқликдир. Тутнинг ширасида, айниқса, унинг мис идишга солиб қайнатилганида, буриштириш хусусияти кучаяди. Шу билан бирга у кучли ва ёмон хилтларнинг аъзоларга оқишини тўхтатади. Бу, айниқса, хом тутга хос бўлади.

Тут, ток ва қора анжирнинг баргларини ёмғир сувида қайнатиб ишлатилса, сочни қорайтиради. Оқ тут барги томоқ оғриғи, янги узилган барг шираси тиш оғриғига, тут меваси ва унинг шираси оғиз ва томоқдаги шишларга даво бўлади. Тузлаб қуритилган тут эса ичбуруғ касаллигини даволайди. Буйрак, юрак-қон томир касалликларини даволашда эса тут меваси танани ортиқча суюқликдан тозаловчи, пешоб ҳайдовчи воситадир. Тут мевасининг барча турларини овқаланишдан олдин истеъмол қилиш керак, шундай қилинса, ундан меъда ва ичак тизимиға зарар етказилмайди.

Тут мевасини қуритиб, ундан дамлама, компот тайёрлаб ичилса, дармонсизликни даволайди, озишга ёрдам беради, организмни тозалайди. Қишида тут дарахтининг куртагини олиб, тозалаб, дамламасини юракни кувватлаш учун ичиб юрилади. Тут дарахти гуллари ўсимлик ёғи билан

аралаштирилиб, қоронғи жойда тиндирилса, теридаги майда ҳуснбузар, доғлар ва сепкилни даволаш учун ажайиб крем ҳосил бўлади. Танадаги эски яра ва шикастланган жойларни даволашда тут барги ва шохасини майдалаб, ўсимлик ёғи билан аралаштириб суртилса, яралар тез битади, терида ўрни қолмайди.

Иккала хил тутнинг ҳам ўзига хос афзал томонлари бор. Шотут оқ тутга қараганда нордонроқ бўлади. Аммо қувват жиҳатидан ундан асло қолишмайди. Кон босимининг кўтарилиши, камқонлик, руҳий тушкунлик каби касалликларни шотут ёрдамида даволаш мумкин. Шотут организмдаги гормонал бузилишни тўғрилаб, аёлларнинг яллиғланиш касалликларини даволашда қўл келади. Шунга кўра, у асал билан аралаштириб ейилса, иммунитетни кўтаради. Оқ тут таркибида табиий антибиотик — ресвератол топилган. Бу эса унинг кўпгина сурункали касалликларни даволашга ёрдам беришини билдиради. Аёлларда кузатиладиган климакс ҳолатида кўп терлаш, қизиш каби нохуш аломатларни йўқотишида, юрак соҳасидаги оғриқларда кўпроқ шотут ейиш буюрилади. Анъанавий тиббиётда оқ тут мевасидан камқонлик, ошқозон-ичак хасталиклари, гастрит касалликларини даволашда фойдаланилади. Барги ва янги очилган куртаги организмда моддалар алмашинуви бузилганида яхши ёрдам беради. Оқ тут мевасидан олинган шинни доришунослик соҳасида хапдори тайёрлашда фойдаланилади.

Оқ тут меваси калийга жуда бой. Шунга кўра, уни атеросклероз, тахикардия, юрак пороги касалликларида тавсия этишади. Атиги уч ҳафталик тутли парҳез ёрдамида бемор нафас қисиши, кўкрак қафасидаги сиқувчи оғриқдан халос бўлиб, юракнинг иш қобилияти тикланади. Тут мевасининг шифобахшлиги олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ҳам исботланган. Тадқиқотлар давомида оқ тут меваси ёрдамида юрак мушагининг қисқариш қувватининг сусайиши (миокардиодистрофия) ни даволашда яхши натижаларга эришилган. Тут ёрдамида беморларда нафас қисиши ва юрак оғриши камайган, юрак уриши маромига келган ҳамда ортиқча суюқлик йиғилиши натижасида пайдо бўлган шишлар ҳам йўқолган.

Тут ёрдамида даволаниш: Ревматизмни даволаш. Тут барги ва шохлари яхшилаб ювилиб, майда қилиб чопилади. Катта идишга солиб, ичига шохлар юзасини кўмгунича сув қуйилади ва газ печида 2 соат дамланади. Идишдаги қайнатмани тоғорачага қуйиб, оёқлар учун ванна қабул қилинади. Иссиқ баргларни оғриётган жойларга ёпиштириб, усти тоза мато ва жун рўмолда иссиқ ўралади. Муолажа ётишдан олдин бажарилади. 4-5 марталик даво курсидан кейин оёқлардаги оғриқлар камаяди. Қанд миқдори ошганида, тут баргидан олиб, яхшилаб ювилади, майдалаб, 2 ош қошиғига 1 пиёла қайноқ сув қуйилади ва бир кечада термосда дам едирилади. Сўнг кун давомида чой ўрнига 1-2 қултумдан ичилади. Даволаниш курси 10 кун.

Кўз касалликларида. Бир ҳовуч қуритилган тут баргига 1 пиёла қайноқ сув қуйиб, сув буғида 10 дақиқа қайнатилади. Совитиб, қовоқлар териси артилса, кўзнинг яллиғланиши, кўзга говмичча чиқишида ёрдам қиласди.

Дамламада бинт бўлагини намлаб, кўзларга компресс қилиб, 20 дақиқа ётилса, кўз олдининг хиралашуви касаллигига даво бўлади.

Шамоллаш ва титроқ тутганида. Барги ва шохларининг дамламаси кунига 3-4 маҳал бир пиёладан ичига озгина ялпиз қўшиб ичилади. Бу дамлама малина чойдан ҳам яхшироқ шифо беради. Бўқоқни даволашда. Оқ тут қалқонсимон без касалликларида кони фойда. Бунинг учун ҳар куни эрталаб соат 9 ларда 3 донагача тут мевасини истеъмол қилиш керак. Сабаби бу вактда қалқонсимон без жуда фаол бўлиб, дармондорилар таъсирида ўзидан янада кўпроқ йод ишлаб чиқаради. Тут истеъмол қилиш мумкин бўлмаган ҳолатлар.

Ичак хасталиклари билан оғрийдиган, ичкетарга мойил кишилар, қандли диабет, қон босими хасталиги бор кишилар меъёридан ортиқ тут истеъмол қилишлари тавсия этилмайди. Организмга заарар етказиб қўймаслик учун пишиб етилган тут ич кетишини, пишиб етилмаган хом меваси қабзиятни келтириб чиқариши мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим. Тутнинг янги терилган мевасини истеъмол қилгач, совук сув ичиш мумкин эмас, бу қорин дам бўлишига, ичак-ошқозон фаолияти бузилишига олиб келиши мумкин. Унинг ширин навлари мевасини қандли диабети ва қон босими бор кишиларга истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Зайтуннинг хусусиятлари



Зайтун ёғи инсон организми учун ниҳоятда фойдали бўлиб, қонда холестериннинг заарарлисини (LDL) камайтириш, фойдали холестеринни (HDL) кўпайтириш хусусиятига эга. Зайтун меваси таркибида юздан ортиқ моддалар, асосан, мой, оқсил, гликозидлар, дармондорилар бор.

Ер юзида етиштирилладиган зайтун мевасининг 90%идан ёғ олинади, бунда уни консервантлар қўшмасдан туриб узоқ муддат сақлаш мумкинлиги таҳсинга сазовор. Ҳозирги замон илмий тадқиқотлари ва изланишлари зайтун меваси ва ёғи тўғрисида қандай тавсиялар бермоқда?

Нью-йорк университетидан доктор Ахренс бундай дейди: “Ўрта ер денгизи мамлакатлари аҳолисининг дунёning бошқа мамлакатлари аҳолисидан юрак, қон-томир касалликлари билан сезилларли кам оғришининг энг асосий омили уларнинг зайтун ёғи истеъмол қилишларидир”.

Мунтазам зайтун ёғи истеъмол қилувчи кишилар юрак, қон-томир касалликларига дучор бўлмасликларига асосий сабабчи экани илмий

тарафдан исботланган. Бундай кишиларда қон босими, қондаги қанд ва холестерин даражаси паст бўлиши юз минг киши билан ўтказилган илмий тадқиқотларда ўз исботини топган.

Меваси ёғга бой, турли навларига қараб, улардан 50%дан 80%гача ёғ олиш мумкин. Меваси оқсил, пектин, қанд моддалари ва витаминларга бой: унда В, С, Е, Р – актив катехинлар, калий, фосфор, темир тузлари ва бошқа моддалар мавжуд.. Бундан ташқари, углеводлар, фенолкарбон кислоталар, пектин моддалари, тритерпен сапонинлари борлиги аниқланган.

Зайтун ёғи бу дараҳт мевасининг асосий маҳсулоти бўлиб, асосан шу мақсадда экиб етиштирилади. Лекин мевалари ҳам консерва саноатида кенг истеъмол қилиниб, яшил мевалари консерваланади, қора меваларидан тузлама тайёрланади. Зайтун ёғи шпрот ва сардин тансиқ балиқ консервалари тайёрлашда ишлатилади.

Консерваланган, тузланган зайтун мевалари ўзига хос ёқимли мазага эга бўлиб, дастурхонда озиқ-овқатлар билан бир қаторда туради, энг асосийси ҳар хил иллатларга қарши шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Унинг инсон саломатлиги учун фойдали эканини қуидагилар билан изоҳлаш мумкин: зайтун ёғи ошқозонда енгил ҳазм бўлувчи ёғдир. Унинг хушбўй ҳиди иштаҳани очади, шу сабабдан турли салатларга қўшилади. Шунинг учун ҳам у болаларнинг соғлом ўсишига ёрдам беради ва ёши улуғларнинг эрта қариши олдини олади.

Зайтун ёғи қоннинг қуюқлашиши ва томирларнинг қотиб қолишининг ҳам олдини олувчи мислсиз воситалардан биридир. Жигар фаолиятини яхшилайди, сафро йўлларини фаоллаштиради, ошқозон меъеридан юқори кислоталилигининг олдини олиб, яра пайдо бўлмаслигини таъминлайди.

Милқ, тери ва аллергик касалликларни даволашда ҳам фойдалидир. Зайтун ёғи D витаминига бой, шу сабабли рахит ва болдир суякларининг қийшиқ ўсишини даволашда фойда беради. Қуёш нуридан маҳрум, қоронғи хоналарда яшовчиларга фойдалидир.

Мутахассислар таъкидлашича, зайтунда инсон организми учун зарур бўлган барча витаминлар ва микроэлементлар мавжуд. 80%гача ёғга эга бўлган хом мағизида ўзининг хусусиятлари билан нодир бўлган тўйинтирилмаган ёғли кислоталар таркибиға кирувчи: 75% олеин кислотаси, 13% линол кислотаси ва 0,55% линолен кислотаси мавжуд. Чорва молларининг ёғидан фарқли ўлароқ зайтун ёғи инсон организми учун ниҳоятда фойдали бўлиб, атеросклероз, юрак ва қон-томир касалликлари ривожланишининг олдини олади, унда холестерин моддаси йўқ ва бу модданинг организмдан чиқарилишига қўмак беради, ҳазм қилиш аъзоларига самарали таъсир қиласи.

Испаниялик соҳа мутахассислари зайтун ёғи ҳар қандай ёшдаги инсонга фойдали бўлиб, ҳатто болалар овқат рационига асос бўлиши ўринли ва ниҳоятда фойдали деб ҳисоблашади. Гап шундаки, бу ёғ таркибиға кирувчи кислота моддалар F витаминининг асосий бўллаги бўлиб, инсон организми ҳужайралари қобигига зарур бўлган қурилиш материали сифатида хизмат қиласи, организмнинг ўзи уни қисман синтезлайди.

Ҳайвон ёғидан фарқли равишда зайдун ёғи кислоталари организм учун анча фойдали бўлиб, танада гликемия (семиришнинг хавфли тури) даражасини пасайтиради, юрак-томир касалликлари олдини олиб, овқат ҳазм қилиш аъзоларига ижобий таъсир этади, организмнинг ёшаришига ёрдам беради.

Зайдун мевасини ҳар куни истеъмол қилиш юрак-томир тизимидағи стенокардия, инфаркт, саратон (рак), айниқса, аёллардаги қўкрак саратони, қандли диабет, семириш касалликлари хавфини камайтиради. Шунингдек, зайдун ёғи таркибидаги моддалар қондаги заарли холестерин ва триглицерид миқдорининг ошиб кетишига йўқ қўймайди.

Зайдун меваси таркибидаги А, Д, Е ва К витаминалари инсон суюгини мустаҳкамлайди, ичак фаолиятини яхшилади. Зайдун ёғи юқори артериал қон босимини нормаллаштиради. Зайдун ёғи инсон танасига тўлиқ сингади. Қадимги греклар ўзларини ҳар томонлама бақувват қилиш учун ҳар куни эрталаб бир қошиқ зайдун ёғи ичиб, орқасидан бир қошиқ асал истеъмол қилганлар. Бу усул эркаклик қувватининг ошишига ҳам самарали таъсир этади.

Зайдун ёғини терига суртилса, уни чиройли қиласи, истеъмол қилинса, соchlар ва тирноқлар ўсишига ижобий таъсир кўрсатиб, тиш ва милкларни соғ ва мустаҳкам қиласи.

Юрак томирлари ва артериал соғлиқ учун фойдалари: Зайдун меваси ва зайдун мойидаги айрим ёғ кислоталари моно-тўйинмаган ҳисобланади. Моно тўйинмаган ёғ кислоталари таркибида холестерин бўлмайди. Шу сабабли зайдун мойи холестерин миқдорини оширмайди, балки уни назорат остида сақлаб туради. Зайдун мойи таркибида инсон танаси учун муҳим бўлган омега-6 линолеик кислотаси ҳам мавжуд. Мана шу хусусияти туфайли соғлик муаммолари билан шуғулланувчи (Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти каби) ташкилотлар аҳолиси артерия қон томирлари атеросклерози ва қандли диабет касаллиги билан кўп оғриган давлатларда истеъмол қилинадиган ёғ кислоталарнинг камида 30% и омега-6 дан иборат бўлиши кераклигини тавсия қиласи. Бу зайдуннинг аҳамиятини янада кўпроқ оширади.

Бу соҳада олиб борилган изланишар бир ҳафта давомида кунига 25 миллилитр (таксиман икки чой қошиқ) табиий зайдун мойи истеъмол қилган одамларда кам миқдорда зичлиги кичик липо-протеин (ёмон холестерин) ва кўп миқдорда антиоксидловчи мавжуд бўлишини аниқласди. Антиоксидловчилар танадаги эркин радикаллар деб номланадиган заарли моддаларни нейтраллаш ва ҳужайра бузилишининг олдини олиши сабабли жуда муҳимдир. Кўплаб изланишларда яна шу нарса аниқландикси, зайдун мойини истеъмол қилиш холестерин миқдорини камайтиради ва юрак касаллигининг олдини олади.

Зайдун мойи қон оқимидағи заарли холестерин (зичлиги кичик липопротеин) миқдорини камайтириши ва фойдали холестерин (зичлиги юқори липопротеин) миқдорини кўпайтириши боис у юрак ҳамда артерия қон томир касалликлари билан оғрийдиган bemorlararga ҳам тавсия этилади.

Юрак ва артерия қон томир касалликлари кўп учрайдиган мамлакатларда одатда юқори холестерин таркибли тўйинган ёғлар истеъмол қилинади.

Бундан ташқари, зайдун мойи омега-6 нинг омега-3 га бўлган нисбатига зарар етказмайди. Омега-3 ва омега-6 ларнинг танада муайян миқдорда бўлиши жуда муҳим, чунки буларнинг нисбатидаги ҳар қандай номутаносибликлар кўпгина касалликлар, айниқса, юрак, иммун системаси ва саратон касалликларининг ривож-ланишига сабаб бўлади. Шу сабаблар туфайли кўпчилик одамлар зайдун мойи шарофати билан ўз саломатликларини яхши аҳволда сақлаб туришади. Америка Юрак саломатлиги ассоциацияси юрак хасталиги хавфини камайтириш учун кўп миқдордаги моно-тўйинмаган ёғлар 30% гача ёғи камайтирилган таомга муқобил бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Саратон касаллигининг олдини олиши: *The Archives of Internal Medicine* (Ички тиббиёт архивлари) номли нашрда чоп этилган бир изланиш кўп миқдорда монотўйинмаган ёғ истеъмол қиласидиган аёлларда кўкрак саратонининг камроқ ривожланиш хавфи туғилиши ҳақида ёзади. Буффало университети ҳамда Нью-Йорк Давлат университети олимлари томонидан олиб борилган бошқа бир изланиш эса зайдун мойи каби ўсимлик мойларида топиладиган ёғ, яъни b-ситостерол, простатада саратон ҳужайралари пайдо бўлишининг олдини олишда ёрдам беришини исботлади. Тадқиқотчилар шундай хulosага келишдики, b-ситостерол ҳужайралар бўлинишига буйруқ берадиган ҳужайранинг ички алоқа тизимини кучайтиради ва шу йўсинда ҳужайра бўлиниши бошқариб бўлмас даражага етмасдан саратон касаллигининг олди олиниши мумкин. Оксфорд университетида шифокорлар томонидан ўтказилган тадқиқот зайдун мойи ичак саратонига қарши ҳимоявий таъсирга эга эканлигини кўрсатди. Шифокорлар зайдун мойи ичак саратони бошланишининг олдини олиш учун ошқозон кислотаси билан реакцияга киришишини аниқладилар. Оксфорд университети тадқиқотчилари яна шу нарсани аниқлашдики, зайдун мойи сафро миқдорини камайтириб, диамин ферменти оксидазасининг миқдорини кўпайтиради ва шу тариқа организмни ноноormal ҳужайра ўсиши ҳамда саратондан ҳимоя қиласиди.

Артритнинг олдини олиши: Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, кўп миқдорда зайдун мойи ва пиширилган сабзавот истеъмол қиласидиган одамларда ревматик полиартрит, бўғимларнинг сурункали яллиғланиши касаллигига чалиниш хавфи кам бўлар экан.

Зайдун мойи суюкларнинг ўсишига ёрдам беради: Зайдун мойи таркибида мавжуд бўлган Е, А, В, D ва К витаминалари катталар ва болаларда суюкларнинг ўсиб ривожланишига ёрдам бериши ва кальций миқдорини барқарорлаштириш орқали суюкларни мустаҳкамлаши нуқтаи назаридан айниқса аҳамиятлидир. Улар осон ҳазм бўлиши ва ўз минераллари орқали танада витаминаларнинг ишлатилишига ёрдам бериши туфайли ёши катталарга ҳам тавсия этилади. У суюкнинг минералланишини кўпайтириш орқали кальций йўқолишининг олдини ҳам олади. Суюклар организмнинг минерал структура омбори ҳисобланади. Суюкларда минерал моддалар тўпланишининг йўқолиши суюкнинг мўртлашиши каби жиддий асоратларни

келтириб чиқариши мумкин. Зайтун мойи бу масалада энг фойдали таъсирга эгадир.

Бола ривожланишига қўшидиган ҳиссаси: Зайтун мойи таркибидаги витаминалар ҳужайрани янгилаш хусусиятига эгалиги сабабли улар қарияларни даволашда ҳамда терини озиқлантириш ва ҳимоя қилишда ҳам ишлатилади. Озиқ-овқатлар танамизда энергияга айланиши сабабли оксидловчи деб номланадиган маълум моддалар хосил бўлади. Зайтун мойининг таркибида учрайдиган кўп миқдордаги антиоксидловчилар заарли моддалар келтирадиган зиённинг олдини олади, бизнинг ҳужайраларимизни янгилайди ва тўқима ҳамда органларнинг қаришини кейинга суради. Зайтун мойи Е витаминига ҳам бой бўлиб, бу витамин танамиздаги ҳужайраларни нобуд қилувчи ва қаришга сабаб бўлувчи эркин радикалларни йўқотади.

Зайтун меваси ва зайдун мойида мавжуд линолеик кислота (омега-6 ёғ кислотаси) туфайли улар янги туғилган чақалоқ ҳамда ўсаётган болалар учун соғлом озуқа ҳисобланади. Линолеик кисло-танинг этишмаслиги болалиқда ўсишдан орқага қолишга ва турли тери касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Зайдун мойи таркибида танамиздаги заарли моддаларнинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қила оладиган антиоксидловчи элементлар ва инсон саломатлиги учун катта аҳамиятга эга ёғ кислоталари мавжуд. Булар танадаги гормонларга қувват бўлади ва ҳужайра мемранасининг шаклланишига ёрдам беради.

Зайдун мойи она сутидаги каби мувозанатлашган политўйинмаган таркибга эга. Зайдун мойи инсон танасидан олиб бўлмайдиган ёғ кислоталарнинг етарли манбаи бўлганлиги сабабли бола танаси учун катта аҳамиятга эга. Бу омиллар зайдун мойининг янги туғилган болалар учун жуда муҳимлигини кўрсатади.

Бола мияси ва асаб системасининг табиий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши боис, зайдун мойи мутахассислар томонидан ҳомиладор аёллар ва оналарга истеъмол килиш учун тавсия этиладиган ягона майдир. Зайдун мойи таркибида она сутидагига тенг миқдорда линолеик кислота мавжуд. Ёғсиз сигир сутига зайдун мойи қўшилганда, у она сутига тенглашиб, табиий озуқа манбаига айланади.

Қон босимини тушириши: 2000 йил 27 марта *The Archives of Internal Medicine* (Ички тиббиёт архивлари) нашрида чоп этилган бир изланиш яна бир бор зайдун мойининг юқори қон босимига нисбатан фойдали таъсирига урғу беради. Юқори қон босимини тушириш учун ишлатиладиган дорилар зайдун баргларидан ҳам тайёрланади.

Ички аъзолар учун фойдалари: Зайдун мойи иссиқ ёки совуқ ҳолда истеъмол қилинишидан қатъи назар, ошқозон кислотаси миқдорини камайтириш орқали ошқозонни гастрит ва яралар каби касалликлардан ҳимоя қиласди. Шунингдек, ўтни ҳаракатга келтириб, унинг фаолиятини яхшилайди. У ўт пуфагидан чиқадиган суюқликни тартибга солади ва ўт пуфагида тош пайдо бўлиш хавфини камайтиради. Зайдун мойининг таркибида хлорид мавжуд бўлиб, у жигар фаолиятига ёрдам беради ва шу тариқа ортиқча

маҳсулотларни танадан йўқотишга кўмаклашади. У мия артерияларига ҳам фойдали таъсир кўрсатади.

Маймунжон (Малина)нинг хусусиятлари



Ёз фасли пишиқчилик фасли ҳисобланади. Шундай экан, қишки витамин етишмовчилигининг олдини олиш ва турли дори-дармонларга эҳтиёж қолдирмаслик учун қуидаги мевани етиштиришни ва истеъмол қилишни тавсия этамиз.

Ушбу резавор организмни тозаловчи клетчаткага жуда бой. У шунингдек, С, К витаминлари манбаи бўлиб, бу витаминлар простата саратонининг олдини олади. Унинг таркибидаги лютеин эса кўзлар саломатлигини таъминлайди. Маймунжон қандли диабетда ҳам фойдали. Маймунжон - (малина) 1-2 метрга етадиган ярим бута. Медицина маймунжоннинг меваси қўлланилади. Тўлиқ пишган мевалар йиғиб олиниб, очиқ ерда-қуёшда қуритилади. Халқ табобатида қуритилмаган ва қуритилган мева дамламаси шамоллаш касалликларида терлатувчи, иситма туширувчи, балғам қўчирувчи дори сифатида ҳамда иштаҳа очиш, овқат ҳазмини яхшилаш, қон оқишини (меэдадан, ичакдан, бачадондан) тўхтатиш учун қўлланилади. Мевадан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуилади, устига 2 ош қошиқда қуритилган мевадан солиб, 15-20 дақика дамлаб қўйилади. Сўнгра дамлама докада сузуб олинади-да 1-2 соат ичиди иссиқ ҳолида ҳаммаси ичилади. Илмий тиббиётда қуритилган мевасидан тайёрланган дамлама турли шамоллаш касалликларида терлатувчи ҳамда енгил сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Оддий маймунжоннинг қуритилган меваси терлатувчи йиғмачойлар таркибиغا киради.

Қўзиқориннинг хусусиятлари



Кўклам одатдагидан серёгин келса, ёмғирнинг кўп ёғиши, момогулдурақ, чақмоқ чақиши – кир-адирларда, яйловларда чорва ризқи мўл бўлишию қўзиқоринлар мавсумининг авжидан дарак беради.

Маълумки, табиатда замбуруғларнинг 100 мингдан ортиқ тури учрайди. Қўзиқоринлар ҳам шулардан бири. Айтишларича, замбуруғлар ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг оралиғида бўлган алоҳида гуруҳ ҳисобланар экан. Яъни, замбуруғлар на ўсимлик, на ҳайвон.

Юртимизда қалпоқчали замбуруғларнинг 200 дан зиёд тури мавжуд бўлиб, улардан 150 дан зиёд ботаник тури заҳарли, атиги 25 туригина истеъмол учун яроқли ҳисобланади. Замбуруғларнинг еса бўладиган ана шу турларини “қўзиқорин” деб атаймиз. Сутга тўйган қўзичноқнинг қорнига ўхшагани учун шундай ном берилган бўлса керак-да.

Айримлар “қўзиқорин қалория жиҳатидан гўшдан ҳам юқори туради”, деб муболаға қиласидар. Бу бежизга эмас. Истеъмолга яроқли қўзиқоринлар маъданли моддалар, оқсил ҳамда “С” ва “В” гуруҳларига мансуб витаминаларга жуда бойдир. Унинг энг асосий устунлиги оқсилнинг кони эканида: қўзиқоринда оқсил тухумдан 2, гўштдан 3 баробар кўп. Фосфор ва калций борасида балиқ қатори. Шу билан бирга, у жуда тўйимли бўлиб, озгина есангиз ҳам дарров қорнингиз тўйиб қолади. Қўзиқоринли таомлар билан бирга организм витамин, аминокислоталар, микроэлементларнинг катта миқдорини қабул қиласиди.

Мисол учун, хитин моддаси шлак ва оғир металларни ўзига сингдириб, уларни овқат ҳазм қилиш жараёнида организмдан чиқиб кетишида муҳим рол ўйнайди.

ПП витамини (никотин кислотаси, ниатсин) қон ҳосил бўлиш жараёнида муҳим рол ўйнаб, томирлар деворини мустаҳкамлайди. Бу витамин қўзиқоринда худди мол жигаридаидан ҳам қўпроқ.

Қўзиқоринлар қондаги ёмон холестерин миқдорини пасайтиради. У шунингдек, қандли диабет билан оғриган кишиларга фойдали.

Қўзиқоринлар хом сабзавотлар(бодринг, карам, помидор) билан келиша олмайди, бундай аралашма ошқозон бузилиши ва дам бўлишга олиб келади. Шу боис уни фақатгина пишган сабзавотлар билан бирга истеъмол қилган маъқул.

Қўзиқоринлар бир-бирига жуда ўхшашлиги сабаб, заҳарлиси билан истеъмолга яроқлисими фарқлаш қийин. Одамлар орасида заҳарли қўзиқоринлар сассик ҳидли бўлади ва уларни ана шу ҳидидан фарқлаш мумкин, деган тушунча юради. Аслида бундай эмас, кўпгина заҳарли қўзиқоринларнинг ҳиди бўлмайди. Номаълум, муҳлати ўтиб, сўлий бошлаган ва чириган қўзиқоринлардан ҳам эҳтиёт бўлиш керак.

Истеъмолга яроқли қўзиқоринларга ўзимизнинг оқ қўзиқорин, қизил қўзиқорин, шампиньон ва опёнок кабилар киради. Заҳарли қўзиқоринларга қизил мухамор, кулранг мухамор, сатанин, сарик сохта қўзиқорин ва бошқалар киради.

Шаҳарлар худудида, унга яқин жойларда заҳарли замбуруғларнинг “рангсиз қурбақасалла” (“бледний поганка”), “лепиота”, “мухомор” ва “сохта опенок” каби турлари кўп учрайди. Улар боғларда, қабристонларда, сайҳонликларда, дараҳтлар тагида ва бошқа жойларда ўсади. Бу замбуруғлар ҳам барча истеъмол учун яроқли бўлган қўзиқоринларга ўхшаб соябонсимон шаклга эга бўлади.

Заҳарли қўзиқоринларнинг кўп тарқалган тури, халқ тили билан айтганда — “қурбақасалла” таркибида гельвелат кислотаси, фаллотоксин, аммонитотоксин ва бошқа заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, бундай қўзиқоринларга қанчалик ишлов берилманг, таркибидаги заҳарли моддалар йўқолиб кетмайди. Улар қиздиришга жуда ҳам турғун, қайнатилганда зарарсизланмайди, оксиген таъсирида оксидланмайди ва ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланмайди. Оқибатда истеъмол қилган кишиларни заҳарлайди.

Заҳарланишнинг олдини олиш учун аввало истеъмол қилишга яроқли ёки аксинча заҳарли бўлган қўзиқоринлар ҳақида тушунчага эга бўлишимиз лозим. Келинг, заҳарли қўзиқоринларнинг айримлари билан танишиб қўйайлик.

Мухомор

Унинг ташқи қўриниши истеъмолга яроқли қўзиқоринлардан кескин фарқ қиласи. Шундай бўлса-да, кўпинча болалар бу фарқни англамай териб келиши ва истеъмол қилиши натижасида заҳарланиш улар ўртасида кўпроқ учрайди. Мухомор қўзиқоринининг заҳри биринчи галда асаб тизимиға таъсир кўрсатади. Ошқозонга тушгандан сўнг 30 дақиқадан ва 3 соатгача бўлган вақт ичиде ножӯя таъсирини кўрсатади. Заҳарланган кишида кучли сўлак ажралиши, терлаш, кўнгил айниши, қусиш ва ич кетиш кузатилади. Бронхларда балғам йиғилиб нафас олиш қийинлашади. Оғир ҳолларда бош айланиш, талваса, алаҳлаш рўй беради.

Булардан ташқари яна жуда кўплаб заҳарли қўзиқорин турлари бор.

Шуни ҳам айтиб ўтишимиз керак, катта йўллар бўйидаги, кимёвий моддалар ишлаб чиқариш корхоналари ёки улар сақланадиган омборларга туташ худудларда ўсган еса бўладиган қўзиқорин турларини ҳам истеъмол қилиш ярамайди. Чунки, қўзиқоринлар атмосфера ҳавоси, сув ва тупроқдаги заҳарли кимёвий моддаларни ўзига тез сингдириб олиш хусусиятига эга. Шунинг учун баъзида еса бўладиган қўзиқоринлардан заҳарланиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Руҳланган идишларда сақланган қўзиқоринлардан ҳам одам заҳарланиб қолиши мумкин экан. Чунки идишни қоплаган рух қўзиқоринларга таъсир қилиб, унинг сифатини бузади.

Шаҳарлараро автомагистраль йўлларида, бозорларда сотилаётган, келиб чиқиши номаълум бўлган қўзиқоринларни сотиб олмаганингиз маъқул. Бу билан ўзингиз ва оила аъзоларингизни хавфли, оқибати номаълум егуликдан асраган бўласиз.

Ёввойи ҳолда ўсадиган қўзиқоринларнинг истеъмол учун хавфлилиги шундаки, уларга термик ишлов берилганда, яъни қайнатилганда,

қовурилганда ҳам таркибидаги заҳарли моддалар парчаланмаслиги ёки заҳарлилик хусусиятини сақлаб қолиши мумкин. Шунинг учун уларни болаларга беришдан олдин яхшилаб ўйлаб кўрган маъқул.

Кўзиқориндан заҳарланиш белгилари истеъмол қилинган маҳсулотнинг турига қараб, 20 дақиқадан бир неча соатгача чўзилиши мумкин. Асаб тизимидағи ўзгаришлар заҳарланиш учун характерли белги ҳисобланади. Бундан ташкари, сўлак оқиши, кўп терлаш, кўздан ёш оқиши, кўнгил айниши, қоринда оғриқ пайдо бўлиши ва қайт қилиш кузатилади. Томир уриши (пульс) секинлашади ва сустлашади, алаҳсираш (галлюцинация), титраш кузатилади. Бундай беморга тез тиббий ёрдам кўрсатилса, одатда 1-2 кундан кейин соғайиб кетади. Акс ҳолда bemornинг аҳволи оғирлашиб, айрим ҳолларда ўлим билан тугайди.

Бундай нохуш ҳолатларга дучор бўлмаслик учун адабиётлардан ва шу мавзудаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда, кўзиқоринларнинг истеъмолга яроқлиси билан заҳарлисини ажратади билиш керак. Мактаблар, олий ва ўрта маҳсус билим юртларида бу ҳақда маълумотлар берилиши мақсадга мувофиқ.



Захарланганда биринчи ёрдам

Аввало, зудлик билан ошқозон ювилади. Ярим литр совук сувга бир чой қошиқ сода қўшиб, оч пушти рангли марганцовка эритмаси ичирилади ва мажбуран қайт қилдирилади. Муолажа камида 2-3 марта такрорланиши керак. “Тез ёрдам” келгунига қадар bemor ёнбош ётқизилиб, оғиз бўшлиғи бинт билан артиб турилади.

Агар қўзиқоринга мазахўрак бўлсангиз ва бундай мазали таомдан вақти-вақти билан баҳраманд бўлиб туришни истасангиз, яхшиси, маҳсус иссиқхоналарда етиштирилаётган “вешанка” ва “шампиньон” каби қўзиқорин турларини сотиб олинг. Кўзиқорин етиштириш ва савдо қилиш учун рухсат берилган бундай хўжаликлар ҳозирда етарлича. Бу хўжаликларда етиштирилаётган қўзиқоринлар ва улардан тайёрланган консерва маҳсулотлари санитария-эпидемиология хизмати лабораторияларида таҳлил қилиниб, маҳсулотлар учун гигиеник сертификат берилади.

Аммо бунда ҳам ҳушёр бўлинг, ҳозирда турли йўллар билан, гигиена ва санитария талабларига жавоб бермайдиган ертўла шароитларида қўзиқорин етиштираётган соxта тадбиркорлар ҳам кам эмас. Сизга маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиқлик ва гигиеник сертификатлари ҳамда санитария лаборатория мутахассислари томонидан бериладиган маълумотнома) тақдим этишсагина қўзиқоринни харид қилинг.

Кўзингизга қанчалик яхши кўринмасин, дала ховлиларда, яйловларда ва ариқ бўйларида ўсган қўзиқоринларни истеъмолга яроқли ёки яроқсизлини билмай туриб қозонга ташлашга шошилманг. Бозорлар ва савдо дўконларидан қўзиқорин харид қилмоқчи бўлсангиз, гигиеник ва мувофиқлик сертификатлари ҳамда ветеринария-санитария лаборатория мутахассислари томонидан бериладиган маълумотномани талаб қилишдан тортинманг.

XIV.БОБ.Томорқачилик сирлари

Томорқачиликнинг тўққиз қоидаси



Томорқали киши борки, экинларининг касалланганидан ёки турли ҳашаротлар кемириб кетаётганидан шикоят қилиб туради. Кўпчилик буни йилнинг келишига йўяди. Аслида эса, у дехқоннинг билимига, маҳоратига боғлиқ. Томорқа – экин эксанг бўлди, ҳар қандай вазиятда униб, ҳосил бераверадиган жой эмас. Томорқачиликда тўққиз қоида бор, дейишади. Бу ҳақда жizzахлик тажрибали дехқон Шухрат Латиповнинг тавсиялари билан танишамиз.

1. Бир жойга ҳамиша бир хил экин экмаслик. Акс ҳолда тупроқда айнан шу экинга хос касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар тўпланади. Масалан, карам, турп, редиска кабиларнинг илдиз бўқоги касаллигидан холи бўлиши амримаҳол. Иссиқхоналарда ҳам кўп йиллар алмашмай ёки

майдонни дезинфекцияламасдан помидор, булғор қалампири ва бақлажон экилганида кладоспориоз, макроспориоз, бактерия касаллиги билан, бодринг эса – жигарранг чириш билан заарланади. Кartoшкa эса қўтири касаллигига чалинади. Шу боис томорқада экинни, албатта, алмашлаб экиш зарурлигини унутманг.

2. Ург ёки кўчатнинг сифати. Ург ё кўчат сифатсиз бўлса, экин ва унинг ҳосили нимжон, инфекцияларга чидамсиз бўлади. Kartoshkанинг асосий касаллик қўзғатувчилари уруғлик меваси орқали ўтади, карам уруғлари ёлғон ун шудринги мозаика каби касаллик қўзғатувчиларини ташийди. Помидор уруғлари рак, мозаика, поя некрози каби, суқма пиёз эса – перономпориз ва кулранг чириш касалликларини ташишига хизмат қилиши мумкин.

3. Кўчатлар ораси кенглигининг меъёри. Дехқоннинг иложи борича кўпроқ экиш истагини тушуниш мумкин. Бироқ кўчат қалин бўлганда ўсимликлар бир-бирини сикади, соя солади, яхши шамолламайди. Натижада, замбуруғли ва бактерияли касалликлар ривожланиши учун микроиқлим юзага келади: пиёзда – ёлғон ун шудринги, бодрингда – бактериоз, антракноз, помидор ва Kartoshkada – фитофтороз, шолғомда – церкоскороз. Тифиз экин тупроқ ва ҳаводан ўзига яраша озуқа ололмаслигини ҳам эътиборга олиш керак.

4. Озиқ моддалар мувозанати. Агар фосфор, калий, микроэлементлар етишмасдан, азот керагидан ортиқча бўлса, ўсимлик жадал ўса бошлайди. Бу ҳолда унинг касалликларга қаршилиги пасаяди, ҳосили майдалашади.

5. Тупроқ ҳолати. Кислоталилик даражаси юқори бўлган тупроқка экилган кўчатларда қорасон, карамда илдиз бўқоги, Kartoshkada қўтири касалликлари ҳамда сабзи ва шолғомда илдиз қурти фаол ривожланади. Аксинча, кислоталилиги паст бўлган тупроқда шолғом, карам, ловия, бодринг, пиёз ва салатларнинг касалликка тез чалиниши кузатилади. Ишқорли тупроқда Kartoshkанинг вертициллөз сўлиш ҳамда қўтири касалликлари кўп учрайди.

6. Экиши муддати ва усуллари. Буларни ўзгартириш орқали экинларни касалликларга дучор бўлишининг олдини олиш ёки уларга барҳам бериш мумкин. Агар сабзавот экинлари қизимаган тупроққа экилса, ниҳолларнинг тезгина илдиз чиқариши, Kartoshka эса ризоктониоз заарланиши мумкин. Шу боис ҳўл, оғир, совуқ тупроқларда Kartoshka, карам ва бошқа сабзавотларни уя очиб эмас, олдиндан тайёрлаб қўйилган чуқур қаторга эккан маъқул.

7. Тупроқ, ҳаво намлиги ҳамда ҳарорати. Ҳавонинг кескин совиши, совуқ сув билан суғориш, иссиқхонада елвизак туриши, нотўғри озиқлантириш, албатта, бодрингни ун шудринги, бактериоз, антракноз, аксинча, ҳаво намлигининг ортиб кетиши помидорнинг фитофтороз, кулранг ва оқ чириш касалликларига дучор қиласи. Айнан ушбу талаблар номувофиқлиги туфайли ҳам бу ўсимликларни битта иссиқхонада ўстириш мушкул.

8. Нотүгри сугории. Юқоридан күп сув қуйиб суғориш туфайли тупроқ тобора ювилиб, ўсимлик илдизи очилиб қолади, барглар ифлосланади. Аксинча, эгатлар бўйлаб, ўсимликларни айлантириб ёки томчилатиб суғориш уларни касалланиш эҳтимолини камайтиради.

9. Мағсум охиридаги ўсимлик қолдиқлари. Уларда касаллик кўзғатувчилар жуда яхши қишлиайди. Фақат ун шудринги, вирус касалликлари билан заарланган бўлса, хеч иккиланмай кузги чопик пайтида кўмиб юбориш кифоя. Фитофтороз, бактерияли касалликлар билан заарланган картошка поясини эса 2 йилгача компост қилиб ташлаб қўйган маъқул. Агар карамнинг илдиз бўқофи, помидорнинг фитофтороз, картошка ва шолғомнинг рак касалликларини сезсангиз, ўсимлик қолдиқларини ёқиб юборишингиз ёки экин экилмайдиган жойга элтиб ташлашингиз шарт.


Мевали дараҳтларни ёшартириши



Янги новдалар ўсиб чиқиши учун дараҳтларнинг эски ва қуриган шохларини кесиш; дараҳт умрини узайтириш ва ҳосил беришини тиклаш усулларидан бири. Мевали дараҳтлар қариганида, асосий шохларини тиклаш, новдаларининг ўсишини тезлаштириш ҳамда мева ҳосил қилувчи органларини шакллантириш мақсадларида қўлланилади. Кўпгина 25–30 ёшдаги олма, нок, 15–20 ёшдаги ўрик, 8–12 ёшдаги олхўри, гилос ва бошқа дараҳтлар ёшартирилади. Асосан, февраль–март ойларида ўтказилади. Ёшартишнинг енгил, кучли ҳамда бутаб ёшартириш хиллари бор. Енгил ёшартиришда асосий шохлар, қулай томонга ривожланган ён шохлар юқорисидан, кучлисида асосий шохларнинг учдан икки қисми кесилади. Бунда улардан бир нечта янги новда ўсиб ривожланади. 3–4 йилдан сўнг улардан янги шох-шабба шакллантирилади. Бутаб ёшартиришда асосий шохлар қисқартирилиб, улардаги 1–2 йиллик новдаларнинг айримлари олиб ташланади. Бу усулда захира озиқ моддалар дараҳтларнинг кўп гуллаши учун сарф бўлмайди, тутган мевалар тўкилиб кетмайди. Ёшартирган олма ва нок дараҳтлари 4-йилда, ўрик, шафтоли 2-йилдаёқ ҳосилга киради. Шохларнинг кесилган жойига боғ малҳами ёки алиф аралаштирилган мойли бўёқ суриб қўйилади. Ёшартишдан олдин дараҳт ўсаётган атроф ерга 5–6 кг чириган гўнг ёки гўнг билан минерал ўғит аралашмаси солиб, чопилади, қондириб

сугорилади. Тўғри ёшартирилган мевали дараҳт яна 10–15 йил ва ундан ҳам узоқ ҳосил беради.

Дараҳтларни буташи тартиблари



Буташи – дараҳт ва буталарнинг ортиқча шох ва новдаларини қисман ёки бутунлай олиб ташлашдан иборат. Буташ кўчатларга, дараҳтларга шакл бериш, шунингдек, дараҳтнинг касалланган, кексайган, синган ва ортиқча новдаларини олиб ташлаш, қариган дараҳтларни ёшартириш мақсадида ўтказилади. Манзарали дараҳтлар ва буталар яхши, чиройли кўриниши учун бутаб ва шох-шаббаси учлари қайчилаб турилади. Буташ мева дараҳтларига таъсир кўрсатишнинг энг фаол агротехник усулларидан бири бўлиб, мева дараҳтлари ҳосилдорлигини уч бараварга оширади, меваларни 20 фоизгача йириклаштиради, меваси рангдор ва ширадор бўлиб, таъми яхшиланади, дараҳт узоқ муддат яшайди.


Мевали дараҳтларни буташда шохларни сийраклатиш, қисқартириш ва новдаларни чилпиш усуллари қўлланилади. Сийраклатишда биринчи навбатда қуриган, чалкаш, касалланган ва заарланган, нимжон, қалинлаштирувчи шохлар кесиб ташланади. Сийраклатиш натижасида янги мева шохлари ҳосил бўлади, дараҳт иссиқлик ва ёруғликдан яхшироқ фойдаланади, унинг бўйига ва энига ўсиши яхшиланади. Новдашохларни қисқартиришда узун новдаларнинг ўсиш кучига қараб $1/2$ ёки $1/3$ қисми олиб ташланади. Дараҳтлар кўчириб ўтқазилаётганда ҳам шохновдалар қисқартирилади. Мева дараҳтларида ўсув даврида новдаларни чилпиш ўсиш кучи ва биологик хусусиятига қараб май–июнь ойларида бажарилади (бундай буташ яшил буташ дейилади), натижада новда бўйига ўсишдан тўхтайди, новдада қўлтиқ куртаклар шаклланади ва янги новдалар пайдо бўлади. Дараҳтлар, асосан, куз–қишида ва қиши–баҳорда, манзарали бута, дараҳтлар ёз давомида буталади. Дараҳт буташда шох бутоқ) кесадиган қайчи, боғ пичоги, ток қайчи, ёйсимон аппа ва боғ дастарраси каби маҳсус асбоблардан фойдаланилади.

Дараҳтларни қаллаклаш тартиблари



Каллаклаш – қариган мева дараҳтларини ёшартириш (хосил бериш даврини узайтириш); 6–10 йиллик асосий шохларни 1–1,5 м юқорисидан, айримларини танага тақаб кесиш демакдир. Бу тадбир асосан, дараҳтларнинг тиним даври (февраль–март)да ўтказилади. Ўрик, шафтоли, тут дараҳтларида яхши натижа беради. Ёғоч олиб туриш учун экилган тол дараҳтлари ҳар 2–3 йилда эрта баҳорда, тут пилла қурти боқиш учун барг берадиган тут дараҳтлари ҳар йили қаллаклаб турилади.

Мевали дараҳтларга шакл берииш тартиблари



Мевали дараҳтлардан муттасил мўл хосил олишга қаратилган агротехник тадбирлар комплексида дараҳтларга тўғри шакл бериш, буташ,

шохларни сийраклаштириш мухим аҳамиятга эга. Ушбу тадбирлар ҳаво ҳарорати +5 °С дан юқори бўлган кунларда амалга оширилади.

Олма, нок, беҳи, ўрик, гилос ва олхўри дараҳтларининг кўпчилик навлариға шакл беришда асосан сийрак ярусли шакл қўлланилади.

Ург мевали боғларда шакл бериш, сийраклаштириш ва буташ ишлари тугаллангандан сўнг, данак мевалиларга ўтилади. Бунда аввал ўрик, олхўри, гилос, олча ва шафтоли дараҳтлари буталади.

Ўрик дараҳтлари дастлабки йилларда кучли ўсганлиги боис олти-етти ёшгача бўйига ўсган шохларида ҳосил куртаклари бўлади. Бу даврда уларда ён шохчалари суст ўсади. Бундай шохларни уларда ён шохчалари яхшироқ ўсиб чиқиши учун учдан бир қисмига ёки ярмига қисқартирилади. Кейинги буташларда навбатдаги тартибда ўсган ортиқча шохлар олиб ташланади ва шохлар бироз қисқартирилади.

20–25 ёшли ўрик дараҳтларида ўсиш жараёни секинлашиб, ҳосилдорлик пасайиб боради. Бу даврда дараҳтлар икки-тўрт йиллик шохи бутаб ташланади. Қариган ёки ўсиши сусайган дараҳтларни беш-олти йиллик шохигача бутаб, ёшартирилади.

Олхўрининг кўпчилик навларида мева туғиши органлари қисқа бўлиб, улар икки ва кўп йиллик шохларда жойлашган бўлади. Айрим навларда бир йиллик шохчаларда ҳосил бўлиши кузатилади. Ёш олхўри дараҳтининг шоҳшаббасига шакл беришда шохларнинг пастки қисми яланғочланиб қолмаслиги учун шохлар сийраклаштирилади ва қисқартирилади. Шоҳшаббаси тик ўсан, кучли шохланадиган навларда биринчи тартибдаги асосий шохлар қисқартирилиб, иккинчи тартибдаги ён шохлар баландлигига кесилади. Бу шоҳ-шаббанинг ёйилиб ўсишига имкон беради. Шоҳ-шаббаси ёйик дараҳтлар агар шохлари суст ўсса, сийраклаштирилади. Шохлар факат уларнинг ўсишини тартибга солиб туриши учун қисқартирилади.

Узун ўсан (50–60 см) ва эгилиб қолган шохлар қисқартирилади. Шохларнинг ўсуви 15–20 см. гача камайганда ёшартириш мақсадида асосий шохлар икки-уч йиллик шохигача қисқартирилади. Ўсув жуда ҳам камайиб кетганда, дараҳтлар янада кўпроқ буталади.

Гилос дараҳти кучли ўсиши ва кам шохланиши билан фарқ қиласи. Кучли ўсан шохларнинг пастки қисмида куртаклар кам ривожланади. Куртаклар уйғониши ва асосий шохларда ёш шохчаларнинг ўсиб чиқишини кучайтириш мақсадида асосий шохлар қисқартирилади.

Бундай буташ усули ўсувчи дараҳтлар ёш чоғида ва ҳосилга кира бошлаганда шоҳ-шаббага шакл бериш учун қўлланилади.

Ёш дараҳтларнинг узунлиги 40–45 см. ли новдаларини чилпиш ҳам яхши натижа беради ёки узун новдаларни эгиб, ярус ҳосил қилинса, ундан куртаклар чиқа бошлайди. Шохларни қисқартириш ва чилпиш шоҳ-шаббани ихчам қиласи, шохларда ўсув новдаларини кўпайиши ва даста шохларнинг ўсишига ёрдам беради.

Олча дараҳти бошқа дараҳтларга нисбатан кам буталади. Факат зарур бўлганда қалинлашиб кетган шоҳ-шаббалар, синган, қуриган ва қарий

бошлаган шохлари олиб ташланади. Олча қарид, ўсиши сусайган (10 см) ёки ҳосили камайиб кетган даврда дараҳт ҳолатига қараб, уч-беш йиллик шохигача кесиб ўшартирилади. Тик ўсадиган навлар кўпроқ шохлари ёйилиб, косасимон ўсганлари камроқ кесилади.

Шафтоли дараҳти экилган йили уч-бешта она шохдан шох-шабба ҳосил қилиниб, косасимон шакл берилади. Шафто-лининг қучли, баланд ўсадиган навларини шох-шаббаси тўрт-олти она шохдан иборат ўзгарган лидерли тизим бўйича ҳам шакл бериш мумкин.

Биринчи шох 35–40 см баландликда, қолганлари бир-биридан 15–20 см масофада бўлиши керак. Тўртинчи йили етакчи новда (лидер) кесиб ташланади. Шафтоли дастлабки йилларда тез ўсади, кўп шох чиқаради ва тез мева бера бошлайди. Мевалар бир йиллик шохларда ҳосил бўлади, шафтоли буталмаса, шох-шаббаси қалинлашиб, ички қисмидаги шохларнинг барги тўкилиб кетади, мевалари фақат ташқи шохларда ҳосил бўлади.

Шох-шаббаси ёйик олма навларининг биринчи тартибдаги шохлари иккинчи тартибнинг юқорига қараб йўналган шохлари устига ўтказилади. Шох-шаббанинг асосий шохларига шакл берилгандан сўнг марказий етакчи тана 45° бурчак остида якка ўсган ён шох баландлигига кесилади. Натижада дараҳтнинг бўйи пастлашади ва шох-шабба ички қисмининг яхшироқ ёритилиши учун шароит яратилади.

Шу мақсадда биринчи тартибдаги тик ўсган шохлар иккинчи тартибнинг ташқи ён шохлари устига ўтказилади.

Дараҳтлар шох-шаббасини дастлабки беш-етти йил давомида шакллантириш лозим. Уларни дараҳтларнинг тур ва нав хусусиятларини инобатга олган ҳолда буташ керак.

Ҳосилга кира бошлаган олма дараҳтларининг шох-шаббаси 6–15 ёшгача сийраклаштирилади: бир-бирига ҳалақит берадиган барча новдалар олиб ташланади. Суст новда чиқарадиган, асосан ҳалқасимон ва мураккаб ҳалқасимон ҳосилли шохларда мева тугадиган навларда барча тартибдаги скелет шохлардан ўсиб чиқсан бир йиллик шохларни қисқартириш давом эттирилади.

Қучли шохланадиган олма навларида фақат 60 см. дан узун шохлар қисқартирилади. Шохларнинг йиллик ўсиши 15–20 см. гача камайганда, уларнинг бўйини 35–40 см атрофида сақлаб туриш мақсадида бу шохлар қисқартирилади. Ён томондан ўсиб чиқсан шохларни эгиб ёки қисқартириб, мева шохлари ҳосил қилинади.

Дараҳт тўлиқ мевага кирган даврда навларига қараб 8–15 ёшгача ўтказиладиган буташлар уларнинг бўйи ва ҳосилдорлигини сақлаб қолишга қаратилади. Бу вақтда дараҳтлар ёш давридагига нисбатан камроқ буталади, фақат майда, шох-шаббани қоронғилаштирувчи ва бачки шохлар олиб ташланади. Алоҳида ўсган ва янги шохлар қисқартирилиб, мева шохларига айлантирилади, катта шохлар кесилади.

Агар скелет шохларнинг ўсиши ҳосилнинг ҳаддан ташқари кўплиги ёки агротехниканинг ёмонлиги туфайли 15–20 см. гача қисқарса, ўсишини кучайтириш мақсадида 2–3 йиллик шохлари кесилади, чеканка қилиб

қисқартирилади, заифлари олиб ташланади. Бу тадбир мевали дарахтлар шохларининг меъёрида ўсиши учун вақти-вақти билан ўтказиб турилади.

Скелет шохлар учининг ўсуви анча заифлашиб, 10–15 см. бўлиб қолса, ён томонга ўсган шохлар яхши ўсиши учун тахминан беш-олти йиллик шохлари қисқартирилади. Мураккаб ҳалқасимон шохлар ва мева шохлар, уларнинг ҳолатига кўра, учдан бир қисмига ёки ярмига қисқартирилади.

Бачки шохлар яrim скелет шохларни алмаштириш ёки уларни мева шохларига айлантириш мақсадида шакллантирилади, ортиқчалари олиб ташланади, жароҳатланган жой атрофидаги бачки шохлар вақтинча қолдирилади.

Ҳосил мўл бўлиши кутилаётган йилларда буташ йўли билан ўтган мавсумда шаклланган гул куртаклари сонини камайтириш ва келгуси йил ҳосил заминини яратиш учун янги куртакларни шакллантириш зарур.

Кам ҳосил олиниши кутилаётган йилларда камроқ буташ йўли билан илгари шакллантирилган гул куртакларини сақлаб қолиш керак. Кузда эса аксинча кучли бутаб ёки баҳорда сийраклаштириш йўли билан келгуси йил ҳосили учун шакллантирилган гул куртаклар сонини қисқартириш зарур.

Нок ва беҳи ҳам олма каби сийраклаштирилган ярусли сингари буталади.

Интенсив боғларда дарахтлар пакана пайвандтагга уланганлиги боис дарахтларга веретино усулида шакл берилади. Бунда асосий лидер новда қолдирилиб, ёнига кўпроқ новда беришга қаратилади, яъни шохлатилади. Шакл беришда дарахтнинг асосий лидер шохида штамби учун 50 см қолдирилиб, ундан юқорисига 8–10 та кўз, ундан сўнг яна шип учун 3 та кўз қолдирилиб, ортиқчаси кесилади.

Мевали дарахтларни совуқдан ҳимоялаш



Мевали боғларни совуқдан заарланиш даражаси кўпгина омилларга боғлиқ. Булардан асосан тупроқ унумдорлиги, пайвандтагнинг совуққа чидамлилиги, навлар, ернинг шўрланиш даражаси ва ўтказилаётган агротехник тадбирлар шулар жумласидандир.

Мевали боғларнинг совуққа чидамлилиги ва чидамсизлилиги экиннинг кузлашганлигига боғлиқ. Агар ўсимлик кузлашини узайтиrsa навларни совуққа чидамлилиги паст, кузлаш тезроқ бўлса совуққа чидамлилиги баланд

бўлади. Ўз вақтида кузлашса новдалар тўлиқ етилади, бу новдалар фойдали моддалар тўлиқ таъминланиб совуққа чидамли бўлиш даражаси ошади.

Доимий нам, қаттиқ, қумли ва унумдорлиги паст тупроқларда ёш ва ҳосил берадиган новдалар тўлиқ пишиб етилмайди ва натижада совуққа чидамлилиги пасайиб кетади.

Шунингдек, шўрлик даражаси баланд, қумоқ, қуруқ, унумдорлиги паст тупроқларда новда ўсуви пасаяди ва кам миқдорда фойдали элементлар билан қишгача бориши туфайли совуққа чидамлилик даражаси камаяди.

Кўп ҳолатларда ҳайдалмаган бегона ўтлар билан қопланган боғларга совуқ кўпроқ таъсир қиласи. Минерал ва маҳаллий ўғитлар билан таъминланган, заарли ҳашаротларга, касалликларга қарши кураш ишлари ўз вақтида бажарилган боғларда совуққа чидамлилик даражаси юқори бўлади.

Тоғли ва тоғ олди майдонларда, яъни шамоллардан ҳимояланмаган мевали боғлар совуқдан кўпроқ заарланади, чунки мевали дaraohтнинг тиним даври эртароқ тугаши туфайли баҳорги совуқларнинг таъсири юқори бўлади.

Дaraohтни танасига жануб совуғининг таъсири кучли бўлади, сабаби қуёш нури ҳисобидан иссиқлик томир қисмига таъсир этиб тиним даврига ўтиши узаяди ва совуқнинг таъсири юқори бўлади. Шунинг учун пайванднинг совуққа чидамлилигини ошириш, фосфорли ва калийли ўғитларни ўз вақтида бериш муҳим аҳамиятга эга.

Мевали боғлар новдаларини нотўғри кесиш, хусусан ўз вақтидан эртароқ ёки муддатидан олдин кесиш совуққа чидамлилигини пасайтиради.

Дaraohtlar шаклининг ҳам совуқдан асрasha ўрни бор. Агар пирамидал шаклда бўлса совуққа чидамли, шарсимон ҳолатдагисига совуқнинг таъсири кучлироқ бўлади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, баъзида етилган меваларни дaraohтда то қишгача қолдириш ҳам совуққа чидамлилигини пасайтириб юборади. Чунки дaraoht танасидаги моддалар мевани сақлашга сарфланади ва пировардида ҳосил камайиб кетишига олиб келади.

Мевали дaraohtlarнинг танасини оқлаш кўп ҳолларда совуқдан ҳимоялаш ва қуёш нурини тўғридан-тўғри тушишини пасайтиришнинг энг яхши усули ҳисобланади. Бу тадбир ҳисобига мевали дaraohtни уйғониш даври, яъни тиним даври узаяди. Кўп ҳолларда мева териш даврида йўғон шохлари синади ва то тиним давригача синган шохлар кесиб олинади ва албатта кесилган жойларини, яъни 2 см. дан ошган ҳолларда мойли бўёқ ёки алиф билан суртиб чиқиши совуқдан заарланишини камайтиради.

Мевали дaraohtlarни ёшартириш ишларини бирданига эмас, балки 2–3 йилда амалга ошириш зарур. Чунки бирданига ёшартириш дaraohtнинг қуришига ёхуд совуққа чидамлилигини пасайтириб юборади.

Агар мевали дaraohtlar тана қисми ёки қалин шохларининг танаси шилинса, совуқ таъсирида ёрилиб, захм пайдо бўлса, захланган қисмини тозалаб 5% мис купороси, 5% Бордо суюқлиги билан тозалаб ювиб, оҳакли бўтқа суртиш керак. Мевали боғларни вегетация даврида 2–3 маротаба азотли ўғитлар, маҳаллий ўғитни шарбат усулида, фосфорли ва калий

ўғитларни 40–50 см чуқурликда дараҳтнинг томир қисмига яқин масофада чуқур қазиб берилса, куз пайтида фойдалар билан тўйинган ҳолда тиним даврига тез тайёр бўлади.

Шафтоли, олча ва ўрик дараҳтлари совуқдан заарланса, буни қайта тиклаш қийинроқ, олма ва нокка нисбатан совуқдан заарланган дараҳтларни эрта баҳорда кесиб ташламасдан, парвариш қилинса, тирик қолган камбе қаватлари ҳисобига яхши ҳолатга келтириш мумкин.

Субтропик мевали боғлар кўп йиллардан, яъни 2003 йилдан буён ҳаво ҳароратининг $-25\text{--}27^{\circ}\text{C}$ га пасайишининг ҳисобига дараҳтларнинг устки қисми совуқдан заар кўрмокда. Сабаби иқлим ўзгариб, юртимизга совуқ ҳаво оқими кириб келмоқда. Бу совуқ таъсирида асосан анор, анжир, хурмо каби субтропик экинлар нобуд бўлмоқда.

Эрта баҳор совуқларидан ҳимоялашнинг оддий усуллари:

- мевали дараҳтлар эртароқ уйғонмаслиги учун тупроқ, оҳакли аралашма, яъни оқ тупроқ кўшилмаси билан бўяш (пуркаш) 1/3;
- кечалари ҳафтасига бир маротаба оддий сув сепиш;
- тутундан фойдаланиш (кечки вақтларда);
- яхоб суви бериш (тиним даврида).

Ушбу усуллар мевали дараҳтлар уйғонишининг тиним даврини 5–6 кунга кечиктиради ва эрта баҳордаги, яъни март-апрель ойлардаги совуқдан ҳимоялайди.